

ГУЛАНДОМ ҚУРАМБОЕВА

# ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ



ISBN 978-9943-8085-0-8



9 789943 808508

**ГУЛАНДОМ ҚУРАМБОЕВА**  
филология фанлари номзоди, доцент

**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ**  
**АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ**  
(адабий алоқа, ўзаро таъсир ва  
бадий таржима)

Тошкент  
«EFFECT-D» – 2022

УЎК: 821.512.133.09(092)  
КБК: 83.3(5Ў)  
Қ 81

*Мазкур монография Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Кенгашининг 2022 йил 30-мартдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.*

*Масъул муҳаррир:*  
**Кенгесбай Алламбергенов** –  
*филология фанлари доктори, профессор*

*Тақризчилар:*  
**Баҳодир Каримов** – филология фанлари доктори, профессор  
**Зиёда Бекбергенова** – филология фанлари доктори, профессор

**Г. Қурамбоева. ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ АЛОҚА-ЛАРИ** (адабий алоқа, ўзаро таъсир ва бадиий таржима): монография. – Т.: «EFFECT-D» нашриёти, 2022. – 244 бет.

Ушбу монографияда XX–XXI аср ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирларнинг ижоди, таржимонлик фаолияти, қардошлик мавзусида туркум яратиш усули, миллий колорит яратиш бобидаги маҳорати ҳақида сўз юритилади. Хусусан, таниқли шоир ва ёзувчилар Ғафур Ғулом, Миртемир, Жўлмирза Оймирзаев, Асқад Мухтор, Ибройим Юсупов, Тўлепберган Қайипбергановлар бир пайтлар бошлаб берган адабий алоқаларни истиқлол йилларида давом эттираётган бир гуруҳ қалам соҳибларининг шеърият, наср, драматургия ва публицистика соҳасида эришган ютуқлари қиёсий аспектда ўрганилган.

Монография адабиётшуносларга, Олий ўқув юр்தларининг филология факультетлари талабаларига, магистрлари ва мустақил изланувчиларига, адабий алоқа ва таъсир, бадиий таржима масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларга, докторантларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8085-0-8

© Г. Қурамбоева, 2022.  
© «EFFECT-D» нашриёти, 2022.

## КИРИШ

Маълумки, адабий алоқа ва таъсир масаласи ҳар қандай даврда ҳам адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган. Ҳеч бир адабиёт йўқки, бошқа адабиётлар таъсирисиз, тажриба олмасдан ривожланган бўлсин. Шоир ва ёзувчилар ўзга миллат адабий жараёнида қўлга киритилаётган ютуқлар билан ўз халқини таржима асарлари орқали хабардор қилса, санъат ва маданият намояндалари қардош халқлар тилларида куй-қўшиқлар, ўша миллат тақдиридан сўзловчи сахна асарларини яратиб, халқлар дўстлиги ришталарини мустаҳкамласа, мавзунинг янада кенгроқ очилишига ҳисса қўшган бўлади. Шу йўсинда адабий дўстлик абадий дўстликка, адабий ҳамкорликка айланади. Зеро Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек *“Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди”*.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда китобхонликни тарғиб қилиш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, 2018 йилнинг 7–8 август кунлари мамлакатимизда биринчи бор ўтказилган *“Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари”* мавзусидаги халқаро конференция фикримизга далил бўла олади. Унда мамлакатимиз раҳбари нутқ сўзлаб: *“Ушбу конференция халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, ижодий уюшмалар, адабий нашрлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйишга доир амалий таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади, деб ишонаман. Дунё аҳолисининг қарийб учдан бир*

*қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.*<sup>1</sup> - дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, келажагимиз бўлмиш ёш авлод-ни инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва соғлом фикрлашга ўргатишда бадий адабиётнинг ўрни алоҳида. Кейинги йилларда нашриётларда нафақат жаҳон адабиётининг нодир асарлари, балки қардош қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва туркман адабиётининг ҳам бадий мукаммал асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта.

2017 йил 3 август куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир” номли маърузасида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида шундай деган эди: *“Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?”*<sup>2</sup>

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 7 август

<sup>2</sup> Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 3 август

Муҳтарам Президентимиз томонидан айтилган бу фикрлар шоир ва ёзувчиларга, санъат ва маданият арбобларига қаратилган бўлса-да, аслида нутқнинг мазмун моҳиятида миллий адабиётлар ўртасидаги алоқаларни ўрганувчи мутахассисларга ҳам дахлдор деб ҳисоблаймиз. Президентимиз нутқида таъкидлаб айтилганидек, айрим ижодкорларимиз “ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай”, “қандайдир турғунликка тушиб бир жойда депсиниб тургандай” таассурот қолдиради. Ваҳоланки, ижод аҳли, шоир ва ёзувчилар, маънавият тарқатувчилар жамиятнинг энг фаол фуқаролари бўлмоғи, олдинги қаторларда юриб халқимизни юксак марраларга илҳомлантирмоғи керак. Бугунги замон талаби, халқимиз эҳтиёжи ҳам шу.

Тўғриси, ҳозирги адабий муҳитдаги бундай сусткашлик адабий алоқаларни ўрганиш масалаларида ҳам давом этаётгани сир эмас. Масалан, ўзбек адабиётининг қардош адабиётлар билан алоқаларини тадқиқ этиш, тарғиб қилиш тадбирлари кўнгилдагидек деб айтиш қийин. Айтайлик, ўзбек адабиётининг қорақалпоқ адабиёти ёхуд қорақалпоқ адабиётининг ўзбек адабиёти билан алоқалари, ўзаро тажриба алмашувлари, адабий ҳамкорликнинг бошқада шакллари кенг доирада ўрганилган тадқиқотлар деярли йўқ. Соҳанинг илмий таҳлилига бағишланган мустақиллик йилларида чоп этилган бирор китобни кўрсата олмаймиз. Тўғри, ўзбек ва қорақалпоқ, қорақалпоқ ва ўзбек адабий алоқалари йўналишида бундан қарийб ўттиз-қирқ йиллар олдин китоблар, мақолалар ёзилган. Қорақалпоқ ва ўзбек адабиётшунослигида мавзуга доир ишлар қилинганини тан оламиз. Таниқли олимлар: Қ.Мақсетовнинг “Қарақалпақ адабиятынын туўысқан халықлар адабияты менен байланыслары” (1987), К.Мамбетовнинг “Оз-

бек ҳам қарақалпақ адабий байланыслари” (1992), “Наўайи ҳам қарақалпақ адабияты” (1993), Н.Жапақов, М.Нурмухаммедов, С.Ахметов, Қ.Бойниёзов, С.Баҳодирова, Қ.Жаримбетов, К.Алламбергенов, Қ.Ўразимбетов, З.Бекбергенова ва бошқа баъзи қорақалпоқ адабиётшуносларининг катта-кичик мақолалари босилган, албатта. Бу мавзу ўзбек адабиётшунослигида ҳам маълум даражада ўрганилган, мақолалар эълон қилинганидан хабаримиз бор. Б.Қурбонбоевнинг “Бердақ ижоди” (1977), “Бердақ ва ўзбек адабиёти” (1982), “Миртемир дўстлик ва қардошлик куйчиси” (1983) номли китоблари нашрдан чиққан. М.Қўшжонов, Б.Назаров, В.Зоҳидов, А.Ҳайтметов, П.Шермухамедов каби атоқли адабиётшуносларнинг мумтоз ва замонавий қорақалпоқ адабиёти ижодкорлари мисолида адабий алоқаларнинг баъзи қирраларини илмий ёритгани жамоатчиликка маълум.

Агар эътибор берган бўлсангиз, юқорида тилга олинган рисоалар бундан қарийб қирқ йил олдин нашр этилган. Муаллифларнинг мавзуга доир мақолалари ҳам шу даврларда босилган. Албатта, биз бу фикрни айтиш билан уларнинг аҳамиятини, илмий салоҳиятини камситмоқчи эмасмиз. Муаллифларнинг баъзи концепциялари, фикрлари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас, ҳозир ҳам долзарб. Лекин барибир мавзунини янгилаш, янги мафкура, янги эҳтиёж, адабиётшуносликнинг янги мезонлари, талаблари негизида ўрганиш зарурати бордек туюлади.

Яна бир фикр. Қўлингиздаги китобдаги мақолаларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг илмий-адабий журналларида мустақиллик йилларида эълон қилинган, илм аҳли, мутахассислар назаридан ўтган. Баъзи мақолалар турли йилларда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон нашри-

ётларида чоп этилган китобларимиздан танлаб олинди, таҳрир қилиниб, янги фактлар, янги таҳлиллар билан тўлдирилди ва китобга киритилди.

Хуллас, миллий адабиётларнинг алоқалари, ўзаро таъсири ҳеч қачон адабиётшуносликнинг кун тартибидан тушмай, долзарблигини ҳам йўқотмай келмоқда. Бироқ, юқорида қисман қайд этганимиздек, истиқлол йилларида мавзу бироз унутилгандек, мутахассислар назаридан четда қолиб кетаётгандек таассурот қолдиради бизда. Шу бўшлиқни қисман бўлса-да тўлдириш, ўзбек ва қорақалпоқ, қорақалпоқ ва ўзбек адабий алоқалари, таъсирлар самаралари хусусида бугунги китобхонни таништириш, мавзунини ўрганиш масалаларига адабий алоқашунослар диққатини қаратиш ниятида ушбу китоб юзага келди. Қолаверса, бош мақсадимиз қардош, тақдирдош қорақалпоқ ва ўзбек халқлари дўстлигининг бир кўриниши бўлган адабиётлар дўстлиги мисолида наинки икки халқ адабиёти, балки барча халқлар адабиёти тараққиёти учун ҳам бу жараён маънавий-маърифий эҳтиёж, зарурат ва қонуният эканлигини мухлисларга яна бир бор эслатишдан иборат. Муҳими, бу ғоя рисолада амалга ошган бўлса, тадқиқотимиз ҳозирги адабиётшунослик жараёнига камтарона ҳисса тарзида қўшилгудек бўлса, мақсадимиз ушалгандир.



## АДАБИЙ АЛОҚАЛАР – АДАБИЙ ЖАРАЁН ТАҚОЗОСИ

Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири адабий жараён тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканлиги илмда исботланган. Жаҳонда бирор адабиёт йўқки, фақат ўз-ўзича, ўзга адабиётлар билан алоқага киришмасдан ривожланган бўлсин. Хоҳ мумтоз адабиёт ёки замонавий адабиётми, албатта, бир-бирларидан ўрганиб, таъсирланиб, ўзлари мансуб адабиётни юксалтирган, ижодларини ҳам чиниқтириб борган. Муайян адабиётда янги шакллар ва жанрларнинг пайдо бўлиши, янги-янги адабий мавзуларнинг адабиётга кириб келиши, таржималар орқали бойиб бориши, жаҳоншумул асарларнинг яратилиши кўпинча ёзувчи ва шоирларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро таъсирига боғлиқ жараён. Фикримиз далилига жаҳон ва қардош адабиётларда мисоллар етарли. Жумладан, Марказий Осиё адабиётларининг ўзаро алоқалари, таъсири ва бир-бирларини бойитиб бориши ижобий самара бераётгани ҳақиқат. Масалан, ўзбек адабиёти қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва тожик адабиётларининг барча тараққиёт босқичларида адабий ҳамкорлик, ижодий таъсир ҳодисаси, устоз-шогирд анъанаси мақомида давом этди, адабиётлар шу негизда бугун ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Қадимий бу анъананинг шу кунларда ҳам замон талаби даражасида ривожланиши қуйидаги омилларга боғлиқ.

Чегараларнинг яқинлиги, тарихий илдизларнинг муштараклиги, тилларнинг умумийлиги, урф-одатларнинг ўхшашлиги, халқ оғзаки ижодидаги оҳангдошликлар халқлар ва адабиётлар дўст-

лигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ибратли факт. Қон-қардош халқлар бир дарёдан сув ичиб, “тарих деган бир мактаб”да ўқишган. Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд. Гўё “эт билан тирноқдек” гап. Айтайлик, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари дўстлиги, адабиётлари ҳамкорлиги тарих синовларидан ўтиб ҳозирги кунгача етиб келди ва ривожланиш йўлида. Мавзу адабиётшуносликнинг ўрганилиши зарур долзарб масалаларидан бири тарзида кун тартибда турибди.

Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг тарихи узун. Адабиётларининг ҳамкорлиги ҳам узоқ асрларга бориб тақалади. Бу алоқаларнинг ривожланиши ва юксалишида, аввало, мумтоз шоирларнинг ҳиссаси катта. Хусусан, XIX-XX асрлардаги адабий алоқаларнинг ривожланишида Алишер Навоий ижодининг роли алоҳида. Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби сўз усталари, кейинроқ Аяпберген Мусаев, Аббаз Добилов, Содиқ Нурумбетовдек халқ шоирлари Навоий ижодидан баҳраманд бўлиб қалам тебратган. Бердақ шоирнинг “Навоийдан савод очдим” деб ёзгани ёки Ажиниёзнинг аруз вазнида навоийёна ғазал ва мухаммаслар битгани, Содиқ шоирнинг:

*Уллы шайыр көркем сөздин устасы,  
“Лайли-Мажнун”, “Фарҳад-Шийрин” нусқасы,  
Сизден бизге мийрас қалды Наўайи,  
Қыз-жигиттин суйиш оқыр қиссасы -*

деб Навоийни таърифлагани бежиз бўлмаса керак. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир И.Юсуповнинг мана бу мисралари, чиндан ҳам, улуг ўзбек шоирига юксак эътироф рамзи:

*Саҳра гулларин шашайын устиңе,  
Наўайыны суйген қарақалпақ болып,  
Ибрайым дер, уллы руўхың алдында,  
Бас ийемен шагиртиң Бердақ болып.*

Мисолларни қорақалпоқ адабиётидан яна келтириш мумкин. Бу анъана даврлар ўтган сари сайқалланиб, янги бадий шакллар билан кенгайиб борди, адабиётларнинг салоҳияти ҳам юксалди. Жараённинг кундан-кунга янгича йўналишларда ривожланиб боришида муҳим саналган бир бадий шакл бор. Бу ўзаро адабий мавзу алмашув, яъни ўзбек ёзувчиларининг қорақалпоқ ҳаёти ҳақида, қорақалпоқ ижодкорларининг Ўзбекистон тўғрисида асарлар ёзиши билан боғлиқ жараён. Агар ўзбек ижодкорлари Қорақалпоғистон, қорақалпоқ халқи ҳаётига мурожаат этиб, туркум асарлар яратган бўлса, қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари ҳам ўзбек ҳаётини реалистик тасвирлаб асарлар ижод этишди.

Қорақалпоқ мавзуси ўзбек ижодкорларини ҳамма даврларда ҳам қизиқтириб келган. Халқ ҳаётини атрофлича ўрганиб, турли жанрларда колоритли асарлар ёзилганлигини мухлислар билади. Масалан, ўтган аср эллигинчи йилларининг иккинчи ярмида Асқад Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси” повести ва Миртемир қаламига мансуб “Қорақалпоқ дафтари” туркумининг пайдо бўлиши адабий муҳитда янги воқеа сифатида эътироф этилди, юқори баҳоланди. Тўғри, бу асарлар, хусусан, “Қорақалпоқ қиссаси” повести социалистик реализм методи ҳукмронлиги даврида, мафкуравий тазйиқлар остида ёзилгани учун асарда адабий сиёсатнинг салбий таъсири борлигини инкор этиб бўлмайди, албатта. Бироқ бу таъсир, умуман, повестнинг бадий қимматини йўқотди деганни

англатмаса керак. Сюжетнинг драматик характери, конфликтнинг жиддийлиги, энг асосийси, бош қаҳрамонлар Жапақ ва Сулув образлари, уларга қарши турган Алланбой, Полмонтоз, Эримбет каби шахслар орасидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, уруғ-аймоқчиликнинг салбий оқибатлари шундай тасвирланганки, воқеаларнинг ҳаётга жўровозлигини сезасиз. Ўша алғов-далғовли йиллардаги қорақалпоқ халқининг эзгулик йўлидаги курашлари ёрқин бўёқларда, тиниқ образларда реал тасвирлаб берилган. Ёзувчининг қорақалпоқ халқига, олижаноб фазилатларига ҳурмати, меҳри қиссанинг умумий руҳига сингдирилган. Буларнинг барчаси ўзбек адабиётида, китобхонлар назарида қисса муайян бадий қимматга эга, деб хулоса чиқаришга, бизнингча, асос беради.

“Қорақалпоқ дафтари” ҳам ўзбек шеърининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. “Туркум” қорақалпоқ китобхонлари учун ҳам янгилик бўлди. Муҳими, икки халқ адабий алоқалари мундарижасини ранг-баранглаштирди. “Туркум”га кирган ҳар бир шеърдаги қувноқ юмор, ҳазил-мутуйибага йўғрилган мисралар, қорақалпоқ халқига хос қувноқлик хислатлари жуда табиий ва таъсирли талқин қилингани шоирнинг маҳоратига далил. Тўпламдаги “Енгажон”, “Ҳодиса” шеърлари самимий юморга қурилгани, ихчам сюжети, лирик қаҳрамон туйғуларининг ғоятда жўшқин, юқори кайфиятда ёритилгани шоирнинг ҳақиқий маънодаги топқирлиги, десак муболаға эмас. Икки шеърнинг мухлисларга ёд бўлиб кетгани, ҳозир ҳам давраларда тез-тез янграб туриши, шеърят ихлосмандларига завқ-шавқ улашаётгани поэтик маҳорат кўринишидир. Тўпламдаги “Кегейлидан келган қиз”, “Кўл бўйида”, “Қорасоч”, “Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш”, “Тонгдан ҳам чирой-

ли”, “Сулув ёз”, “Саҳройи” номли шеърлардаги ифодавий шаклнинг содда ва енгиллиги, маҳаллий колоритнинг реалистик тасвири шоир бу ўлка ҳаётини табиатидан тортиб, одамлари психологиясигача ўрганганидан гувоҳлик беради. Шеърлар гўё қорақалпоқ шоири қалами билан ёзилгандек таассурот қолдиради. “Сурат” поэмаси шоирнинг қорақалпоқ мавзусини ёритишдаги навбатдаги ижодий ютуғи бўлди. “Қорақалпоқ дафтари”ни жилолантириб турадиган муҳаббат ва муҳаббатга садоқат ҳақидаги бу лирик қисса ўз даврида ўзбек поэмачилигини бир босқич юқорига кўтарди.

Бир қарашда, поэма иккинчи жаҳон урушига бағишлангандек туюлади. Аслида, шоир урушнинг инсонлар тақдиридаги даҳшатли оқибатларини, севишганлар қисматида қолдирган аянчли жароҳатларини Тошлон ва Ойсулув образлари мисолида очиб беришни назарда тутган ва бунга эришган ҳам. Қиссанинг ҳар бир лавҳасида муҳаббатга садоқат ва унга хиёнат, лирик қаҳрамонларда содир бўлган изтиробли туйғулар, қалб зиддияти, инсоний дард талқини китобхонни бефарқ қолдирмайди. Лирик қаҳрамон билан тенгдай ҳаяжонланади, руҳан қийналади. Асар шу хусусияти билан қалбларни ром этади.

Миртемирдан бошланган қорақалпоқ мавзусида туркум яратиш анъанаси бошқа ўзбек шоирлари томонидан ҳам давом эттирилди. Шоир Султон Акбарийнинг “Сулув сулув эмас, суйган сулув” шеърлар туркуми шу хилдаги асарлардан бири. “Туркум”га шоирнинг қорақалпоқ мавзусидаги йигирмага яқин шеърлари киритилган. Унинг қурилиши, мавзу ва мазмун талқини “Қорақалпоқ дафтари”ни эслатади. Бироқ мавзуга ёндашув бутунлай ўзгача. Услубий оҳангдошлик сезилса-да, С.Акбарий мавзуни ўзига хос ёрита олган. Шоир-

нинг “Хўжайли”, “Оролим”, “Қорақалпоқ тўқисим”, “Қирққиз”, “Бердақ дутори”, “Ойжамол”, “Оғайни”, “Бахшиёна”, “Чағалай” шеърларида Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ турмуши, бетакрор анъаналари, миллий белгилари, шоир ва ёзувчилари (Ж.Оймирзаев ва Т.Жумамуротов) билан дўстлик муносабатлари баъзан жиддий, баъзида юмор оҳангида, ҳазил усулида мавзу очилгани шеърларнинг ўзига хослигини белгилайди.

Ушбу мавзуга мурожаат этган ўзбек ижодкорлари фақат шулардангина иборат эмас. Уларнинг сафида турли авлод шоир ва ёзувчилари борлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Сўз юритилаётган мавзунинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни қорақалпоқ адабиётида ҳам Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳаёти тасвирланган назмий ва насрий асарларнинг сони ҳам, салмоғи ҳам ҳавас қилса арзигулик. Қорақалпоқ адабиётининг энг атоқли шоирларидан тортиб, кенжа авлод вакиллариғача шу мавзуда ижод қилишни ихтиёр этган. Бу ўринда И.Юсуповнинг ўзбек ҳаётини меҳр ва муҳаббат билан тасвирга олган асарларини биринчилар қаторида таъкидлаган бўлардик. Шоирнинг мавзуга доир асарлари бир жойга тўпланса, “Қорақалпоқ дафтари”га ўхшаган, балки ундан ҳам каттароқ ҳажмдаги ажойиб бир шеърий гулдаста пайдо бўлиши, сўзсиз. Муаллифнинг “Ўзбекистон”, “Ўзбек сози”, “Тошкентлик шоир дўстларимга”, “Навоийга”, “Қизинг гўзал бўлсин, шоира бўлсин” (Зулфия ҳақида), “Хоразмга”, “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам”, “Хивалик гўзал”, “Улуғбек хотирасига”, “Кел, Беруний боғларига” шеърлари ҳақиқий маънода муқаддас ва улуғ ғоялар куйланган, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ижод маҳсулидир.



И.Юсупов Алишер Навоий ижодининг Қорақалпоғистондаги чинакам мухлиси, тарғиботчиларидан бири бўлган, десак хато эмас. Анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттирган эди. Ўзбек шоирига бағишлаб шеър ҳам ёзганини юқорида тилга олдик. Шоир бу билан чекланмади. Шарқ мумтоз адабиёти, айниқса, Навоий ғазалиёти руҳида ўнлаб ғазаллар ҳам битди. Муаллифнинг “Баҳор ва сен” тўпламидаги “Кўрмадим”, “Бўлолмасман”, “Тонг отгунча”, “Сўйласин”, “Дунё”, “Ажаб эрмас” радибли ғазалларида Навоийнинг поэтик маҳоратини эслатадиган жиҳатлар анчагина. Булар Алишер Навоий меросига ҳурматнинг бадий ифодасидир.

Қорақалпоғистонда яшаб қорақалпоқ мавзусини ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ тилларида ёритиб келаётган яна бир истеъдодли шоир бор. Бу Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги давлат мукофоти лауреати Гулистон Матёкубовадир. Шоира икки тилда эмин-эркин ижод қила олади. Бу имконият унга ўзбек адабиётига ҳам, қорақалпоқ адабиётига ҳам бирдай хизмат қилишда қўл келмоқда. Муаллифнинг ўттиздан ортиқ китоблари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон нашриётларида икки тилда босилиб чиқди. У хоҳ шеърятда, хоҳ насрда, драматургия ва публицистикада ёки хотира-эссе жанрларида ёзмасин, уларда, албатта, қорақалпоқ мавзусидаги асарлар етакчилик қилади. Шоиранинг туркум шеърлари, “Жиров қалби”, “Ойбалдоқ”, “Айтгил менга Тўртқўл ҳақида”, “Энг нафис гул” дostonлари, “Оқ сўқмоқлар” қиссаси ва ҳикоялари, “Қаторда норинг бўлса” шеърый драмаси, “Қирқ қиз” эпоси асосида ёзилган “Гулойим” либреттоси, “Меҳрли дунё” киноқиссаси, “Қайтмоқ учун кетмоқдаман” бадиаси, “Жайхун ёқасида ўсган бойтерак” публицистик туркуми, бари-бари Қорақалпоғистон ҳақида, ўлканинг табиати, одам-

лари руҳиятини таҳлил қилишга бағишланган. Турли жанрлардаги бу ижод намуналарини фақат қорақалпоқ китобхонлари эмас, Ўзбекистондаги адабиёт мухлислари ҳам ўқиган, улардан хабардор.

Шоиранинг Қорақалпоғистонда истиқомат қилаётгани, қорақалпоқ халқи анъаналарини, урф-одатлари-ю яшаш шароити, табиати-ю одамлари психологиясини бир қорақалпоқ ижодкоридек идрок этиши, ҳис қилиб ёзгани асарларининг колоритли чиқишини кафолатлаган. Шеърларнинг ҳар бир сатрида, дostonларининг ҳар бир эпизодида, сахна асарларининг ҳар бир кўринишида, ҳар бир публицистик мақоласида қорақалпоқ руҳи, одамларининг характер қирралари, табиатининг бетакрор нафасини сезасиз. Айтилганларнинг ҳаммаси Гулистон Матёкубова Қорақалпоғистоннинг том маънодаги куйчиси деб хулоса чиқаришга асос беради.

Адабий алоқаларда, айтайлик, ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларида ўзаро бадий таржима ҳам муҳим рол ўйнайди. Икки томонлама бадий таржималарсиз адабий алоқаларни тасаввур қилиш қийин. Қорақалпоқ адабиётининг нодир асарлари ўзбек тилига таржима қилинганидек, машҳур ўзбек ижодкорларининг асарлари ҳам таржималарда қорақалпоқ китобхонларига тақдим этилган. Ажиниёз ва Бердақ асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, бир неча марта чоп этилган бўлса, бугунги ўзбек китобхонлари Т.Қайпбергеновнинг “Қорақалпоқ қизи”, “Қорақалпоқ дostonи”, “Қорақалпоқнома”, “Бобомга хатлар”, “Кўзнинг қорачиғи” ва бошқа қатор романлари ва қиссалари, И.Юсуповнинг “Булоқлар қайнаганда”, “Олтин қирғоқ”, “Сахро орзулари”, “Чўл тўрғайи”, “Раҳмат сенга замоним”, “Қоратов”, “Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг”, “Сўфитўрғай саломини” каби шеърый тўпламларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Энди-

ликда ўзбек адабиётининг Миртемир, Ҳ.Олимжон, Зулфия, А.Мухтор, Ш.Рашидов, А.Орипов, Э.Воҳидов, М.Юсуф, М.Али каби қалам аҳлининг асарлари қорақалпоқ тилига ўгирилганидек, қорақалпоқ адабиётининг Ж.Оймирзаев, Н.Жапақов, А.Атажонов, Ў.Абдурахмонов, К.Каримов, Ж.Избосқанов, М.Низонов, А.Абдиев, Б.Генжемуратов сингари шоир ва ёзувчиларнинг турли жанрлардаги асарларини ўзбек ўқувчилари ҳам яхши билади. Қисқаси, икки қардош адабиётлардан ҳозиргача қилинган ўзаро таржималар адабиётлар ҳамкорлигига хизмат қилганидек, таржима адабиётларини ҳам бойитди.

Ҳа, адабий алоқалар адабий жараён кўзгуси, адабиётлар тараққиётида етакчи воситалардан бири экан, уни ҳар томонлама ривожлантириш ҳар бир ижодкор, адабиёт аҳли учун ҳам ғоят масъулиятли вазифа бўлиши керак.

## **АДАБИЙ АЛОҚАЛАРДА АЛОҲИДА ИЖОДКОРЛАРНИНГ ВОСИТАЧИЛИК РОЛИ**

Таниқли қозоқ адиби Мухтор Шаханов анча йиллар илгари адабий дўстлик ҳақида матбуотда шундай ёзган эди: “Адабиётнинг хизмати беқиёс. Улкан дарёлар бор. Улар ҳеч бир чегара тўсиқни тан олмайдилар, турли мамлакатларни кесиб ўтиб барчасига баравар оби ҳаёт улашади. Улкан ёзувчилар ҳам ўшандай дарёларга ўхшаш. Истайсизми, истамайсизми, адабиётни алоҳида катта шахслар яратади. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқларнинг дўстлигига айланади. Шу маънода мен Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзодалар билан Мухтор Авезов, Собит Муқанов, Ғабит Мусреповларнинг дўстлигига доимо ҳайрат билан қарайман. Ижодкор ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун ҳам бошқа халқлар вакиллари билан дўстлашишга мажбур”.<sup>1</sup>

Бу фикр собиқ шўролар даврида айтилган бўлса-да, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотганича йўқ. Бундай фикрларни ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари, олимлари ҳам билдиришган. Мавзу ўта долзарб. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу жараён назардан четда қолгани ҳам сир эмас. Наинки, адабий алоқаларимиз, ҳатто, турли миллат ижодкорларининг борди-келдилари деярли тўхтаб қолди, шахсий дўстлик ришталарида узилиш юзага келди. Жумладан, Марказий Осиё адабий алоқаларида қисман бўшлиқ пайдо бўлгани ҳам ҳақиқат. Давлатлараро чегараларнинг ёпилгани, виза тартибининг жорий этилгани бу масалани янада мураккаблаштирди, ўзаро борди-келдиларда ҳар хил тўсиқлар юзага келди. Ҳайриятки, Мухтарам Пре-

<sup>1</sup> Шаханов М. Дўстлик қадри. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1987. 29-май.

зидентимиз Ш.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги тадбирлари, сиёсати яхши самара берди. Чегаралар очилди. Барча соҳалар қаторида адабий-маданий алоқаларимиз, шоир-ёзувчиларнинг шахсий учрашувлари, ўзаро тажриба алмашувлари учун қулай шароит яратилди ва бу ҳол нафақат халқларимиз, балки адабиётларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётганини халқимиз кўриб, ҳис қилиб турибди.

Фикримизча, адабиётда, ижодда шундай анъаналар бўладики, ҳеч қачон эскирмайди, долзарблик хусусиятини, амалий аҳамиятини ҳам йўқотмайди. Шундай анъаналардан бири ҳар хил миллат ижодкорларининг шахсий дўстлиги, бир-бирларининг адабиётлари учун қилган ғамхўрликлари, ўзаро фикр, тажриба алмашувларининг фойдали жиҳатларидир.

Бу анъанани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барча қалам соҳиби учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ўйлаймиз. Бир вақтлар Ғафур Ғулом ва Собит Муқанов, Берди Кербобоев ва Ғафур Ғулом, Миртемир ва Абдулла Тожибоев, Чингиз Айтматов ва Тўлапберган Қайпбергенов ҳамда бошқа бир қатор ижодкорларнинг адабий ҳамкорлиги, шахсий дўстлиги бугунги ижод аҳлига ҳам сабоқ, ҳам ибратдир. Гарчи, бу анъана яқин ўтмишга хос бўлса-да, бугунги авлодга бу тажрибанинг ибрат бўлгудек жиҳати бор. Шунга асосланиб, адабий алоқаларимизнинг истиқлол йилларидаги манзараларига яна бир бор назар ташлаш зарурати борга ўхшайди.

Мавзуга материал қилиб Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ижодини танладик. Ўз миллий адабиётидан ташқари бошқа адабиётларга ҳам хизмат қилиш ижодкор учун шараф. Бундай бахт камдан-кам ижодкорларга насиб этса керак. Кат-

та шоир, моҳир таржимон Миртемир мана шундай мартаба, обрўга сазовор адиблардан бири эди. Айниқса, шоир қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман халқлари китобхонлари учун ҳам севимли ижодкор. У тилга олинган халқлар адабиётига имконияти даражасида хизмат қилди. Ўз халқи китобхонларини таржима орқали қардош адабиётларнинг нодир асарлари билан таништириш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Қардошлар ҳаёти тўғрисида асарлар мажмуасини яратди. Муаллифнинг “Қирғиз дафтари”, “Қозоқ дафтари”, “Қорақалпоқ дафтари”, “Туркман шеърлари” туркумлари қардош халқлар ҳаётига бағишланган гўзал шеърят гулдасталаридир. Булар Миртемирни халқлар дўстлиги куйчиси дейишга тўла асос беради. Айниқса, шоирнинг қорақалпоқ халқи ва адабиётига қизиқиши ва ҳурмати бўлакча эди. Шу боисдан ҳам шоир ҳаётининг сўнгги кунларигача бу халққа, адабиётига ҳурматини унутмади. Имкон қадар шоирларининг янги асарлари билан танишиб боришга, она тилига ўгиришга астойдил ҳаракат қилди. Бу хизматларининг Бердақ номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганлиги шоир меросига кўрсатилган эҳтиромнинг бир ифодаси бўлди.

Манбаларда қайд этилишича, Миртемирнинг илк маротаба Қорақалпоғистонга келиши ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари иккинчи ярмига тўғри келади. Аниқроқ айтсак, шоирнинг сафари 1938-йилдан бошланган. Қорақалпоқ шоир-ёзувчилари ва олимлари билан танишуви, дўстона муносабатлар ўрнатиши ҳам шу йиллардан бошланган. У дастлаб Асан Бегимов, Нажим Давқораевлар билан танишган. Бердақ ва Ажиниёз шоирлар тўғрисидаги дастлабки маълумотларни улардан олганлигини хотираларида ёзиб қолдирган. Сўнг Аббаз Добилов, Жўлмирза Оймирзаев, Наврўз Жа-

пақов, Хўжабек Сейтов, Тиловберган Жумамуратов, Ибройим Юсуповлар билан танишиб, дўстлашган. Бу муносабатлар ижодий ҳамкорликга айланиб ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларига замин ҳозирлади. Ҳар икки адабиёт ривожига хизмат қила бошлади, янги-янги асарларнинг яратилишига туртки берди. Бу ҳақда шоир шундай ёзади: “Мен Қорақалпоғистонга тез-тез борадиган бўлдим. Ҳар борганда бирор шоир ижоди билан халқимни таништирдим. “Қорақалпоқ дафтари” ҳам шу йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келди ва қорақалпоқ халқига сидқидил қардошлик ифодаси бўлди, десам ёлғон эмас”.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, шоир ёзганидек, “Қорақалпоқ дафтари” “йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган” бетакрор шеърий туркум, ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўзбек шеъриятининг нодир намуналаридан бири, ютуғи бўлганлиги китобхонлар, олимлар томонидан баралла айтилди, юқори баҳоланди. И.Султон. О.Шарафиддинов, С.Мамажанов, И.Ғафуров, Н.Каримов ва яна бир неча адабиётшуносларнинг махсус мақолаларида туркум ўзбек шеъриятининг собиқ иттифоқ миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлаган асар сифатида эътироф этилди. О.Шарафиддинов туркумга кирган ҳар бир шеърни “поэтик кашфиёт” деб атади. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов “Зукко шоир, дилкаш инсон” мақоласида Миртемирнинг Марказий Осиё адабиётидаги шон-шухрати тўғрисида сўз очиб, бир ўринда: “Қорақалпоқ дафтари”, “Қирғиз дафтари” деб номланган шеърий туркумлари унинг ижодида энг сара, энг бақувват асарлардир.” деб ёзди.<sup>22</sup>

Бундай мақтовларни давом эттириш мумкин. Хўш, бу хилдаги машҳурликнинг сабаби, туркум-

нинг барча мухлисларга бирдай ёқиши ва завқ беришининг сабаби нимада? Бизнингча, бунинг асл сабаби, *биринчидан*, Миртемирнинг шоирлик маҳоратида, шеър санъатини пухта эгаллаб, содда ва чуқур маънода жўшқин қалб билан куйлаганида бўлса, *иккинчидан*, қорақалпоқ халқига нисбатан қардошлик меҳри ва ҳурматида деб тушунамиз. Туркумнинг икки халқ қалбида жўровоз янграшининг яна бир сабаби бор. Бу - туркумнинг чинакам қорақалпоқ колорити билан суғорилганлигида. Шеърларнинг номланишидан тортиб, ҳар бир банди, ҳатто ҳар бир мисрасида Қорақалпоғистон, қорақалпоқ халқига хос бетакрор хусусиятлар миллий жилолари билан уфуриб туради, ўқиб завқланасиз. Биргина “Енгажон” ёки “Ҳодиса”<sup>11</sup> шеърларини эсланг. Уларда қорақалпоққа хос миллий руҳ нақадар табиий ва гўзал берилганлигини кўриб ҳайратга тушасиз. Туркумдаги “Кегайлидан”, “Кўл бўйида”, “Қора соч”, “Барқут” каби шеърлар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Чиндан ҳам, улар О.Шарафиддинов таъкидлаганидек “поэтик кашфиёт”лардир. Шеърларнинг нафақат ифода шакли содда, равон, ўқимишли, ғоя ва маъно талқини ҳам ҳавас қиларлик даражада.

“Қорақалпоқ дафтари”даги “Ойсанамнинг тўйида”, “Бахшининг айтганлари” дostonлари, айниқса, “Сурат” поэмаси қорақалпоқ мавзусига бағишлангани учунгина эмас, бадий салоҳият бобида ҳам юксак асарлардир. Тилга олинган поэмалар ҳам “йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган”ки, ҳар бирининг Қорақалпоғистон билан боғлиқ яратилиш тарихи бор. Асар ёзилишига туртки бўлган фактлар мавжуд. Масалан, “Бахшининг айтганлари” дostonи маълум даражада Бердақ дostonлари сюжетида олинган илҳом

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент, 1980. 98-бет

<sup>2</sup> Миртемир. Замондошлар хотирасида. Тошкент, 1982. 24-бет

<sup>1</sup> Миртемир. Қарақалпақ даптери. Нокис., 1980. 22-34-бет

натижаси ўлароқ ёзилган бўлса, “Ойсанамнинг тўйида” поэмаси таниқли ёзувчи Асан Бегимовдан эшитган воқеа негизида ёзилганлиги шоир хотираларида қайд этилади: “Ойсанамнинг тўйида” поэмаси ёзилишига Асан оға сабабчи бўлди. Шу мунгли воқеани ўша табаррук одам йиғлаб-йиғлаб айтиб бергани ёдимда”,<sup>1</sup> - дейди Миртемир.

“Сурат” поэмаси ҳам қорақалпоқ заминиди битилгани манбаларда тилга олинади. Ҳатто асар қаҳрамонларининг прототиплари Қорақалпоғистонда, аниқроғи, Кегайли туманида деган мулоҳазалар ҳам бор. Жумладан, профессор К.Мамбетов “Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари” (1992) рисоласида шу фикрни илгари суради ва бир неча ҳаётий фактларни келтиради.<sup>2</sup> Миртемирнинг ўзи ҳам бир суҳбатида “Сурат”га асос бўлган воқеалар, поэманинг ижодий тарихи ҳақида сўралганида шундай жавоб берган экан: “Ҳатто воқеанинг (“Сурат” воқеаси назарда тутилмоқда - Г.Қ) содир бўлган вақтини ҳам, жойини ҳам ўзгартирдим. 30-йиллардан Улуғ Ватан уруши даврига, Тошкентдан Нукусга кўчирдим.”<sup>3</sup>

Кўринадикки, бу фикрлар К.Мамбетов келтирган маълумотларга мос келади ва поэманинг ўзак илдизи Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ ҳаёти билан уйғун эканлигига ишонч уйғотади.

Миртемирнинг қорақалпоқ ҳаётидан олиб ёзган ҳар бир асари, у шеърми ёки поэма-достонми, қатъий назар, турмуш материалини батафсил ўзлаштиргани, маҳаллий-миллий шароитни қалбан ҳис қилиб, реалистик талқин этгани нафақат ўзбек китобхонларига маъқул, балки қорақалпоқ шеъ-

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент., 1980. 99-бет

<sup>2</sup> Мамбетов К. Ўзбек ҳам қарақалпақ адабий байланыслари. Нукус., 1992. 95-бет

<sup>3</sup> Миртемир. Замондошлар хотирасида. Тошкент., 1982. 201-бет

рияи мухлисларига ҳам манзур тушди. Натижада, 1980-йилда туркум қорақалпоқ тилига ўгирилиб, алоҳида нашр этилди. Шеърларни таниқли шоир ва ёзувчи Хўжабек Сейтов қорақалпоқчаштирди. Туркумдаги “Енгажон”, “Ҳодиса”, “Кегайлидан”, “Барқут” номли ва бошқа бир қатор шеърларнинг қорақалпоқча таржимасидан ўқувчи қониқиш ҳосил қилади. Аслиятдаги поэтик оҳанг, шоир услубига хос оддийлик ва теранлик, енгил юмор белгилари таржимада яхши сақланган. “Сурат”, “Ойсанамнинг тўйида” поэмалари ва “Юз бир” қасидасининг таржималари ҳам эътироз уйғотмайди.

“Қорақалпоқ дафтари” тўпламидан Миртемирнинг қорақалпоқ мавзусидаги шеърларидан ташқари, бошқа мавзулардаги шеърлари ҳам ўрин олган. Ўзбек тилига таржима қилиниб, тўпламга киритилган. Ушбу таржималарда ҳам кўзга илингудек камчиликлар кўринмайди. “Қун нури” “Қиз қўшиғи”, “Чақмоқ”, “Устозимга”, “Она”, “Собит оғага”, “Ёз”, “Тонгданда гўзал” каби шеърларни мутаржим асл нусхасидек жаранглата олган. Мазкур таржималар ҳам наинки таржимоннинг истеъдоди, балки, Миртемирнинг шоир сифатидаги бадиий-эстетик маҳорати ҳақида ҳам ижобий таассурот қолдиради.

Миртемир ижодининг ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларидаги воситачилик роли ҳақида гапирганда унинг Бердақ ижодига муносабатини четлаб ўтиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. У Бердақ лирикасининг моҳир таржимони. Шоир ўтган асрнинг элигинчи йиллари бошларидан Бердақ меросига қизиқа бошлаган ва илк маротаба ўзбек китобхонларини шоир асарлари билан таништиришга киришган. Бердақ шеърияи таржималарига қўл урганининг сабабларини шоир кейинчалик шундай изоҳлаган эди: “Бердақ ижоди билан мен 1938-йилда Қорақалпоқга борганимда танишган



эдим. Ўшанда ардоқли олим ва улкан қаламкашлардан Асан оға билан Нажим оға менга Ажиниёз ва Бердақ асарларини ёдаки ўқиб, “Бўзатов” кўшиғини айтиб ҳайрон этдилар. Кейин мен шеърларнинг ёзма нусхалари билан танишдим. Мен Ажиниёздан ва Бердақдан таржима қилиб, матбуотда эълон қилганим ёдимда. Мени Бердақ ижодига етаклаб олиб борган йўл шундоқ”.<sup>1</sup>

Маълум бўлаяптики, шоирнинг Бердақ асарларига кўл уриши тасодикий эмас. Бу ҳам шоирнинг Қорақалпоғистонга кўп бора ташрифи, шоир ва ёзувчилари билан мулоқотлари натижаси ўлароқ адиб сўзлари билан айтсак: “йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган” ижодий меҳнат маҳсулидир. Таржималар муваффақиятли яқунланди. Бердақнинг “Солиқ”, “Бўлган эмас”, “Халқ учун”, “Денгиз балиғин бермади”, “Айрилиқ” ва яна бир туркум шеърларининг таржималари фикримизни тасдиқлашига аминмиз. Шеърларнинг ифода шакли ҳам, мазмун-моҳияти ҳам, Бердақ услубига хос халқона талқин ҳам гўзал поэтик тилда берилгани, шубҳасиз, таржимоннинг катта ютуғидир. Булардан бошқада, шоирнинг “Омонгелди”, “Ерназар бий” “Аҳмоқ подшо”, “Шажара” номли поэма ва достонлари таржималари хусусида ҳам ишонч билан шу фикрни билдириш мумкин. Бу мавзу алоҳида тадқиқот объекти, ҳозир таржималар хусусида кенгроқ тўхташ имкони йўқ.

Миртемирнинг Бердақ меросини чуқур ўрганганлиги, шеъриятини қалбдан ҳис қилиб иш кўрганлиги муаллифнинг Бердақ ижодига бағишланган “Қардош халқнинг номи ўчмас шоири” мақоласидаги қуйидаги фикрлари яна бир бор тасдиқлайди: “Бердақ асарлари менинг учун қардош қорақалпоқ халқининг ўтган аср ҳаётини аниқ кўриш мумкин

бўлган бир кўзгу бўлди. Шеъри босириқ туш янглиғ аянч, “хув” деб овлоққа чиқиб кетгулик даражада даҳшатли дунё! Унинг ҳамма шеърлари оғир ҳаёт лавҳаларидир”.<sup>1</sup>

Миртемирнинг таржимонлик фаолиятида машҳур қорақалпоқ эпоси “Қирқ қиз”нинг ҳам муносиб ўрни бор. Шоир дostonни ўзбек тилига яхши ўгирди. Таржиманинг бадий савияси нафақат ўқувчиларни мамнун этди, таниқли адиблар ҳам унга юқори баҳо беришди. Адиб К.Яшин: “Қорақалпоқ эпоси”, “Қирқ қиз” таржималари ўзи бир улуғвор олам” деб ёзган бўлса, академик Н.Каримов: “Миртемир ўзининг оригинал шеърларигагина эмас, балки таржима асарларига ҳам учқур қанот бағишлай олувчи шоир эди”<sup>2</sup>, деган эътирофда шоирнинг қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималари, жумладан, Бердақ мероси, “Қирқ қиз” эпосининг ўзбек тилига таржималари ҳам назарда тутилгани табиий, албатта.

Миртемир қардош қорақалпоқ халқи ва адабиётига, шоир ва ёзувчиларига жўшқин меҳр, катта ҳурмат ва эътибор билан қараган, бу ўлкада мунтазам ижодий сафарларда бўлиб, қардошлик мавзусида ўнлаб асарлар битган, қолаверса, бу гўзал адабиёт намуналари билан халқини таништиришга ҳамиша иштиёқманд сўз санъаткорларидан бири эди. Шоирнинг юқорида тилга олинган саъй-ҳаракатлари, ижодий фаолияти икки халқ, икки адабиёт алоқаларини, дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилганки, бу ҳаётбахш анъана бугунги авлод ижод аҳлида ҳам давом этса, нур устига аъло нур бўларди.

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент, 1980. 98-бет

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент, 1980. 99-бет

<sup>2</sup> Каримов Н. Устоз сабоқлари. Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент, 1980. 156-бет

## ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИДА ҒАФУР ҒУЛОМ АНЪАНАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Адабий алоқалар ва адабий таъсирлар муайян адабий жараён тараққиётида муҳим аҳамиятга эга етакчи омиллардан бири. Бирор адабиёт ёки алоҳида ижодкор йўқки, ўзга адабиётларнинг илғор анъаналаридан ўрганмаган, ижодда комилликка интилмаган бўлсин. Ижодкорлар ўзга адабиётларга қанча кўп мурожаат этса, имкониятлари шунча кенгаяди. Илмда исботланган ҳақиқат бу. Фикримиз тасдиғи учун истаган бир адабиётдан қатор мисоллар келтиришимиз мумкин. Бу масалада ижод аҳли “бири бирига устоз, бир-бирига шогирд” (Ғ.Ғулом) бўлиб келган ва мукамалликка интилган.

Бу жараёнда яна бир муҳим жиҳат бор. Юқорида қайд этганимиздек, адабий алоқалар ривожид алоҳида шахсларнинг воситачилик роли ғоят катта. Ижодкор шахсидан холи, уларнинг дўстона муносабатлари ва ижодий ҳамкорлигисиз адабиётлар алоқаларида кутилган натижага эришиш қийин. Бу фикрга ҳам миллий адабиётларда далиллар етарли. Зеро, миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари хусусида сўз бошлангудек бўлса, албатта, биринчи навбатда, муайян адабиётлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлар фаолияти кўз олдимизда гавдаланади. Ғафур Ғуломнинг С.Муқанов ёки Б.Кербабаев билан дўстона муносабатлари ёхуд Миртемирнинг А.Тожибоев билан ижодий ҳамкорлиги, Т.Қайпбергановнинг Ч.Айтматов ва О.Ёқубовлар билан ижодий мулоқотлари, ёзишмалари адабий алоқаларимизда қанчалик амалий аҳамият касб этганини бир эслаб кўринг. Шундай экан, мавзу-

ни кенгроқ ёритиш, тарғиб қилиш тадқиқотчилар зиммасидаги масъулиятдир. Аслида фақат ўз адабиётигагина эмас, қардош адабиётларга ҳам хизмат қилиб, адабиётлар ва халқлар дўстлигига ҳам сезиларли ҳисса қўшган қалам аҳли борки, ҳамиша эъзозда. Бундай буюк шахслар барча қардош адабиётларда бор. Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ана шундай улўғ сўз санъаткорларидан бири эди. У Марказий Осиёда жуда машхур адиблардан бири. Шоирни тожик ва туркман ҳам, қозоқ билан қирғиз ҳам, қорақалпоқ ҳам яхши билади. Ўз шоирларидай ардоқлайди, асарларини ўз она тилларида қайта-қайта нашр эттиради. Сабаби, шоир юқорида тилга олинган халқларнинг ватанларида кўп маротаба сафарда бўлган, адабиёти, ижодкорлари билан биродарлик ришталарини боғлаган. Ғафур Ғуломнинг Қорақалпоғистон, қорақалпоқ адабиёти ва ижодкорлари билан ҳамкорлиги ҳавас қилса арзигулиқдир.

Шоир Қорақалпоғистонга тез-тез ташриф буюриб турган. Ўтказилган ҳар хил адабий тадбирларда иштирок этган. Зарурат туғилганда маърузалари билан қатнашган. Қорақалпоқ адабиётининг долзарб масалалари юзасидан фикрлари билан ўртоқлашиб турган. Қисқаси, бу адабиётга ғамхўрлик қилишни канда қилмади. Фикримиз тасдиғига мана бир мисол: шоир 1954-йилда Нукусда “Алпомиш” достони ва Бердақ меросини ўрганиш бўйича ташкил этилган илмий-назарий конференцияда иштирок этиб, маъруза билан чиққани тўғрисида манбаларда маълумотлар учрайди. Ўша йилларда Бердақ меросига нисбатан ноҳолис фикрлар давом этаётган ёки “Алпомиш” достони “зарарли асар” деб қоралаш тенденцияси устуворлик қилаётган бир даврда бу даъволарнинг асоссиз эканлиги, ҳар икки манбани ҳимоя қилиб, оқлаб чиққанлардан

бири Ғафур Ғулом бўлганлиги шоирнинг замондошлари, қорақалпоқ олимлари мақолаларида тилга олинади. Шоирнинг А.Добилов, С.Нурибетов, Н.Давқараев, Ж.Оймирзаев, Н.Жапақов, Т.Жумамуротов, Х.Сеитов, Т.Сейтжановдек адиб ва алломалар билан танишувлари, муносабатлари, ижодий ҳамкорлиги икки адабиёт манфаатига хизмат қилди, адабий алоқаларнинг ранг-баранглашиб, бойиб боришига шароит яратди. Айниқса, шоирнинг Ж.Оймирзаев билан шахсий дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятида ёрқин саҳифалар бўлиб қолди.

\* \* \*

XX асрнинг ўттизинчи-олтмишинчи йилларидаги ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари Ғафур Ғулом ва Жўлмирза Оймирзаев ижодлари билан мазмунли ва серқирра бўлган. Бу даврларда икки шоир ҳам ўз адабиётларини ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлар. Устоз-шогирд бўлиб қалам тебратдилар, ижодий ҳамкорлик қилдилар. Бу ҳақда Ж.Оймирзаевнинг ўзи ҳам Ғафур Ғулом тўғрисидаги хотира-мақолаларида бир неча марта ёзди.

Ж.Оймирзаев Ғафур Ғулом билан илк маротаба Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг съезди (1934 йил)да танишган. Шундан бошлаб қарийб қирқ йил у ўзбек шоири билан дўстона ижодий алоқа муносабатларини сақлаб келган. Агар адиб ўзбек адабиёти, ўзбек ижодкорлари ҳақида бирор сўз айтмоқчи бўлса ёки мақола ёзса, сўзни Ғафур Ғуломдан бошлаши бежиз эмас. Бу икки улкан шоирнинг шахсий дўстлиги, адабий ҳамкорликлари ҳавас қилса арзигулик дўстлик, ҳамкорлик эди. Бу алоқалар фақат уларнинг шахсий муносабатлари-

да эмас, ижодларида ҳам яққол кўзга ташланиб турганига замондошлари гувоҳ. Ижод бобида ўзaro тажриба алмашиш, айниқса, уларнинг шеъриятида кўпроқ кўзга ташланади.

Маълумки, Ғафур Ғулом лирикаси ўзига хос, халқона ифодаларга бой, такрорланмас шеърият. Шеърларининг ифода шакли, ғоявий мазмун талқини ҳамиша ўқувчини сеҳрлайди. Фақат шеърият ихлосмандларига эмас, шоирларга ҳам илҳом беради. Ж.Оймирзаев ўзбек шоири шеърларидаги бу ғоявий-эстетик жиҳатлардан таъсирланган бўлиши эҳтимолга жуда яқин.

Ғ.Ғулом шеърларига хос жангаворлик, ҳозиржавоблик, публицистик руҳ ҳамиша қорақалпоқ шоирини ўзига мафтун этиб келган. Масалан, Ғ.Ғуломнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган туркум шеърларидаги ўлмас ғоялар, ватанпарварлик ва қаҳрамонликни улуғловчи, дўстлик ва биродарликни тарғиб қилувчи, вафо ва садоқатни куйлаган шеърлари қорақалпоқ шоирига руҳий куч берган, шундай мавзуларда ижод қилиш истagini уйғотган. Ғафур Ғуломнинг “Шарқдан келаётирман”, “Соғиниш”, “Сен етим эмассан”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак”, “Кузатиш” шеърларининг ғоявий мотивлари, урушни лаънатловчи қуйма сатрлар, инсонпарварликни мадҳ этган оташин чақириқлар Ж.Оймирзаев қалбига ижодий ният уруғини ташлаган. Буни шоирнинг ўзи ҳам тан олади ва мақолаларидан бирида шундай деб ёзади: “Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ғафур Ғуломнинг қалб тўридан чиққан шеърлари ҳаммамизни ҳаёт-мамот жангига, қаҳрамонона курашга чорлади. Унинг “Шарқдан келаётирман”, “Сен етим эмассан” шеърий тўпламлари ўша алангали йилларнинг ёдгорлиги сифатида қалбимизга ҳеч қачон унутилмайдиган асар сифатида абадий муҳрланиб қолди. Улар-

нинг таъсирида мен ҳам фронтда юрганимда бир неча шеърлар ёзганман. “Ўғлим тингла!”, “Синглимнинг ханжари”, “Қон билан ёзилган хат”, “Солдатнинг қасами”, “Фронтидан хат” ва яна бошқа шеърларим билан поэмаларим “Менинг дўстларим” деган ном билан алоҳида китоб шаклида босилиб чиққан эди”.

Агар Ж.Оймирзаевнинг юқорида эслатилган шеърларини Ғ.Ғуломнинг уруш йилларидаги ҳарбий лирикасига қиёсласак, кўпгина ўхшашликларни, умумийликларни, ватан ва инсонлар тақдири талқинидаги муштаракликни, услубий яқинликни кўрамиз. Бу давр ўзбек шоири шеърлятига хос сафарбарлик, ватанпарварлик, чидам ва сабот, дўстлик ва қардошлик, душманга нафрат ғоялари қорақалпоқ шоирининг қалб кечинмалари тарзида табиий чизиб берилган. Ғафур Ғуломнинг “Кузатиш”, “Соғиниш”, “Сен етим эмассан”, “Халқ отланди”, “Биз енгамиз”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” каби шеърлари Ж.Оймирзаевнинг “Ўғлим тингла”, “От солиниг душман устига!”, “Фронтидан хат”, “Ёвни яксон қилурмиз”, “Ғалаба билан кут” сингари шеърлари ўртасида мавзу ўхшашлиги, поэтик талқин яқинлиги, тасвирий воситалардан фойдаланишдаги умумийлик уларни ўзаро уйғунлаштириб турадики, бу ижодий таъсир самарасидир. Халқимиз бошига тушган кулфатга ҳамдардлик муносабатида икки шоир фикрдош бўлган, бир хил уруш даҳшатларини икки хил услуб ва усулда ўзига хос поэтик овозда талқин этганлар.

Ғафур Ғуломнинг ҳарбий мавзудаги туркум шеърлари Ватан ҳимоясига отланаётган жангчига мурожаатдек янграйди. Жангчининг ғалабага ишончини мустаҳкамлаш, жасорат кўрсатишга даъват, чақириқ руҳи таъсирли ифодаланади. Шоир фронт орқасида туриб урушни лаънатлайди, душманнинг мағлуб бўлиши муқаррарлигига ўқув-

чини ишонтиради, “Биз енгамиз!”, дейди шоир. Муаллиф “Кузатиш” шеърида ўғлига қарата:

*Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл,  
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл, жўр бўл,  
Халқимнинг ҳурмати, ғолиб бўл, зўр бўл...<sup>1</sup>*

деса, «Халқ отланди» шеъридаги чақириқ оҳанги янада шиддатлироқ, янада жангавор, умумхалқ даъватидек, Ватан ҳимоячиларига Она юртнинг топшириғидек жаранглайди:

*Ботир бўл, аяма, қонга қон сўра,  
Отанг қасамини айлагин давом,  
Токи, малъун душман аччиқ сезолсин,  
Даҳшатдир биздаги хунун интиқом...  
(155-бет)*

Ж.Оймирзаев уруш даҳшатларини ўз ҳаётида синаган, душманга қарши жанг қилган фронтчи-шоир. Фақат ўзи эмас, ҳаммани бу ҳаёт мамот урушида “қонга қон, жонга жон олиш”га ундаб шеърлар битган жангчи шоир.

*Ана ушын, ел ушын,  
Қайтпан қанлы майданнан,  
Азатлық ушын, ерк ушын,  
Аяманлар ҳеш бир жан.  
Қасқырды қанға тоймаған,  
Қырынлар батыр славян...<sup>2</sup>*

Бу мисралар Ғафур Ғуломнинг юқорида келтирилган жангга кетаётган Ватан аскарларига му-

<sup>1</sup> Ғ.Ғулом. Асарлар. Беш томлик. Биринчи том. Тошкент, 1964. 161-бет. Кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси матнда кўрсатилади.

<sup>2</sup> Ж.Аймурзаев. Улым тынла! Нокис., 1996. 9-бет. Кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси матнда кўрсатилади.



рожаатига оҳангдош эканлигини ҳис қилгандир-сиз. Жангавор чақириқ руҳидаги бундай шеърлар Ж.Оймирзаевнинг ҳарбий лирикасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ғафур Ғулом баъзи шеърларида фронт орқасида туриб жангчиларга юзланади, уларга илиқ сўзлар айтади, душмандан ўч олишга чақиради. Шоирнинг айрим шеърларидаги мурожаат ўғлига қаратилган бўлса-да, аслида оталарнинг фарзандларга мурожаатидек туюлади. Юрт ҳимоясига отланмоқчи бўлиб турган фарзандга отанинг меҳри, хайрлашаётгандаги руҳий кечинмалари тасвирини ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Ҳар бир ота-она мана шундай вазиятларда ўғлига эзгулик тилайди, боши омон бўлиб, соғ-саломат қайтишини истайди. Шоир лирик қаҳрамоннинг бу ҳолатини қалбидан ўтказиб, меҳр туйғулари билан шеърга солади, сизни ҳам лирик қаҳрамон “дард”ларига шерик қилади.

*Ё ўғлим, жонгинам саломат бўлсин,  
Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла.  
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,  
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.*

*Боғда товус каби хиромон бўлиб,  
Умид данагини бирга экингиз.  
Ғолиб келажакни сайр қилайлик  
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.*  
(182-бет)

Ж.Оймирзаевда бу мавзу талқини сал бошқачароқ. Шоир кўпинча фронтдан эл-юртига, халқига мурожаат қилади. Буни муаллиф жангчи - лирик қаҳрамон кечинмалари орқали ифодалайди. Шеърдаги поэтик фикрлар жангчининг руҳий ҳолати

тасвирида, халқига қасамёд шаклида кўринади. Шоирнинг “Фронтдан хат”, “Ёвни яксон қиламиз” шеърлари ўқувчида Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга чиққан жангчининг онтидек таассурот қолдиради:

*Салем сизге бахытлы ел,  
Батыр туўған Қарақалпақ,  
Перзентинмен-фронттаман,  
Биз женемиз, исимиз ҳақ... (6-бет)*

Ёки, мана худди шундай мазмун ва оҳангдаги яна бир тўртлик:

*Киндигимнинг қаны тамған,  
Ант етемен саған Ўатан,  
Сени, халықты қорғайман деп,  
Қалғанынша бир тамшы қан. (8-бет)*

Кўриб турганингиздек, жанг майдонларида жасорат намуналарини кўрсатиб юрган лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлиги, юртига садоқати, душманга нафрати, ғалабага ишончи ўта жангавор, қуйма сатрларда акс этган. Бу шеърый парчалар бизга Ғафур Ғуломнинг қуйидаги тўртлигини эслатади:

*Биз енгамиз, дўстим, буни яхши бил,  
Малъун Гитлер қабрига шу ёзилур:  
«Мучали ит, ўзи тўнғиз душманнинг  
Ўлган йили бир минг тўққиз юз қирқ бир».*  
(191-бет)

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек ва қорақалпоқ ҳарбий лирикасида “хат” шакли кенг қўлланилган. Онанинг жангдаги ўғлига мактуби,



Ўғилнинг онага жавоби ёки қизнинг фронтга кетган севган йигитига хати, йигитнинг севгилисига жавоб мактуби ёхуд отанинг фарзандга, фарзанднинг отага мактублари бу давр ҳарбий лирикасининг етакчи шеърий шаклларида бири эди. Жангчининг Ватан, қолаверса, ота-она олдидаги фарзандлик бурчи, севишганларнинг аҳду паймонларига содиқлиги, вафо, садоқат, ишонч, умид каби ахлоқий фазилатлар “хат” усулида, лирик қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари фонида, фронтга ёки фронт орқасига йўлланган. Ва бу адабий усул ўзини тўла оқлаб, иккинчи жаҳон уруши даври ҳаётини, инсонлар руҳиятини реал тасвирлашнинг қулай бадий воситаси вазифасини ўтади.

Ғафур Ғуломнинг ҳарбий мавзудаги шеърларида бу усул кўпроқ отанинг жангга отланаётган фарзандига, умуман, юрт ҳимояси учун қўлига қурол олган ҳар бир аскарга берилган топшириқ, айтилган насиҳатни юзага чиқарадиган бадий шакл бўлиб хизмат этган.

*Саломат борингиз, қайтингиз омон,  
Қўксингизда порласин бир қатор нишон,  
Курашда мард бўлинг, ғолиб қаҳрамон,  
Улуғ ўзбек халқидан табрик ва салом,  
Салом билан шоир Ғафур-ал Ғулом.*

*(179-бет)*

Ж.Оймирзаевнинг шеърларида “хат” кўпроқ отанинг фронт орқасидаги фарзандига, юртдошларига, ёру-биродарларига, қариндошларига мактуб, уларнинг ишончини оқлашга ваъда, қасам шаклида кўринади. Элга ёруғ юз, ғалаба билан қайтиш ғояси барча шеърлари руҳига сингдирилган. Жангчи шоирнинг “Ўғлим, тингла!” шеърдан олинган қуйидаги тўртликда уруш оловлари ичида юрган

лирик қаҳрамоннинг Ватанига, фарзандларига меҳри қанчалик баланд эканини, душманга нисбатан қаҳр-ғазаби чексизлигини сезиш қийин эмас.

*Улым тынла. Журмен майдан ишинде,  
Ййнимде бар жарқыраған жаў-жарақ,  
Егер жаўды жексен етип бармасам,  
Сен есапла оннан олим жақсырақ... (6-бет)*

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий мавзуларда қалам тебратишда Ж.Оймирзаевнинг Ғафур Ғулом шеърияти тажрибаларига таянгани унинг ижодий оригиналлигига асло ҳалақит бермади. Аксинча, давр ҳақиқатини ўзига хос поэтик шакл ва мазмунда, ўзига хос услубий йўналишда, ўзининг ижодий имкониятларига мувофиқ ёритишига замин ҳозирлади. Шунинг учун ҳам Ж.Оймирзаевнинг ҳарбий лирикаси ғоявий бадий хусусиятлари билан Ғ.Ғуломнинг ҳарбий мавзудаги шеърларидан тубдан фарқ қилади. Ва бу фикр мазкур асарлар иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қорақалпоқ ҳарбий шеъриятининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади, деб хулоса чиқаришимизга асос беради.

## ҚОРАҚАЛПОҚ МАВЗУСИ МИРТЕМИР ЛИРИКАСИДА

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир қорақалпоқ халқи ва адабиётига жуда яқин, бутун ижодий фаолияти давомида бу адабиётга меҳр билан қараган, умрининг охиригача шоирлари ва ёзувчилари билан дўстона алоқаларни сақлаган ҳассос қалам соҳибларидан бири эди. Халқимиз Миртемирни улуғ шоир Бердақ асарларининг Ўзбекистондаги йирик таржимони, ўзбек китобхонларини “Қирқ қиз”дек буюк эпос билан таништирган катта мутаржим деб ҳам билади. Шоирнинг Жўлмирза Оймирзаев, Хўжабек Сейтов, Тиловберган Жумамуротов, Ибройим Юсупов ва бошқа қорақалпоқ адиблари билан ижодий ҳамкорлиги, қардошлик муносабатлари ҳали халқимизнинг ёдида бўлса керак.

Миртемир ўз хотираларида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаёқ қорақалпоқ адиблари билан танишганлигини, Асан Бегимов, Содик Нурумбеков, Аббаз Добилов, Нажим Довқораев, Наврўз Жапақовлар билан кўп бора суҳбатда бўлганини хурмат билан эслайди. Бердақ, Ажиниёз каби шоирлар ижоди билан ўша йиллардаёқ ана шу адиблар орқали таниша бошлаганини, қорақалпоқ ҳаёти ва адабиётига қизиқиш шу тарзда кучайиб борганини, натижада, Қорақалпоғистон ўзи учун қадрдон бир ўлкага айланганини қониқиш билан ёзади. *“Мен қорақалпоққа тез-тез борадиган бўлдим. Ҳар борганимда бирор шоир ижоди билан халқимни таништирдим.”*<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, Миртемирнинг “Қорақалпоқ дафтари” шеърий туркуми узоқ муддатлик борди-келдилар, ижодий изланишлар самараси ўлароқ вужуд-

га келган. У XX асрнинг эллигинчи йиллари иккинчи ярмида ёзилган ва нашр этилган. Туркум ўзбек адабиёти, айниқса, шеъриятида катта янгилик, бадий кашфиёт асар сифатида кутиб олинди, юқори баҳоланди. Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборовнинг XX асрнинг 90 йиллари аввалида “Қорақалпоқ дафтари” ҳақида айтган фикрлари туркум қанчалик яшовчан асар эканлигига далилдир: “Қорақалпоқ дафтари” туркуми эллигинчи йилларнинг турғун шеърияти уфқида қандай ёрқинлик ҳосил қилганини ёдга олинг. Бу туркум умум адабиётимиз учун катта воқеа бўлган эди. Ҳамма давраларда, адабий учрашувларда, ижодий баҳсларда шу ҳақда гап борар эди. Шоирнинг бадий сўзга бўлган талабчанлиги, сўзга қувват, жило бахш этиш истеъдоди туркумда алоҳида куч билан кўринди.<sup>1</sup>

Атоқли адабиётшунос О.Шарафиддинов эса “Қорақалпоқ дафтари” нафақат Миртемир лирикаси ёки ўзбек адабиётида, балки барча туркий адабиётлар учун ҳам янги ҳодиса бўлганлигини тадқиқотларида ёзди. Туркумнинг пайдо бўлганига ярим асрдан ошса-да, у ҳамон бадий салоҳиятини сақлаб, мухлисларга завқ улашиб келмоқда, адабий танқидчиликнинг юқори баҳосини қозонди. Истеъдод билан битилган бадий асар ҳеч қачон эскириб, қадрини йўқотмаслигини “Қорақалпоқ дафтари” мисолида кўрдик. Ҳар бир давр туркумдан ўзига керагини топиб, маънавий озиқ сифатида фойдаланавериши мумкин. Образли маънода айтсак, “Қорақалпоқ дафтари” олмосга ўхшайди, қайси томондан қарасангиз ҳам худди олмосдек шуъла сочиб, жилоланиб туради.

Миртемир бундай ижодий ютуққа осонлик билан эришмаган, албатта. Шоирнинг ўзи айтганидек, туркумдаги шеърлар бир ўтиришда ёзиб

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент, 1980., 98-бет

<sup>1</sup> “Ўзбекистон овози”, 1991., 9 октябрь

ташланган эмас, балки узоқ йиллик борди-келдилар, *“йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келди”*. Қорақалпоқ ҳаётини чуқур ўргангани, урф-одатлари ва анъаналарини, қорақалпоқ тилини, миллатнинг психологиясини яхши ўзлаштиргани учун ҳам *“Қорақалпоқ дафтари”*даги шеърлар чинакам миллий руҳда ёзилган. Таниқли адабиётшунос ва танқидчи У.Норматовнинг сўзлари билан айтсак: *“Шоир (Миртемир - Г.К.) қорақалпоқ ҳаётига ўзбек кишининг кўзи билан нигоҳ ташлайди, лекин ҳақиқатга заррача путур етказмайди, қорақалпоқ ерининг, қорақалпоқ ҳаётининг руҳини, нафасини шундоғича китобхон димоғига етказди”*.<sup>1</sup>

*“Қорақалпоқ дафтари”*га кирган шеърларнинг аксарияти қорақалпоқ ҳаётининг бадий кўзгуси, миллий ранглари билан ўқувчига илҳом бағишлайдиган намуналардир. Лирик қаҳрамон туйғуларининг бой ва таъсирчанлиги, ҳазилга йўғрилган мисралар сизни ўзига тортиб туради. *“Аму бўйида”, “Ҳодиса”, “Енгажон”, “Кегейлидан келган қиз”, “Барқут”, “Кўл бўйида”, “Қора соч”, “Сулув ёз”* сингари шеърларда, *“Юз бир”* қасидасида қорақалпоқ ҳаётининг ҳар хил манзаралари, одамлари табиатига хос характер хусусиятлари табиий чизилган. Миртемирнинг ҳар бир шеъри реал воқеага асосланиб ёзилган. Шоир ўзи гувоҳ бўлган, эшитган ёки иштирок этган бирор ҳаётий лавҳани танлайди ва уни сюжетга айлантириб ўқувчига етказди. Масалан, *“Ойсанамнинг тўйида”* достонининг яратилишига туртки бўлган воқеа ҳақида муаллиф ёзган эди: *“Ойсанамнинг тўйида” достонининг ёзилишига Асан оға (Асан Бегимов - Г.К.) сабабчи бўлди. Шу мунгли воқеани ўша табаррук одам йиғлаб-йиғлаб айтиб бергани ёдимда”*.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> “Шарқ юлдузи”, 1966. 6-сон

<sup>2</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент, 1980., 99-бет.

Шоирнинг *“Сурат”* достонида ҳам реал воқеа тасвирланади, унинг бир *“илдизи”* Қорақалпоғистонда, шу ернинг инсонлари тақдири билан боғлиқ.

Миртемирнинг хоҳлаган бир шеъри билан танишсангиз, дарҳол бирон ҳаётий воқеа кўз олдингизда гавдаланишининг асл сабаби ҳам шунда. Шоирнинг қорақалпоқ турмушидан олиб ёзган шеърлари жуда табиий ва ишонарли, муҳими, сунъийликдан холи.

Шоирнинг қорақалпоқ ҳаётидан ёзган ҳар бир шеърида турмуш манзаралари, такрорланмайдиган бадий деталлар, ифодалар бор. Улар ҳаёт ҳақиқатига жуда мос, худди қорақалпоқ шоири қалами билан битилгандек таассурот қолдиради.

Миртемирга шуҳрат келтирган шундай асарларидан яна бири *“Сурат”* достонидир. Достон *“Қорақалпоқ дафтари”* туркумидаги мукаммал, барчага бирдек эстетик таъсир кўрсатадиган, ҳаяжонга соладиган шоирнинг навбатдаги бадий ютуғидир. *“Сурат”*ни бемалол *“муҳаббат ҳақидаги қўшиқ”* деса бўлади. Бутун бошли достонни шу кунларда ҳам ёд биладиган мухлисларнинг борлиги асарнинг нақадар ўқимишли, халқимиз қалбига яқин эканлигининг далилидир.

*“Сурат”*нинг ёзилиш тарихи, сюжетининг шаклланиш жараёнлари ҳам бевосита Қорақалпоғистондаги баъзи реал фактлар билан алоқадор. Тўғри, достоннинг яратилишида муаллифнинг ҳаётий тажрибаси, айрим воқеалар ҳам муайян даражада роль ўйнаган. Н.Каримов, С.Мамажонов, Ғ.Мўминов, Т.Халилов каби ўзбек адабиётшунослари бу ҳақда матбуотда ёзишди. Шоирнинг ўзи ҳам достондаги Тошлон ва Ойсулув образларининг прототиплари билан боғлиқ баъзи маълумотларни ошкор қилган эди. Биз *“Сурат”*нинг ижодий тарихи билан алоқадор айрим фактларни *“Миртемир ва қорақалпоқ*

адабий муҳити” (Нукус, “Қорақалпоғистон”, 2003., 45-67-бетлар) номли монографиямизда атрофлича таҳлил қилгандик. Шунинг учун бу мавзунини яна давом эттириш заруратини кўрмадик.

Хулоса шуки, “Қорақалпоқ дафтари” ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари тарихида янги саҳифа очган ноёб туркум бўлди. Мажмуа ўзга бир халқнинг ҳаёти тўғрисида бадиий асар яратишнинг гўзал намунаси, бошқалар учун ижодий мактаб вази-фасини ўташига ишонамиз. “Қорақалпоқ дафтари” эллик йил олдин ёзилган бўлса-да, у кеча ёки бугун ёзилган, ҳали “сиёҳи қуримаган” янги асардек қорақалпоқ ва ўзбек китобхонларида яхши таассуротлар қолдиришда давом этмоқда.

\* \* \*

Миртемир қорақалпоқ мавзусида қалам тебратишда асардан асарга ўсиб, маҳорати тобланиб борди. Узоқ йиллар давомидаги ижодий изланишлар, машаққатли меҳнат шоирга шуҳрат келтиришда давом этди. Шоир поэтик маҳоратининг тобора ошиб бориши қорақалпоқ мавзусидаги асарларида миллий колорит яратишда кўпроқ кўринди. Чунки, муаллифнинг қорақалпоқ ҳаётидан ёзилган ҳар бир асари катта ижодий ютуқ деб баҳоланди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бошқа бир халқнинг ҳаёти тўғрисида асар яратиш, унинг миллий руҳини, ўзига хослигини бериш учун фақат талантнинг ўзи кифоя эмас. Ўша миллатнинг тилини, адабиёти ва маданиятини, тарихини, урф-одатларини, миллий қадриятларини, анъаналарини, бошқада миллий унсурларини ҳар томонлама ўзлаштириб, қалбига сингдирмоғи, содда қилиб айтганда, зарур бўлса, ўша халқнинг турмуш тарзи билан “яшамоғи” керак. Шундай ижодий изланиш босқичини

ўтмасдан, бу муқаддас мавзуга қўл уриш, юзаки ёндашиш кутилган натижани бермайди. Сўз юртилаётган халқнинг миллийлигини инобатга олмасдан қалам тебратиш, қайсидир маънода, ўша халққа нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланишини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. И.Юсупов қардошлар ҳаёти тўғрисида асар яратишнинг масъулияти ҳақида ўз ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги мулоҳазаларни айтгани бежиз эмас: “Дўстлик ғояси, мавзуси ғоят буюк мавзу. Қуръони каримни таҳоратсиз қўлга олиб бўлмаганидек, бу мавзуга ҳам қалб ёлқинисиз мурожаат этмоқ бе-кор. Мен ҳам шоир сифатида халқлар дўстлиги мавзуида кўп асарлар яратганман. Уларни дилдан чиқариб ёзишга, қардошликнинг улуғ туйғу эканини дил-дилдан ҳис қилиб, тил учида эмас, бағрим ўртаниб куйлашга ҳаракат қилганман. Маълумки, ҳар бир халқнинг ёки юртнинг ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган гўзал, бетакрор романтик олами бўлади. Дўстликни улуғлайдиган ҳақиқий шоир бошқа халқларнинг ана шу романтик оламини чуқур англамоғи, уни оташин муҳаббат билан севмоғи керак. Масалан, устоз Миртемирнинг “Қорақалпоқ дафтари” туркум шеърларида шоирнинг юртимизга бўлган ана шу оташин муҳаббати ёрқин аксини топган”.

Бу фикрлар, бизнингча, ортиқча шарҳга муҳтож эмас. Хусусан, қорақалпоқ адабининг “Қорақалпоқ дафтари”га берган баҳоси, фикри тасдиғига айнан мазкур туркумни мисол келтириши ёқимлидир. Миртемир И.Юсупов айтганидек, қорақалпоқ мавзусини “дилдан ҳис қилиб, тил учида эмас, бағрини ўртаб” куйлаган шоир. Дўстлик ғоясининг аҳамиятини теран тушуниб, қорақалпоқ ҳаёти мисолида улуғлаган адибдир. Бутун бошли халқнинг турмушини бир эмас, бир неча асарларида миллий ўзи-

га хосликларини унутмаган ҳолда, турфа услуб ва усулларда тасвирлаб берган “Қорақалпоқ дафтари”дек туркум ўзбек адабиётида ҳали яратилганича йўқ.

“Қорақалпоқ дафтари”нинг энг катта ютуғи туркумнинг қорақалпоқ ҳаётига оҳангдошлигида, айнан шу ҳаётнинг бадий кўзгуси эканлигида. Миртемирнинг ижодий-эстетик тамойили шундай бўлганки, ҳеч қачон ўзи кўрмаган, билмаган, эшитмаган, ҳис қилмаган, ёки ўзини тўлқинлантирмаган ҳаёт материалига мурожаат этмаган. Шоир қачонки бирор воқеадан таъсирланса, илҳом олиб, завқланса, ёхуд ўша воқеа ҳаёлида айланиб юрган ижодий ниятга мос келса, асар ёзишга ўтирган. “Қорақалпоқ дафтари”туркумини шакллантириш, мундарижасини бойитиш мақсадида шоирнинг Қорақалпоғистонга қайта-қайта келиши, маҳаллий шароит турмуш тарзи билан танишишининг бош сабаби ҳам шунда. Миртемир Қорақалпоғистонда кўп бўлган. Қишлоқ ва шаҳарларини кезиб чиққан. Учрашувлар, давраларда, халқ сайилларида қатнашиб, ёзилажак асар учун материал тўплаган. Миртемир фақат қорақалпоқ мавзусида асарлар яратиш жараёнидагина эмас, бу ижодий тамойилга дўстликка бағишланган барча асарларида амал қилди. Кўриб, ҳис қилиб ёзди. Шоирнинг мақолаларидан бирида шундай фикрни ўқиймиз: “Менинг шеърларимда сўзсиз, қандайдир инсон, инсон ҳаётининг бир лавҳаси, бир воқеа борлиги сир эмас. “Биби Марям”, “Махтумқули тўйида ўзбек кўзаси” шеърлари ҳам мен кўрган ва мени тўлқинлантирган воқеадан кейин дунёга келганлиги аниқ. “Биби Марям”ни мен Қора денгиз бўйида, асрий ўрмонда, Х асрдан буён ёдгор ибодатхона (ҳозир музей) гумбазида чизилган суратни кўрганимда, ўзимни тутамай, қаламга олдим. Мен бунда одамзод ўзи гў-

заллик яратиб, ўзи топинганлигини аниқ кўрдим. Буюк туркман шоири Махтумқули тўйида, шодиёна байрам кечасида ўзбек адибларидан Асқад Мухтор, Жуманиёз Шарипов, Ҳаким Назирлар саҳнага совға тарзида ўзбек чиннисозлари ясаган феруза ва чинни пиёлалар олиб чиқишганлиги бутун залга титроқ солди. Мен ўша зумдаёқ ҳаёл оламига кўчдим. Саҳнада Нозим Ҳикматни аниқ кўрдим, баландроқда Низомий ва Пушкин, Шота, қўйингчи, устозлар даврасини кўрдим. Шеър дунёга келди.”<sup>1</sup>

“Қорақалпоқ дафтари” ҳам “йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган”лигини мақолаларидан бирида шоир мамнуният билан ёзганди. Миртемирнинг ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш тамойили, асар марказига ўзи кўрган, эшитган ёки турмушда синаган воқеани асос қилиб олиш тажрибаси “Қорақалпоқ дафтари”нинг ҳаётӣй, таъсирли ва колоритли чиқишини таъминлаган бош омилдир. Туркумга кирган ҳар бир шеър, ҳар бир поэманинг асосида аниқ ҳаётӣй воқеа ётади. Турмушда уларнинг аниқ манзиллари борлигига заррача ҳам шубҳа қилмайсиз. Шунинг учун ҳам “Дафтар”дан ўрин олган ҳар бир шеър ва поэманинг мазмунию, ифода шаклида миллий буёқлар жозибасини ҳис қилиб турасиз. Бу асарларни бошқа бир миллат шоири ёзганлиги ҳаёлингизга ҳам келмайди. Шеърларни ўқиган ўзбек китобхони гўё қорақалпоқ элида, ҳазил-мutoй-ибага бой, хушчақчақ ва дилкаш одамлар даврасига тушиб қолгандек, улар билан суҳбатлашаётгандек, ҳазиллашаётгандек сезади ўзини. Ўлканинг қишлоқ ва шаҳарлари, халқининг психологияси, табиат муҳити, тил хусусиятлари ва бошқада этнографик белгилари шеърларда шундай такрорланмас миллий шакл ва буёқларда тасвирланганки,

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент 1980 й., 47-бет.



муаллиф талантига қойил қоласиз. Шоирнинг «Ҳодиса», «Енгажон», «Кегейлидан келган қиз», «Кўл бўйида», «Қора соч», «Барқут», «Сажда эмас», «Сулув ёз» каби шеърларидаги ранг-баранг ҳаёт манзараларининг табиий тасвири, миллий колорит жўшқин илҳом ва юксак истеъдод меваларидир.

Миртемирнинг қорақалпоқ қизлари гўзаллигини таърифлашдаги маҳоратини алоҳида таъкидлашни истардик. Шоир қизларнинг жонли портретини худди рассомга ўхшаб, шундай миллий руҳда, жозибали ва таъсирли чизганки, гўё у кўз олдингизда тургандек туюлади. Ўзингизни шоир билан бир хил кайфиятда сезасиз. Шеърдаги жўшқин мисралар завқингизни оширади. Қўлланилган поэтик ифодалар эсингизда узоқ сақланади. Мана, баъзи бандлар билан танишиб кўринг:

*Бир қиз кўрдим бугун шаҳар боғида,  
Кегайлидан келган сулув, дедилар,  
Не йигитлар куяр унинг доғида,  
Асов жайрон янглиғ қиз шу, дедилар.*

*Шарқ тундайд қора эди кўзлари,  
Бердақ шеъри билан айтсам: қир бурун,  
Атрофида бўз йигитлар парвона,  
Қия боқмас, йигит бағри бўлур хун. (82-бет)*

«Асов жайрон янглиғ», «Шарқ тундайд қора кўзли» бу қизнинг исми Ойжамол. Унинг фазилати фақат ҳуснидагина эмас. Шоир таъбирича, у «элига танирлик чорвадор, асл бир шунқор», қорақалпоқ сулувлари ичида сулуви. Муаллиф мана шу ажойиб қизни, меҳнатда ҳам, гўзалликда ҳам донг таратган Ойжамолни бир ота тимсолида мақтаганидан, шеър ёзиб ардоқлаганидан фахрланади. Кўнглида қизга нисбатан оталик меҳри жўш уриб, қўлга қа-

лам олганидан ифтихор қилади. Шеър қорақалпоқ қизларига нисбатан чинакам қардошлик ҳурмати билан безалган. Мисралардаги лиризм, самимий туйғулар, поэтик фикрлар, барча-барчаси шеърга шундай миллий жило бериб турибдики, ўқиган сари ўқигингиз келади. Шоир билан бирдай завқланасиз. Лирик қаҳрамоннинг ота тимсолига айланиб қизга мурожаат қилиши, эзгу тилаклар билдириши муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Миртемирнинг яна бир туркум шеърлари борки, уларда қорақалпоқ мавзуси энгил юмор, ҳазил «либоси»га ўраб берилади. Қорақалпоқ халқи табиатига хос хушчақчақлик, ҳазилкашлик, муносабатлардаги самимиятни шоир шеърлари руҳига усталик билан сингдирган. Мисраларнинг ифода шакли ва мазмун талқинидаги ўзгачаликни кўриб кўнглингиз тўлади. Миллий-маҳаллий замин муҳитини яратиш учун шоир қўллаган ифода тасвир воситалари, бадий деталлар тасвири жуда табиий чиққан. «Енгажон», «Ҳодиса», «Қора соч» каби юморга бой шеърлар шоирнинг қардош халқ ҳаёти тўғрисида ҳазил шеър яратишдаги, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кашфиёти, топқирлиги. Хусусан, «Енгажон»нинг халқимиз орасидаги шухрати жуда баланд. Ўзбек ва қорақалпоқ шеър ихлосмандлари орасида бу шеърни ёд билмайдиганлари кам топилса керак. Шеърни нафақат ёд билишади, шеър тўй-базмларнинг ҳам безагига айланган. Давраларда тез-тез жаранглаб туради.

Ўзбек адабиётшунослари ҳам, қорақалпоқ олимлари ҳам бу шеърни яхши билишади. Кимки Миртемирнинг Қорақалпоғистон, қорақалпоқ адабий муҳити билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисида сўзламоқчи ёки бирор тадқиқот юритмоқчи бўлса, гапни шу шеърдан бошлайди. Олимларимиз «Енгажон»ни Миртемирнинг қорақалпоқ мавзусидаги

шеърларининг энг бақуввати, миллий характер яратишдаги шоирнинг чинакам поэтик кашфиёти деб тан беришган. Шеър ҳажман унчалик катта бўлмаса-да, «Қорақалпоқ дафтари»нинг бошидан охирига қадар нур таратиб, миллий руҳ бериб турадиган ажойиб ижод намунаси, қуйма асар. Мана, шеърнинг тўла матни билан яна бир бор танишиб кўринг:

- *Енгажон! - дедим.*
- *Қайним-ов! - деди.*
- *Берроқ кел! - дедим.*
- *Айнима! - деди.*

*Давра қувноқ эди, суҳбат шўх эди,  
Кўнгилда зарра ҳам ғубор йўқ эди  
Ёшлик эсга тушди, авжида ҳазил,  
Ҳазилга кўп қулай эди бу манзил.*

*Кўз тикиб, оҳ чекиб: - Енгажон, дедим.*

*Берроқ кел, садаға сенга жон, дедим...*

*- Қайнижон, инимсан, қайним-ов, -деди  
Эси паст боладай айнима! -деди. (84-бет)*

Шоир қорақалпоқ халқининг миллий характериға қанчалик чуқур кириб борганлиғига ғувоҳсиз. Қорақалпоқ халқида худди шундай ҳазил — «басқиласма», «жавоб уруш», ҳазил савол-жавоб шакли бор. Унда фақат эркаклар эмас, аёллар ҳам қатнашиши мумкин. Сўзамол, чечан бўлса бас, баҳслашаверади. Шартин шундайки, ҳазиллашаётган эркак қуюшқондан чиқиб кетмаслиғи лозим. Мабодо йигит томон чегарадан чиқиб, одобсизлик қилса, «енга» чечанлик билан уни ўз жойига «ўтқазиб» қўяди. Миртемир қорақалпоқ миллатига хос бу одатдан яхши хабардор бўлган ва «Енгажон» ҳазил шеърини ёзган. Фақат хабардор бўлибгина қолмаган, назаримизда, у худди шундай ҳаёт ман-

зарасини кўрган, балки иштирок ҳам этган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Академик М.Нурмухамедовнинг қуйидаги мулоҳазалари шу мантиққа асосланиб айтилган назаримизда: «Тасаввур қилинг: ёз, колхоз даласи. Қизлар ва аёллар пахта парвариши билан банд. Миртемир овуллар, айтайлик, Хўжабек Сейтов билан бирга кезиб юришибди. Ёзувчилар машинани тўхтатиб, колхозчилар ёнига «Хорманг!» деб яқинлашадилар. Миртемирнинг кайфияти баланд, маҳаллий одатларни билган ҳолда, ўша даладаги меҳнатини бир пас қўйиб турган аёлларнинг биронтаси, айтайлик, каттаси билан ҳазиллашишга қарор қилади. У эркалик ва мулойимлик билан «Енгажон» деб мурожаат қилади ва жавобан яна мулойимроқ «Қайним-ов» деган илтифотни эшитади. Бу илтифотлардан дадилланган шоир ҳазилни давом эттиради, маънодор қилиб “Берроқ кел!” дейди ва шу заҳоти ўз гапига жавоб сифатида қаттиқ танбеҳ жавобини олади: “Айнима!”<sup>1</sup>

Қорақалпоқ халқининг урф-одатларини теран билган, чечанликда, сўзамолликда қорақалпоқ хотин-қизлари билан ҳазил аралаш баҳслашиб, савол-жавоб қилган шоиргина шу хилдаги ўта ҳаётий ва ўта миллий мисралар ижод этиши мумкин. Шеърнинг бошидаги тўрт мисрада бутун бошли асарнинг жозиба қудрати жамулжам. Шунинг учун бўлса керак, М.Нурмухамедов ушбу тўрт қаторни Миртемирнинг чинакам кашфиёти деб баҳолаган эди.

Миртемирнинг ҳазил мазмунида, диалог шаклида ёзилган яна бир шеъри бор. У ҳам поэтик маҳорат, қорақалпоқ халқининг миллий характери яратиш бобидаги санъаткорлиғи жиҳатидан «Енгажон»дан қолишмайди. Бу «Ҳодиса» номли сюжетли ҳазил шеър. «Ҳодиса»да ҳам миллий ранглар жилоланиб туради. Ўқувчига самимий табас-

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1983 йил. 3-сон

сум улашадиган ажойиб бир ижод намунаси. Шеър «Енгажон»га қандайдир кўринмас иплар билан боғлангандек таассурот қолдиради. Уларда ички бир уйғунлик бор. Шоирнинг ҳар икки шеърида ҳам ҳазил яратиш услубидаги умумийлик уларни ўзаро уйғунлаштириб туради, бири иккинчисининг мантикий давомидек туюлади.

«Ҳодиса» ҳажм жиҳатидан анча катта, олтмиш мисра. Жанр нуқтаи назаридан ҳам у «Енгажон»дан бироз фарқли. «Ҳодиса»да лирик тасвир билан эпик тасвир қоришиқ ҳолда келади. Лирик қаҳрамоннинг конкрет ҳодисага, воқеага муносабати изчил баён этилган. Шоир шеър марказига кундалик ҳаётимизда учраб турадиган оддий бир воқеани қўяди. Хўжайлидан келаётган автобус одамлар билан лик тўла. Оёқ босадиган жой, қимирлашга ўрин йўқ. Тиқилинчда бир аёл йўловчи қиёфасида кетаётган шоирнинг тиззасига ўтириб олади. Уни «гўзал», «соҳибжамол» бир қиз бўлса керак, деб ўйлаган шоир унга гап ташлайди. «Соҳибжамол» эса жавоб қайтаради:

|                             |                           |
|-----------------------------|---------------------------|
| - Ҳай-ҳай, яхши қиз, дедим, | Деди-ку жеркиб мени.      |
| Йўл бўлсин, узоққами,       | Дедим: - Сулув жонгеше,   |
| Оғриди-ку тиз дедим,        | Тизим оғриб кетди-ку,     |
| Шу чоқ қайрилди аёл,        | Жон ҳалқумга етди-ку.     |
| Ияклари буришиб,            | - Топибсан жонгешенгни,   |
| Яноқлари тиришиб:           | Эслармисан ачангни?       |
| - Ҳазиллашмай улақол,       | Катта бувинг тенгиман,    |
| Ҳа, қараб тур, мен сени...  | Наҳот бўлсам жонганг ман? |

(85-бет)

Диалог шу шаклда ривожланади. Йўловчининг ҳолати, тиззасига ўтириб олган «соҳибжамол» сабаб қимирлашга, бурилишга мадори қолмай, дам куйиб, дам суйиб ингранишлари ўқувчида самимий кулгу уйғотади. Шоирнинг маҳорати шундаки,

у яратган поэтик образлар жуда ҳаётӣй, психологик ҳолатлари тасвири ҳам табиӣй ва миллий. «Енгажон» шеърида лирик қаҳрамон «енга»сига ҳазил қиламан, деб қаттиқ танбеҳ жавобини олган эди. Қизиги шундаки, у «Ҳодиса»да катта бувини тенги «соҳибжамолга» ҳазиллашаман, деб қуюшқондан чиқиб кетгани учун даkki еди. Қора тер босиб, ер ёрилсаю, кириб кетгудек бўлди. Бу поэтик ифода-лар, шоирнинг кулгу яратиш усули, кулги образи лирик персонажларнинг характери-ни очишга қаратилган, шеърга жозиба бахш этувчи бадиӣй восита вазифасини ўтаган.

«Ҳодиса»нинг финали муҳим бир фалсафӣй фикр билан якунланади. Шеърнинг иккинчи фаслида лирик қаҳрамон қиёфасидаги кулгили, ҳазил аралаш ҳолатлар ўрнини аста-секин жиддий мулоҳазалар, кечинмалар тасвири эгаллай бошлайди. Лирик қаҳрамон тасаввуридаги «соҳибжамол» энди қалби пок, самимий ва меҳрибон «она»га айланади. Шоир онани улуғлашга ўтади. Она қандай кўринишда, қандай ҳолатда бўлмасин, майли «ияклари буришган», «яноқлари тиришган» бўладими, барибир у она, мукаддас инсон. Шоир онага сажда қилиш, уни ардоқлаш, улуғлаш ҳар бир инсон ва ижодкор учун фахр ва ғурур бўлмоғи лозим, деган хулосани жуда таъсирли ифодалаган. Шеърдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шу, онани улуғлаш:

|                        |                      |
|------------------------|----------------------|
| Тиззамда ўтиравер,     | Куйлаганим куйлаган, |
| Дилга меҳр тўлдиравер, | Сийлаганим сийлаган  |
| Сени эзгу тимсолдай,   | Чунки, ахир онасан,  |
| Тенгсиз соҳибжамолдай  | Элимда дурдонасан... |

(86-бет)

Кўрдикки, Миртемирнинг ҳазил руҳидаги шеърлари самимийлиги, жозибдорлиги, мазмунининг ҳаётӣйлиги ва миллийлиги билан ўзига

хос. Шоир ҳазил баҳонасида қорақалпоқ халқига хос миллий анъаналарни, урф-одатларни, психологиясини реал чизиб берган. Шеърлар, шунчаки, кулгу учун ёзилгандек туюлса-да, аслида негизда катта ижтимоий маъно, қорақалпоқ халқига, такрорланмас миллий одатларига ҳурмат бор. Шоирнинг маҳорати ҳам шунда. Яъни ҳазил, кулги «либос»ида қардошлик ғояларини ўқувчига етказишда, қорақалпоқ халқига, ўлмас анъаналарига эҳтиром руҳида тарбиялашда. Шеърлар шу фазилати билан ҳам ибратлидир.

«Қорақалпоқ дафтари»га кирган аксарият шеърлар шоир талантининг ёрқин намуналари. Миртемир қандай мавзуда қалам тебратмасин, қандай бадий шаклни қўллагасин, жиддий ҳаёт материали бўладими ёки ҳазил аралаш турмуш фактига мурожаат этадими, биринчи навбатда, қорақалпоқ маҳаллий-миллий замини, одамлари психологияси, орзу-армонлари тасвирига эътибор қаратади. Ҳатто табиатини чизганда ҳам реал воқеаликка асосланиб иш кўради. Қайси шеърни олиб кўрманг, қорақалпоққа хос ифодалар, бадий деталлар дарров диққатингизни жалб этади. Беихтиёр ўзингизни қорақалпоқ муҳитига кириб қолгандек, шу муҳитнинг одамлари билан бир ҳаёт ичида, бир даврада туриб турмушни кузатаётгандек бўласиз. Чунончи, шоирнинг «Барқут», «Саҳройи», «Тонгдан ҳам чиройли», «Сулув ёз», «Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш» шеърларидаги қорақалпоқ халқига, табиатига хос жўшқин, романтик миллий талқинларни, чуқур реалистик тасвирларни кўриб мамнун бўласиз. Муаллифнинг миллий колорит яратишдаги ижодий ютуқларидан рози бўласиз.

- Қизил барқут келтир! - дейди қизалоқ
- Қизил барқут! - дейди бўй етгани ҳам,

*Келинлар қомати барқутдан там-там...  
Барқут камзуллардан беллар бир тутам,  
Юзларда барқулар қирмизи барқут,  
Сувда чинорларнинг илдири барқут. (83-бет)*

Шоир барқут камзул кийган келинларни таърифлаш фонида қорақалпоқ ҳаётининг ранг-баранг барқутларини тилга олади, мўъжиза эканлигидан ҳайратга тушади. Ташна дудокларга оби ҳаёт улашадиган, «рангида саҳро офтоби барқуриб турган» барқут пиво, барқут қимиздан бир коса ичиб, шоир қадрдон дўстларининг шўх даврасида роҳат қилганидан фахрланади. Ёки Миртемирнинг «Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш» шеъридаги қуйидаги мисраларнинг миллий ранги, шакл ифодасига эътибор беринг:

*Қизкетганнын қайноғи,  
Чучмўманин қаймоғи  
Саноқсиз қўраларнинг тиззадан ўт яйлоғи  
Ҳатто чексиз қумлоғи.  
Қумларнинг ўртасида тўкин мевазор боғи...  
Чўпонларнинг суҳбати, дўст бахши чўпчаклари,  
Таниш-билиш ўсмирлар – эртанин куртаклари,  
Саҳронинг ном топилмас бўтаси - чечаклари,  
Қарағайгул, бўтакўз, чирмовуқ, печаклари,  
Хўжайлининг айрони, Нукуснинг муз пивоси,  
Чимбойнинг бол-меваси  
Қорақўли, теваси,  
Қорақалпоқ халқининг менга азиз шеваси...*

*(98-бет)*

Қорақалпоқ заминида бир неча марта бўлиб, нон-тузини тотган, дала-даштларини кезиб чиққан, ўлканин сўлим жойларида бўлиб, «тонг чоғидан созини қўлга олган тўрғайларнинг» ёки «қамишзорлардаги турналарнинг қий-чувини» ўз қу-



лоғи билан эшитган, «кечалари чўпонлар айтган қўшиқ, ҳой-ҳойлар»дан завқланган шоиргина мана шундай ажойиб колоритли манзара чиза олади. «Жийда тўқайларнинг соя-салқини», «қирғовулларга ошён бўлган тўқайлар», ҳатто «қўлмакда тонггача вақ-вақалайдиган бақалар»нинг овози ҳам шоирга илҳом берган ва манзарани қалбдан ҳис қилиб шеърга солган. Миртемир Қорақалпоғистоннинг табиатига хос шундай бир миллий кўриниш яратганки, сиз гўё ўзингизни шу табиат қўйнида тургандек, шоир билан барабар томоша қилаётгандек, бир хил туйғуларни ҳис қилиб, бир хилда завқланаётгандек бўласиз. Шоир қўллаган поэтик образлар, ифодалар «тўрғайлар», «турналар», «чўпонлар», «жийда тўқайлар», «қирғовуллар», «қармоқ ё тўр», «Аму лаққаси», «бақаларнинг вақ-вақаси» кабилар, бир жиҳатдан, табиатнинг ранг-баранглигини намойиш этувчи воситалар тарзида қўлланилган бўлса, иккинчидан, улар ўша муҳитнинг такрорланмас мўъжизалари, қорақалпоқ табиатига хос ўзгачаликни ифодаловчи поэтик образлардир.

Мазкур шеър фақат табиат тасвиридангина иборат эмас, албатта. Ўлканинг «заҳматкашу дилкаш, етук инсонлари», «суворий Ойхону Гулсанамжонлар» ҳам мадҳ этилади. «Белбоғлик паҳловонлар Бекмуродлару Сармонлар» ҳам шоирнинг эсидан чиқмайди. Уларнинг эл-юрти фаровонлиги йўлидаги меҳнати бадий таърифланади. Қорақалпоқ замани ажойиб табиати, айтиш чоғда меҳнаткаш, саҳий ва меҳмондўст халқи билан ҳам донг таратган ўлка, деган мантикий хулоса чиқади шеърдан. Бу шунчаки шоирнинг эътирофи эмас, у бадий далилланган ҳақиқат. Шоир қорақалпоқ ҳаётини кўриб-билиб ҳис қилиб ёзганига мисол бу.

Бари бир шоирда ватан соғинчи устунлик қилади. Қорақалпоқ элида қанчалик ардоқда бўлмасин, унга қанчалик иззат-ҳурмат кўрсатилмасин, ажойиб одамлари даврасида, илҳом ва завқ бағишлайдиган табиати қўйнида сайр қилмасин, она юртини қўмсайди, унга талпинади. Бу табиий ҳол, албатта. Ҳар бир инсонда Ватан туйғуси, у қаерда бўлмасин, доимо уйғоқ бўлади. Миртемир шеърнинг иккинчи қисмида ана шу соғинч ҳисларини ифода этади. «Соғинтирган не бўлди» дея ўзига савол бериб, унга жавоб ахтара бошлайди. Миртемирнинг «Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш» шеъри ҳам, гарчи у «Қорақалпоқ дафтари» туркум сифатида эълон қилингандан кейин, яъни 1959 йилда ёзилган бўлса-да, шеър мазкур туркумнинг узвий бир қисми бўла олади, ғоявий мазмун жиҳатидан унга уйғунлашади.

«Қорақалпоқ дафтари» туркумига кирган ҳар бир шеърни таҳлил қилиш имкони йўқ. Шоирнинг қорақалпоқ мавзусидаги барча шеърларига муносабат билдириб, ҳаммасини таҳлилдан ўтказишни мақсад ҳам қилмагандик. Биз назардан ўтказган поэмалар ва шеърлар Миртемирнинг шоирлик истеъдодининг ёрқин намуналари, қорақалпоқ ҳаётининг ранг-баранг кўринишларини миллий ўзгачалиги билан реалистик тасвирлаб берган яхши асарлар. Уларнинг маъно талқинига, ифода шаклига, шоирнинг миллий характерлар яратиш маҳоратига эътироз йўқ. «Қорақалпоқ дафтари»даги ҳар бир асар бемалол адабий танқид талабларига жавоб бера олади. Шу билан бирга, юқорида қисман айтганимиздек, «Дафтар»да мустақиллик даври талабига унчалик жавоб беролмайдиган, ўз даври сиёсати ва мафқурасининг «қурбони» бўлган шеърлар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Табиийки, булар шолининг «курмаклари»дек, оз бўлса-да, бу-



гунги китобхоннинг ғашига тегиши аниқ. Энг асосийси, онда-сонда учрайдиган келгинди мафкуравий-сиёсий атамалар асарнинг бадий қимматини пасайтиришга қодир эмас, улар гўё гўзал сўзанага ёпиштирилган «чипта ямоқдек» гап.

«Қорақалпоқ дафтари»га кирган аксарият асарлар собиқ шўро тузуми мафкурасидан деярли холи, қорақалпоқ халқининг турмуш тарзини реал тасвирлаган ижод намуналаридандир. Муҳими, шоир қардош халқ ҳаётининг миллий-маҳаллий заминига хос хилма-хил манзараларини лирик талқинда беришга эришди. Миртемирнинг шоирлик истеъдоди, қорақалпоқ ҳаётини яхши билиши, идрок этиши, бир «қорақалпоқ» бўлиб фикрлаши ва қалам тебратиши «Қорақалпоқ дафтари» парвозига қанот бағишлаган омиллардан биридир.

## МАВЗУ ЯҚИНЛИГИ – ТАСВИР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» (1957), Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси» (1958) асарларининг китобхонларга тақдим этилганига олтмиш йилдан ошди. Икки асар ҳам шўро даврида, соцреализм методи адабиётга ҳукмронлик қилиб, ўз таъсирини ўтказиб турган бир муҳитда ёзилгани маълум. Икки асар ҳам яратилган пайтидаёқ ижобий баҳоланди, тарғиб қилинди. «Қорақалпоқ дафтари» ўзбек шеърияти тараққиётида янги саҳифа, поэтик кашфиёт деб маъқулланди. «Қорақалпоқ қиссаси» эса наинки ўзбек насри, балки «қорақалпоқ прозасининг ҳам ютуғи»<sup>1</sup> (М.Нурмуҳаммедов) деб тан олинди. 1959-йили Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида икки асар ҳам муҳокама марказида бўлди, атоқли олимлар ва танқидчилар, адибларнинг ижобий баҳосига муносиб топилди. Хуллас, мустақилликка эришилгунга қадар бу икки асар адабиётшуносликнинг назаридан тушмади. Миртемир ёки А.Мухторнинг ижодий фаолияти тўғрисида бирор илмий иш ёхуд мақола ёзилгудек бўлса, «туркум» ҳам, «қисса» ҳам ўзбек адабиёти, адибларнинг ижодий ютуқлари тарзида тилга олинди, ўрганилди.

Лекин истиқлолдан кейин адабий танқидда икки асарга икки хил муносабат пайдо бўлди. «Қорақалпоқ дафтари» шўро давридаги бадий салоҳиятини асосан сақлаб қолди, туркумга нисбатан айтилган ижобий фикрлар аҳамиятини йўқотмади. «Қорақалпоқ қиссаси» эса янги давр сиёсати ва мафкураси синовларига бардош бера олмаган асар сифатида адабий танқиднинг эътиборидан деярли

<sup>1</sup> Маҳорат мактаби. Тошкент, 1962. 321-бет

четда қолди. А.Мухтор ижоди бўйича мустақиллик йилларида ёзилган баъзи илмий ишлар, дарсликлар ёки ўқув қўлланмаларини варақлаб кўргач, шундай хулосага келдик. Лекин бу билан биз янги мезонлар асосида “Қорақалпоқ қиссаси”га нисбатан билдирилган қарашларни инкор қилиш ниятимиз йўқ. Зеро, шўро даври адабиёти янги тамоёйиллар асосида қайта баҳоланаётган экан, соцреализм методи қоидаларига амал қилиб ёзилган ҳар қандай асарга шу хилда ёндашилувчи табиий жараён. Шу билан бирга, шахсий мулоҳазамиз бўйича бирон асар келгинди ғоялар билан ҳар қанча “сиёсатлаштирилган” ёки “мафкуралаштирилган” бўлмасин, барибир, унда озми-кўпми миллий манфаатларга хизмат қиладиган жиҳатлар: миллатнинг тақдирига уйғунлашган, қалбига яқин оҳанг, руҳ, табиат манзаралари тасвири, воқеалар, образлар, ифодавий воситалар ҳам мавжуд бўлиши мумкинки, асарни шу хусусияти учун ҳам ўқиш, қадрлаш мумкин.

Академик М.Қўшжонов мақолаларидан бирида шўро даври адабиётига қайси ўлчовлар билан ёндашиш, ўрганиш лозимлиги тўғрисида аҳамиятли бир фикрни айтган эди: “Ҳақиқий санъат асари қимматбаҳо олмосга ўхшайди. Қайси томондан қараманг, у табиат мўъжизаси билан яратилган олмосдай жило беради. Бадиий жиҳатдан етук асар бир-бирига зид мафкуравий ўзгаришларда ҳам ўз қимматини йўқотмайди. Ҳақиқий бадиий асардан ҳар бир давр ўзига хос ва ўзига зарур маънони топади. Асар шу туфайли қадрланади”.<sup>1</sup> Танқидчи мақоласида айнан сўз юритилаётган асарлар тилга олинмаган бўлса-да, муаллиф фикрлари гўё “Қорақалпоқ қиссаси” ёки “Қорақалпоқ

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. Бадииятнинг олмос жилolari. “Халқ сўзи”, 2002 й., 20 сентябрь

дафтари”ни назарда тутиб айтилгандек. XX аср ўзбек адабиётида М.Қўшжонов мулоҳазаларини тасдиқлайдиган, шўро даври адабиётининг баъзи намуналарини қайта баҳолашни талаб этадиган асарлар анча-мунча бор. Аслида ўзбек адабиётида шўро муҳитида ёзилган бўлишига қарамай, мустақиллик даврида ҳам аҳамиятини сақлаб, халқимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилишда давом этаётган асарлар ҳам бор. “Қорақалпоқ дафтари” билан “Қорақалпоқ қиссаси”ни шу гуруҳга киритсак, хато бўлмас. Айниқса, “Қорақалпоқ дафтари” “бадииятнинг олмос жилolari”ни ўзида мужассам этган шундай шеърый туркумки, унинг фазилатлари тўғрисида қанчалик кўп ёзилса, шунча кўп “жилоланади”. Чунки туркумдаги аксарият шеърлар ва “Сурат” достони жамиятда қандай сиёсат ва мафкура ҳукмрон бўлмасин, бадиият кучини сақлаб қолмоқда. Ҳақиқий истеъдод билан ёзилган асар ҳеч қачон эскирмаслиги ва авлодларга хизмат қилишда давом этаверишига “Қорақалпоқ дафтари” яққол мисол бўла олади.

А.Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси” гарчи жанри бўйича Миртемир туркумидан фарқланса-да, мавзунинг умумийлиги, характер яратиш таъмоийлари, миллий-маҳаллий замин руҳини берадиган баъзи хусусиятлари билан “Қорақалпоқ дафтари”га муштарак. Асарнинг ғоявий бадиий йўналишида, айрим образлар талқинида шўро даври сиёсати ва мафкурасининг таъсири бор, албатта. Қисса ўша даврнинг талабидан келиб чиқиб ёзилган. М.Қўшжоновнинг: “Ҳақиқий бадиий асардан ҳар бир давр ўзига мос ва ўзига зарур маъно топади. Шу туфайли асар қадрланади” деган фикрини “Қорақалпоқ қиссаси”га нисбатан қўлласак хато бўлмас. Зеро, асар шўролар даврининг маҳсулоти, деб уни бутунлай назардан соқит қилиш, илмий

муомаладан чиқариш тўғри эмас. Қисса юзасидан шўро даврида баъзи олимлар томонидан билдирилган ижобий фикрлар бугун ҳам аҳамиятини йўқотмагандек. “Қорақалпоқ қиссаси”га илк мартаба холис баҳо бериб, ютуқларини ҳам, камчиликларини ҳам тўғри кўрсатган адабиётшунослардан бири академик М.Нурмуҳаммедов эди. “Ўз халқининг ҳаёти ҳақида ёзилган бадий асарга шу миллатнинг вакили (олими) томонидан берилган баҳо бошқаларникига қараганда ишончлироқ бўлади. Чунки, қорақалпоқ заминида яшаб ўз халқининг ҳаётини, урф-одатлари ва дастурларини, фақат қорақалпоқ миллатига хос хислатларни, унинг энг нозик нуқталаригача яхши биладиган тадқиқотчиларгина бу масалада далилли фикр айта олади. Шу маънода, М.Нурмуҳаммедовнинг “Қорақалпоқ қиссаси”га нисбатан ўз даврида билдирган қуйидаги фикрига ҳозир ҳам ҳайрихоҳ бўлиш мумкин: “Қорақалпоқ қиссаси” кишида жуда ижобий таассурот қолдиради ва қизиқиб ўқилади. Унда ўткир, жозибали сюжет мавжуд. Орол денгизи ҳамда Амударё қуйи қисмининг шиддаткор табиати чизиб берилади ва булар ўқувчининг кўз олдида ўша жойларнинг жонли картинасини гавдалантиради. Асқад Мухтор ҳаётни жойларнинг ўзида ўрганишнинг яхши намунасини кўрсатди, қорақалпоқ ёзувчиларимиз бундан ўрнатилишлари керак”.<sup>1</sup>

Олим эътирофидаги қиссанинг ўқувчида “жуда ижобий таассурот қолдириши, қизиқиб ўқилиши”, “сюжетнинг ўткир ва жозибалилиги”, “Орол денгизи ҳамда Амударё қуйи қисмининг шиддаткор табиати чизиб берилгани” каби мавзулар, ғоялар талқини ҳақидаги гаплар реал ҳақиқат, улар тасвирида бирон ҳукмрон мафкуранинг таъсири борлиги сезилмайди. Демак, қисса шу фазилати билан қадрли.

Асарга танланган давр жуда мураккаб. XX асрнинг 20-йиллари, алғов-далғовли замон: Қорақалпоқ халқи ҳаётининг бурилиш нуқталаридан бири. Бундай ҳаёт материали ўткир драматик сюжет яратишни тақозо этади. Шунинг учун ёзувчи асар сюжетини жиддий конфликт асосига қурган. Қиссанинг деярли ҳар бобидаги воқеалар руҳидан китобхон характерлараро кураш, зиддиятни, ҳаяжонли тўқнашувларни сезиб туради ва шу асосда етакчи образларнинг характер қирралари очилади.

Драматик кескинлик нафақат воқеалар руҳи ёки қарама-қарши кучлар тўқнашувида, балки уларга фон бериб турадиган табиат тасвирида ҳам кўринади. “Қисса” даҳшатли довул билан бошланади, баъзи инсонларни ҳаётдан олиб кетган даҳшатли довул билан ҳам якунланади. (Денгиз узра бошланган довул, “ёввойи” тўлқинлар Сулувнинг отаси Элгелдини денгизга чўктириб юбориши воқеасини эсланг). Муқаддимадаги қуйидаги тасвир китобхонни содир бўладиган драматик воқеаларга тайёрлаётгандек туюлади: “Довул тонг отарда бошланган эди.

Ҳозир тунми ёки кўкни тупроқ қуюнлари қоплаганидан шундай қоронғими, билиб бўлмайди. Муйтанкўлда ғовлаб ўсган жекан қўғай худди ёв босиб келаётгандай шовуллайди. Бу товуш Аллонбийнинг молқўрасидаги буқаларнинг бўкиришини ҳам, кели туювчи қизларнинг қийқириқларини ҳам, яйловлардаги от дупурини ҳам даф этди. Овулнинг қамиш қўралари совурилиб кетди, қум бўрони ўтов кигизларини, балиқчиларнинг жилим-тўрларини осмонда учуриб юрди. Кўз-қулоғига тупроқ тўлиб, тишида қум ғирчиллаган асов туялар четан аравалар”ни судраб қочдилар”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Маҳорат мактаби. Тошкент, 1962. 319-бет

<sup>1</sup> А.Мухтор. Танланган асарлар. 4 томлик. 1-том. Тошкент, 1971. 515-бет

Мазкур пейзаж, *биринчидан*, Қорақалпоғистоннинг мураккаб табиати, экологик муаммоларидан дарак берса, *иккинчидан*, қиссада бундан кейин бўладиган мурасасиз, шиддатли курашларга рамзий ишора ҳамдир. Қиссани бошидан охирига қадар ўқиган китобхон “қутурган довул”га қарши кураш олиб борган инсонлар образи ҳаққоний чизиб берилганига гувоҳ бўлади. Асардаги барча образларнинг характер хусусиятлари ички зиддият фонида, ташқи кураш майдонида кўпроқ очилади. Хусусан, Жапақ, Элгелди, Сулув ҳамда уларга қарама-қарши қутбдаги Аллонбий, Полмонтоз, Эримбетлар ўртасидаги конфликт, эътиқод, эл-элатчилик манфаати учун кураш тасвири орқали ёзувчи ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаги қорақалпоқ ҳаётининг аниқ манзарасини чизган. Ҳар бир образ индивидуал хислати, айниқса, қорақалпоқ миллатига хос хусусиятларнинг ишонарли ва табиий берилгани билан диққатни жалб этади. Муаллиф нафақат қорақалпоқ тилини, балки ўзаро муносабатлардаги ўзгачаликни, халқининг фикрлаш тарзини, ҳатто мақол ва маталлардан фойдаланиш усулларини ҳам яхши ўзлаштириб олгани сезилиб туради. М.Нурмуҳаммедов: “Асқад Мухтор ҳаётни жойларнинг ўзида ўрганишнинг яхши намунасини кўрсатди” деб ёзганида ҳақ эди. “Қорақалпоқ қиссаси”нинг катта ижодий ютуқларидан бири, фикримизча, асарда қорақалпоқ колорити, миллий-маҳаллий шароитга хос белгиларнинг яхши тасвирланганида, одамлари психологиясига доир ҳолатларнинг ишонарли чиққанида.

Сулув - қиссанинг муваффақиятли чиққан образларидан бири. У иродали, жасур, эътиқоди мустаҳкам қиз. Муҳаббатда ҳам садоқати кучли. Гарчи Жапақ унинг отаси Элгелдини яралаб, бир умрга ногирон қилиб қўйган бўлса-да, қиз Жапақга бўл-

ган муҳаббатидан воз кечмайди, уни кечиради. Сулув душманлари қаршисида ҳар қандай вазиятда ҳам эсанкирамайдиган, ор-номус учун курашадиган ботир қизлар тимсоли. Сулувнинг ҳатти-ҳаракатлари “Қирқ қиз” эпосидаги қирқ қизларнинг сардори, мард Гулойимни эслатади. А.Мухтор Сулув образини яратишда Гулойимнинг қаҳрамонлигидан илҳом олмаганмикан, деган фикр ҳам баъзан хаёлдан ўтади. Муаллиф асарнинг биринчи қисмида Сулув ҳақида сўз очиб: “Юрагида ватандоши - афсонавий Гулойимнинг руҳи яшар эди...” деб ёзгани тасодифий эмасдек. Қиссада Сулувнинг мардлиги, жасурлиги ҳақида ёзувчи сўз юритгудек бўлса, ўзи ёки бошқа бир персонаж тилидан Гулойим исмини тилга олади, Сулувни унга ўхшатади.

Асардаги Гулзира, Уббинийез ота, Қолжонгул девона, Қаипназар, Матнийез, Жуманазар каби образлар ҳар жой, ҳар жойда кўринса-да, ёзувчи уларни унутилмайдиган характер белгилари билан талқин эта олган. Муайян вазиятдаги ҳаракатлари, руҳий ҳолатлари, мулоқотлари, нутқидаги ҳар бирининг индивидуал қиёфаси китобхон кўз ўнгидан намоён бўлади. Улар чинакам миллий характер даражасига кўтарилган образлардир.

“Қорақалпоқ қиссаси”нинг ҳеч қачон эскирмайдиган яна бир хусусияти бор. Ўзбек адабиётида қорақалпоқ ҳаётига бағишлаб кўп асарлар ёзилди. Шеърлардан ташқари насрий асарлар ҳам бор. Мирмуҳсиннинг “Оқ мармар” қиссаси, Ж.Абдуллахоновнинг “Борса келмас”, Э.Самандарнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ” романларида қорақалпоқ ҳаёти айримларида кенгроқ, баъзиларида қисман ёритилган, қорақалпоқ миллати вакиллари образлари, табиати чизиб берилган. Лекин уларнинг ҳеч бирида қорақалпоқ колорити - одамларнинг миллий характери, психологияси, урф-одатлари

ва анъаналари, қолаверса, ўзига хос табиати “Қорақалпоқ қиссаси”дагидек мукаммал, зиддиятлари билан, кенг кўламда ва атрофлича ифодаланган эмас. “Қорақалпоқ қиссаси”да эса образларнинг номланишидан тортиб, географик жой атамалари (Муйтанкўл, Қиётовул, Оқуйтепа, Зардобкўл, Дўнгалаккўл, Чиғирқудуқ в.х.)гача, шунингдек, балиқчилик атамалари, бошқада сўз ва иборалар қорақалпоқ муҳитини эслатиб туради. Қисса мана шу жиҳати билан ҳам ўзбек адабиётида ўзга миллат (қорақалпоқ) ҳаётига бағишланган колоритли асарлар қаторида эътироф этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

“Қорақалпоқ қиссаси” тўғрисида айtilган ижобий фикрлар унинг ғоявий мазмунини ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маънавиятимиз учун юз фоиз керакли асар деган маънони билдирмайди. Қиссада мустабид тузум “асоратлар”и, мафкура-си, сиёсати тарғиб қилинган воқеалар, эпизодлар, ҳатто, у ғояни ўзида мужассамлаштирган баъзи образлар (Степан, маълум даражада Жапақ) ҳам бор. Лекин қиссада онда-сонда кўринадиган, “зарурат” туфайли киритилган бундай образлар, тасвирланган воқеалар, ўйлашимизча, бутун бошли асарнинг қадр-қимматини, амалий аҳамиятини белгилайдиган ягона мезон бўлолмайди. “Қорақалпоқ қиссаси” шўровий ғоялар билан қисман “озиклантирилган” бўлса-да, у ўтган асрнинг 20-йилларидаги қорақалпоқ ҳаёти тўғрисида маълум даражада тасаввур беради. Шу хусусияти туфайли “Қорақалпоқ қиссаси” XX аср ўзбек адабиёти тарихида муайян ўрин эгаллашга ҳақли. Академик Б.Назаровнинг шўро даври адабиёти тўғрисидаги мана бу фикри “Қорақалпоқ қиссаси”га ҳам алоқадор: “...асар асл эътибори билан мафкурани, Ильични, партияни мадҳ этишга йўналтирилганми ёки бу нарсалар, асарнинг шун-

чаки, “қутилиш” арқоғини ташкил этиб, ҳар эҳтимолга қарши хушёрликни мустаҳкамлашнинг бир усули, ижодий энергиянинг бир кўриниши бўлиб, аслида асарнинг туб моҳияти, мақсади, етакчи пафоси, ҳаёт ва инсоннинг абадий муаммолари, инсон қалби, инсон билан боғлиқ ҳаёт завқини, яшамоқ сеҳрининг жозибаларини куйлашга қаратилганми, шуни аниқ ажратиш олиш зарур. Бундай ёндашув шунчаки, бир неча марта партия, коммунизм сўзлари ишлатилган асарларга муносабатни белгилашда, фикримизча, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади”.<sup>1</sup>

Агар шу мезондан келиб чиқиб “Қорақалпоқ қиссаси”нинг туб маъно-моҳиятига эътибор қаратсак, асарда “инқилобий”, “партиявий” ғояларнинг талқинидан кўра муаллиф, асосан, “ҳаёт ва инсоннинг абадий муаммолари, инсон қалби, инсон билан боғлиқ ҳаёт завқини, яшамоқ сеҳрининг жозибаларини” бадиий ёритишни мақсад қилганини сезамиз. Бу етакчи пафос қиссадаги Жапақ, Элгелди, Сулув образларида, уларнинг ор-номус, адолат, виждон эркинлиги учун курашларида, инсон бахтига ғов бўладиган баъзи иллатлар (эл-элатчилик, уруғчилик)га қарши муросасиз ҳаракатларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Умуминсоний аҳамиятга эга бундай мавзулар, ғоялар ҳеч бир даврда ҳам эскирмайди.

“Қорақалпоқ дафтари” билан “Қорақалпоқ қиссаси” қорақалпоқ ҳаётининг бадиий кўзгуси. Биринчи шеърый туркумда қорақалпоқ ҳаётининг поэтик манзараси, одамларининг юморга бой руҳий олами, заминнинг табиатига хос ўзгачалик, нозик туйғулар юксак маҳорат билан чизилган бўлса, иккинчи “Қисса”да Қорақалпоғистон та-

<sup>1</sup> Б.Назаров. XX аср ва Ғафур Ғулом. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2003. 2-сон



рихининг бурилиш нуқталаридан бири қаламга олинади ва реал тасвирланади. Кескин воқеалар, драматик образлар орқали ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, халқининг тақдири бадий ҳақиқатга айлантирилади. Зеро, икки асарда қайси давр, қандай ҳаёт материали тасвир объектига танланганига қарамасдан, ўқувчи қорақалпоқ халқига меҳр, тақдирдошлик, дўстлик ғоялари юксак ифодаланганини ҳис қилади. Миртемирнинг ҳам, Асқад Мухторнинг ҳам қорақалпоқ мавзусига мурожаат этиб, бирининг алоҳида шеърий туркум, иккинчисининг махсус қисса яратишдан бош мақсади ўзбек ва қорақалпоқ халқлари, қолаверса, адабиётлари дўстлигига хизмат қилишдан иборат эди. Икки ижодкор ҳам бу вазифани ўз даврида муваффақиятли бажарди, адабий алоқаларимиз саҳифаларини бойитди. Бу анъанани давом эттириш ҳозирги авлод ижодкорларининг муқаддас вазифаларидан бири эканлигини унутмаслик лозим.

## ЎХШАШ СЮЖЕТЛАР, ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР, ЯНГИ ТАЛҚИНЛАР

Адабиётда шундай асарлар бўладики, қайси даврда, қандай шароитда яратилганига қарамасдан, янги ёзилган асардек завқ беради, ҳис-туйғуларингизни бойитади. Бадий-эстетик таровати, поэтик образлар яратиш маҳорати билан тафаккурингизга таъсир кўрсатиб, адабий дидингизни тарбиялайди, жамият ва одамлар ҳақидаги тасаввурингизни кенгайтиради. Нарса ва ҳодисаларга муносабатингизни шакллантириб, маълум бир хулосаларга келишингизга ёрдам беради. Бундай асарларга давр сиёсати ҳам, сохта ҳукмрон мафкура ҳам тазйиқ ўтказишга ожиз. Уларнинг қиммати даврлар ўтган сари сайқаллашиб, замонга ҳамнафаслик бобида бугуннинг асари бўлиб қолаверади. «Сурат» поэмаси шу хилдаги асарлар сирасига киради.

«Сурат» катта истеъдод билан битилган қуйма ижод намунаси. Шоир шеъриятининг чўққиси. Ўзбек адабиётида воқеа бўлган лирик қисса. Адабий жамоатчилик томонидан тан олинган ҳақиқат бу. «Сурат»нинг ёзилганига олтмиш йилдан ошди. Лекин у бугун ҳам завқ-шавқ билан ўқилади. Ҳозир ҳам олмос қирралари, ранг-баранг жилолари билан ижодкорларимизга илҳом, китобхонларга ҳаётбахш туйғулар ато этмоқда.

Асарнинг сеҳргарлик хусусиятини уни ўқиб, ғоят таъсирланган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шундай изоҳлаганида ҳақ эди: “Нақадар аниқ, ёниқ сўзлар. Мисраларда анъанавий, дабдабали сифатлашлар, фавкуллодда оҳангли қофиялар йўқ. Уларнинг барчаси оддий халқ сўзлари. Аммо уларнинг замирида ёрқин

поэтик образ, ҳис-туйғулар ғалаёни барқ уриб туради”<sup>1</sup>

Адабиётшуносларнинг поэма таҳлилига қайта-қайта мурожаат қилаётгани ҳам асарнинг умрибоқийлигидан. Кимки «Қорақалпоқ дафтари» ҳақида сўз бошласа, албатта, «Сурат»ни тилга олади, шоир ижодининг кашфиёти деб баҳолайди. Академик Н.Каримов таъкидлаганидек: «Адабиётшуносликда бу асар ҳақида кўп фикрлар айтилган, лекин унинг чинакам эстетик-бадий таҳлилига ҳали олимларимиз ва нуқтадон мунаққидларимиз қайта-қайта мурожаат қилсалар, ажаб эмас». Биз ҳам «Сурат»нинг илмий таҳлилига қўл урар эканмиз, шоирнинг ҳаёт ҳақиқатидан бадий ҳақиқат яратиш бобидаги маҳорат сирлари бўйича мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

«Сурат» муҳаббат, муҳаббатга садоқат ҳақидаги лирик қисса. Ўзбек адабиётида муҳаббатга бағишланган юзлаб, минглаб асарлар ёзилган. Жаҳон адабиётида ҳам бу мавзуда кўп ижод намуналари бор. Адабиётнинг энг кичик жанрларидан тортиб энг катта адабий полотноларгача бу ўлмас мавзу ўзининг бадий ифодасини топган. У ҳар хил йўналишларда, ранг-баранг шаклларда тасвирлаб берилган. Деярли аксариятида муҳаббатга садоқат, вафо ва бевафолик, севгига хиёнат, умуман, инсоний муҳаббатга муносабат каби масалалар ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавий-ахлоқий қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда бадий талқин қилинган. Лекин бу масала қайси халқ ёки миллатда қандай шаклда, қандай мазмунда ифодаланган бўлмасин, уларни ўзаро бирлаштириб турадиган ягона нуқта бор. Бу - муҳаббатнинг азалий улуг ва муқаддас инсоний туйғу эканлигини эътироф

этиш. Ҳар бир қалбга жароҳат соладиган ҳам, унга малҳам бўладиган ҳам, инсоннинг руҳини кўтарадиган ҳам, туширадиган ҳам мана шу туйғу эканлиги кўпчиликка аён. Мазкур мавзуда қалам тебратган ҳар бир ижодкор, албатта, ушбу масала талқинида бир нуқтада «учрашади» ва умуминсоний аҳамиятга эга, кўпчилик учун характерли бир хил фалсафий хулосага келади. Муҳаббат билан боғлиқ ўзи талқин қилган ҳаёт кўринишини тасдиқлайди, ёки инкор этади. Икки ҳолатда ҳам китобхон учун сабоқ бўладиган бир маъно ифодаланган бўлади. Жаҳон адабиёти тажрибасида шундай. Муҳаббат талқини масаласига ҳар хил ёндашилган, лекин чиқариладиган хулоса умуминсоний аҳамият касб этган. Ишқ-муҳаббат мавзуси адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидан бири. Ҳеч бир замонда бу мавзу адабиёт назаридан четда қолган эмас. Адабий жараёнда бу мавзуда қалам тебратмаган ижодкор кам топилса керак. Ҳар бир давр адабиётида унга ўзига хос муносабат бўлган, унга янгича ёндашилган. Донишмандлардан бирининг таъбири билан айтсак: *«муҳаббат ўзи эски нарса, лекин уни ҳар бир юрак янгилайди.»* Бу гап адабиётга ҳам тегишли.

Дарҳақиқат, «Сурат» поэмасида қаламга олинган мавзу янги мавзу эмас, ибтидоий мавзу. Ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиётида муҳаббат ва садоқат ҳақида юзлаб асарлар битилган. Икки ёш севишиб турмуш қуришади. Ватан уруши бошланиб, йигит фронтга жўнайди. Севишиб турмуш қургани вафосизлик қилиб, эрининг урушдан қайтишини қутмай бошқа бировга турмушга чиқиб кетади. Йигит жангдан эсон-омон келади. Кўрадики, хотини унинг муҳаббатини поймол қилиб, ўзга билан оила қуриб кетган. Мана, «Сурат»нинг сюжетида асос бўлган асл воқеа. Адабиётда худди шундай

<sup>1</sup> Миртемир замондошлари хотирасида. Тошкент., 1982. 138-бет

мазмундаги асарлар санайверсак кўп. Улар негиз сюжети жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Биргина мисол. Дунёга машхур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини кўз олдингизга келтириб кўринг. Сюжети «Сурат» поэмасидаги воқеага жуда яқин. Тошлон билан Ойсулунинг муҳаббат тарихи «Жамила»даги Дониёр билан Жамиланинг севги саргузаштини эслатади. Жамила ҳам фронтда юрган эри Содиққа бевафолик қилади, жангдан қайтишини кутмай Дониёр билан топишиб, уни севиб қолади ва у билан қишлоқдан чиқиб кетади.

Икки асарда ҳам воқеалар иккинчи жаҳон уруши йилларида рўй беради. Яна бир ўхшашлик. Икки асарда ҳам бош қаҳрамонларнинг муҳаббат тарихи билан боғлиқ сурат детали бор. Ҳар икки сурат детали ҳам чинакам поэтик образ даражасига кўтарилган ва қаҳрамонлар характери очишда муҳим роль ўйнайди. Миртемир поэмасидаги сурат - бу шоирнинг китоблари орасидан чиқиб қолган «бебурд гўзал билан тушган сурат». «Жамила» қиссасидаги сурат эса Дониёр билан Жамиланинг ҳаваскор рассом томонидан қоғозга чизилган ва «кичкина ёғоч рамкага солинган сурат». Бу суратни Жамиланинг қайниси Сейт чизган. Икки асар ҳам суратга мурожаат билан бошланади. «Сурат»нинг муқаддимасида шундай сатрлар бор:

*Оч назарим тушар суратга...  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?  
Термуламан суратга, хатга...  
Жангларда ёр эдинг-ку, о, қиз!  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз? (204-бет)*

«Жамила»даги суратга мурожаат бирмунча бошқачароқ оҳангда. Қисса шундай жумлалар билан бошланади: «Ҳар гал сафарга чиқишим олди-

дан ёғоч рамкага солинган сурат олдида туриш менга одат бўлиб қолганди. Эртага овулга жўнашим керак. Мана, ҳозир ҳам ўша суратга тикилиб, гўё ундан оқ йўл тилаётгандай, кўзимни узолмай узоқ термулиб қолдим».<sup>1</sup>

Миртемир талқинидаги сурат лирик қаҳрамоннинг муҳаббатга садоқатини, инсоннинг руҳий кечинмаларини, ички туғёнини ифода этувчи поэтик образ. Ч.Айтматовнинг «Жамила» қиссасидаги сурат эса китобхонни воқеа ичига олиб кирувчи, орқасидан эргаштирадиган, унда қандайдир сир яширинган бадий детал. Муаллифнинг севишганлар тақдирига муносабатини кўрсатадиган, уларни қўллаб-қувватлашига ишора вазифасини ўтайдиган бадий восита. «Жамила»да воқеалар Содиқнинг укаси Сейт тилидан ҳикоя қилинади. У ёзувчи ғояларини ўзида ташийдиган образ. Аксарият воқеалар унинг нуқтаи назари орқали талқин қилинади, баҳо берилади, хулоса чиқарилади.

«Жамила»да севгида алданган қалбнинг нидолари эмас, балки эркин муҳаббат учун энг «қалтис» қадам қўйишгача бориб етган қаҳрамоннинг ҳаракатлари, дадиллиги тўғрисида фикр юритилади. Жамиланинг ҳатти-ҳаракати қораланмайди, унга хайрихоҳлик билдирилади. Дастлабки вақтларда «Дониёрнинг Жамилага маъноли тикилиб қарашларини» унчалик ёқтирмаган Сейт ҳам қиссанинг охирларида уларнинг муҳаббатига тарафдор бўлиб чиқади. Ҳатто севишганларнинг унутилмас лаҳзаларидан илҳом олиб, бу таассуротни сурат шаклига солишга жазм этади. Шу тарзда, юқорида тилга олинган суратга «асос» солинади. Суратнинг яратилиш жараёнларини Сейт шундай ҳикоя қилади: «Дониёр билан Жамиланинг аравада ёнма-ён

<sup>1</sup> Ч.Айтматов. Жамила. Тошкент., 1964. 129-бет. Кейинги мисоллар шу манбадан олинади

ўтирганлари сира кўз ўнгимдан кетмас эди. Гўё ҳаётнинг энг гўзал лавҳасини қўлимда ушлаб тургандай бўлардим. Ўша ажиб бир лавҳа бутун фикр-ёдимни банд қилган эди. Ўйлаган мақсадимга етмаганимча жоним тинч топмайдигандай эди. Хирмондаги ҳисобчининг бир варақ қалин қоғозини ўғирлаб олиб, ғарам орқасига яшириб, ғалла совурадиган курак устига қўйганимда, юрагим чиқиб кетаётгандай дукиллаб бўғзимга тикилди. Отам мени биринчи марта от устига мингизгандagi каби «бисмилло!» дедим-да, қаламни қоғозга теккиздим. Ана-мана дегунча Дониёрнинг қиёфасини қоғозга чиза бошладим... Кўз ўнгимда солдатча қўйлагининг ёқаси очиқ Дониёр билан унинг елкасига бош қўйган Жамила гавдаланди. Бу менинг биринчи марта чизган мустақил суратим эди!» (172-бет).

Миртемир талқинидаги сурат анча драматик руҳда. Лирик қаҳрамоннинг «сурат»дан «норозилик» кайфияти бўртиб туради. Ч.Айтматовнинг «сурати» эса китобхоннинг кайфиятини кўтаради, илҳом беради.

Дониёр билан Жамиланинг бахтиёр лаҳзаларини қоғозга муҳрлаган рассомдан мамнун бўласиз. Унинг суратга тикилиб турган пайтда ҳаёлидан ўтказган қуйидаги орзу-армонларига шерик бўлгингиз, севишганларга бахт тилагингиз келади: «Оқ йўл! Сафарларинг бехатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг... Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол! Дониёр сенга севги, вафо, она ер, ҳаёт тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин! Ўшанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунидаги кучли бўрон гувилласин. Олис йўлдан қўрқма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг!». (186-бет)

Ўз янгасининг бегона бир эркак билан севишиб, қишлоқдан қочиб кетишига хайрихоҳ бўлиш, қўллаб-қувватлаш ҳаётда жуда кам учрайди. Сейтнинг акаси Содиқ томонида туриб эмас, оиласига келадиган иснодни ҳам ўйламасдан, Дониёр билан Жамилага ён босиши, уларга бахт тилаб қолиши, бошқача айтганда, «сотқинлик» қилиши, ўқувчига биров эриш туюлиши мумкин эди. Китобхонда сал ишончсизлик туйғуларини уйғотса ҳам ажабмас. Лекин ёзувчининг маҳорати шундаки, бу ҳолатни бадиий далиллаган. Воқеаларнинг шундай мантиққа асосланиб ечимга келиши муқаррар эканлигига ўқувчини ишонтиради. Тугуннинг ечими характерлар мантиқига жуда мос. Жамила билан Дониёр ораларидаги муносабатларни мунтазам кузатиб, улар севгисига гувоҳ бўлиб юрган Сейтнинг бошқача фикрлаши характер мантиқини бузган бўларди. Яна бир мулоҳаза. Суратнинг яратилиш тарихини Дониёр билан Жамиланинг севги тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу севги саргузашти Сейтга илҳом бағишлайди. Севишганлар суратини чизиш унинг учун орзуга айланган. Сурат мукаммал, беками-кўст ишлангандан кейин у Сейт учун «Дунёда энг азиз, энг қимматли нарсаси» бўлиб қолади. Сабаби, ўзидаги санъатга бўлган меҳр-муҳаббатини, ихлосини, завқини, биринчи марта шу суратга берган.

Сурат Сейт учун энди илҳом манбаига айланди. Ҳаётда баъзан қийналиб қолганда, ўз кучига ишонч йўқолган пайтларда ўша суратга мурожаат этади, «уларга узоқ тикилиб, ҳар гал улар билан маслаҳатлашади». Дониёр билан Жамиланинг суратдаги нурли қиёфалари уни доимо ўзига чорлаб, маънавий куч бериб, илҳомлантириб туради. У қандай мазмунда сурат чизмасин, кимнинг қиёфасини қоғозда гавдалантирмасин, «чизган суратим-

нинг ҳар бир бўёғидан, ҳар бир лавҳасидан Дониёрнинг куйи эшитилиб турсин! Чизган суратимнинг ҳар бўёғида, ҳар бир чизиғида Жамиланинг қалби уриб турсин!» деб қўлига қилқалам олади.

«Жамила» қиссасининг охирларида «сурат» анча «фаоллашади». Чинакам поэтик образ даражасига кўтарилиб, қаҳрамон психологиясини очиб берадиган бадий воситага айланади. Дониёр билан Жамиланинг сурати чизилган қоғозни Содиқ тасодифан топиб олади. Укасининг бу ҳаракатидан дарғазаб бўлиб, уни «аблаҳ», «сотқин» деб ҳақорат қилади. Суратни майда-майда қилиб йиртиб ташлайди. Ўғлининг бу ҳаракатини кўриб она ҳам эзилади. Сейт «мен уларнинг суратини яна чизаман!» деб хитоб қилади. Рассомлик мактабида ўқиб маҳоратини оширганида, албатта, Дониёр билан Жамиланинг суратини чизишни диплом ишига мавзу қилиб танлашни кўнглига тугиб қўяди. Сурат бир оила тақдирида мана шундай қувончу ташвишларга сабаб бўлади.

Ёзувчи қиссани сурат ҳақидаги тасвир билан бошлаб сурат ҳақидаги тасвир билан якунлайди. Сурат Ч.Айтматов талқинида шунчаки бир оддий детал эмас. У қиссада муҳим ғоявий вазифасини бажаради. Муҳаббатдек муқаддас туйғуни улуғлашнинг бадий тимсоли бўлиб гавдаланади. Миртемир ҳам поэмада суратга худди шундай масъулият юклаган.

Шоир талқинича сурат лирик қаҳрамоннинг ички драмасини очиб берувчи поэтик образ. Шу маънода Миртемир ва Ч.Айтматовнинг «сурат»лари бир-бирига жуда ўхшаш. Уларнинг бадий асардаги вазифалари, қаҳрамонлар психологиясини очишдаги «фаоллиги» анча яқин. Икки сурат детали ҳам, асосан образларнинг ички дунёсини очишга йўналтирилган.

«Сурат»нинг «Жамила»га яна бир ўхшашлиги бор. Миртемир ҳам поэмани суратга мурожаат билан бошлаб, суратга мурожаат билан тугатади. «Яна сурат» деган якунловчи бўлимда «ўхшаши йўқ», «малоҳатда ягона», «Ҳаммасидан кулиши яхши, дилкаш мунис туриши яхши», «Кўкрагига бошини қўйиб, Таслим бўлиб туриши яхши» маъшуқани таърифлаб, шоир «Сурат»га охирги нуқта-ни қўяди. Эътибор берган бўлсангиз, «Жамила»нинг охири ҳам худди шундай кўтаринки, роман-тик тасвир билан тугаган эди.

Бу икки ноёб асарни ўзаро анча яқинлаштирадиган мана шундай руҳий боғланиш, бир-бирини тўлдирадиган ижодий-эстетик тамойиллар борлиги қизиқарли ва аҳамиятли факт. Миртемир ҳам, Ч.Айтматов ҳам қаҳрамонларининг оғир дамларда умр йўлдошларига бевафолик қилиб, ўзгалар билан турмуш қуриб кетишларини, бу йўлдаги «қалтис» қадамларини қоралагиси келмаётгандек, эркин ва озод муҳаббатнинг тарафдори ва ҳимоячиси бўлиб чиқаётгандек туюлади. Икки ижодкорнинг ғоявий мақсадлари, фикримизча, мана шу нуқтада бирлашади. Балки, бу ижодий таъсир самарасидир. Балки, бу шунчаки бир тасодифий ўхшашлик бўлиши ҳам мумкин. Чунки, «Сурат» ҳам, «Жамила» ҳам деярли бир даврда яратилган. «Сурат» муаллифининг ўзи қайд этганидек, у 1956-йилда ёзилиб ўқувчиларга тақдим этилган бўлса, Ч.Айтматов «Жамила»ни 1958 йилда нашр қилдирган. Демак, адиблар ўз асарлари устида бир вақтда ишлаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай вазиятда ким кимдан ижодий таъсирланди? Қайси ижодкор бу мавзу талқинига биринчи бўлиб қўл урди? Қайси шоир ёки ёзувчи айтилган мавзуда биринчи бўлиб асар эълон қилди? Ҳар ҳолда, бу масалада кимнинг биринчи эканлигини аниқлаш анча мушкул. Ле-



кин шундай бўлса-да, ҳаёлимизда айланиб юрган бир фикрни мулоҳаза тарзида ўртага ташлашга жазм этдик. Бу мулоҳазамиз баъзи мутахассисларга эриш туюлиши, ҳатто эътирозли фикрлар ҳам уйғотиши мумкин. Балки, унга тарафдорлар ҳам топилиб қолар.

Маълумки, Миртемир Қирғизистонда халқ меҳрини қозонган атоқли ва ардоқли шоирлардан бири эди. Хусусан, адиб ижодкорлар орасида катта мавқега эга бўлган. Ч.Айтматовнинг: «Миртемир биз учун, қирғиз адиблари, қирғиз китобхонлари учун алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ва қалбларимиздан алоҳида жой олган ижодкордир. Миртемирнинг номи эсланиши биланоқ қирғиз адибларининг чехраси ёришиб, юзида самимий табассум пайдо бўлади... Мен уни ҳеч қачон унутмайман, негаки, у ана шу иззат-икромга арзирли иш қилган», деб ёзгани асл ҳақиқат. Ч.Айтматов Миртемир хотирасига бағишланган «Манасдай забардаст ижодкор»<sup>1</sup> мақоласида «Қорақалпоқ дафтари» шеърӣ туркумини ҳам тилга олиб: «Қорақалпоқ дафтари», «Қирғиз дафтари» деб номланган шеърӣ туркумлари унинг ижодида энг сара, энг бақувват асарлардир», деб ёзади.

Тахминимизча, Ч.Айтматов «Қорақалпоқ дафтари», ундаги «Сурат» лирик қиссаси билан таниш бўлган. Очиғи, агар туркум Ч.Айтматовдай зукко ёзувчи қалбини тўлқинлантирмаганида, завқ бағишлаб, илҳом бермаганида уни «энг сара, энг бақувват асар» деб атамаган бўларди. Бу фикр, бизнингча, қуйидаги мулоҳазани айтишга асос беради: «Сурат»да қаламга олинган мавзу қирғиз адибида ҳам худди шундай йўналишда, бошқа бир жанрда, ўз халқ ҳаётидан бирор асар яратиш истагини уйғотмадимикин? Ойсулув билан Тошлон

тақдирига ўхшаган тақдирларнинг қирғиз халқи орасида ҳам бор эканлигини ижодий ҳис қилмадимикин? Шундай мавзуда асар яратиш ниятини кўнглига тугуб қўймадимикин? Гарчи поэма билан қисса бир-бирига яқин муддатларда яратилган бўлса-да, орадаги тафовут икки йилдан ошади. Ижодий таъсирнинг рўёбга чиқиши, «Жамила» типидagi қиссанинг ёзилиши учун бу муддат етарли, деб ўйлаймиз.

Айтилганлардан қатъий назар, бир ҳақиқатни алоҳида таъкидламоқчимиз. «Сурат» ҳам, «Жамила» ҳам ўзбек ва қирғиз адабиётида кашфиёт даражасидаги асар сифатида баҳоланган. «Жамила» ҳатто жаҳон адабиётининг энг нодир намуналаридан бири, муҳаббат ҳақидаги энг буюк қўшиқ дея тан олинди. Дунё даражасида баҳоланди. Буюк француз ёзувчиси Луи Арагон «Жамила»ни «дунёдаги муҳаббат тўғрисида ёзилган қиссаларнинг энг яхшиси» деди. Шу фактларнинг ўзиёк, майли улар бир-бирларининг ижодий тажрибаларидан фойдаланиб яратилдими, ёки адиблар бир-бирларидан мутлақо хабарсиз мазкур мавзуга қўл урдиларми, бунга қарамасдан ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган дурдона асарлардир.

<sup>1</sup> «Таржима санъати». 5-китоб, Тошкент, 1980. 181-бет

## ШЕЪРИЙ ТУРКУМ ЯРАТИШ АНЪАНАСИ ВА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК

«Қорақалпоқ дафтари» туркуми ўзбек ва қорақалпоқ адабий муҳитида ўчмас из қолдириб, тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатган, янги-янги асарларнинг яратилишига ижодий куч бағишлаган, асосийси, ўзбек шеърлятида янги анъанага йўл очган мажмуадир. Миртемирдан кейин қорақалпоқ эли, одамлари, табиати тўғрисида туркум шеърлар пайдо бўла бошлади. Бир вақтлар Миртемир бошлаб берган анъана янги тарихий шароит ва янги адабий муҳитда давом эттирилди. «Қорақалпоқ дафтари»га ўхшаган туркумлар яратишга қизиқишлар кучайди. Қорақалпоқ мавзусига бағишланиб бир эмас, бир неча асарларни ўзида жамлаган, бир умумий ғоя, бир ижодий мақсадга қаратилган шеърй туркумлар ёзилди. Таниқли шоир Султон Акбарийнинг «Сулув сулув эмас, суйган сулув», Б.Бойқобулов ва А.Абдураззоқнинг қорақалпоқ мавзусидаги шеърй мажмуалари, Г. Матёкубованинг қорақалпоқ ҳаётдан олиб ёзган бир неча асарлари бу соҳадаги дастлабки ижодий изланишлар эди.

Булар орасида С.Акбарийнинг «Сулув сулув эмас, суйган сулув» туркуми алоҳида ажралиб туради. Туркум кўп хусусиятлари билан «Қорақалпоқ дафтари»ни эслатади. Шаклий ифодаси, ғоявий асоси, қаламга олинган мавзуларнинг бадий талқинида яқинликлар бор. Ҳазил-мутуйбага мойил қорақалпоқ миллий характери чизилган шундай ҳазил шеърлар борки, беихтиёр «Қорақалпоқ дафтари»даги юморга бой айрим шеърлар ҳаёлингизга келади. С.Акбарий бу масалада Миртемирнинг адабий тажрибаларига таянганини, услуб ва усулларида ижодий фойдаланганини ҳис қила-

сиз. Мавзу талқинида, реал қорақалпоқ воқелигини енгил услубий шаклларда ифодалаб беришда, турли бадий воситаларни қўллашда миртемирона ёндашгани шеърларнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан биридир. Икки адибнинг қорақалпоқ мавзусида туркум яратишдаги ижодий яқинлиги тасодифий эмасдек. С.Акбарий Миртемирни устозларидан бири деб билган. Шоир бўлиб шаклланишида роль ўйнаган устозлар ҳақида гапирганда: “Мен Миртемир оғанинг қаватида ўсдим, буни шукроналик билан таъкидлагумдир.”<sup>1</sup> деб ёзган эди.

Аввало, туркумнинг тузилиши ҳақида. «Сулув сулув эмас суйган сулув...»га катта-кичик ҳажмдаги ўн бешта шеър кирган. Ҳаммаси қорақалпоқ мавзусида. Мавзу талқини, ғоявий йўналишида бир-бирларидан фарқланиб турадиган хусусиятлар, қорақалпоқ ҳаётга «бегоналик» аломатлари йўқ ҳисоби. Барчасида қорақалпоқ воқелигини тасвирлаш орқали дўстлик улуғланади. Шеърлар бири иккинчисини тўлдиради, мантиқан давом эттиради. У «туркум»га қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради. “Туркум”нинг номланиши ҳам ички мазмунига мос, умумий ғоявий йўналиши ва мазмунидан “ўсиб чиққан”. “Сулув сулув эмас, суйган сулув” - бу қорақалпоқ халқ мақоли. Миртемир ҳам «Қорақалпоқ дафтари»да бу мақолни қўллаган эди. Сарлавҳада эмас, шеър ичида келтирганди. “Сажа эмас” номли шеърнинг бир бандида шундай мисралар бор:

*«Сулув-сулувмас, - дер эл,  
Севганинг - сулув!»  
Қовушайди... ўтарди  
Йигит беармон... (91-бет).*

<sup>1</sup> С.Акбарий. Шукрона. Сайланма. Тошкент, 1987. 7-бет

Ўхшашлик тасодифий бўлиши ҳам мумкин. Балки С.Акбарий туркумга ном танлаётганда «Қорақалпоқ дафтари»да қўлланилган ўша қорақалпоқ халқ мақолини эслаб, ундан фойдаланишни, туркумга бош сарлавҳа қилиб олишни маъқул кўрган бўлиши ҳам эҳтимолга яқин. Муҳими бу эмас. Муҳими, шоир туркумга жуда яхши ном топган. Сарлавҳанинг ўзиёқ шеърий туркум ким ва нима ҳақидалигини англатиб туради. Ички мазмуни билан танишишга ундайди. Исми жисмига монандлик туркумнинг фазилатларидан бири.

«Сулув сулув эмас...»га кирган шеърлар бир ўтиришда ёки икки уч ойда ёзилган эмас. Туркум шаклига келиш жараёни, худди «Қорақалпоқ дафтари»га ўхшаган, бир неча йилни қамраб олади. Аслида унинг ҳам қарийб йигирма беш йиллик «тарихи» бор. Шоирнинг Қорақалпоғистон ҳақидаги биринчи шеъри 1949 йилда ёзилган ва у «Шаббоз қовуни» деб аталган. Шундан бошлаб С.Акбарийга қорақалпоқ ҳаёти энг яқин мавзулардан бири бўлиб қолган ва умрининг охирига қадар мавзуга содиқ қолиб, кўп шеърлар ижод этган.

Шоирнинг Қорақалпоғистон ҳаёти билан танишганлиги, табиати, инсонларининг характер хусусиятларини яхши ўзлаштириб, сўнг асар ёзишга ўтиргани ҳар бир шеърнинг мазмунида сезилади. Умуман, кўриб, ҳис қилиб ёзиш С.Акбарийнинг ижодий тамойилларидан бири эди. Нафақат қорақалпоқ мавзусига бағишланган шеърлари, бошқа асарлари ҳам ана шу фазилати билан дарров диққатингизни тортади. Агар шоир Шаббозда бўлиб, неъматларидан ҳайратланмаганида қуйидагидек завқли мисраларни тўқиши мумкинмиди?:

*Шаббозда қўзиқовун сўйдилар,  
Олдимга коса қилиб қўйдилар.*

*Бир тўғрам едим - босилди чанқоқ,  
Тилими тилимни тилганда қандоқ!  
Яна еб эдим - қорин солдим мен,  
Йўл овқатим ғамлаб олдим мен,  
Тағин егандим ҳарсиллаб кетдим,  
Шакарпалакдай тарсиллаб кетдим.<sup>1</sup>*

Шоир миллий-маҳаллий шароит руҳини бериш учун шундай поэтик деталлар танлаганки, уларни бошқа бир шеърга кўчирсангиз ёки қовун ҳақида умумий маъно касб этадиган сўзлар билан алмаштирсангиз, шеърнинг охори тўкилади, қорақалпоқ замини, айнан Шаббоз қовуни таърифига бағишланганлик хислати йўқолади. Қовун ҳақидаги оддий бир шеърга айланади. Шаббоз қовунининг шухрати баланд. Ширинлиги билан Қорақалпоғистон, Ўзбекистонда Шаббоз қовунлари донг таратган. Шоир бу ҳақиқатни шеър қилиб ёзган. Қовунни коса қилиб сўйиб, меҳмоннинг олдига қўйиш дастури фақат Қорақалпоғистон ва Хоразмда бор. Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида қовун сўйиш анъанаси бошқачароқ. «Тилими тилни ёрадиган, шакарпалакдай тарсиллама» қовунлар ҳам қорақалпоқ тупроғида ўсади. Шоир саккиз қатор шеърда шундай бир ажойиб манзара, шаббозликларнинг меҳмонни қовун сўйиб кутиш эпизодини яратганки, сиз уни кўриб тургандай бўласиз. Қалбингизда фахр туйғуси уйғонади. Лирик қаҳрамоннинг қовун еб «қорин солиши», «ҳарсиллаб кетиши», «шакарпалакдай тарсиллаб кетиши» каби ҳазилга мойил ифодалар шеърнинг бадий қимматини, таъсир кучини оширган, колорит руҳини берган.

С.Акбарийнинг Қорақалпоғистон ҳақидаги биринчи шеъри муваффақиятли чиқди. Шоир бу анъ-

<sup>1</sup> С.Акбарий. Сайланма. Тошкент, 1987. 137-бет. Кейинги мисоллар шу манбадан бўлади.

анани, яъни кўриб, ҳис қилиб ёзиш тажрибасини давом эттирди. Адибнинг ўзи ҳам бундай фаолиятдан мамнунлигини шундай баён этган эди: «Йигирма беш ёшимдан бошлаб юртларни кезиб кетдим. Дунёни кўришга жуда қизиқаман. Йигит юрса йўли очилар, шоир юрса кўзи очилар экан. Кўриб ёзган шеърларининг гашти бошқача бўларкан.» (8-бет)

Ҳа, шоир Қорақалпоғистон ҳақида «кўриб ёзиш» учун бу ўлкада бир неча марта бўлган, кўп жойларини кезиб чиққан, ҳаётини ўрганган. Қаламкаш дўстлари даврасида суҳбатлар қурган. Ҳар бир ижодий сафардан олган таассуротлари, тўплаган материаллари асосида шеърлар ёзган. Ва уларни XX аср саксонинчи йилларининг иккинчи ярмида жамлаб, бир туркум шаклига келтирди. «Сулув сулув эмас, суйган сулув» деб номланган шеърый тўплам ана шундай кўп йиллик ижодий изланишларнинг самараси ўлароқ юзага келди. У илк марта адибнинг «Шукрона» деб номланган «Сайланма» асарларидан ўрин олди, яхлит туркум шаклида киритилди.

Шеърлар турли йилларда ёзилган. Ҳар хил мавзуларга бағишланган. Ифода шакллари ҳам бир-бирларига ўхшамайди. Мазмун талқини ҳам ўзгача. Миллий бўёқларнинг ранглари ҳам ҳар бир шеърда турлича. Шароит тақозоси, психологик вазиятга кўра жилваланиб туради. Лекин шакл ва мазмун талқинидаги бундай хилма-хиллик умумий бир ғояни ифодалашга монелик қилмаган. Балки китобхонга осонроқ етиб боришида муҳим бадиий восита вазифасини ўтаган. Қорақалпоғистон халқи тарихига, адабиёти ва маданиятига, урф-одатлари, такрорланмас табиатига самимий ҳурмат, дўстлик ва қардошлик меҳри барча шеърлар руҳига сингдирилган. Қисқаси, улуғ бир ғоя қуйланган.

Шеърларнинг деярли ҳаммаси, ҳатто, сарлавҳасидан тортиб сўнгги мисраларигача шу мақсадга хизмат қилади. Уларда қорақалпоқ элининг овози эшитилиб тургандай, ўлканинг одамлари сиз билан мулоқотда бўлаётгандай туюлади. Мисраларда қорақалпоқ заминининг «қалби» ураётганини ҳис қиласиз. Шу халқ ичида юрган, табиати қўйнида бўлиб, завқланган шоиргина қуйидаги сатрларни ярата олади:

*Оқ қайиқда сузиб ўтдим,  
Дарёдан кўз узиб ўтдим,  
Гашт ўйинин тузиб ўтдим,  
Сайёҳларнинг йўл босганда мўлжали -  
Хўжайли.*

*Ов қилдим кўк қўлларида,  
Пахмоқ тўқай йўлларида,  
Сувсоқ дала, чўлларида,  
Қирғовулар тап-тап тушган - Хўжайли.*

Мисралар шоирнинг «Хўжайли» номли шеърдан. Шеърнинг мазмунини бугунги ҳаёт, Хўжайли табиати билан қиёсласангиз, бу гаплар балки, ҳозирги ўқувчига эриш туюлиши мумкин. Дарёдан «Оқ қайиқда сузиб ўтишлар», «кўк қўллар», «пахмоқ тўқайлар», ов қилганда «тап-тап тушадиган қирғовулар» ҳозир йўқ ҳисоби. Бугунги экологик вазият кўпчиликка маълум. Табиат мўъжизаларининг йўқолиб бораётганини халқимиз билади. Шундай бўлса-да, шеърдаги табиатнинг бир вақтлардаги романтик тасвири ҳозирги авлод ўқувчисига завқ беради, қалбида табиатга ғамхўрлик қилиш истагини ҳам уйғотса керак. «Хўжайли» шеърининг ҳозирги авлод учун ибратли жиҳати, бизнингча, шунда.

С.Акбарий бошқа шеърларида ҳам қорақалпоқ табиати мавзусига мурожаат этган. Мўъжизаларидан илҳомланиб, шеърлар битди. «Оролим» шундай жўшқин шеърлардан бири. Орол денгизи ҳақида ўзбек адабиётида ҳам, қорақалпоқ адабиётида ҳам кўп асарлар яратилган. Ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида Орол икки адабиётнинг ҳам долзарб мавзуларидан бири бўлгани ҳақиқат. Қайси ижодкор Қорақалпоғистонга келгудек бўлса, Орол мавзусига қизиққан, асарлар ёзган. Шулар қаторида С.Акбарий ҳам бу мавзунини четлаб ўтмаган. Орол ҳақида шеър ёзади:

*Ўйинчи туядай йироқдан Оролим,  
Чайқалиб-чайқалиб келасан, Оролим!  
Йиғилиб, тарқалиб келасан Қайиқли  
Тўлқинлар ирғитиб қирғоқдан, Оролим,  
Балиқли Оролим! (138-бет)*

Орол яқин ўтмишда С.Акбарийнинг денгиз ёқасига бориб «Балиқчи боладай хушчақчақ кузатиб турганда» худди шундай «балиқли», «қайиқли» бўлган. «Ўйинчи туядай йироқдан чайқалиб-чайқалиб» келиб денгиз қирғоғига урилиб турган. Денгиз тўлқинларининг ўзига хос «ўйини»ни яқиндан кузатган шоир илҳоми шеърга кўчган. Денгиз табиатига мос энг гўзал, теран маъноли ифодаларни ишлатган. Денгиз тўлқинларининг «чайқалиб-чайқалиб» юрадиган «ўйинчи туя»га ўхшатилиши шеърга такрорланмас поэтик маъно бағишлаган. Яна ўша гап. Бугун Оролнинг тақдирига ҳавас қилиб бўлмайди. Денгизнинг инқироzi нафақат Қорақалпоғистон ёки Ўзбекистон халқларини, жаҳон жамоатчилигини ҳам ташвишлантираётгани кундек равшан. Денгизни сақлаб қолиш учун қилинаётган тадбирдан ҳам халқимиз хабардор. Муҳта-

рам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Мўйноқни қайта тиклаш, ободонлаштириш, айниқса, Орол ҳалокати билан боғлиқ муаммоларни ечиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг натижаларига халқимиз гувоҳ. Сир эмас, бир вақтлар ижодкорларга илҳом берган Орол, эндиликда қалам аҳлининг илҳомига эмас, изтиробига айланди. Лекин экологик вазиятнинг ўнгланишига, Орол инқироzi туфайли юзага келган муаммоларнинг ҳал бўлишига халқимизда умид уйғонди.

С.Акбарий яқин ўтмиш ҳақиқатини тасвирлаб берди. Тўғри, Орол денгизининг бугунги ҳолатини аслиятига мутлақо қийслаб бўлмайди. Шеърга бугунги куннинг кўзи билан эмас, ўша замоннинг кўзи билан қараш, баҳолаш керак. Ижодкор борки, ўз даврининг фарзанди, яшаб турган ҳаётидан нафас олади. Ўша муҳитнинг ижтимоий тарихий шароитидаги воқеа-ҳодисалар, турмуш кўринишлари ижодида аксини топиши зарурат. С.Акбарий ҳам шу тамойилга амал қилиб қалам тебратди, ўша даврнинг ҳаёт ҳақиқатини бадиий шаклга солди.

«Сулув сулув эмас...» миллий бўёқлари, табиат рангларини чизишдаги ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шеърлардаги поэтик фикрларнинг салмоғи, ифодавий жарангдорлиги, тилининг содда ва равонлиги билан ҳам ўқувчига мароқли. Туркумдаги ҳар бир шеърнинг оригинал ифода шакли бор. Қасида, бағишлов, қорақалпоқ халқ қўшиқларини эслатадиган тўртликлар, ҳазил шеърларда қорақалпоқ руҳини ҳис қиласиз. Баъзи шеърларда қорақалпоқ оғзаки ижодига хос ифода шакллари таъсирини сезиш мумкин. «Қорақалпоқ тўқисим», «Саҳрода бир лўк кўрдим», «Бердақ дутори», «Чағалай», «Қирқ қиз», «Ойжамол» шеърларида қорақалпоқ мавзусининг турли қирралари очиб берилган. Дутор таърифига бағишланган шеър-



лар кўп. Ўзбек дутори ҳақида ёзилган шеърлар ҳам етарли. Лекин С.Акбарий талқинидаги қорақалпоқ дутори таърифи ҳеч бир шоирга ўхшамайди. Ўта миллий ва жозибатор. Муаллиф шеърни «Бердақ дутори» деб атаган. Бироқ шеър фақат Бердақ дутори ҳақида эмас, қорақалпоқ дутори тўғрисидаги ўзига хос мадҳия. Дутор поэтик умумлашма образ. Шоир дутор тимсолида қорақалпоқ халқига, муסיқасига хос баъзи бир миллий унсурларни берган. Шунчаки, оддий баён усулида эмас, мажозий ифодалар, ўхшатишлар, сўз ўйинлари воситасида таърифлаган:

|                                 |                               |
|---------------------------------|-------------------------------|
| <i>Кекса Бердақ «отам»лаб,</i>  | <i>Айтишувда қизариб,</i>     |
| <i>Қучоқлаб юрган дутор.</i>    | <i>Лабини бурган дутор.</i>   |
| <i>Етти пушти қиссахон,</i>     | <i>Қиз Миноим — иккови</i>    |
| <i>Ҳизрни кўрган дутор.</i>     | <i>Кайфини сурган дутор.</i>  |
| <i>Тўққиз ботмон тариққа</i>    | <i>Ипак попугин чеча</i>      |
| <i>Кулдириб-ўлдирган дутор.</i> | <i>Майдалаб ўрган дутор</i>   |
| <i>Олачада Ўташ-ла</i>          | <i>Кўк Оролда чўмилиб,</i>    |
| <i>Чордона кўрган дутор.</i>    | <i>Динғиллаб юрган дутор.</i> |

(140-бет)

Шеърнинг ички мазмунидаги қорақалпоқ ҳаётига тегишли поэтик образларнинг маъно-моҳиятида, негизида унутилмайдиган миллий белгилар бор. Шеърнинг бадий ютуғи ҳам шунда. Бердақ ёки Ўтеш шоирларни айтмаганда ҳам, биргина «Қиз Миноим»нинг ўзи шеърга қанчалик миллий жило бериб турибди! «Қиз Миноим» қорақалпоқ халқининг миллий ашуласи, шуҳрати баланд кўшиқ. «Қиз Миноим»ни ёд билмайдиган кўшиқ мухлиси Қорақалпоғистонда йўқ бўлса керак. Шоирнинг бу ҳақиқатни шеърга солгани ва гўзал бадий шаклда ифодалагани мавзуни маҳорат билан ёрита олганидан далолат беради.

«Сулув сулув эмас...» туркумида «Қирқ қиз» деб номланган бир шеър бор. Ҳажми ҳам юз мисра атрофида. Қорақалпоқ эпоси «Қирқ қиз»ни кўпчилик билади. Гулойим бошчилигидаги қирқ қизнинг жасоратию мардлиги тилларда дoston. Бу ҳақда қорақалпоқ ёзма адабиётида ҳам талайгина бадий асарлар битилган. Эпоснинг сюжети кўп ижодкорларга илҳом берган. Қардош адабиётларда ҳам эпос сюжетида фойдаланиб янги асарлар ижод этган қалам аҳли талайгина. Лекин С.Акбарий «Қирқ қиз» мавзуси талқинига бошқача ёндашади. Эпоснинг мазмунини, образларини такрорламайди. Муаллиф ўз даврининг «қирқ қиз»ларидан сўз очади. Жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган Гулойим бошчилигидаги қизларнинг мардлик жасоратларини ўзи яшаётган замоннинг қизларига, меҳнат жараёнларига кўчиради. Агар Гулойимнинг қизлари босқинчи қалмоқларга қарши жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган бўлса, С.Акбарий талқинидаги «қирқ қизлар» пахта далаларининг фидойилари. Латофатда ҳам, гўзалликда ҳам ўша афсонавий «қирқ қиз»лардан қолишмайди. Шоир ибораси билан айтганда, улар «ақлни шоширадиган», «қирқ арслон, қирқ лочин», «ҳовуч-ҳовуч нур», «қучоқ-қучоқ дур тўплаб» меҳнат деб елиб-югурадиган шўх, бахтиёр қизлар:

|                                |                                 |
|--------------------------------|---------------------------------|
| <i>Қуёш гурурт чақмасдан,</i>  | <i>Чаққон чиқиб келади,</i>     |
| <i>Уфқ лола тақмасдан,</i>     | <i>Қалб орзиқиб келади</i>      |
| <i>Қирқ қиз кокил ўради,</i>   | <i>Баргларга шудринг инган,</i> |
| <i>Оппоқ тонгни кўради.</i>    | <i>Ҳаво қимиздай тинган.</i>    |
| <i>Қирқта уйдан, қопқадан,</i> | <i>Пахтазор — оппоқ сийна,</i>  |
| <i>Қирқта боғдан оқбадан,</i>  | <i>Сувлар — тиниқ ойина.</i>    |
| <i>Оташ нафасли қизлар,</i>    | <i>Қирқ қиз қулоч керади,</i>   |
| <i>Қўнғироқ сасли қизлар</i>   | <i>Шиғиллатиб теради.</i>       |

(144-бет)

Эрталаб далага отланадиган қишлоқ қизларнинг ташқи ҳаракатлари, руҳий ҳолати табиий ва самимий чизилган. Бадий тасвир воситалари, ўринли ишлатилган рамзлар, халқона иборалар муайян ҳаёт кўринишини яхлит ҳолида тасаввур қилишга ёрдам беради. Ифодалар муайян воқелик муҳитини ёрқин гавдалантирган. Қуёш чиқишининг «*чироқни гугурт чақиб ёқишга*» ўхшатилиши, бу тамомила янги, балки ҳеч бир шоирда учрамайдиган мажоз, десак хато бўлмас. Шеърдаги ҳар бир лирик лавҳада қизларнинг қалб кечинмалари очиб берилади. Фақат елиб-югуришлари эмас, дам олиш фурсатларидаги «шўхлик»лари ҳам самимий, хилма-хил тимсолларга бой мисраларда акс этади. Мана, қирқ қиз даладаги меҳнатни тугатиб, уйига қайтаяпти. Қизлардан бири Аму бўйига бориб озгина «шўхлик» қилиб, ўйнаб кулишни таклиф этади:

|                                |                             |
|--------------------------------|-----------------------------|
| <i>Сувдай қилайлик шўхлик,</i> | <i>Ғунча оғзи йймоқдай</i>  |
| <i>Ичимизда ким кўхлик.</i>    | <i>Ширингина қуймоқдай,</i> |
| <i>Киройи ойга хосдай,</i>     | <i>Ичимизда ким кўхлик,</i> |
| <i>Лаби пишган гилосдай,</i>   | <i>Товус каби попуклик?</i> |

(145-бем)

Шеър шу мазмунда давом этади. Қирқ қизнинг номи бирма-бир санаб, мақталади. Қизларнинг ҳар бирига хос ва мос ифодалар шундай танланганки, таърифда уларни кўриб тургандай бўласиз. Шоир билан бирга завқланаётгандай сезасиз ўзингизни. «*Қуралай кўз*» Шакархон ҳам, «*Қаймоқдай сўзи кўхлик*» Сорахон ҳам, «*Ҳуснига бино қўймай, Қўлига хино қўймай*», «*Оқ олтинни ўйлаган*», «*Офтобдай юзи кўхлик*» Меҳрихон ҳам замонасининг меҳнатсевар, шўхлик ва кўхлик қишлоқ қизлари қиёфасида гавдаланади. Шоир образлар қиёфасида меҳнат романтикасини беради. Меҳнатидан маънавий қониқиш ҳосил қилган қишлоқ ёшларининг ички

гўзаллиги, ёшлик шўхликлари гаштини сураётган замон қирқ қизларидан сўзлайди.

Шеърдаги ёрқин тасвирлар, поэтик образлар, лирик лавҳадаги конкрет ҳаётий манзаралар ифодаси жуда яхши чиққан. Шеърда ахборот тарзидаги мисралар учрамайди. Ҳар бир қатор, жуфт мисраларга шундай сайқал берилганки, бир ўқишдаёқ ёд бўлиб қолади. Баъзи мисолларни келтирамиз:

*Сувда ой тўлғанганда  
Кокилин чайқаганда.*

Ёки:

*Қизлар зулфин ўришар,  
Сувда сурад кўришар.*

Ойнинг сувда «тўлғаниши»га ҳамма ҳам эътибор беравермайди. Дарё бўйига келган қизларнинг зулфларини ўриб, кокиллари чайқашлари, сув юзида ўз аксини кўришлари, «*хуснда ойдай*», «*бодомқовоқ, писта қош*», гўзалликда тенгсиз деб таърифланиши шеърга жило, жозиба бериб турибди. Адабиётда қизларнинг қоши кўпинча «камон»га ўхшатилади. Шоир бу анъанани четлаб ўтиб, қорақалпоқ қизларининг қошини «писта»га қиёслайди. Қизлар қовоғининг бодомга ўхшатилиши ҳам адабиётда кам учрайди. Шоирнинг кўчма маънодаги сўзлардан асарга колорит руҳини беришни назарда тутганини сезган бўлсангиз керак. Қуйидаги ифодалар ғоят ўзига хос:

*Киприкдан уйқу қувиб,  
Юзин шудрингга ювиб  
Тонгдан бир бўса сўрган.*

Шеърдаги «*Дарё бир севги жоми*», «*Сувдан ясаб ҳавоза*», «*Нор туядай талпиниб*» каби образли тас-

вирлар ҳам шеърни “ясантирган”. Шеър ўта самимий ёзилган, сунъийлик, баландпарвозлик йўқ. Қорақалпоқнинг «қирқ қизи» суратда ҳам, сийратда ҳам тенгсизлиги таъсирли ва қўйма сатрларда таърифланади. Ифода тасвир воситаларининг бетакрорлиги шеърнинг бадиийлиги белгиси.

Шеърый асар образли мушоҳадаларга бой бўлса, ўқувчига завқ беради, фикрини чуқурлаштиради. Лирик асарга қўйиладиган эстетик талаб ҳам шу. Шеър фақат шаклий ифодада эмас, маъно талқинида ҳам мукамал бўлмоғи лозим. «Сулув сулув эмас...» туркумига кирган аксарият шеърлар шу талабга жавоб бера олади.

С.Акбарий қорақалпоқ ҳаётининг бадиий манзарасини миллий чизишда шеърдан шеърга ўсиб, маҳорати чиниқиб борди. Ҳар бир шеърида қорақалпоқ нафаси барқ уриб туради. Юртнинг одамларига хос хислатлар, маълум ва машҳур дастурлари тасвири илҳом беради, туйғуларингизни бойитади. «Балли» қорақалпоқ колорити билан суғорилган шундай шеърлардан бири. Шеърга эпиграф қилиб олинган «*Дўстингдан туя сўра, уялганидан бия беради*» деган ҳикмат шеърнинг ғоявий мазмунини очганидек, колорит руҳини ҳам берган.

*Оқ ювиниб, оқ таранган аймоғим,  
Сут устида пишиб турган қаймоғим,  
Шопирилган қимизим, бешбармоғим,  
Туя десам, бия бердинг,  
Чакмонингни қия бердинг.  
Эшиклардан тўй чиқса ҳўб ярашади,  
Ойимхонлар булбул бўлиб сайрашади,  
Жировлар бош ирғаб, бундоқ қарашади,  
Қорақалпоқ, куй муборак,  
Янги сарпо, тўй муборак. (132-бет)*

Шеър муайян бир тадбир муносабати билан ёзилганга ўхшайди. Бирор юбилей ёки катта бир сиёсий тадбир муносабати билан ёзилган шеърлар одатда баландпарвоз чақириқларга, сиёсий шиорларга тўлиб-тошган бўлади. Уларда самимийликдан кўра сунъийлик, далилланмаган сохта мақтовлар устуворлиги сезилиб туради. Бундай “календарбоб”, мавсумий шеърлар бир «ёнади-ю» сўнг абадий «сўнади». Бироқ, С.Акбарийнинг «Балли»си бирор сана баҳонасида ёзилган бўлса-да, унда лирик қаҳрамоннинг қалб ҳарорати, самимий туйғулари тасвири табиий чиққан. Хилма-хил ифода-лар, қорақалпоқ табиати реал воқелик билан уйғун ҳолда бўяб безамасдан, қандай бўлса шундайлигича поэтик чизиб берилгани шеърни дабдабозликдан «халос» этган. Шеърда ишлатилган «аймоқ», «қаймоқ», «бешбармоқ», «қимиз» каби ата-малар, «*Қақалашиб ғозлар учган пар дарё*», «*наҳанг дарё*», «*тўқай дарё*», «*зар дарё*» сингари ўхшатишу сифатлашлар шеърнинг миллий руҳини кучайтирган. Ундаги “*Ойимхонлар булбул бўлиб сайрашади*” мисрада машҳур санъаткор, қорақалпоқ қўшиқчилик санъатининг булбули саналмиш Ойимхон Шомуратова назарда тутилгани шеърнинг яна бир беағи.

С.Акбарий кўриб, ҳис қилиб ёзишга мойил шоир дедик. Шеърлари шу хусусияти билан ўзига хос. Албатта, шоир кўрган нарсаларининг ҳаммасини шеърга солавермаган. Ўзини ҳаяжонлантирган, фикр уйғотган воқеаларнигина қаламга олади. Шеърларида сохталиқ, сунъийлик аломатлари деярли йўқ. Аксарияти табиий ва бадиий мукамал. «Айрон» деган шеъри фикримизни тасдиқлаши мумкин. Шеърда аниқ бир ҳаётий лавҳа тасвирланган. Тасаввур қилинг: лирик қаҳрамон қорақалпоқ ўлкаси-

да кезиб юрибди. Ёзнинг иссиқ кунларидан бири. У жуда чанқайди. Сув сўраб, бир эшикка боради:

*От чоптириб чўллаб келдим дўмбоқ қизга,  
Карт думбадай эриб тушиб бўлдим жизза,  
Овулидан сув сўрасам қилар изза,  
Келиншегим, бир коса айронинг борми?  
Эшигингда менингдек ҳайронинг борми?  
Тунукали анов оқ уй кимникидир,  
Ичидаги қўнғироқ қуй кимникидир,  
«Ёр-ёр» айтиб қизиган тўй кимникидир,  
Келиншегим, бир коса айронинг борми?  
Эшигингда менингдек ҳайронинг борми?  
(127-бет)*

Лирик қаҳрамон кечинмалари мисраларга табиий сингдирилган, ички мазмундаги енгил юморга уйғунлигини ҳис қилиб завқланасиз. Биринчи банддаги тўртинчи ва бешинчи мисраларнинг ҳар банди охирида нақорат шаклида келиши шеър маъносини, таъсир даражасини оширган, муҳими, шеърга колорит руҳини ҳам берган. Эшигига айрон сўраб борганда унга пешвоз чиққан «дўмбоқ қиз»га шоирнинг «келинчагим» деб эмас, айнан «келиншегим» деб мурожаат қилишидан гап ким ва нима ҳақида бораётганини дарров тушунасиз.

«Сулув сулув эмас...» туркумининг «Қорақалпоқ дафтари»га ўхшаб кетадиган яна бир жиҳати бор. Бу - кўпчилик шеърлардаги ҳазил, юморнинг оҳангдошлиги. Шеърлар руҳига сингдирилган самимий, беғараз кулги яратишдаги умумийлик. Лекин мавзунини ҳар ижодкор ўзича, ўзига хос поэтик шакл, усул ва услубда ёритган. Китобнинг олдинги бўлимларида таҳлил қилганимиздек, Миртемирнинг кулгига қурилган ҳазил шеърлари кўпроқ қорақалпоқ аёллари билан мулоқот, тасодифий уч-

рашувлардаги ҳазил саволга ҳазил жавоб шаклида ёзилган. Шоирнинг «Енгажон», «Ҳодиса», «Кегейлидан келган қиз», «Қора соч» номли шеърларидаги майин, қувноқ кулги ўқувчига илҳом беради. Муаллифнинг ўзга миллат одамлари ҳақида самимий ҳазил шеърлар ёзиш маҳоратига қойил қолган эдик.

С.Акбарий ҳам устози Миртемир анъаналарини давом эттириб, енгил кулги йўлида асосланган яхши шеърлар ижод этди. Миртемирдан бошланган бу анъанани С.Акбарий янгича лирик талқинлар билан бойитди. Ўзига хос овоз, услуб ва услубларда оригинал шеърлар ёзди. Шеърларида қорақалпоқ миллатига хос ҳазилкашлик, қардошлик, борди-келдиларга қурилган ва тобора мустаҳкамланиб борган муносабатлар гоҳ лирик оҳангларда, гоҳ енгил кулги фонида акс эттирилади. Шоирнинг топқирлиги, поэтик образ яратиш маҳорати белгиси бу. Ҳар бир шеър, ҳатто ҳар мисрасидаги «қорақалпоқча ҳазил»нинг ғоят нозик ва юксак бадий талқинини кўриб ўқувчи кўнгли тўлади. Кулгининг табиий ва ҳаётийлигига ишончи ортади. Ҳазил-мутойибага мойил халқ ҳақидаги китобхон тасаввури кенгаяди. Шеърларни ўқисангиз ўзингизни қувноқ, ҳазилкаш одамлар даврасига тушиб қолгандай сезасиз. Шоир фақат қорақалпоқ ҳаётига хос жиҳатларни яхши поэтик умумлаштирган, жонли воқелик манзарасини чизган. Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. «Сулув сулув эмас...»да ғоявий мазмуни бўйича бир-бирига яқин икки шеър бор. Бири «Оғайин», иккинчиси, «Бахшиёна». «Оғайин» Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаевга «ҳазил хат» шаклида ёзилган, «Бахшиёна» эса Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Тиловберган Жумамуратовга ҳазил-қасида. Бироқ шеърлар ўзаро

яқин бўлса-да, ифода усули, мавзу талқини ўзгача. «Оғайин» бошдан охиригача ҳазилга қурилган. «Бахшиёна»да эса ҳам ҳазил, ҳам жиддий лирик оҳанг устун.

С.Акбарий «Жўлмирзага ҳазил хат» баҳонасида ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари алоқалари, дўстона муносабатларидан сўз очади. Ҳадди сиғадиган қаламкаш дўстларига ҳазил аралаш «салом» йўллаб, ҳол-аҳвол сўрайди:

*Хўжабегинг ўч эмасми қуймоққа,  
Кўк Оролнинг лаққасига, ўйноққа,  
Алдаб олиб борардимиз Мўйноққа,  
Ҳануз ялпоқ товонми?  
Бойниёзинг тутиб келса чавоқни  
Ибройиминг тўлдир деса товоқни,  
Бобош қовун деса кади қовоқни,  
Кўноқларинг ҳайронми?... (130-бет)*

Мисраларда номлари тилга олинган адиблар қорақалпоқ шеъриятининг номдор сўз усталари – Хўжабек Сейтов, Бойниёз Қайипназаров, Ибройим Юсупов, Бобош Исмоиловлардир. Улар С.Акбарийнинг сафдошлари, тенгдошлари, қаламкаш дўстларидир. Кўп марта учрашиб, «калла-поча тозалашган» шоирнинг биродарлари. С.Акбарий қорақалпоқ заминидан улар билан кўп марта «қумга чиқиб жайрон овлаган», «балиқ осиб, эт осиб», уйнинг тўрида «тер босиб гурунглашган», «Қунхўжа ҳам Бердақ руҳин шод» этиб шеър айтишган. Мана, энди у ўша дўстлар дийдорини соғиниб, бир вақтлардаги сафар таассуротларини шеърга солиб, дўстига хат шаклида йўллайпти. У оддий хат эмас. Чуқур маъноли поэтик образларга, ҳазилга йўғрилган, ҳаётий деталларга бой, халқлар дўстлигини самимий мисраларда куйлаган юксак савияли ҳазил-қасида.

Шеърда қўлланилган «чавоқ», «ялпоқ товон», «кади қовоқ» каби атама ва иборалар шароит руҳини ҳам беради.

«Оғайин»нинг иккинчи қисмидаги юморнинг характери ҳам шу хилда. Бироқ муаллиф энди Тошкентлик қаламкаш дўстларини ҳазил кулги остига олади. Улар аҳволидан қорақалпоқ сафдошларига «ҳисобот» беради. Бу ўриндаги лирик қаҳрамон кечинмаларида енгил юморга мойиллик етакчи:

*Тенг-тушларинг тинч, саломат ҳаммаси,  
Сал учинган Миртемирнинг аммаси,  
Шеър ёзишга ўтди Асқад чамаси,  
Шеърсиз забон забонми?*

*«Қирқ қиз» деса Уйғун аканг қирқ бўлак,  
Муҳаббат кенг кўчами ё тор йўлак,  
Қуддусинг ҳам қуёв бола бўлгудак,  
Яшариш аҳд-паймонми? (131-бет)*

Бандлардаги комик деталлар, таъсирчан поэтик ифодадалар ўқувчига табассумий кайфият улашади. Лирик қаҳрамонларга «кийдирилган» кулги «либоси» жуда ярашиб, шеърга жозиба бағишлаган.

«Оғайин» шеърининг охириги банди сўнгги мисрасида бир сўз қўлланилган. Оддийгина бу сўз бутун бошли шеърга миллий руҳ бериб, гўё уни ёритиб тургандай.

*Оғайин, кўп эзма бўлиб кетибман,  
Шеър ағдариб туриб салом битибман,  
Соғинчимни шундоғ изҳор этибман,  
Соғинган тек Султонми?! (131-бет)*

«Тек» сўзи ўзбек тилида «фақат» деган маънода келади. Бошқа халқларнинг тилида бу сўз



худди шундай мазмунда деярли учрамайди. Шоир «Соғинган фақат Султонми?!» деса, мисранинг миллий ранги бироз хиралашиб қолиши мумкин эди. «Тек» шеърга миллий ранг берган. Шоирни қорақалпоқ ҳаётига, қаламкаш дўстлари даврасига жуда «яқинлаштирган», шу муҳитнинг бир вакилига «айлантирган». Соғинч туйғулари дўстона муносабатларда бир томонлама эмас, икки томонлама бўлиши шеърда яхши айтилган. Шеърдан бир ибратли мантикий хулоса чиқади. Бир вақтлар ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорларининг дўстона муносабатлари, ўзаро борди-келдилари жуда авжида бўлган. Бундай дийдорлашувлар, фикрлашиб тажриба алмашувлар, халқларимиз ва адабиётларимиз манфаатига хизмат қилган. Бу тадбирлар янги-янги асарларнинг ёзилишига замин ҳозирлаган. Натижада, адабиётларимиз дўстлик мавзусидаги асарлар билан бойиб борган. «Оғайин» шеъри ҳам шундай ижодий сафарларнинг, мулоқотларнинг, тажриба алмашувларнинг меваси эди. Демак, ҳозирда бу анъанани қайта тиклаш, изчил давом эттириш икки адабиёт тақдирига масъул мутасаддилар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. «Оғайин» ана шу хусусияти билан ҳам бугунги ҳаётимизга оҳангдош.

С.Акбарийнинг қорақалпоқ ижодкорлари билан дўстлик муносабатлари «Бахшиёна»да янада ёрқинроқ кўринди. Шеърнинг ғояси, ифода усули, композицион қурилиши ҳам «Оғайин»дан фарқли. Шеърда бир неча шоир тўғрисида эмас, бир шоир ҳақида сўз боради. Ўша шоирнинг фазилатлари, ижодкорлик қобилияти гоҳ лирик ифода, гоҳ эпик баён, баъзан ҳазил аралаш кулги фонида очиб берилади. Халқ шоири Тиловберган Жумамуратовни ҳам инсон, ҳам шоир сифатида яхши билган, шеър тўқиш маҳорати билан яқиндан мулоқотда бўлган ижодкоргина ҳаётини ва жилдор шеър ярата

олса керак. Салкам юз мисрадан иборат бу шеърни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисмда Қорақалпоғистоннинг табиати, «Бир ёғи майсазор, бир ёғи қум, Бир ёғи - бол, бир ёғи эриган мум, Бир ёғи - қоқ, бир ёғи нуқул унум» бўлган сахий юрт неъматлари васф этилади. Гўзаллик, офтоб, қўшиқ, дўмбира мангу яшайдиган, абадий янграйдиган бу диёрнинг бошқада манзаралари таърифланади. Сирасини айтганда, тулпорлару бургутларга, охулару мўйналарга сероб Қорақалпоғистоннинг такрорланмас тасвири колоритли, жуда ҳаётини ва илҳомбахш. Шеър олтмишинчи йилларда ёзилган. Ўша даврларда Қорақалпоғистон табиати, чиндан ҳам, ҳавас қилса арзигулик ноёб кўринишга эга эди. Бир вақтлардаги мўъжизавий табиат бойликлари балки бугун камайиб, экологик вазият туфайли айримлари, умуман, йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин, албатта. Шеърни ўша давр руҳида таҳлил қилар эканмиз, шоирнинг мавзуни ёритишдаги маҳоратига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашамиз. Шоирнинг қорақалпоқ элини, табиатини илҳом ва завқ билан қаламга олиши ўша давр ҳаёт ҳақиқатига мос. Юқорида ҳар бир ижодкорнинг асарига у яшаб, ижод этган замоннинг талабидан келиб чиқиб баҳо берилса, тўғри бўлади, деган мулоҳазани айтган эдик. «Бахшиёна» фақат бирор ижодкор ҳақидаги шеър эмас, балки у табиат тасвирига бағишланган оригинал қасида ҳамдир. «Бахшиёна»нинг муқаддима қисмидаги гўзал пейзаж тасвири шу хулосага ундайди. Ўлканинг нафақат табиати, одамлари ҳам қувноқ, қайнаб-жўшиб турган булоқдай: сахий, бағри кенг, олижаноб. Айниқса, юртда улғайиб, камол топган ижодкорлар табиатан шундай инсонлар, деган ғоя шеърнинг биринчи бўлимида акс этган. Бу ғоянинг исботи учун Тиловберган Жумамуратовнинг ҳам инсоний,

ҳам шоирлик фаолияти танланган. Шеър шоирга берилган қисқагина тавсифдан бошланади:

*Ўлтирса - бир бўталоқча ўрни бор,  
Оқ янтоқдай қўри бор,  
Қумга ўхшар, дам қизиб, дам совуши,  
Жангиллайди товуши... (133-бет)*

Т.Жумамуратовнинг ким ва қандай характердаги ижодкорлигини ушбу таърифдан билиб олса бўлади. Шоирнинг шеър ижод қилиш жараёнидаги ҳолатини кузатган ёки ҳар хил адабий давраларда, мушоираларда, учрашувларда шеърларини ёд ўқиган пайтларини кўрган ё бир вақтнинг ўзида мавжуд вазиятга боғлаб бирданига шеър тўқиб юбориш, ниманидир маъқуллаб ёки кимгадир эътирозини шеърӣ тилда изҳор эта олиш истеъдодидан хабардор шоирнинг замондошлари юқоридаги мисраларнинг асл ҳақиқат эканлигига шубҳа қилмас керак. Қорақалпоқ шоирини яқиндан билган, халқона асарларини бир эмас, кўп марта ўқиб ёки эшитиб завқланган қаламкашгина «Бахшиёна»га ўхшаш шеър ёза олади. Замондошларининг айтишига қараганда, Т.Жумамуратов, ҳақиқатан ҳам *“Қумга ўхшаб дам қизиб, дам совуб”* ижод қиладиган, булоқдай қайнаб турган ўта халқчил ва ҳозиржавоб шоир бўлган. Шеърларидаги *«жангиллаган товуши»*да ўқувчини оҳанграбодай ўзига тортадиган жозиба, маънавий куч бор. Бу мафтункор туйғуларни С.Акбарӣ қалбдан ҳис қилиб, унутилмайдиган бадӣй деталлар, поэтик образларда реал чизган. Юқорида келтирилган тўрт мисранинг ўзидаёқ Тиловберган шоир ўқувчи кўз ўнгида тирик инсондай, худди *«дам қизиб, дам совуб»* шеър ўқиб тургандай бўлади. Шоирнинг жонли портре-

тини кўз олдингизга келтириб, ғойибона мулоқотда бўлаётгандай сезасиз ўзингизни.

«Бахшиёна»нинг иккинчи қисми сал бошқачароқ шакл ва мазмунда, Т.Жумамуратов адабий услубига яқин бир услубда ёзилган. Маълумки, қорақалпоқ шоирининг шеърӣ услуби халқ оғзаки ижодида кенг қўлланиладиган бармоқ усулига яқин. Шеърларида, термалари, ҳатто поэмаларида ҳам шу услубнинг устуворлиги сезилади. Шоир асарларининг халқ тили ва дилига яқинлигининг сабабларидан бири ҳам шунда бўлса керак. С.Акбарӣ шеърнинг иккинчи бўлимидаги қирқ мисрани шу услубда ёзган. Бу, бир жиҳатдан, ижодӣ таъсир кўриниши бўлса, иккинчидан, Тиловберган шоирнинг суврати ва сийрати билан ўзбек китобхонини таништириб, шеърӣятига ошно қилишдир. Шеърнинг шакли ва мазмуни ифодасида Тиловберган шоирга хос *«дам қизиб, дам совуб»*ни, мисралардаги оддий, халқона ифодаларни, тилидаги оддийликни бирданига пайқайсиз. С.Акбарӣ қаламкаш дўсти лирикасининг мазмун-моҳиятини ҳам, шаклини ҳам қанчалик теран ҳис қилиб, унинг услубида бетакрор шеър битганига гувоҳ бўласиз. Қуйидаги мисраларда гўё Тиловберган шоирнинг *«жангиллаган товуши»* эшитилиб тургандай, у китобхонга шеър ўқиб бераётгандай туюлади:

|                                 |                                 |
|---------------------------------|---------------------------------|
| <i>Сахро билан, қум билан,</i>  | <i>Қирққиздан ҳам нари бор,</i> |
| <i>Янтоқ билан, мум билан,</i>  | <i>Пахтаси бор, зари бор.</i>   |
| <i>Морол билан, нор билан,</i>  | <i>Лаққаси бор, эти бор,</i>    |
| <i>Ўлан билан, тор билан...</i> | <i>Тайинли юрт, бети бор.</i>   |
| <i>Токни чопар чоп деса,</i>    | <i>Шоири бор, сози бор,</i>     |
| <i>Тилла топар, топ деса.</i>   | <i>Қақажонин нози бор!</i>      |

(134-бет)

С.Акбарӣ гўё Тиловберган шоир «тили» билан, унинг «ўзи» ва «кўзи» бўлиб қорақалпоқ эли-

ни таърифлайди. Табиатини, меҳнатсевар халқини, заминнинг бойликларини, «баланд-пастликларини» миллатнинг ўз шоиридай суюниб ёзади. Қийинчиликлар олдида довдирамайдиган, ютуқлардан ҳеч мағрурланмайдиган, иродаси бақувват бу халқнинг характерига хос хислатлар шеърда поэтик маъноларда, унутилмас детал ва штрихларда, содда шаклда жуда ҳаётий берилган. Бир қарашда, мисралар оддий, жўн, шунчаки бир ахборот тарзидаги гаплардек кўриниши мумкин. Бироқ шу оддий сатрларнинг ички мазмунига чуқурроқ назар солсангиз, катта ижтимоий маъно яширинганини, халқона шеърий услубда ўқувчига тақдим қилинаётганини билиб оласиз. Зеро, катта ҳаёт ҳақиқатини оддий ифода усулларида ёритишга мойиллик Т.Жумамурастовнинг ижодий тамойилларидан бири эди. Мана, кичкина бир мисол:

*Қурал етип ҳамалды,  
Белгилеме шаманды  
Халық — тарези, олшеп тур,  
Жаксы менен жаманды.<sup>1</sup>*

Ёки шоирнинг машҳур «Макария сулув» достонидан яна бир кичкина парча:

*Қар ериген маҳелде -  
Атланарсан баҳарде.  
Барыў ушын жарыққа  
Онайда емес бирақ та.  
Едилден арман отерсен,  
Ақ жайыққа жетерсен,  
Тулпарға қына басарсан  
Орал таўдан асарсан... (34-бет)*

<sup>1</sup> Т. Жумамурастов. Шығармалар жыйнағынын 3 томлығы. 1-том. Нокис, 1978. 34-бет

Шеърий парчалар С.Акбарийнинг «Бахшиёна»-сига ғояси, мазмуни билан ҳам ўхшамайди. Улар Т.Жумамурастовнинг ҳар хил шакл ва мазмундаги асарларидан олинди. Эътибор берсангиз, парчалар шоирнинг «дам қизиб, дам совуб» шеър ижод қилиши, мисраларнинг оддийлиги, фикр баёнидаги соддалиги жиҳатидан «Бахшиёна» шеърига оҳангдош. С.Акбарий «Бахшиёна»ни ёзишда шу усулни қўллаган демоқчимиз. Шоир услубида унга шеър ёки қасида бағишлаш адабий муҳитда бор тажриба. Мумтоз адабиётимизда ҳам бу анъана мавжуд. Назира ёзиш, мухаммас боғлаш каби ижод турларидан шоирлар фойдаланган. Натижада, адабий жараёнда шакли ўхшаш, маъноси ҳар хил асарлар яратилган. Бу анъана замонавий адабиётда ҳам ижобий самара берганини «Бахшиёна» шеъри мисолида кўрдик.

Шеърнинг яна бир фазилати бор. С.Акбарий бутун бошли халқнинг умумлашма образини бир лирик қаҳрамонда жамлаган. Халқнинг «ўти билан кириб, қули билан чиққан», қувонса қувонган, йиғласа йиғлаган, халқининг тили ва дилига айланиб, дам суюниб, дам куйиниб ижод қилган Тилов-берган шоир тимсолида қорақалпоқ миллатининг бахтини, маънавий камолотини бадий гавдалантириб берган. «Бахшиёна» шеърининг якунидаги мана бу мисраларда катта ижтимоий маъно бор:

*Бўлмаганни бўлдириб,  
Давраларни тўлдириб,  
Уқалайди манглайин,  
Бахт кўтарган танглайин,  
Қорақалпоқ шундайдир,  
Тўлинойдай, кундайдир. (135-бет)*

С.Акбарий шеърнинг ҳар мисрасида, ҳар сўз ва ҳар бир детални қўллашда ўз бадий-эстетик

тамойилларини Т.Жумамуратов услубига яқинлаштиришга интиланган. Шоирнинг шахс ва шоир қиёфасидаги поэтик образини яратган, шу усул билан қорақалпоқ ҳаётининг реал манзарасини чиза олган ҳам. «Бахшиёна» шеърининг фазилятлари кўп. Муҳими, шеър қорақалпоқ халқига, такрорланмас шоирига, табиати таърифига бағишланган бир мадҳия. Бундай асарлар «Сулув сулув эмас...» туркумида яна бор. Ҳар бирида «қорақалпоқ» мавзуси ҳар хил шаклларда, турли воқелик кўринишларида реал ёритилган. Шоирнинг қардош халқнинг турмуш тарзини, урф-одатларини, психологиясини, бошқада миллий ўзгачаликларини ҳар томонлама, худди шу халқнинг бир ижодкоридай ўзлаштириб олгани, шеърларида маҳорат билан тасвирлаб бергани С.Акбарийнинг катта ютуғидир. Шу билан бирга, ҳар бир шеърда муаллифнинг қорақалпоқ халқига ҳурмати беқиёс эканини кўриб мамнун бўласиз.

«Сулув сулув эмас...» туркумининг мақтовга лойиқ яна бир хусусияти бор. Шеърлар шўролар даврида ёзилган. Сиёсий тузум, мафкуравий тазйиқнинг энг кучайган, айниқса, адабиётга зуғумини ўтказиб турган бир шароитда яратилган. Лекин бирор шеърнинг ғоявий мазмунида мустабид тузум сиёсатининг ёки ҳукмрон мафқурасининг таъсири борлигини кўрмадик. Ҳатто ўша давр учун типик сохта сиёсий-партиявий атамаларни мазкур туркумда учратмадик. Шоирнинг бошқа ижод намуналарида ҳукмрон мафқуранинг таъсири балки бордир. Бироқ «Сулув сулув эмас...»да, биз муносабат билдирган асарларда бундай фактга дуч келмадик. С.Акбарийнинг шундай мураккаб, қалтис вазиятда, мустабид тузум қонуниятларини четлаб, мустақил қалам тебратгани, қорақалпоқ ҳаётига хос, чинакам миллий шеърлар яратгани дадилликдир.

Биламизки, қардош халқларга бағишлаб асарлар ёзиш, дўстлик ғояларини улуғлаш ҳам озми-кўпми сиёсатга боғлиқ жараён. Дўстликни, биродарликни қуруқ, ҳиссиз, баландпарвоз мисраларда, чақириқларда, сийқаси чиқиб кетган таъсирсиз сиёсий ибораларни қўллаб шеърлар ёзиш анъанаси, афсуски адабиётда бор. «Номи улуғ, супраси қуруқ», ҳеч қандай бадий-эстетик қиммати бўлмаган мавсумий шеърлар, таассуфки, шўро даврида кўп ёзилган. С.Акбарийнинг «Сулув сулув эмас, суйган сулув» туркуми бу масалада кўп ижодкорларга ибрат. Бу жараёнда Миртемир анъаналарининг роли, тажрибаларининг аҳамияти катта бўлган деб ҳисоблаймиз. С.Акбарий туркумига кирган ҳар бир шеърда миртемирона оҳанглар эшитилиб тургандек. Шу маънода туркум «Қорақалпоқ дафтари»га жўровоз, мундарижасини тўлдиради. С.Акбарий янги тарихий шароитда «қорақалпоқ» мавзусида ижод қилиб, ўз даври қаҳрамонларининг маънавий қиёфасини очиб беришда Миртемирнинг ижодий тажрибаларидан фойдалангани учун ҳам туркум бадий пухта, колоритли асар бўлиб чиққан. Туркум «Қорақалпоқ дафтари» анъаналарини ўзбек шеъриятида муваффақиятли давом эттирган, шакли ўхшаш, маъноси ранг-баранг, ўзига хос бадий хусусиятларга эга асарлардан бири.

Яна бир мулоҳаза. С.Акбарийнинг «Сулув сулув эмас...» шеърий туркумини ҳар томонлама мақтаб, кўкларга кўтармоқчи, «Қорақалпоқ дафтари»дан ўзиб кетган туркум сифатида баҳоламоқчи эмасмиз. Туркумларни «рақобатлаштириш» ниятимиз йўқ. С.Акбарий ҳам туркум яратаётганда бундай мақсадни назарда тутмаган, албатта. Фикримизча, бу жараёнга туркум яратишдаги ўзига хос ижодий мусобақа шаклида қаралса, айни муддао бўларди. Лекин бу ижодий мусобақада ким

енгди, ким енгилди? Масалани бу тарзда қўйиш фикримиз ҳам йўқ. Чунки, «Қорақалпоқ дафтари» туркумидаги баъзи шеърларнинг ғоявий-бадий савияси, мавзу талқини, шоирлик маҳорати бобида «Сулув сулув эмас...»даги айрим шеърлардан устун бўлиши мумкин. Ва аксинча, С.Акбарий баъзи бир масалаларнинг поэтик талқинида ўзига хос йўлдан юриб, ижодий муваффақиятларга эришган устози Миртемирдан биров илгарилаб кетган бўлиши ҳам эҳтимолга яқин. Ижодий таъсирнинг моҳияти ҳам, аҳамияти ҳам шунда. Ўзлигини, ўз ижодий қиёфасини намойиш эта олишда. Агар шу мантиққа таяниб, С.Акбарий туркумига назар ташласак, у «Қорақалпоқ дафтари» билан ёнма-ён туришга лойиқ, шуҳратига шуҳрат қўша оладиган асарлардан биридир.

## БЕРДАҚ АСАРЛАРИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРДА

Миртемир ижодининг бир қирраси бадий таржима билан боғлиқ. Шоир ижодий салоҳиятида бадий таржима катта роль ўйнайди. Адабий жараёнда ҳам, илмда ҳам исботланган ҳақиқат бу.

Миртемирнинг таржимонлик фаолиятида қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималари алоҳида ўринга эга. Қорақалпоқ китобхонлари шоирни нафақат “Қорақалпоқ дафтари” туркуми орқали яхши билади, балки Бердақ асарлари, “Қирқ қиз” эпосининг моҳир таржимони сифатида ҳам танийди ва қадрлайди. Шоирнинг қорақалпоқ адабиётига қизиқиши ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошланган, ўлкага тез-тез ташриф буюриб турган. Ҳар келганида қорақалпоқ адиблари билан танишган, мулоқотда бўлиб, дўстона муносабат ўрнатган. Бу ҳамкорлик шоирни тобора қорақалпоқ адабиётига яқинлаштирди, мумтоз шоирлар ижоди билан муфассал танишиш имконини берди.

Гарчи Миртемир Бердақ мероси билан ўттизинчи йилларда танишган бўлса-да, асарларини ўзбек тилига таржима қилишга эллигинчи йилларнинг бошларида киришган. Шоирнинг шеърлар туркумини, “Омонгелди”, “Ерназар бий”, “Аҳмоқ подшоҳ” дostonларини ўзбек ўқувчиларига тақдим этди. Сўнгги йилларда бу таржималар “Танланган асарлар” деган номда тўлдирилган, қайта ишланган вариантда бир неча марта чоп этилди. Таржималар ҳақида ўз вақтида филология фанлар номзоди Б.Қурбонбоев қисман тадқиқот юритди. Жумладан, муаллифнинг “Бердақ ижоди” (1977), “Бердақ ва ўзбек адабиёти” (1982) номли рисолаларида мавзуга тўхтаган, имкон қадар шеърлар ва



поэмалар таржимасига муносабат билдирган эди. Агар бу тадқиқотларнинг салкам эллик йил олдин яратилганини инобатга олсак, мавзу янгича, янги мезон, янги материаллар асосида ўрганиш заруратини келтириб чиқарадики, биз мавзу талқинига айнан шу мезондан ёндашишга ҳаракат қиламиз. Ва таржима таҳлилини янги манбалар билан кенгайтиришга интиламиз.

Маълумки, Бердақ лирикасида ижтимоий мазмун моҳият етакчи. Шоир дунё ташвишлари, олам ва одам ҳақида, адолат ва адолатсизлик, нодонлик ва манманлик, инсоф ва диёнат тўғрисида қалам тебратади. Адолат томонидан туриб ноҳақлик ҳамда виждонсизликка қарши зулмни қоралаб, золимларни фош этади. Шоирнинг “Халқ учун”, “Яхшироқ”, “Келин”, “Бу замон”, “Нодон бўлма”, “Қарамас”, “Кўрарман” ва яна туркум шеърлари айнан шу ғояларга қурилган, таржималарида ҳам шу поэтик фикр яхши сақланган. Бердақнинг “Халқ учун” шеъри инсонийликни улуғловчи мадҳия, десак муболаға эмас. Одамийлик тараннумининг олий ифодаси бўлмиш бу шеърни Миртемир жуда маромига етказиб ўгирган, насиҳат оҳанги таржимада ҳам жуда таъсирли, мазмунли чиққан. Қуйидаги икки бандни таржимага солиштириб кўрайлик:

*Жигит болсан арысландай туўылған,  
Хызмет еткил удайына халық, ушын.  
Жигит болсан арысландай туўылған,  
Ҳеш қашан да жумыс етпес ози ушын...*<sup>1</sup>

Таржимада:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.  
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Бердақ. Танламалы шығармалары. Нокис, 1977 ж. 33-бет.

<sup>2</sup> Бердақ. Сайланма. Тошкент, 1978 й. (Миртемир таржимаси)

Аслиятдаги насиҳат мотиви, тарбиявий моҳият, даъват, эзгуликка чақириқ қорақалпоқ шоири услубига хос халқона бадий шаклда ўгирилгани таржимоннинг устунлиги. Баъзи мисраларга сайқал берилган. Шарқ шеъриятига мос мурабба услулида таржима қилгани ўзини оқлаган. Айтайлик, таржимоннинг биринчи банднинг тўртинчи “Ҳеш қашанда жумыс етпес ози ушын” деган мисрани “Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун” мазмунида ижодий ўгиргани маҳорат белгисидир. Асл нусхада поэтик маъно бироз дағалроқдек ўқилади, таржимада силлиқлашган.

“Яхшироқ” номли шеър Бердақ лирикасининг кашфиётларидан бири. Шоирнинг бадий-эстетик идеали, ахлоқий қарашлари, фалсафий мушоҳадалари умуминсоний аҳамият касб этади. У “Халқ учун” шеърининг мантиқий давомидек туюлади. Ҳар бир мисрасида ахлоқий қоидаларга амал қилиш чақириғи баралла янграб туради.

*Жумыс исле, туўылған сон ел ушын,  
Жанынды аяма елде ер ушын.  
Киндиктен қан тамып, туўған жер ушын,  
Олип кеткенинше хызмет жақсырақ.*

Таржимада:

Ишни ишла, туғилгансан эл учун,  
Жонингни аяма, элда эр учун.  
Киндик қони томган азиз ер учун,  
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ.

Таржимон мисраларни сўзма-сўз ўгирганига гувоҳсиз. Бадий таржимада бу усул ҳам қўлланилади. Бироқ таржимашуносликда сўзма-сўз таржимадан қочиш кераклиги тўғрисида даъватлар ҳам бор. Бизнингча, бу фикрга тўла-тўқис қўшилиш қийин. Айниқса, яқин тиллар, айтайлик, ўзбек ёки қорақалпоқ тилидан шеър таржималарда бу

усул ўзини оқлаганига қўплаб мисоллар бор. Миртемир таржимонлик фаолиятида бу усулни муваффақиятли қўллаган. Ва юқоридаги мисол фикримизга далил.

Бердақнинг насиҳатбоп шеърлари таржималарига тўхталдик. Ваҳоланки, шоирнинг бошқа ижтимоий мавзулардаги шеърлари таржималари ҳам оз эмас. Масалан, шоирнинг “Бўлган эмас”, “Солиқ”, “Қарамас”, “Кўринди”, “Айрилиқ”, “Ёз келарми?”, “Умрим” номли шеърларида азоб-уқубатларга маҳкум этилган лирик қаҳрамоннинг қайғу ўкинчлари, кўргуликлари, инсонни маънан ва ахлоқан таҳқирлаган ўтмиш замонга нафрати норозилик оҳангида ёритилган. Шоир қалбини ўртаган жаҳолат, ғам-алам, халқ бошига тушган бало қазолар, изтироблар шеърларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Таржимон бу норозилик оҳангни, лирик қаҳрамоннинг қалб тўлғанишларини, эзгулик билан жаҳолат ўртасидаги ички зиддиятни, адолатсиз тузумга нисбатан ошкора муносабатни қалбидан ўтказиб, чуқур ҳис қилган ва ўзбек тилида бера олган. Бир банд таржимаси фикримизни тасдиқлаши мумкин:

*Гул болдым, гул жайнамадым,  
Ойшы болдым, ойламадым.  
Булбул болдым, сайрамадым,  
Қонар гулим болған емес...*

Банд гарчи сўзма-сўз ўгирилган бўлса-да, ҳар мисра янгидан ижод қилингандек, ўзбекона поэтик тилда, ўта жарангдор маъноли сўзлар воситасида таржима қилинган.

*Гул бўлдимۇ яйрамадим,  
Оқил бўлиб ўйламадим.  
Булбул бўлиб сайрамадим,  
Ҳодиса кам бўлган эмас...*

Банднинг тўртинчи мисраси биров мавҳум. Асл нусхада шоир сайраш учун гулим йўқ демоқда: “Қўнар гулим бўлган эмас”. Таржимон бу мисрани “Ҳодиса кам бўлган эмас” деб ўгирган. Банднинг мазмунига деярли боғланмайди.

Энди Бердақдostonларининг ўзбек тилига таржималари тўғрисида икки оғиз. Шоир меросининг катта қисмини дoston ва поэмалари ташкил этади. Миртемир бу асарлар таржимасига ҳам масъулият билан ёндашган, асл нусхасига мослаштириб яхши ўгирган. Масалан, “Омонгелди”, “Шажара”, “Ерназар бий”, “Ахмоқ подшоҳ” каби поэма ва дostonларнинг бадий таржимасида жиддий хатолар кузатилмайди. Таржимон баъзиларини қисқартириб таржима қилган бўлса-да, дostonларнинг ғоявий йўналиши, сюжет ва композицион бутунлигига салбий таъсир кўрсатган эмас. Чунки меъёрида қисқартириб таржима қилиш таржимачилик тажрибасида бор.

“Омонгелди” поэмасидаги Омонгелди, “Ерназар бий” поэмасидаги Ерназарбий образлари, “Шажара”даги қатор тарихий шахслар, шаҳарлар, уруғлар, бой ва бийлар, географик атамаларга доир маълумотлар, улар билан боғлиқ сюжет чизиқлари, ҳамма бадий-эстетик унсурлар таржимада тўла акс этган. Таржимон поэмаларнинг бош қаҳрамонлари таржимасига алоҳида эътибор берган. Қаҳрамон уларнинг ватанпарварлиги, эл бошқарувдаги фидойиликлари тасвирланган эпизодлар таржимаси асл нусхага мос. Мана, мисол:

*Кўриб томоша қилингиз,  
Не ажойиб полвон келди.  
Келса бобосин билингиз,  
Юрт оғаси Омонгелди.*

Ёки:

Саваш куни илғор ташлаб,  
Сардор бўлиб юриш бошлаб.  
Ёвларининг кўзин ёшлаб,  
Полвон эди Эрназар бий.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг яқинлиги, синтактик қурилишидаги ўхшашлик, қолаверса, икки халқ адабиёти, хусусан, дostonчилигидаги муштарак жиҳатлари, умумийликлар сўзма-сўз, мисрама-мисра, мурабба усулида таржима қилиш имконини яратган. Самараси, айниқса, “Аҳмоқ подшоҳ” дostonи таржимасида яққолроқ кўринади. Дoston Бердақ меросининг ёрқин саҳифаларидан бири. Асарнинг кўп эпизодлари драматик руҳда ёзилган. Образлараро тўқнашув, зиддият, эзгулик билан зулм ўртасидаги кураш мотиви асарнинг бошидан охиригача қизил ипдек тортилган. Балиқчи қизи Гулимнинг подшоҳ ясовуллари билан тўқнашуви, подшоҳ билан юзма-юз тортишуви, Аҳмоқ подшоҳнинг Гулимлар оиласи бошига солган кулфатлари, отанинг руҳий изтироби, Гулзор ва Анор каби қизларнинг аччиқ қисматига дахлдор драматик лавҳалар таржимаси ҳам ҳаяжонли ўқилади. Гулимнинг зўрлаб хон саройига олиниши, қиз туққанни учун таҳқирлаб, гўдакни ўлимга ҳукм қилгани, суюнчи сўраб борган Зорунинг шафқатсизларча жазоланиши китобхонни ҳам ларзага солади. Бу аянчли воқеалар тасвири асл нусхада қандай бўлса, таржимада ҳам худди шундай таъсирли. Гулимнинг ясовулбошилар билан диалогига эътибор беринг:

- Гоззал екенсен, келискен,  
Кеўлинди озин берипсен.  
Ханнын тусине енипсен,  
Апарамыз, - деген екен.

Қизнинг жавоби:

Қыз деди сонда: - уятсиз,  
Жузлери қара иймансиз.  
Ата-анасы қадирсиз,  
Сандаламан! - деген екен.<sup>1</sup>

Савол жавобнинг мазмуни, драматик оҳанги таржимада янада кучлироқ бетакрор рамзлар билан бойитилган. Гулимнинг жасорати ва дадиллигига кўпроқ урғу қилинган.

- “Хон сени тушда кўрибди,  
Кўнглини сенга берибди.  
Ишқингда оҳлар урибди.  
- Қиз бесадо турар эди.

Деди Гулим: - “Виждонсизлар.  
Юзи қаро, иймонсизлар,  
Оқпадар-у чаёнсизлар,  
Не дейсиз отам олдида”<sup>2</sup>

Подшоҳ ясовулларига нисбатан таржимада ишлатилган “оқпадар”, “чаён” сўзлари интонацияни кучайтириб, ғояни янада чуқурлаштирган, душманлар устидан ўқилган ҳукмдай янграйди. Бундай ижодий таҳрир ҳар бир банд таржимасида бор. Дoston ўз қизига уйланишни ният қилган аҳмоқ подшоҳнинг шармандаларча фожиали ўлими билан якунланади. Халқ қудрати азоб уқубатларга барҳам беради. Зулм енгилиб, адолат ўрнатилади. Бу ечим таржимада яхши акс этган.

\* \* \*

<sup>1</sup> Бердақ. Сайланды шығармалар. Ноқис., 1997. 183-бет

<sup>2</sup> Бердақ шеърятидан. Тошкент., 1983. 64-65-бет. (Қорақалпоқ тилидан Миртемир таржимаси)

Бердақ ижодига мурожаат, асарлари билан ўзбек китобхонларини таништириш жараёнлари сўнгги йилларда, айниқса, мустақиллик даврида янада кучайди. Таржимонлар сафи кенгайиб борди. Бир вақтлар устоз шоир Миртемир бошлаб берган анъана изчил ривожланди, Бердақ асарларининг янги таржималарини тайёрлашга киришилди. М.Али, Г.Матёкубова, Э.Очилов, М.Аҳмад ва бошқа баъзи ижодкорлар Бердақ шеъриятдан намуналар таржима қилиб матбуотда бостирди, айримлари таржималарини китоб шаклида чоп эттирди. Биз шулардан фақат бир таржима китоб тўғрисида батафсилроқ тўхталмоқчимиз. Бу, олим ҳам таржимон Эргаш Очилов қаламига мансуб Бердақнинг “Халқ учун” (2021) номли китоби. Аввало, таржимон ҳақида икки оғиз сўз.

Э.Очилов филология фанлари номзоди, таниқли адабиётшунос олим. Унинг бир қаноти илм бўлса, иккинчи қаноти бадиий таржимачилик десак хато эмас. Ҳатто унинг олимлигидан баъзида таржимонлик фаолияти устундек туюлади бизга. Олим Шарқ мумтоз адабиётини мукаммал билади. Таржималарининг катта қисмини Шарқ адабиётининг номдор адиблари асарлари ташкил этиши, шундан бўлса керак. Айниқса, туркий Шарқ мумтоз адабиётидан қилган таржималарини ихлосмандлар яхши билади. Жумладан, олимнинг туркман мумтоз адабиётидан, айтайлик, Махтумқули ва Муллонафас лирикасидан қилган таржималари китобхонларга манзур бўлди. Махтумқули адабий мероси Э.Очилов томонидан яхлитлигича ўзбек тилига ўгирилгани ўзбек ва туркман таржима адабиётида ўзига хос воқеа бўлгани ҳам ҳақиқат. Олимга 2014 йилда “Махтумқули Фироғий” халқаро мукофоти берилгани таржимоннинг туркман

адабиётидан амалга оширган таржималари давлат даражасида эътироф этилганидир.

Мана энди Э.Очилов Бердақ асарлари таржимасига қўл урди, гўзал бир таржима китоб яратди. Ва унга ўзи “Халқига бахшида умр” деган сўз боши ёзиб, тўплам шаклида чиқарди. Китобга Бердақнинг эллик тўққиз шеъри таржимада киритилган. Таржимон таржима учун шоирнинг энг сара, халқимиз орасида жуда оммалашиб кетган шеърларини танлаб олган. Мумтоз Шарқ шоирлари шеърларини таржима қилишдаги тажрибаларини қўллаб Э.Очилов ижодий меҳнат қилгани ҳар бир шеър таржимасида кўриниб туради. Бердақ қаламига мансуб “Халқ учун”, “Яхшироқ”, “Излар эдим”, “Умрим”, “Бўлган эмас”, “Солиқ”, “Бўлмади” ва яна бошқа қорақалпоқ ҳаётининг бадиий кўзгуси бўлган шеърлари таржима учун танланган.

Таржимада асл нусха тилини билишнинг ўзи етарли эмас, таржима қилинаётган асарнинг поэтик оҳангини, жозибасини, ўқувчи қалбига завқ берадиган ҳаяжонли нуқталарини ҳам таржимон ҳис қилиши, аслият муаллифи даражасида бадиий-эстетик салоҳияга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Яъни шоирона қалб, тафаккур кучи ҳам бўлиши даркор. Шу хислат соҳибигина яхши таржима асари ярата олиши мумкин. Таржимашуносликда бир гап айланиб юради. Яъни шеърни шоир, ёзувчини ёзувчи, драмани драматург таржима қилиши керак, “чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин” қабилида фикрлар айтилади. Эҳтимол бу қарашларни бутунлай инкор қилиш ўринсиздир. Лекин таржима амалиётида бу фикрнинг акси ҳам учраб туради, яъни шоир ёки ёзувчи бўлмаганлар ҳам яхши таржима асарлар яратиши мумкин экан. Фикримиз тасдиғига Э.Очиловнинг таржимонлик фаолиятини мисол келтирмоқчимиз. Э.Очилов аслида про-

фессионал шоир ёки ёзувчи эмас, олим-таржимон. Бироқ унинг ҳозирга қадар амалга оширган таржима асарлари профессионал шоир ёки ёзувчилар қилган таржималардан қолишмайди, беллаша олади. Юқорида тилга олинган Э.Очилов таржималари фикримизга далил. Таржималарнинг сифати жиддий танқидларга учраган эмас, кўпчилик томонидан маъқулланган.

Бердақ шеърларининг ўзбекча таржималарида ижодий меҳнатнинг ижобий самараларини яна бир бор кўрдик. Шеърлар яхши ўгирилган. Асл нусхаларнинг маъноси, поэтик оҳанги, ифода усуллари таржималарда меъёрида чиққан. “Халқ учун” шеъри ҳақиқий маънодаги инсонпарварликнинг бетакрор бадий ифодаси. Шеърнинг бир қатор бандлари афоризмларга айланиб, халқимизга ёд бўлиб кетгани ҳам ҳақиқат. Ғояси, бадиияти, таъсир салмоғи ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ўта жозибадор, ҳаётбахш, бундай асарни бошқа бир тилга ўгириш катта талант ва масъулият талаб этади. Э.Очилов шеърнинг бу фазилатларини ҳар томонлама ҳис қилиб яхши ўгирган.

Ғош жигиттин ҳамдам болса елати,  
Ҳеш ўақытта кемимейди қуўаты.  
Изинде қалады жигиттин аты,  
Алар хызмет етер, барҳа халық ушын.<sup>1</sup>

Таржимаси:

*Мард йигитнинг ҳамдам бўлса элати,  
Сира камаймайди қучу қуввати.  
Ортидан қолади йигитнинг оти,  
Улар хизмат этар доим халқ учун.<sup>2</sup>*

<sup>1</sup> Бердақ. Танламалы шығармалары. Нокис., 1987. 78-бет. Кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади.

<sup>2</sup> Бердақ. Халқ учун. Тошкент., 2021. 16-бет. Кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади.

Ташқаридан қараганда асл нусха мисралари шунчаки ўзбек тилига кўчириб қўя қолингандек кўринади. Аслида таржиманинг поэтик руҳи ўзбекона, гарчи баъзи сўзлар, қофия, радиф ҳам қорақалпоқ сўзларига айнан ўхшаса-да, маъносида ўқувчига таъсир қиладиган яширин туйғулар ифодаси бор. Мана, яна бир тўртликни солиштириб кўринг.

Жақсы адам жолдаслыққа тақ турар,  
Жаманлар дарғазап билен тас урар.  
Жақсылар айбын болса жасырар,  
Олар хызмет етер мудам халық ушын.

Таржимада:

*Яхши йўлдошликка мудом шай турар,  
Ёмонлар дарғазаб бўлиб тош урар.  
Яхшилар бир айбинг бўлса яширар,  
Улар хизмат қилар мудом халқ учун.*

Таржималарда ҳам асл нусхадан узоқлашмаслик тамойили сақланган. Мисраларга ўзбекона поэтик жило берилган, аслиятдаги баъзи сўзлар ихчамлаштирилиб, маънони бузмаган ҳолда қўлланилган. Асл нусханинг биринчи мисрасидаги “жақсы адам”даги “адам” сўзи тушириб қолдирилгани маънога салбий таъсир кўрсатмаган. Кичкина таҳрир ўзини оқлаган.

Бадий таржима тажрибасида қисқартириб таржима қилиш кўп учрайди ва бу ҳолат аксарият ҳолларда эътирозга сабаб бўлади. Э.Очилов бу шеър таржимасида бошқа бир йўлни танлаган. Яъни шеърни қисқартириш эмас, балки бир вақтлар “Халқ учун”ни қисқартириб таржима қилган мутаржимлардан фарқли ўлароқ, қисқартирилган бандларни қайта тиклаб, таржима қилиш йўлини танлайди. Миртемир ҳам, М.Аҳмад ҳам мазкур шеърнинг ва бошқа



шеърларнинг ҳам бир неча бандларини ташлаб кетиб ўгиргани тадқиқотларда айтилади. Э.Очилов таржима учун Бердақнинг 1987 йилда нашрдан чиққан “Танланган асарлар”ини асос қилиб олган. Яъни, масалан, бу сайланмада Бердақнинг “Халқ учун” шеъри эллик олти банд. Э.Очилов таржима-сида шеърнинг ҳажми етмиш бир бандга етган. Қарийб йигирма олти банд қайта тикланган. Таржимон қисқартирилган бандларни Бердақнинг 1956 йилда нашр қилинган “Танланган асарлар”идан олганлигини китоб сўзбошисида қайд этади. Таржимон сўзбошида: *“Бердақ таржимада ҳам Бердақ бўлиб қолсин, обдан сайқал бериб, уни бошқа шоирга айлантирмайлик”* деган бир ғояни илгари сурадики, бу фикрга қўшилгингиз келади.

Хўш, таржимага бундай муносабат яхшими ёки ёмонми? Бир қарашда бу масалада таржимонни қўллаб қувватлагингиз келади. Лекин бу жараённинг нозик бир томони борлигини ҳам унутмаслик керак. Таржимонлар Бердақ шеърларини нега қисқартириб таржима қилди экан? Сабаб нимада? Иккинчидан, ўтган асрнинг эллигинчи ва олтмишинчи йилларида Бердақ асарларини нашр қилиш масаласида баъзи муаммолар, айрим шеърларнинг Бердаққа тегишли эмаслиги, бошқа шоирларга нисбат берилиши каби баҳслар давом этганидан мутахассислар хабардор, тадқиқотларида ёзишган. Балки шу мунозаралар сабаб олдинги таржимонларда баъзи шеърларнинг Бердақники эканлигига шубҳа туғилган бўлса, таржимада тушириб қолдирган бўлиши эҳтимолга жуда яқин. Лекин тан олиб айтамызки, таржимада қайта тикланган бандлар шеърнинг умумий ғоявий йўналишига эмас, мазмун-моҳиятига уйғунлашиб келади, ортиқча-лиги мутлақо сезилмайди. Шу маънода Э.Очилов қисқартирилган бандларни таржимада тиклаб

тўғри қилган, деган хулосага келдик. Умуман, Э.Очилов қисқартириб таржима қилиш тарафдори эмас. Бу ҳам, бизнингча, таржимоннинг фазилати.

“Яхшироқ” шеъри Бердақ лирикасининг ёрқин намуналаридан бири, дидактик қарашларининг бетакрор бадиий талқини. Шеърнинг ўзбек тилидаги таржимасини ўқиган ҳар бир мухлис шоирнинг маҳоратига, панд-насиҳат мотивларини дадил, ҳаётий мисолларда, замон руҳига ҳамоҳанг талқин этилганига гувоҳ бўлади. Шеърнинг бу хусусиятлари таржимада яхши акс этгани таржимоннинг ютуғи. Қуйидаги тўртлик таржимасида насиҳат, чақириқ оҳанги, ватанпарварлик ғояси уфуриб туради.

*Дўстларинг бўлмасин ҳеч қачон ҳайрон,  
Қўлдан келса қилинг ёв юртин вайрон.  
Элу юрт бир бўлиб, айлангиз сайрон,  
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.*

Энди асл нусхаси билан танишинг.

*Ҳеш ўақит, досларын, болмасын ҳайран,  
Қолдан келсе, салын душпанға ўайран.  
Ел-халқын бир болып айланыз сайран,  
Туўылған жер ушын ҳурмет жақсырақ.*

Таржиманинг савиясидан қониқасиз деган умиддамиз. Мазкур шеър аслиятда ўн тўққиз банд, ҳамма мисралари таржимага тортилган, қўпол хатоларни кузатмадик. “Оқибат”, “Нодон бўлма”, “Ўйланма”, “Келин”, “Хўкизим”, “Муса бахшига” каби шеърларнинг таржималари ҳам Бердақдек буюк шоирнинг поэтик олами билан яқиндан танишишга имкон беради.

Бердақнинг халқ ҳикматларига айланган шоҳ байтлари ҳам таржимада унутилмаган. *“Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан”* ёки

*“Яхши билан юрсанг кўнглинг олдирар, Ёмон билан юрсанг, кўнглинг қолдирар”* каби халқона афоризмлар ва яна қуйидаги донишмандона айтилган тўрт мисра чинакам бадий кашфиёт, десак фикримизга қўшиларсиз.

*Бошқа бировларни этиб кўлдошинг,  
Ёрингнинг оқизиб юрма кўз ёшин,  
Ёмон бўлса-да у умр йўлдошинг,  
Вақтинча қўл берган хурдан яхшироқ.*

Таржималарнинг асл нусхаларини келтирмаган бўлсак-да, таржималарда аслиятнинг фалсафий маъноси, поэтик хусусиятлари бор бўйича акс этганини идрок этишингизга, ҳис қилишингизга ишонамиз. Булар таржимоннинг маҳорати белгиси, Бердақ шоирни таржимада аслидагидек жаранглата олишдаги ижодий меҳнатининг самарасидир.

Э.Очилов таржималарини ўқиб шундай хулосага келиш мумкин, у яқин тиллардан таржимада шеърларни эркин, ижодий таржима қилиш тарафдори эмас, *“обдан сайқал бериб, уни бошқа шоирга айлантириш”*ни маъқулламайди. Ҳатто Бердақ асарларининг катта таржимони Миртемир ҳам бу масалада бироз меъёрдан чекингани ҳақида эътироз билдириб, шундай ёзади: “Миртемир Бердақ шеърларига ижодий ёндашиб, анча-мунча эркин таржима қилган, маъносини тушунишга қийналган, маъносини англаб олмаган мисраларни ўзи тўқигани билан алмаштирган, баъзи бандларни бутунлай ўзгартириб юборган ёки тушириб қолдирган.”<sup>1</sup>

Бу фикрни айтиш билан Э.Очилов Миртемирнинг Бердақ меросидан қилган таржималарини

асло камситмайди. Бердақ ижоди билан ўзбек китобхонларини илк маротаба таништиришда *“атоқли шоир ва забардаст таржимон Миртемирнинг хизматлари беқиёс, унинг таржимасида Бердақ шеърлари тилимизда нашъу намо топди”* деб тан бериб ёзадики, бу устоз таржимон меҳнатларининг эътирофидир.

М.Аҳмад таржималарига ҳам шу йўналишда муносабат билдиради, эркин ижодийлик, тушунилиши қийин мисраларни, бандларни қисқартиришлар таржималарнинг савиясини тушириб юборганлиги ҳақидаги Э.Очилов эътирозларида жон бор. Ҳар ҳолда, Э.Очиловнинг таржимашуносликка доир бу фикрлари таржимонлар учун ҳам амалий аҳамият касб этади. Таржимон кўп йиллик яқин тиллардан қилган таржималарида тўплаган тажрибалари асосида шу хулосага келгани аниқ. Олимнинг “таржима” билан “табдил” тўғрисидаги фикрлари, уларни бир хил маънода тушуниш, фарқини англамаслик хато эканлигини мисолларда тўғри кўрсатган. “Халқ учун” таржима китоби юқорида билдирилган фикрларга амалий далилдир.

Таржимада Бердақнинг бирор шеъри банди ёки мисраси тушириб қолдирилмаган, аксинча, олдинги таржимонлар қисқартирган асл нусхалар таржимада тикланган. Бердақ шеърлари ҳақиқий маънодаги таржима, табдил эмас. Тўплам Э.Очиловнинг яқин тиллардан таржима қилиш соҳасидаги янги довони, Бердақ шеъриятининг янги таржималари билан ўзбек китобхонларини таништиришдаги навбатдаги улкан ютуғи, истиқлол йилларидаги ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари ҳамда таржима санъатига қўшилган муносиб ҳисса.

Таржимани ҳар қанча мақтамайлик, унинг жузъий камчиликларидан кўз юмсақ адолатдан бўлмас. Умуман, бадий таржимада, қайси жанр-

<sup>1</sup> Бердақ. Халқ учун. Тошкент, 2021. 10-бет

даги асар бўлишига қарамасдан, асл нусхани тўлалигича, юз фоиз таржимада бериш амри маҳол, мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан ўзаро таржималарда бу фикримизга мисоллар етарли. Э.Очиловнинг мазкур таржимаси ҳам бундан мустасно эмас. Шеърлар таржимасида жузъий хатолар учраб туради. Мисоллар келтирамиз. “Кўринди” радибли шеърнинг асл нусхасида “Жер бети аядай маған коринди” деган мисра бор. Таржимада “Ер юзи кўзимга танг тор кўринди” деб берилган. “Аядай” сўзи теп текис кўлнинг оясидай деган ибора ҳам бор. “Тор” сўзи “аядай”нинг маъносини беролмаса керак. Мазкур шеърдаги “Козлериме шенгел коринди” қаторининг “Кўзларимга бир теракзор кўринди” маънода ўгирилгани ҳам, бизнингча, тўғри эмас. “Чангалзор” билан “теракзор”нинг қисман бўлса-да фарқи бор. “Нодон бўлма” шеърдан яна бир мисол. “Қошшы ертпей кейнине” деган сатр “Қолдириб гап сўз кейнингга” мазмунида ағдарилган. Қорақалпоқ тилида “қошшы”, “қошшым” сўзи ҳамкорим, ҳамнафасим, баъзида иккинчи бир одамга мурожаат қилинганда “қошшым” деб мурожаат этилади. “Ўйланма” шеъри таржимасида ҳам шундай жузъий хатога йўл қўйилган. Масалан, “Қостарым деп, ерме соған” қатори ўзбекчага “Вафоси йўқ, сўзи ёлғон” деб таржима қилинган. “Қостар” бу қорақалпоқ тилида умр йўлдоши маъносида келади. Таржимада бу маъно чиқмаган, банднинг мазмунига унчалик ёпишмайдиган қатор ижод қилинган кўринади. “Оқибат” шеъридаги:

Ая дослар, тардур заман,  
Басымдағы куним жаман –

мисраларининг ўзбек тилига қуйидаги мазмунда ўгирилгани бироз мавҳум.

Эй дўстлар, кўп оғир замон,  
Бошга тушган кўпни ёмон.

Ёки “Айрилик” шеъридаги “Басыма тусип ала-мат” деган қаторнинг “Бошингга тушди асли от” мазмунида ўгирилганидан қоникмадик. Асл нусхада “бошимга” дейилган, таржимада негадир “бошингга” бўлиб кетган. “Ала-мат” билан “от” қофиядош бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг мазмун моҳияти бандга қай даражада уйғунлашади?

Кўрдингизки, қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига ўгирилган Бердақнинг “Халқ учун” шеърий тўпламида жузъий нуқсонлар бор. Лекин улар мазкур китобнинг умумий баҳосини сира пасайтира олмайди, таржимоннинг ижодий меҳнатини инкор қилишга қодир эмас. Бердақ асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилганига кўп йиллар бўлди. Бугунги ўзбек китобхони Бердақ асарларининг янги таржималарини кутаётгани ҳам бор гап. Мухлисларнинг мана шу чанқоғини ҳисобга олиб, Э.Очиловнинг Бердақ шеърларининг янги таржималарини яратгани фақат таҳсинга лойиқ, деган фикрдамиз.

Хулоса қилиб айтсак, Бердақ асарларининг узоқ ва яқин йиллардаги ўзбек тилига таржималари, уларнинг муаллифлари фаолияти мисолида ўзбек ва қорақалпоқ, қорақалпоқ ва ўзбек адабий алоқалари ривожланиб борди, икки адабиёт ҳам таржима асарлари билан бойиб, кўркамлашиб, ранг-баранг шаклларда, турфа ғоялар ва мазмун моҳият негизида тараққий этди. Бу анъана келажакда ҳам худди шундай давом этса, адабий алоқа ва бадиий таржима ишлари янада жадаллаштирилса, адабиётларимиз юксалишида туб бурилишлар, янгиланишлар бўлишига аминмиз.

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖАРАНГЛАГАН ҚОРАҚАЛПОҚ ЭПОСИ

Миртемирнинг таржимонлик фаолиятида машхур қорақалпоқ эпоси “Қирқ қиз” таржимасининг алоҳида ўрни бор. Лекин эпос таржимаси тўғрисида ҳозиргача ўзбек ёки қорақалпоқ таржимашунослигида кўламдорроқ, назарий ва амалий аҳамиятга эга тадқиқот яратилганича йўқ. Тўғри, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида З.Салимованинг “Қирқ қиз” - ўзбекча оҳангларда”<sup>1</sup> номли тақриз характеридаги ихчам мақоласи босилди. Агар мақола эпос таржимаси билан ўзбек китобхонларини дастлабки таништириш мақсадида ёзилганини назарда тутсак, у атрофлича қиёсий таҳлилга асосланган тадқиқот мақомини даъво қилмаса керак. Қолаверса, З.Салимова мақоласида Миртемир таржималаридан кўра, Уйғун қаламига тегишли таржималарга кўпроқ тўхтаган. Биз фақат Миртемир таржималари хусусида сўз юритамиз.

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида эпос кўлёзма нусхасида дастлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига келиб тушган. У муҳокамадан ўтказилиб, ўзбек тилига ўгириш вазифаси Миртемир билан Уйғунга топширилган. Бунда ҳар икки адибнинг, айниқса, Миртемирнинг қорақалпоқ адабиёти ва тилини яхши билиши ҳисобга олинган, айти пайтда, шоирларнинг истеъдоди ҳам назарда тутилган. Таржимонлар эпоснинг 1938-1944 йилларда Қурбонбой жиров Тожибоевдан А.Бегимов, Ш.Хўжаниёзов, С.Мавленовлар ёзиб олган вариантини таржимага асос қилиб олганлар. Уйғун эпоснинг биринчи қўшиғидан ўн иккинчи қўшиғигача, Миртемир эса ўн иккинчи қўшиқдан йигирманчи қў-

<sup>1</sup> Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 3-китоб. Тошкент, 1976. 244-254-бетлар

шиққача қисмини ўгиришган. Миртемир жўшқин илҳом билан таржимага киришади. “Достоннинг менга берилган қисмини ўқидиму, асарнинг мазмуни мени эритди, илҳом берди, - деб ёзди Миртемир кейинчалик хотираларида. – Шундан сўнг бош қисмини ҳам олиб ўқиб чиқдим. Гулойим ва Арслон образлари таниш образларга ўхшаб кетди. Таржима қилишга киришдим. Шеърят чизигидан, воқеа йўналишидан чиқиб кетган, жуда кўп такрорландиган жойларини қисқартиришга тўғри келди”<sup>1</sup>.

“Қирқ қиз” ўзбек тилида икки марта чоп этилган. Биринчи марта 1949-йилда алоҳида китоб бўлиб босилган. “Қорақалпоқ фольклори” юз жилд-лигининг тўққизинчи жилдида “Қирқ қиз” достони эълон қилинди (2009), ўзбекча таржимани (1956-йилги нашри) шу вариантга солиштирдик. Қиёслашда икки нусхада катта фарқ борлигини кўрмадик. Миртемир бош қаҳрамонлар билан боғлиқ сюжет чизиқлари таржимасига алоҳида ёндашган. Гулойим эпоснинг бош қаҳрамони, қирқ қизларнинг сардори. Жасур, мард қиз. Нафақат жанг майдонида, ўз шаънига иснод келтирадиган ҳар қандай ҳаракатга ҳам зарба бера оладиган, номусини ҳимоя қилишга қодир қизлар тимсоли. Қалмоқ хони Суртайшо карвонбошиларида бири Гулойимга тегажўғлик қилиб, гап отади:

*Эй перийзат, кейинине ерейин,  
Ашығынман, Олла, зият корейин.  
Айдан аппақ бир суйдирсен бетиннен.  
Айтқанына толық жауап берейин.  
Қартайсам-да, жаным отқа жапайын.  
Қушақласып мойнына қол салайын,  
Ашыўланбай тартсан мени қойнына,  
Болған истин барин баян қылайын.*

<sup>1</sup> Ўша мақола. 244-бет

Таржимада икки банд ҳам таъсирли ва ўқишли чиққан. Ўзбек тилининг имкониятлари қўл келгани, ҳар сўзнинг муқобилини топиб, ўрни-ўрнида ишлатгани таржимоннинг ютуғидир.

Ҳа паризод, мен кетингдан юрайин,  
Парилардан сени ортиқ кўрайин.  
Бир ўптиргин ойдан ҳам оқ бетингдан,  
Саволингга тўлиқ жавоб берайин.  
Қартайсам-да, куйиб ёринг бўлайин,  
Кучоқлайин, бўйнингга қўл солайин,  
Аччиқланмай, тортсанг мени қўйнингга  
Кўрганларим барин баён қилайин.

Банднинг таржима вариантыда катта ўзгариш йўқ. Биринчи банддаги “Ашығынман Олла, зият корейин” мисранинг таржимада *“Парилардан сени ортиқ кўрайин”* мазмунида сайқалланиб берилгани биринчи мисрага уйғунлашиб кетади. Таржимон баъзи қаторларни сўзма-сўз ағдаргандек кўринса-да, поэтик “ишлов” бергани сезилади. Карвонбошининг Гулойимга “тегажўлиги” асл нусхада тўққиз банд. Таржимада тўла сақланган. Сабаби, бу эпизодда Гулойимнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, покизалиги ёрқинроқ гавдалантирилган. Достонда Гулойимнинг карвонбошига жавоби йўқ. Қизнинг муносабати, душманига қарши ҳаракати бахши тилидан берилади. Бу тасвирнинг руҳида ҳам драматик оҳанг бор. Карвонбошининг андишасизларча айтган гапидан сўнг Гулойим дарғазаб бўлиб, рақиби устига от солиб, шафқатсиз ўч олади:

*Сол ўақлары Гулайым,  
Жаўған қардай барады,  
Ашыўы келип арланды.  
Мартлик исти баслады.*

*Сойлеп турған қариўанбасын,  
Жағасынан услады,  
Жанағы айтқан созы ушын  
Қариўанбасын коселтип,  
Қарқаратып шалады...*

Ҳаяжонли лавҳанинг ўзбекча таржимаси билан танишган китобхон айнан шундай реал манзарани кўра олади, ҳолатнинг драматик пафосини ҳис қилади. Мисралардаги интонацияни, юксак ахлоқ билан маънавий тубанлик курашининг фольклордаги аксини Миртемир яхши ўзбекчалаштирган:

Ўша фурсат Гулойим,  
Ботирлигин бошлади,  
Ўйлаб турмай ўшал дам  
Чол ёқасин ушлади.  
Даст кўтариб бошига,  
Айлантириб неча бор,  
Қора ерга уради,  
Устидан от суради,  
Карвонбоши ғарқираб,  
Дам ўтмай жон беради...

Миртемир “Қирқ қиз”нинг такрорий жойлари-ни қисқартириб таржима қилганини айтган эди. Келтирилган мисолнинг асл нусхасида ҳам анча-мунча такрорий мисралар бор эди. Таржимон уларни ихчамлаштирган. Мазмунан уйғун қаторларни саралаб, образларнинг ҳаракат дастурига мосларини танлаб ўгирган. Шунинг учун ўзбекча таржима яхши чиққан, ўзаро боғланмайдиган мисра йўқ. Бу усул таржимада яхши самара берган.

Арслон ҳам эпоснинг етакчи қаҳрамонларидан бири. Бу образ билан боғлиқ воқеалар таржимасида ҳам Миртемир шу усулни қўллаган. Кўпроқ



Арслоннинг мардлиги, жасорати, Гулойим билан муносабатларидаги ҳаяжонли лаҳзалар, умумий душманга қарши курашдаги баҳодирлиги, дўстлик ғоялари куйланган лавҳалар меъёрида таржима қилинган. Арслоннинг Гулойим билан илк марта танишуви, савол-жавоблари борасида дostonнинг ўн бешинчи қўшиғида ҳикоя қилинади. Арслон Гулойимга мурожаат қилапти:

*Ҳа, Гулайым, Гулайым,  
Тусимде корип жузинди,  
Саркопқа келдим еки рет,  
Излей-излей озинди  
Корисейик қанекей,  
Қолынды бер Гулайым.*

Таржимаси:

Эй Гулойим, Гулойим,  
Тушда кўрдим юзингни,  
Кўп бор келдим элингга,  
Кўрайин деб ўзингни  
Кўришайлик, қани кел,  
Қўлингни бер, Гулойим...

Асл нусхадаги Саркопнинг таржимада “элингга келдим” маъносига ўзгартирилгани хато эмас. Китобхон Саркоп Гулойимнинг эли эканини билади. Таржимада қаторларнинг мутаносиблиги ва оҳангдошлигини таъминлаш учун шундай йўл тutilган.

Эпосдаги образли ифодаalar, ўқувчига эстетик завқ бағишлайдиган иборалар, воқеани, ҳолатни жонлантириш учун қўлланилган тасвирий воситалар таржималари ҳам ўқувчини қониқтиришига ишонамиз. Чунончи: *“Тутдай бўлиб тўкилган”, “Юрак чоки сўкилган”, “Оқ теракдай қулайди”, “Чигирткадай босарди”* ёки *“Бўри теккан подадай”, “Тол чивикдай буралибди белингиз”, “Булутлардай қуюлиб, Ёққан қордай уйрилиб”, “Ўлат теккан мол*

*янглиғ”, “Юлдузлардай оқиб кетди”, “Қизил гўлдай сўлармиз”* ва ҳоказо. Ҳар бири шароитни, ҳолатни, образларнинг муайян вазиятдаги кайфиятини, муҳими, асарнинг таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади. Миртемир таржимада асл нусханинг бадиий хусусиятларини унутмаган ҳолда, ибораларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини қўллаб, ўрни-ўрнига қўйиб ўзбек ўқувчисига етказа олган. Мақол, матал, муболаға, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш каби ифода воситалари эпоснинг асл нусхасида қанчалик таъсирли, жозибадор бўлса, асарни ўзбек тилида мутолаа қилган китобхон ҳам эстетик завқни, ҳаяжонни ҳис қилиши шубҳасиз. Миртемирнинг *“Қирқ қиз”*ни таржима қилишдаги яна бир ибратли тажрибаси бор. Маълумки, шоир мурабба усулида ёзилган шеърий асарларни муайян тилга усталик билан ўгиради. Шоирнинг бу соҳадаги маҳоратини Бердақ шеърлари таржимасида кўрган эдик: *“Қирқ қиз”*ни таржима қилишда ҳам шу усулни танлайди. Эпос ҳам шу бадиий шаклда битилган. Миртемир услубига хос поэтик талқин, халқона самимийлик ва оддийлик, фикрлар ва туйғуларни рамзли, рангдор бўёқларда бериш *“Қирқ қиз”* таржимасида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Қуйидаги мисолда Миртемирнинг ҳам шоирлик, ҳам таржимонлик услубига хос бадиий талқин мужассам бўлган:

Саваш қилиб Гулойим,  
Ботирлигин билдирди.  
Қалмоқларни балиқдай  
Найзаларга илдирди.

Ёки:

Қиш келганда ёғар қор,  
Юрагимда ишқим бор.  
Шукурларким, дунёда,  
Бор экансан, сулув ёр.

Бундай жозибадор, завқбахш мисраларни ўқи-  
ганда эпоснинг бадиий баркамоллигига қойил қо-  
лиш билан бирга, шоир-таржимоннинг истеъдо-  
дига ҳам тан берасиз. Тўғриси, таржиманинг Мир-  
темирдек ҳақиқий бадиий сўз устаси қаламидан  
чиққани “Қирқ қиз”нинг “омади”.

Ҳар қандай яхши таржимада ҳам муайян кам-  
чиликлар бўлади. Гарчи юқорида Миртемирнинг  
эпоснинг баъзи жойларини ихчамлаштириб,  
қисқартириб таржима қилиш тажрибасини қис-  
ман маъқуллаган бўлсак-да, умуман, асарнинг  
ярми таржимада ташлаб кетилганини оқлаш қи-  
йин. Эпоснинг умумий ҳажми йигирма минг ми-  
сра, таржимонлар унинг атиги ўн бир мингдан сал  
ортиқроқ мисрасини ўзбекчалаштиришган. Кўп-  
гина ўринсиз қисқартиришлар асар мазмунининг  
яхлитлигига, образларнинг характер мантиғини  
тўғри англашда қийинчилик туғдиради. Оқибатда  
баъзи воқеаларнинг келиб чиқиш сабаби номаъ-  
лум, образларнинг ҳаракат майдонида мавҳумлик  
юзага келган. Гулойим, Арслон, Сарвиноз, Суртай-  
шо, Нодиршоҳ, Оллаёр сингари образлар билан  
боғлиқ воқеалар таржимасида узилиш борлиги,  
композицион бутунлик заифлашгани сезилади.

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИГИ БЕРДАҚ ИЖОДИ ҲАҚИДА

Жаҳон адабиёти тажрибасидан маълумки, ҳар  
бир халқ, ҳар бир миллат адабиётида ўз адабиёти  
доирасидан чиқиб, дунёга танилган сўз санъаткор-  
лари бор. Улар нафақат ўз адабиёти, шу билан бир-  
га халқини ҳам дунёга танитади, шуҳратига шуҳрат  
қўшади. Умуминсоний манфаатларни, умуминсо-  
ний ғояларни, умуминсоний қадриятларни, ўзга  
халқлар учун ҳам қадрли бўлган бошқада анъана-  
ларни куйлагани боис ҳар бир халқ томонидан ар-  
доқланади, ўз миллий адабиётининг ижодкоридек  
асарлари қабул қилиниб, уларнинг ҳам маънавий  
хазинасига айланади. Фикримиз исботига жаҳон  
адабиётида мисоллар кўп.

Жаҳон тан олган бундай ижодкорлар асарлари  
фақат китобхонларнигина қизиқтириб қолмасдан,  
адабиётшунос, танқидчиларнинг ҳам диққатини  
тортиб келган. Уларнинг адабий фаолияти тўғри-  
сида йирик илмий ишлар ёзилган, китоблар чоп  
этилиб, юзлаб мақолалар босилган. Бу тажриба ҳо-  
зир ҳам давом этаётгани жаҳон адабиётшуносли-  
гининг ютуқларидан биридир.

Бу анъана қардош адабиётларда ҳам мавжуд.  
Марказий Осиё адабиётларининг дунёга машҳур  
ижодкорлари асарлари минтақа халқларига кенг  
ёйилганидек, ижод намуналари адабиётшунослар  
назарида ҳам бўлиб келмоқда. Адабиётшунослик  
ва танқидчиликнинг ҳар хил аспектларида ўрга-  
нилиб, илмий тадқиқотлар яратилгани, китоблар  
нашр этилиб, мақолалар ёзилаётгани фикримизга  
далил. Ўзбек адабиётининг Навоий, қозоқ адабиё-  
тининг Абай, туркман адабиётининг Махтумқули,  
тожик адабиётининг Жомий, қорақалпоқ адабиё-

тининг Бердақ каби мумтоз шоирлари, Абдулла Қодирий ва Ойбек, Мухтор Авезов ва Сабит Муқонов, Берди Кербобоев ва Хидир Деряев, Тўлепберган Қайпберганов ва Ибройим Юсупов, Али Тўқамбоев ва Чингиз Айтматов, Мирзо Турсунзода ва Миршакердек ўзбек, қozoқ, туркман, қорақалпоқ, қирғиз ва тожик замонавий адабиёти вакиллари ижоди тўғрисида қардош адабиётшуносларда ёзилган илмий ишлар, нашр этилган монографиялар, рисоалар ва мақолалар адабиётшуносликлар мундарижасини кенгайтирганидек, улар ўртасидаги адабиётшунослик ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам ҳисса бўлиб қўшилгани ижобий фактдир. Бу ҳодиса ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам давом этаётгани, қорақалпоқ олимларининг ўзбек адабиёти, ўзбек адабиётшуносларининг қорақалпоқ адабиётига доир илмий-тадқиқотлар олиб бораётгани, шоир ва ёзувчилари тўғрисида китоблару мақолалар эълон қилаётгани жараённинг фаоллигидан дарак беради. Фикримизни алоҳида бир ижодкор, яъни қорақалпоқ мумтоз адабиётининг буюк шоирларидан бири Бердақ Қарғабой ўғли ижоди мисолида асослашга уриниб кўрамиз.

\* \* \*

Бердақ XIX асрда яшаб ижод этган улуғ қорақалпоқ сўз усталаридан бири. У қорақалпоқ халқини, адабиётини дунё минбарига олиб чиққан, барча халқлар учун ҳам бирдай ардоқли, халқининг бадий-эстетик тафаккурини бойитишга қодир, қорақалпоқ адабиёти тараққиётида янги саҳифа очган демократ шоирдир. Бу қорақалпоқ адабиётшунослигида исботланган ҳақиқат. Қорақалпоқ адабиётшунослигида “Бердақшунослик” деган соҳанинг фан сифатида шаклланишига кўп йиллар

бўлди. Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган Н.Давқораев, И.Сағитов, М.Нурмухамедов, А.Пахратдинов, Қ.Мақсетов, А.Муртазаев, К.Худойбергенов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари туфайли Бердақ наинки қорақалпоқ адабиёти, балки жаҳон адабиётида ҳам ўзига муносиб ўринни эгаллади, танилди, тан олинди.

Бердақ адабий мероси шундай бир ижодки, бу ижод умумбашарий аҳамиятга эга. Шоир асарлари бир неча халқлар ва миллатларга ҳам бирдай маънавий озуқа бера олади. Масалан, бу ижоддан ўзбек китобхонлари қанчалик баҳраманд бўлиб завқланса, адабиётшуносларга ҳам шундан кам бўлмаган илҳом беради. Ва бу илҳом, таъсир ўзбек адабиётшуносларини шоир ижодини илмий ўрганишга ундаган бўлиши табиий. Демокчимизки, қорақалпоқ адабиётшунослигида шоир ижодини ўрганишга қизиқиш қанчалар кучли бўлса, ўзбек адабиётшунослигида ҳам Бердақ асарларини ўрганиш, тарғиб қилишга иштиёқ сезиларли даражада катта. Ёзилган туркум мақолалар, нашрдан чиқарилган китоблар ва рисоалар, ҳимоя қилинган диссертациялар мана шу қизиқишнинг самараларидир. Бир сўз билан айтганда, бу соҳада муайян тажриба тўпланди, бердақшунос олимлар етишиб чиқди.

Бердақ ижоди билан ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг атоқли олимлари шуғуллангани соҳанинг муҳим ва долзарблигидан далолат беради. Академиклар Воҳид Зоҳидов, Матёқуб Қўшжонов, Бахтиёр Назаров, профессор Абдиқодир Ҳайтметовдек адабиётшунослик дарғаларининг шоир ижодига бағишланган тадқиқотлари, том маънода, ўзбек бердақшунослигининг ёрқин саҳифалари десак, муболаға эмас. Аввало, В.Зоҳидовнинг “Буюк Бердақ” номли кўламдор мақола-

сини алоҳида тилга олишни, таҳлилга тортишни маъқул билдик. Мақола олимнинг “Жаҳон бадияти зарварақлари”<sup>1</sup> (1980) китобида босилиб чиқди. Тадқиқот алоҳида чоп этилгудек бўлса, кичик ҳажмли рисола эслатади. Албатта, тадқиқотнинг аҳамияти ҳажми билан ўлчанмайди, балки янгилиги, илмий савиясининг пухталиги билан белгиланади. Шу маънода ушбу мақола Бердақ ижоди маҳорат аспектида атрофлича таҳлил қилингани билан ажралиб туради. Бердақ туғилган тарихий шароит, шоирнинг ёшлик йиллари, моддий қийинчиликда ҳаёт кечиргани, ижодга кириб келиш йўллари, илк асарларининг ғоявий мотивлари, мавзу йўналиши хусусида фикр айтилади. Шоир ижоди у яшаб турган ижтимоий-сиёсий муҳит билан уйғунликда ўрганилгани ва ҳар асарида ўша замоннинг ҳаёти реал чизилганига кўпроқ диққат қаратилган. “Солиқ”, “Бўлган эмас”, “Кўринди”, “Бўлмади”, “Ким айтар?” сингари шеърлар Бердақ яшаган давр ҳаётининг кўзгуси эканлигини муаллиф алоҳида таъкидлайди. Ва шоир ўз даври муҳитидан нафас олиб ижод қилганини, замон иллатлари билан келиша олмаганини, бу адолатсиз турмуш шароитини реал ифодалагани Бердақ реализмининг кучли томонларидан бири деб хулоса чиқаради муаллиф. Ва ёзади: “Бердақнинг шу доно халқ билан, шу халқ тақдири билан узвий боғлиқ бўлганлигини ҳисобга олсак унинг ўзининг “мен халқим қуйчисиман”, “халқим булбулиман”, деб мағрур ва ҳаққоний айтганини ёдга олсак, бу ҳайрат реал асосга эга бўлган ҳолат эканлиги аён бўлади-қўяди.” (176-бет)

Бердақнинг халқчиллиги, инсонпарварлиги, ўз тақдирини халқи тақдири билан туташтириб ижод қилгани ва бу ҳолат барча асарларида қизил

<sup>1</sup> В.Зоҳидов. Жаҳон бадияти зарварақлари. Тошкент, 1980. 174-207-бетлар

ипдек тортилгани юқорида яхши айтилган. Чиндан ҳам, Бердақнинг буюклиги мана уш мезонларда намоён бўлди. Тадқиқот муаллифи *“Шоир лирикаси давр солномасидай барча табақалар ҳаёти ҳамда фаолияти ойнасидай бўлиб кўринади”* деб ёзганида Бердақ реализмининг чуқурлигини, қудратини яна бир бор таъкидлаган эди. Бердақ дostonлари таҳлилига ҳам муаллиф шу мезондан ёндашади: шоир ва халқ, халқ ва шоир уйғунлиги асарларида қанчалик акс этганига қараб хулоса чиқаради. “Омонгелди”, “Аҳмоқ подшо”, “Равшан”, “Ойдўсбий”, “Ерназар бий” поэмаларининг ғоявий асослари, мавзу талқини, бадий-эстетик хусусиятлари ўзбек олими тафаккурида ўзига хос ифодасини топган. Айниқса, Ойдўс бий, Эрназар бий сингари тарихий шахслар образи тўғрисида муаллиф махсус тўхтади. Уларнинг миллий мустақиллик учун курашлари дostonларда ҳаққоний ёритилгани ҳар бир тарихий шахс тимсолида қорақалпоқ халқининг яқин ўтмиш тарихи, босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли тўғри қаламга олингани асарларнинг ҳаётийлигини таъминлаган омиллар сифатида қаралгани олимнинг мавзу таҳлилига ўзига хос ёндашганидан дарак беради. Муаллиф бир жойда: *“Дostonлар муайян маънога қаҳрамоннома”, “халқ ва Ватан баҳодирларига мадҳия деб атаса бўлади”* деб ёзадики, ҳеч бир қорақалпоқ ёки ўзбек адабиётшуноси, дostonларни бундай баҳоламаган эди.

“Буюк Бердақ” мақоласининг баъзи саҳифаларинигина шарҳладик. Аслида мақолада ижодининг барча хусусиятлари қамраб олинган ва яхши ёзилган тадқиқот адабий портретга ҳам ўхшайди. В.Зоҳидовнинг Бердақ хусусидаги “Ҳақиқат жарчиси” мақоласи ҳам матбуотда босилди. Ва у қорақалпоқ тилига ҳам ўгирилиб, ўқувчиларга тақдим этилди. Яна бир хулосавий фикр. Бердақ ижо-



ди жаҳон адабиётида эътироф этилган таниқли адиблар қаторида ўрганилган, *шоир мероси жаҳон бадииятининг зарварақлари* тарзида баҳолангани Бердақ асарларининг дунё даражасидаги салоҳиятидан далолат беради ва бу фикр Бердақ ижодини баҳолашдаги мезонлардан бири ҳам.

Ўрни келганда мавзуга алоқадор бир мулоҳазани айтиб ўтиш зарурдек кўринади. Гап шундаки, ўзбек адабиётшунослигида Бердақ ижоди ўрганилган, илмий ишлар ёзилган, ҳатто диссертациялар ҳам ҳимоя қилинган, китоблар чоп этилган. Ташқаридан қараганда бу ишлар қорақалпоқ адабиётшунослигида Бердақ ижодига бағишланган тадқиқотларга ўхшаб кетгандек, гўё уларнинг такроридек кўриниши мумкин. Аслида, бизнингча, бундай эмас. Қорақалпоқ адабиётшунослари Бердақ ижодига ўз тафаккур мезонлари, нуқтаи назарлари асосида ёндашади, ўзбек олимлари эса шоир асарларини ўз дунёқараши, таҳлил услубларига таяниб иш кўради, тафаккур призмасидан ўтказиб, таҳлил қилади. Яъни шу мантиқдан келиб чиқсак, ҳеч қачон икки олимнинг бир ижодкор ёки унинг бирор асари юзасидан билдирган фикрлари бир хил бўлиши, айнан ўхшаши мумкин эмас. Ҳар бир олим (агар у ҳақиқий олим бўлса) танланган мавзу бўйича ўзича таҳлил юритади, ўзича хулоса қилади. Илмда ишланган мавзунинг бир хилда тақрорламаса керак. Ижод тажрибасидан маълумки, бир мавзуда юзлаб асарлар ёзилган. Агар улар ёнма-ён қўйиб қиёсланса, бири бирига мутлақо ўхшамайдиган таҳлил усуллари намоён бўлади. Бердақ ижоди бўйича қорақалпоқ ва ўзбек адабиётшунослигида ёзилган илмий ишлар бири иккинчисини айнан тақрорламайди, қолаверса, тадқиқот ўзбек ёки қорақалпоқ ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилади. Биз таҳлил қилган ва навбатда сўз юритилиши

назарда тутилаётган Бердақ ҳақидаги ишларга шу нуқтадан қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

\* \* \*

Атоқли адабиётшунос ва танқидчи М.Қўшжоновнинг “Жайхун жилolari”<sup>1</sup> (2008 й) китобидаги “Эзгулик куйчиси” мақоласи Бердақ ижодини ўрганишда янги саҳифа бўлди. Мақоланинг ўзига хослиги шундаки, Бердақ ижоди, асосан, Шарқ ва қардош халқлар адабиёти билан қиёсий ўрганилади, Фирдавсий, Низомий, Навоий, Ғузулий, Махтумқулидек дунё тан олган мутафаккирлар мероси Бердақ талантининг камол топишида мактаб бўлгани, “*Навоийдан савод очиб, Ғузулийдан дурлар сочгани*”, “*Махтумқули сўзларини тавоб қилиб*” қалам тебратгани каби шоир эътирофлари мақолада шунчаки қайд этилмайди, мисолларда илмий далилланади ҳам. Бердақ ижоди умумшарқ адабиёти анъаналари руҳида янги мавзу, янги ғоя, янги дунёқараш руҳида юксалиб боргани, ҳаётийлик концепцияси босқичма-босқич асарларининг туб моҳиятини ташкил этгани ҳақидаги олим фикрлари мавзуга ўзига хос ёндашганини кўрсатади.

Мақолада Бердақ ижоди йўналишига кўра ўзбек адабиётининг Турди, Гулханий, Махмурдек демократ шоирлари билан ҳамоҳанглиги, халқ ҳаётидан мавзу танлашда замон зулми, адолатсизликларга қарши курашда шоирларнинг тақдирдошлиги, ижодларида умумийликларга замин бўлган омиллар сифатида изоҳланади. Айни пайтда, яқинликлар негизида ўзига хосликлар ҳам етакчилик қилиши, ҳар бир шоир ўз тарихий шароити, ўз эътиқоди, ўз ижод принципларидан чекинмай асарлар битгани ва шу орқали ўз адабиётларини

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. Жайхун жилolari. – Т., 2008. 74-79-бетлар.



ривожлантиргани ҳақидаги муаллиф фикрлари Бердақ шеърлари мисолида илмий асосланган. “Ерназар бий”, “Ойдўс бий” дostonлари таҳлилга муаллиф қўл урар экан, шоирнинг тарихий ҳақиқатдан бадий ҳақиқат яратишдаги маҳорати-га тўхтаб ёзади: *“Бердақ тарихий шахслар образини уларда йўқ хислатларни қўшиб идеаллаштирамайди ҳам ёки бирор камчилигини бўрттириб, қоралаб ҳам юбормайди. Шоир тарихий сиймоларни уларга хос бутун зиддиятлар билан кўрсатишга ҳаракат қилади. Асар ғоясини ўша зиддиятлардан чиқаради.”* (77-бет)

Қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам Ойдўс бий, Ерназар бий образлари хусусида бир талай маълумотлар ёзилган. Лекин уларда М.Қўшжоновнинг юқоридаги фикрига ўхшаш фикрни деярли учратмайди. Тарихдан маълумки, бу икки сиймо, чиндан ҳам, мураккаб тақдирли шахслар бўлган. Ҳаётида, ижтимоий фаолиятида зиддиятли ҳолатлар етарли эди. Бердақнинг маҳорати шундаки, *“уларда йўқ хислатларни қўшиб идеаллаштирамаган”* ёки *“бирор камчилигини бўрттириб, қоралаб ҳам юбормаган”*. Демак тарихни, тақдири мураккаб шахсларни бўямасдан, бутун қарама-қаршилиги билан кўрсатиш бадий ижод мезони эканки, Бердақ бу қонуниятга амал қилиб образларнинг реалистик қиёфасини ярата олган. Ҳар икки дostonнинг шу хусусияти таҳлилда зухур топгани сезилади.

“Эзгулик куйчиси” мақоласининг фазилатлари кўп, баъзи хусусиятларинигина шарҳладик. М.Қўшжоновнинг Бердақ асарларига мурожаати ва таҳлилдан чиқарган куйидаги хулосаси нафақат шоир ижодига, умум қорақалпоқ адабиётга берилган баҳо десак, муболаға бўлмайди: *“Бердақ шоир ва мутафаккир сифатида нафақат бугунги қорақалпоқ адабиёти тараққиётига, балки Ўрта Осиё*

*халқлари адабиётларининг ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган улуғ зотлардан биридир.”* (78-бет)

Мақоладан танлаб олинган мана бу жумлалар, ҳақиқатан ҳам, муаллифнинг Бердақ даҳосига ҳурмати, асарларининг туб моҳияти, бадий-эстетик савиясининг баркамоллиги тўғрисидаги таассуротлари негизида шу хулосага келган деб ўйлаймиз. *“Бердақ ижоди ўз халқи ҳаётининг кўзгусидир”, “Халқи ҳаётини шеър ва дostonларида акс эттирган буюк сиймо”, “ҳаёт тарзини, маънавий сифатларини, орзу-истакларини реал акс эттира олган санъаткордир”* в.х. Балки фикрлар оддий, жўн, ҳамма шоирларга нисбатан ҳам қўлланавериш мумкиндек сезилар. Агар бу эътирофларнинг атоқли ўзбек олими томонидан ўзга бир адабиётнинг йирик вакилига қаратилганини ҳисобга олсак, уларнинг амалий аҳамияти ойдинлашади.

Бердақ ижодини самимият, юксак эътироф ва илмий салоҳият билан тадқиқ қилган катта адабиётшунослардан яна бири академик Бахтиёр Назаров эди.<sup>1</sup>

\* \* \*

Ўзбек адабиётшунослигида Бердақ ижодини кенг кўламда махсус ўрганиб, мақолалар, китоблар чоп эттирган олимларнинг навбатдагиси Бахтиёр Қурбонбоев эди. У том маънодаги бердақшунос. Чунки, унинг илмий фаолияти яхлитлигича Бердақ ижодини ўрганишга қаратилган. У *“Бердақ ва ўзбек адабиёти”* (1980) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Муаллифнинг *“Бердақ ижоди”*<sup>2</sup> (1977), *“Бердақ ва ўзбек адабиёти”*<sup>3</sup> (1982)

<sup>1</sup> Б.Назаровнинг бердақшунослик фаолияти тўғрисида китобнинг кейинги бобларида алоҳида сўз юритилади.

<sup>2</sup> Б.Қурбонбоев. Бердақ ижоди. Тошкент, 1977.

<sup>3</sup> Б.Қурбонбоев. Бердақ ва ўзбек адабиёти. Тошкент, 1982.

(Бу китоб 1986 йилда қорақалпоқ тилида ҳам босилди) каби монографияларида шоир ижоди ўзбек адабиёти билан алоқадорликда тадқиқ этилган. “Бердақ ижоди” номли монография адабий портрет характерида. Шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли батафсил ёритилган. Шеърлари ва достонларининг бадиий хусусиятлари, лирикасининг ижтимоий аҳамияти, дидактик характери, халқчиллик пафоси, сатира ва юмор яратиш тажрибасини ўрганиш муаллифнинг диққат марказида турган. Достонларда тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айлантирилиши жараёнлари, тарихий шахслар образини яратишдаги Бердақнинг ўзига хослиги, тарихни билиш даражаси ҳақидаги муаллиф фикрлари эътироз туғдирмайди. Китоб ўқувчиларга Бердақнинг ҳаёт ва ижод йўли тўғрисида тўла маълумот бериши мумкин.

Муаллифнинг “Бердақ ва ўзбек адабиёти” монографияси бироз бошқачароқ йўналишда. Шоир ижоди ўзбек адабиёти билан қиёслаб ўрганилади. Ҳозирги қадар Бердақ ижоди ўзбек адабиёти билан кенг доирада, монографик характерда тадқиқ этилмаганини назарда тутсак, мазкур китоб ўзбек бердақшунослигидаги биринчи тадқиқот. Китобда Бердақнинг Хоразм фольклори, адабий муҳити билан боғлиқ адабий фактлар, баъзи шеърларининг халқ қўшиқларига айланиб, термалар шаклида оғиздан-оғизга кўчиб келаётгани ҳақидаги муаллиф изланишлари қизиқарли ва янгилик. Бердақ меросида Хоразм халқ қўшиқларини эслатадиган мисралар ва бандларнинг мавжудлиги икки халқ адабий ҳамкорлигининг қадимий намоёнидир, дейди муаллиф. Рисолада эътиборга лойиқ яна бир илмий йўналиш бор. Бу ўзбек халқ шоирларининг Бердақ ижодига муносабати ва аксинча Бердақнинг ўзбек халқ шоирлари ижодига оҳангдошлиги

масаласи. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Фозил Йўлдош ўғли каби халқ шоирлари Бердақ асарларидан яхши хабардор бўлган. Ўз термалари қаторида Бердақ термаларини ҳам қўшиб ижро этишган. Айниқса, Ислом шоир меросида Бердақ лирикасига ҳамоҳанг шеърлар кўп учраши шундан бўлса керак. Ислом шоир бу фактни хотираларида ҳам қайд этади. Бердақнинг “Яхшироқ” ва бошқада шеърларини ёд олгани ва уларни ўз термалари қаторида илҳом билан қуйлагани минбарларда айтилади. Фозил шоир ҳам Бердақнинг “Яхшироқ” шеъридан таъсирланиб, худди шу номда терма ижод қилганини, ижро этганини эслайди.

Умуман, Фарғона водийси, Хоразм, Бухоро атрофларида, Ўзбекистоннинг бошқада ҳудудларида Бердақ асарлари кенг тарқалган ва шоир ижодига қизиқиш кучли бўлган. Муаллиф бу фактларни китобда таҳлилга тортади ва Бердақ ижодининг ўзбек халқи ва адабиётига яқинлиги тўғрисида сўз юритади.

Бердақга замондош, бир хил ижтимоий-тарихий шароитда яшаб ижод этган Огаҳий, Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Завқий сингари шоирлар ижодидаги ўхшашликлар, умумийликлар, ўзига хосликлар китобда етарлича таҳлил қилинган. Ва бу факт ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларининг тарихи ҳақида муайян тасаввур беради.

Хуллас, Б.Қурбонбоевнинг Бердақ ижоди ўрганилган китоблари, баъзи нуқсонларни истисно қилганда, қорақалпоқ ва ўзбек, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослиги ҳамкорлигининг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Профессор А.Ҳайтметовнинг “Бердақ шеъриятининг демократик характери”, “Бердақ асарлари

ўзбек тилида”, К.Курамбоевнинг “Навоийдан савод очган шоир”, Э.Очиловнинг “Халққа бахшида умр”<sup>1</sup> деган мақолалари ҳам борки, уларда ҳам Бердақ ижоди ҳар хил йўналишларда ўрганилган, бердақшунослик учун муҳим фикрлар илгари сурилган. Шоирнинг Шарқ адабиётига муносабати, шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш тажрибалари тўғрисидаги илмий қарашлар мақолаларнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Бердақ ижоди билан шуғулланган яна бир ўзбек олими бор. Бу, филология фанлари номзоди, ҳам олим, ҳам фидойи таржимон Эргаш Очилов. Олим сўнгги йилларда Бердақнинг ўзбек таржимонлари сафини кенгайтди. 2021 йилда унинг таржимасида шоирнинг бир туркум шеърлари “Халқ учун” деган ном билан чоп этилди. Унинг таржималари хусусида китобнинг олдинги қисмларида сўз юритилди. Бу ўринда таржимоннинг китобга сўз боши ўрнида илова қилинган “Халққа бахшида умр” сарлавҳали мақоласи тўғрисида тўхтамоқчимиз. Юқорида гувоҳ бўлганингиздек, ўзбек адабиётшунослари Бердақ ижоди тўғрисида кўп тадқиқотлар олиб борган, аҳамиятли фикрларни ўртага ташладилар. Э.Очилов бу ишларни такрорламаган ҳолда, шоир ижодига ўзгача ёндашади. Мақолада олимнинг қорақалпоқ ва ўзбек бердақшунослиги билан батафсил танишлиги, ҳар бир адабий-илмий фактларга муносабат билдириб, мавзуни янгича таҳлил қилгани сезилиб туради. Бердақнинг болалиги, оилавий муҳити, фарзандлари, авлодлари, мадрасадаги таълим, ижодга кириб келиш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар ўзбек китобхонлари учун ҳам янгилик, аҳамиятли. Муаллиф бир ўринда: “Халқпарвар шоир дунёга, замонга, воқеаларга

<sup>1</sup> Э.Очилов. Халққа бахшида умр. “Халқ учун”. Тошкент, 2021. 3-12-бетлар

халқ томонида туриб, унинг кўзи билан қарайди, халқ нуқтаи назари ва манфаатидан келиб чиқиб баҳо беради”<sup>1</sup> деб ёзадики, бу Бердақ ижодининг халқчиллигига берилган ўзига хос баҳо, янги талқиндир.

Бердақ дostonларини таҳлилга тортиш ҳам муаллиф назаридан четда қолмаган. Тарихийлик шоир дostonларида етакчилик қилиши “Омонгелди”, “Ойдўс бий”, “Ерназар бий” дostonлари мисолида асосланади. “Шажара”да қорақалпоқ халқининг келиб чиқишига доир маълумотлар афсона ва ривоят либосида берилган, бу асар қорақалпоқ халқи тарихига бағишланган биринчи дoston деб эътироф этилади. “Аҳмоқ подшо”, “Равшан” ва бошқа дostonлар Бердақни қорақалпоқ мумтоз адабиётида дostonчиликнинг йирик вакили тарзида характерланадики, олимнинг бу хулосаси қорақалпоқ бердақшунослигига ҳамохангдир.

Мақолада яна бир фикрга урғу қилинган. Бу, Бердақ меросининг халқ оғзаки ижодига яқинлиги. Ифода усулининг енгиллиги, шеърларининг содда ва равон ўқилиши, халқ қўшиқлари сингари “оҳангдор ва таъсирчан”лиги, вазн бобидаги халқона талқинлар, шоир ижодига алоҳида жило бериб туриши, бошқада мафтункорлик хусусиятлари яхши айтилган. Бердақ ижодида ижтимоий мавзу етакчилик қилишининг асл сабаблари давр муаммолари: зулм ва адолатсизлик, оғир ҳаёт шароити, иқтисодий ночорлик, халқнинг фаровон ва бахтли яшашига тўсқинлик қиладиган, орзу умидларининг ижобат бўлишига йўл қўймайдиган бошқада иллатлар шоир қалбини ўртайди. Ва бу ҳаёт ва яшаш шароитини қаламга олади, уларга қарши қалам кучи билан курашади. Шоир асарларида ижтимоий мавзунинг, танқидий руҳнинг кучли-

<sup>1</sup> Бердақ. Халқ учун. Тошкент, 2021. 6-бет

лиги, ўткирлиги шу омиллар билан изоҳланади. Тўғри, Бердақ ижодига бундай ёндашув, талқин қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам бор. Э.Очиловнинг бу масаладаги ўзига хослиги шундаки, Бердақ ижодининг бу қирралари олим тафаккурида қайта ишланиб, ўзбек ўқувчисига мослаштирилган ҳолда берилдики, ҳар бир мулоҳазани ўзбек китобхони янгилик деб қабул қилади.

Бердақ шеърларининг ўзбек тилига таржималари мисолида муаллиф бадиий таржиманинг долзарб масалаларини кўтаради. Ўз тажрибасидан келиб чиқиб, туркий тиллардан таржима муаммоларидан сўз очади. “Табдил” ва “таржима” тушунчаларига изоҳ беради, таржимани тўла маънода табдил дейиш нотўғрилигини, улар ўртасида қисман фарқ борлигини, бизнингча, тўғри кўрсатган. Ва бу фикрини ўз таржимачилик фаолияти мисолида далиллаб ҳам бергани ишончли чиққан.

Мухтасар қилиб айтсак, Э.Очиловнинг “Халққа бахшида умр” мақоласи ўзбек бердақшунослиги мундарижасида муносиб ўрин эгаллашга лойиқ тадқиқотлардан бири. Ва энг асосийси, у Бердақ асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, ижодини ўзбек китобхонлари ўртасида янада оммалаштиришга, тарғибот қилишга ҳисса қўшиб келаётган таржимон-олим сифатида ҳам эътирофга сазовордир.

\*\*\*

Бердақ ижодининг ўзбек адабиёти билан алоқадорлиги хусусида гапирганда мавзуга тегишли яна бир ибратли фактни қайд этиб ўтишни мақсадга мувофиқ билдик. Бу адабиётшунос олимлардан ташқари бадиий ижод билан шуғулланадиган атоқли ўзбек шоирлари ва ёзувчиларининг Бер-

дақ ижоди юзасидан билдирган фикрлари, шоир талантини улуғлаб ёзган шеърлари билан боғлиқ мавзу. Бу ўринда К.Яшин, Миртемир, А.Мухтор, А.Орипов, М.Али, Г.Матёқубова, Э.Самандардек тааниқли ижодкорларнинг Бердақ истеъдодига берган баҳоси, асарларидан таъсирланиб қалам тебратгани бердахона услубларда сўз айтганини назарда тутмоқдамиз. Агар К.Яшин *“Бердақ қорақалпоқ эли чегараларини кенгайтириб юборган шоир”* деб ёзган бўлса, А.Мухтор Бердақни *“Ўрта Осиё адабиётининг Махтумқули ва Абайдек ёруғ юлдузи”* деб таърифлайди. М.Али *“Тоғдан учган бургут”* мақоласида Бердақни *“бургутга”* қиёслайди, *“ўз элининг айтар сўзи, кўрар кўзи”* дейди ва ёзади: *“Бердақ шеър ва дostonларида ўзини ёзди, ўз умрини куйлади, ўз халқи тарихини созга солди, ғурурланди, алам тортди, қувонди, ўқинди. Жаҳолатли бир даврда яшашига қарамай кўнглини бир лаҳза бўлсин ишонч тарк этмади. Қорақалпоқ халқи тарихининг чўққиларидан парвоз қилган шеърият бургути бугунги кунда ўзининг кўнар ерини топгандир. Бу “кўнар ер” куйларда эмас, балки юксакларда – кишилар қалбида, халқ юрагидадир”*.

Исёнкор шоир шеърияти бургутнинг парвозига ўхшатилиши адабиётда камдан кам учрайдиган факт. Бу Бердақ ижодини баҳолашдаги ўзига хос, янги лутф. Бундай образли талқин ҳатто бердақшунос олимларнинг ҳеч бирида йўқ. Бердақдан таржима жараёнида шоир шеъриятига хос поэтик гўзалликни қалбига жо қилган М.Алидек истеъдодли сўз устасигина шу хилда фикр айта олса керак.

Миртемир адабий фаолиятини Бердақ ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Шоирнинг Бердақ ижодига қизиқишининг ўзига хос тарихи бор. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан Миртемир қорақалпоқ мумтоз адабиёти, жумладан,



Бердақ меросига мурожаат эта бошлаган. *“Бердақ асарлари менинг учун қардош қорақалпоқ халқининг ўтган аср ҳаётини аниқ кўриш мумкин бўлган бир кўзга бўлди. Ҳар шеъри бир босириқ туш янглиғ аянч, “ҳув” деб авлоққа чиқиб кетгудек даражада даҳшатли дунё.”*<sup>1</sup> деб ёзган эди Миртемир Бердақга бағишланган “Қардош халқнинг номи ўчмас шоири” мақоласида. Миртемир Бердақ шеъриятининг хусусиятини, исёнкорлик пафоси, бадий-эстетик қимматини шу хилда эътироф этади. Бу фикрлар адабиётшуносликда айтилиб юрган фикрлардек туюлса-да, Миртемирона поэтик жўшқинликда ифодалангани талқиннинг ўзига хос белгисидир.

А.Орипов Бердақ ижодининг том маънодаги ихлосманди, тарғиботчиси десак муболаға бўлмайди. У бирор адабий минбардан нутқ сўзлайдими ёки Бердаққа бағишлаб шеър ёзадими ёхуд шоирнинг юбилей тантаналарида қатнашиб, табрик сўзи айтадими, Бердақнинг умрибоқийлигини, ўз халқининг дарду ташвишларини куйлаган мангуликка дахлдор доно шоирлигидан сўз очади. Шоир ёзади: *“Менинг назаримда, ҳақиқий шоир сўнмас юлдузга ўхшайди. Метеорит ўзи ажраб чиққан юлдуз ўзи ҳақида маълумот берганидек, шоир ҳам ўз халқининг кимлиги тўғрисида инсониятга, келгуси авлодларга хабар етказади. Бердақ бобомиз ҳам қорақалпоқ халқи тўғрисида бутун оламга, келгуси авлодларга жар солиб турибди. У бугун фақат қорақалпоқларнинггина эмас, барча халқларнинг иззат-ҳурматида сазовор бўлган шоирдир. Халқ мангу экан, Бердақ ҳам барҳаёт.”*

Бердақнинг улуғлиги, бетакрор шоирлиги, халқчиллик ижодининг асл моҳиятини ташкил этиши шу тарзда баҳоланади. Шоирнинг Бердақ меросига ҳурмати, меҳри ўта баланд экани қуйида-

ги тўртлигида янада илҳомбахш, янада маънодор ифодаланган.

*Сен шуҳратли Бердақсан, буюк отинг бор,  
Олтиндан зиёда айтган гапинг бор,  
Халқ учун ҳаётингни фидо айладинг,  
Мангу яшамоққа, демак, ҳаққинг бор.*

Юқорида билдирилган насрий талқинлар шеърий сатрларда янада таъсирли ва жозибали чиққан.

Бердақ ижоди ўзбек шоирлари учун ҳам илҳом булоғи бўлаётгани ҳам ёқимли фактдир. Шеърларининг ғоявий асослари, ифода шакли, поэтик оҳанги янги замон руҳини бадий талқин этишда шоирларимизга намуна бўлмоқда. Янги ғоя, янги мазмунда шеърлар битишга илҳомлантираётганига мисоллар етарли. Бердақ шеъриятдан таъсирланиб, бердахона бадий шаклда шеърлар битган ўзбек шоирларидан бири Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёкубовадир. Шоира Бердақ ижодини мукамал билади. Шеърларини ўзбек тилига ўгиргани адабиёт ихлосмандлари ёдида бўлса керак. Ҳарҳолда, Бердақ шеъриятдан таржималар шоирада Бердақ услубида шеър ёзиш истагини уйғотган кўринади. Шоиранинг “Кўринди” радибли олти бандлик шеърини назарда тутмоқдамиз. Шеър шоиранинг “Бердақнинг бахти кўринди” номли ихчам мақоласи охирига илова тарзида “Ватан руҳи” (2010) тўпламида эълон қилинди.

Бердақ меросида “Кўринди” радибли йигирма олти бандлик бир шеър бор. Шеър шоирнинг ўз замонидан нолиш кайфиятида ёзилган. Адолатсиз хонлар, шафқатсиз амалдорлар, халқ бошига чексиз-чегарасиз кулфатлар ёғдирган золимлар шоирнинг танқид найзасига илинади, кескин қораланади:

<sup>1</sup> Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент., 1980. 99-бет



*Адамға мийримсиз жалладлар, жасўлар,  
Халықты жылатқан аталық-ханлар,  
Басқа ауыр қайғы салған залымлар,  
Козлерине жылан-шаян коринди...<sup>1</sup>*

Бердақнинг ўз замонидаги адолатсизликларга нисбатан қандай муносабатда бўлгани, нафрати, ғазаби қанчалар ўткирлигини олдин кўп гапирдик. Шоир лирикасининг ижтимоий пафоси, халқи тақдири учун куйиб-ёниш дарди Бердақ шеърининг ҳар бандида аламли кечинмаларда янграб туриши ҳам ҳақиқат.

Г.Матёкубова бу мавзуга ўзича ёндашади. Яъни шоира шеърда ўтмиш ҳақида эмас, ҳозирги озод ва обод турмуш хусусида сўзлайди. Муаллиф гўё Бердаққа мурожаат қилиб: сен орзу қилган озод ва обод замон келди, сен яшаб ўтган Ватан эндиликда гуллаб-яшнамоқда, бугунги авлод фаровон ҳаёт кечираяпти деяётгандай бўлади.

*Обод бўлди озод замон,  
Ҳавас қилар олам жаҳон,  
Одам ўғли азиз инсон,  
Бердақнинг қадди кўринди.  
Кўнгил уйи зиёланиб,  
Булоқлари дарёланиб  
Мангу умри дунёланиб,  
Бердақнинг тахти кўринди.<sup>2</sup>*

Шеър контраст усулида ёзилган. Мумтоз шоирнинг ўз замонидан норозилиги, замонавий шоирнинг бугунги фаровон ҳаёт ҳақидаги қарашлари фонида икки хил ҳаёт шароити таққосланади, бир вақтлар Бердақ яшаб ижод этган адолатсиз тузум ўрнига энди “бир ёни гул, бир ёни обод” муқаддас

<sup>1</sup> Бердақ. Танламалы шығармалары. Нокис., 1987. 60-бет

<sup>2</sup> Г.Матёкубова. Ватан руҳи. Нукус., 2011. 88-бет

Ватан қад кўтаргани ҳақидаги фикр Г.Матёкубова шеърининг мазмун моҳиятини ташкил этади.

*Бўзатовда сўфитўрғай,  
Бобомизга забон бўлғай.  
Бу дунё тургунча турғай,  
Бердақнинг аҳди кўринди.*

*Кўнғиротда Бектоғ бўлиб,  
Туркийларга ўртоқ бўлиб,  
Азиз қорақалпоқ бўлиб,  
Бердақнинг шашти кўринди.*

Шеърда тилга олинган атамалар, жой номлари Бердақ яшаб ижод этган маконлар. Бугун бу жойлар Бердақ замонидан фарқли, гуллаб-яшнаётган бир ўлкага айландики, шоира бу ҳаёт кўринишини гўзал бир поэтик шаклда ифодалаб бера олган. Қисқаси, Бердақ қўллаган бадий шакл бугунги ҳаёт манзарасини шеър қилиб ёзишда шоирага намуна бўлгани аниқ.

Ўзбек адабиётида худди шундай услубда, Бердақ шеърига ўхшатма қилиб ёзилган яна бир шеър бор. Бу – таниқли шоир ва ёзувчи Э.Самандар қаламига мансуб “Бердақ тўйи” шеъри. Шеърнинг номланишига қараганда Бердақнинг бирор юбилейи тантанаси муносабати билан ёзилганга ўхшайди. Шеърга Бердақнинг:

*Қанчалар оч, қанчалар тўқ,  
Тўқ одамлар қайғуси йўқ,  
Очларнинг ҳеч уйқуси йўқ,  
Уни тўқлар билган эмас. –*

деган бир банди эпиграф ўрнида келтирилган. Шеърнинг ғояси, мазмуни Бердақ шеърига ўхшамайди. Э.Самандар шеърда Бердақ яшаган замон-

нинг руҳини, ноҳақликларга нафратини билдиришда шоир ўта жасоратли бўлганини, ҳайқириқ, исёнкорлик ҳар бир шеърида етакчи мотив бўлгани, асарларининг умумий пафоси, ҳақиқатни ҳимоя қилишга қаратилгани ҳақидаги Бердақ фикри ўзбек шоири қаламида ўзига хос акс садо беради.

*Бердақ гапнинг ростин айтди,  
Юртнинг баланд-пастин айтди,  
Юрагининг шаштин айтди,  
Зўрлардан тап тортган эмас.*

*Ўчсин, деди, очлик оти,  
Очқўзликка тошлар отди,  
Очқўз бўлар одам зоти,  
Кўзи молга тўйган эмас...*

Бердақ буюк сўз соҳиби, эзгулик куйчиси бўлиб, халқи дарди ва орзулари ижобати учун яшган, курашган, ижод қилган экан, бундай ижод мангуликка дахлдорлиги ҳақидаги фикрлар шеърда мажозий маъноларда яхши айтилган.

*Тоғлар қори эриб кетар,  
Ёз гуллари сўлиб кетар,  
Ҳатто юлдуз сўниб кетар,  
Бердақ шеъри сўнган эмас.*

Бердақ қўллаган бадий шакл таъсирида ёзилган икки шеър тўғрисида кенгроқ тўхтадик. Шеърлар шаклан муштарак бўлса-да, мазмун-моҳиятида катта фарқ бор. Яна бир мулоҳаза. Ҳар икки шеърни бадий кашфиёт мақомида баҳоламоқчи эмасмиз. Сўзлар оддий, жўн, образлилик кўп ҳам кўзга ташланавермайдиган жиҳатларига эътироз билдириш, эҳтимол мумкиндир. Бироқ, бизнингча, шеърнинг аҳамиятини белгилайдиган бошқа бир мезон ҳам борлигини унутмаслик лозим. Шеърда кўнгилларга нур бўлиб ёғиладиган олижаноб эзгу

фикрлар, қардошлик туйғулари, қолаверса, ўзбек адибларининг Бердақ меросига ҳурмати, шеърятдан илҳом олиб қалам тебратиши каби хусусиятлар шеърларга жило бериб турадики, бундан тан олмаслик адолатдан бўлмас. Энг асосийси, бундай шеърлар икки қардош халқ адабий алоқалари саҳифаларини тўлдириши баробарида, халқларимизнинг бир-бирлари адабиётига нисбатан қизиқиши ва ҳурматини оширишга ҳам хизмат қилади.

Ҳа, Бердақ ўзбек халқининг ҳам севимли шоирларидан бири. Шоир ҳайкалининг Тошкентдаги Адиблар хиёбонида буюк сўз санъаткорлари қаторида қад ростлаб тургани улуғ шоир ижодига бўлган ҳурмат намоёишидир.

Умумий мавзу юзасидан юқоридаги таҳлиллар, билдирилган фикрларни хулосалаб айтсак, Бердақ ижоди ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тараққиётининг ҳамма босқичларида адиблар, олимлар эътиборида бўлиб келган. Шоир ижоди юзасидан яратилган тадқиқотлар бўладими ёки Бердақ ижодидан таржималарми ёхуд шоир анъаналарининг ўзбек адабиётида давом этиши билан боғлиқ жараёнларми, атоқли ўзбек шоирлари ва ёзувчилари томонидан билдирилган фикрлар дейсизми, бари-бари жамлаб айтилса, бу жараён ўзбек бердақшунослиги йўлида амалга оширилган хайрли тадбирларки, ушбу анъана келажакда ҳам ранг-баранг шаклларда янада ривожлантирилса, нур устига аъло нур бўларди. Зеро, адабиётлар дўстлиги орқали халқлар дўстлигини мустаҳкамлашдан улуғроқ вазифа ва қудратлироқ куч бўлмаса керак. Шундай экан, бу жараёнга хизмат қилиш нафақат ижод аҳли, олимлар, балки зиёлиман деган ҳар бир инсон учун масъулият бўлмоғи керак.

## ИБРОЙИМ ЮСУПОВ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ижоди ўзбек китобхонларига яхши таниш. Муаллифнинг “Булоқлар қайнаганда”, “Олтин қирғоқ”, “Сахро орзулари”, “Чўл тўрғайи”, “Раҳмат, сенга замонам”, “Қоратол”, “Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг” каби шеърӣ тўпламлари Ўзбекистонда босилиб чиққан. Шоирнинг ўзбек тилида чоп этилган сўнгги тўпламларидан бири “Сўфитўрғай саломӣ” (2015) деб аталади. Китобга кирган шеърларни Зулфия, Шухрат, А.Орипов, М.Али, Х.Худойбердиева, Ж.Жабборов, О.Матжон, Ҳ.Шарипов, Н.Нарзуллаев, Р.Парфи, О.Ҳожиевадек халқ шоирлари, шунингдек, А.Абдураззоқ, М.Жалил, Я.Қўчқоров, М.Аҳмад каби турли авлод ижодкорлари ҳар хил даврларда ўзбек тилига ўгирган.

Ўзбекистонда И.Юсупов шеърӣятига қизиқиш катта. Бунинг сабаби бор, албатта. Шоир ўзбек адабиётига, ижодкорларига ғоят яқин қалам соҳибларидан эди. Қорақалпоғистонда ўзбек адабиётини тарғиб қилишда ҳамиша фаоллик кўрсатган, шоирлари ва ёзувчилари билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, икки адабиёт алоқаларига муносиб ҳисса қўшган адиблардан эди. Иккинчидан, шоир лирикасида Ўзбекистон мавзуси бошқа қорақалпоқ шоирларига нисбатан кенг ёритилган. У лириканинг қайси жанрига қўл урмасин, дўстлик ва қардошлик мавзусини четлаб ўтган эмас.

И.Юсупов ўзбек ҳаётига доир лириканинг турли жанрларида ўттизга яқин шеърлар ёзган. “Ўзбекистон”, “Ўзбек сози”, “Бир гул уздим Чирчиқ бўйидан”, “Тошкентлик шоир дўстларимга”, “Қизинг гўзал бўлсин, шоира бўлсин”, “Хивалик гўзал”,

“Навоийга”, “Улуғбек хотирасига”, “Хоразмга”, “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам”, “Кел Беруний боғларига” ва яна ўнлаб шеърлар борки, ҳар бирида қорақалпоқ шоирининг бадий эстетик туйғулари, дўстликнинг ижтимоӣ-маърифӣ аҳамияти ҳақидаги фикрлари ўқувчига завқ беради, фикр дунёсини бойитади. И.Юсупов мавзуни шунчаки куруқ, таъсирсиз ифодалар билан таърифламайди, балки ҳеч бир шоирда учрамайдиган, бир ўқишда ёд бўлиб кетадиган бадий компонентларда талқин этадики, шоирнинг топқирлигига тан берасиз. Кичкина бир мисол фикримизни тасдиқлай олади.

*Томиримизда туғишиганлик қонимиз бор  
қотишган,  
Ота-бобо бир нон топса, бирга бўлиб  
тотишган.  
Халқимиз бор бир дарёнинг икки бўйида туриб,  
“Ассалому алайкум!” деб носвой сўраб  
отишган.*

Ёки:

*Бир қора қалпоқ остида икки кўзнинг бирисан,  
Қиёматлик қўшимсан сен, қозон-товоқ  
олишган...<sup>1</sup>*

Мисоллар шоирнинг “Хоразмга” шеърӣдан олинди. Мазкур парчанинг ўзидаёқ ҳаётнинг ихчам бир манзараси кўз олдингизда гавдалангандек бўлади. Хоразм ва қорақалпоқ халқларининг

<sup>1</sup> Ибройим Юсупов. Сўфитўрғай саломӣ. Тошкент, 2015. 30-бет. Бундан кейин таҳлилга тортилган шеърларнинг барчаси шу китобдан олинди. Юқорида қайд этганимиздек, шеърларни атоқли ўзбек шоирлари ўгирган. Таржималарни аслиятга солиштириб кўрдик. Яхши таржима қилинган. Жиддий камчилик борлигини сезмадик. Шуни ҳисобга олиб, таҳлилда асл нусхадан эмас, таржималардан фойдаланишни афзал билдик. (Г.Қ.)

қўни-қўшнилиги, биродарлиги ҳақида кўп шеърлар ёзилган. Лекин ҳеч бир шоир бу дўстликни, унинг тарихи ва бугунини И.Юсуповчалик “бир нон топса, бирга бўлиб тоттишган” ё “бир дарёнинг икки бўйида туриб, носвой сўраб отишган” ёки “бир қора телпак остида икки кўз” ёхуд “қозон-товоқ” олишган халқлар тарзида, бетакрор образли шаклда таърифламаган бўлса керак. Бу шеърятда халқларимиз дўстлигини ёритишнинг чинакам бадиий кашфиёти, шоирнинг маҳорати белгиси. Маҳаллий-миллий колорит талқинининг бетакрор кўриниши.

И.Юсупов шеърлари оддий, самимий, лекин фалсафий маъно талқини чуқур. Муаллифнинг образли фикрлаш тарзи мукаммал, чиқариладиган хулоса ҳам ғоят ибратли. Ўзбекистон ҳақида кўп шеърлар ўқиганмиз, қасидалар битилган. И.Юсупов ҳам бу мавзуга мурожаат этди ва бошқа шоирларга ўхшамайдиган “Ўзбекистон” деган шеър ёзди. Ўзбекистонни қорақалпоқ шоири қалби, ижодий тамойиллари асосида таърифлади. Шунинг учун ҳам у ўзбек шоирларининг Ўзбекистон ҳақидаги шеърларининг ҳеч бирини такрорламайди. Шеър йигирма банд. Уни қасида жанри намунаси дейиш ҳам мумкин. Шеърда Ўзбекистоннинг бетакрор салоҳияти, табиатию одамлари, шаҳарларию қишлоқлари, меҳмондўстлик фазилати қорақалпоқ шоири қаламида янада кўркем, янада жозибадор, ўзгача жаранглайди. Улуғбеги Навоийларни берган диёр, Тошкент, Хоразму Бухоро, Андижону Фарғонага маскан бўлган ўлкани шундай улуғлайдики, ўқиган ҳар бир инсон шу юрт фарзанди эканлигидан фахрланади. Бу фикрларнинг қорақалпоқ шоири тилидан айтилаётгани шеърнинг аҳамиятини янада кучайтиради. Мавзунинг дўстлик ғоялари

билан боғлаб талқин этилгани шеърнинг яна бир ютуғидир. Шоир шеърнинг бир жойида:

*Ўзга эмас, ўз жонимсан,  
Ўзал Ўзбекистонимсан - деб ёзади.*

Ва яна бир бандда бетакрор сатрларни ўқиймиз:  
*Юртин севган ўзбекдан гар  
Камроқ севсам бу ўлкани,  
Қорақалпоқ дема мани...*

Шоир бу мисраларни тил учида эмас, дилдан ҳис қилиб ёзганига шубҳа йўқ.

Шоир лирикасида Тошкент билан боғлиқ икки шеър бор. Бири “Тошкентлик шоир дўстларимга”, иккинчиси “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам”. Шеърлар мазмунан яқин, бири бирини тўлдиради. Биринчи шеър ўн икки, иккинчиси ўн уч банд. Биринчи шеър бағишлов йўлида ёзилган. Ойбек, Ғ.Ғулом, Миртемир, Зулфиялар билан бўлган учрашувлар, қувноқ давралардаги жўшқин суҳбатлар, фикр алмашувлардан олинган таассуротлар шеър мазмунини ташкил этади. Шоир сафдошларини соғиниб: “*Дўстларим, сизларсиз кўнглим хуш бўлмас, Баримиз бир боғнинг булбулларимиз*”, деб хитоб қилади. Озод Шарқ қизи Зулфия овозини, Ғ.Ғуломнинг жарангдор қаҳқаҳасини соғинганидан сўзлайди. Ўзбек шеърятига меҳри беқиёслиги қуйидаги мисраларда ёрқин акс этган.

*Улуғ Навоийдан тортиб, бу кунги  
Кенжа Абдуллага қадар ўйласам,  
Ўзбек шеърятини бир дунё бўлиб,  
Руҳимда яшайди мисоли кўклам.*

И.Юсуповнинг ўзбек адабиётига ихлоси, садоқати шу тарзда ифодаланар экан, иккинчи шеърда бу мавзу янги фикр, янги ғоялар билан бойитилади. Бу ердаги соғинчнинг моҳиятида ҳамкору ҳамнафас ижод қилган сафдошлари шеърятини қўмсаётганидан шоир сўз очади. Мазкур шеърда ҳам Ғулом, Ойбек, Миртемир, Зулфия исмлари учрайди. Булар ёнига Э.Воҳидов ва А.Орипов номлари ҳам қўшилган. Мустақиллик йилларида улар билан ўтган мушоиралар, тажриба алмашув жараёнлари тилга олинади. Шеърда ижод аҳлининг қуроли бўлмиш ўзбек тили ҳам улуғланади, туркий таркибнинг энг бой тили сифатида баҳоланади.

*Навоий шон берган, Бобур шеър битган,  
Машраб ғазал айтган бу тил бор бўлсин.  
Бу тил учун Қодирийни ҳўрлаган,  
Номардлар охирда хору зор бўлсин!*

Шоирнинг дўстлик мавзусидаги шеърлари орасида ўзбек халқининг тарихий шахсларига бағишланган бир неча шеъри бор. Муаллиф уларнинг тарихдаги ўрни хусусида ишончли фикр юрита олган. Олим бўлса, олимлик салоҳияти, шоир бўлса шоирлик истеъдоди, санъаткор бўлса санъат оламидаги талантига хос қирраларни юксак бадииятда, образли шаклда тасвирлаган. Шоирнинг “Навоийга”, “Улуғбек хотирасига”, “Қизинг гўзал бўлсин, шоира бўлсин!” (Зулфия), “Сўзинг эл кўнглида топсин эътибор” (А.Орипов), “Овозинг сенинг” (О. Худойшукуров) в.х. шеърларида у ёки бу шахснинг тарих, адабиёт ва санъат олдидаги катта хизматлари маънавий салоҳияти тимсолларда берилади. Уларни шахс сифатида ижодкор, олим ёки санъаткор қиёфасида характерлай оладиган хусусиятлар реал чизилган.

И.Юсуповнинг Алишер Навоий ижодига шоғирдлик меҳри алоҳида. Шеърларида улуғ шоир номи ҳурмат билан тилга олинашини аввал таҳлил қилинган шеърларда кўргандик. “Навоийга” номли шеър мана шу эҳтиромнинг навбатдагисидир. Шеърда Навоий “*чўлда битган боғ*”га “*сояли, мевали бир дарахт*”га таққосланади. “*Гўзаллик иқлимин нурафшон этган, Зулматни ёритган шамчи-роқ*”қа ўхшатилади.

Ҳали ҳеч бир қорақалпоқ ёки ўзбек шоири Алишер Навоийга нисбатан устоз-шоғирдлик эҳтиромини қуйидаги бадий шаклда, образли ифодалаган бўлса керак:

*Ибрайим дер улуғ руҳинг олдида  
Бош эгайин шоғирдинг Бердақ бўлиб.*

“Қизинг гўзал бўлсин - шоира бўлсин” шеърининг ғоявий талқини, бадий шакли ҳам “Навоийга” шеърини эслатади. Шеър Зулфияга эмас, замондошларига мурожаат усулида ёзилган. Шеърда Зулфияни улуғлаш ғояси ҳам бор. Шу билан бирга, шоира шахсияти, ижодий-ижтимоий фаолиятидан намуна олишга даъват ҳам қаламга олинган. Бу икки йўналиш ўзаро уйғун ва ижодкор шахсининг янги қирралари билан ўқувчини таништиради. Бир қараганда, бу гаплар оддий, ҳамма биладиган маълумотлардек кўриниши мумкин. Агар биз бу фикрларга бошқа бир адабиёт вакили томонидан айтилаётганини назарда тутсак, шеърнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ҳис қилиш қийин бўлмаса керак.

*Яхши одам исми - кўнглининг нақши,  
Ниятлаб от қўйсанг - ҳаммаси яхши.  
Айтинг, ким қизига исм қўймоқчи?*



*Толе оқшомида бир зиё бўлсин,  
Гар бўлсанг фарзандинг донғин ёймоқчи,  
Илтимос, қиз оти “Зулфия” бўлсин.*

Шеърнинг ифода шакли содда, маъноси ибратли, талқин самимий. Шеър мухлисларга ёд бўлиб кетгани ҳам ҳақиқат. И.Юсупов услубига хос бадиий сўзга халқона жило бериш, фикрни оддий, лекин фалсафий йўналишда талқин этиш аксарият шеърларига хос хусусиятдир. Масалан, шоирнинг “Туғишганлик” номли шеърида халқона тасвирнинг яна бир янги ифодасига гувоҳ бўлдик.

*Бир ўчоқда ўт ёқтирган,  
Бир яйловда мол боқтирган,  
Тўй-ҳашамда от чоптирган -  
Ризқи йўлдош туғишганлик.  
Ўзбекни ўз оғам этган,  
Улкан бахт инъом этган.  
Бир қозонда ош дамлатган  
Меҳри иссиқ туғишганлик.*

Мисралар халқ оғзаки ижодига хос ифода шаклини ёдга солади. Икки халқ такдирининг туташлигини, “ор-номуси, виждони бир”, “моли билан жони шерик”, “бир тандирда нон ёпишган”, “бир дарёдан сув ичиб” гуллаб яшнаётган қорақалпоқ ва ўзбек халқлари дўстлиги халқона бадиий услубда жуда ўқимишли қилиб ёзилган.

И.Юсупов ўзбек санъатидан ҳам яхши хабардор бўлган. Хусусан, куй ва қўшиқчилик санъатига мухлис шоир эди. Унинг “Ўзбек сози”, “Овозинг сенинг” шеърлари ана шу илҳомнинг натижаси ўлароқ ёзилган. “Тановар” ўзбек мумтоз куйларидан бири. Куйнинг оҳанги сеҳрли ва маъюс. Тингловчини қисман бўлса-да, тушкун кайфиятга солади. Шоир

шу туйғуни ҳис қилган ва таассуротини шеър қилиб ёзган. “Ўзбек сози” ғазал жанрининг гўзал намуналаридан бири. Ғазал шоирнинг аруз вазнида ҳам ижод қила олиш талантидан далолат беради. Ҳар бир байтда куйнинг ноёблиги, мафтункорлиги таъкидланганидек, қалбларга “дард соладиган”, “сеҳрли тузоғига” илинтириб, маънавий дард уммонига ғарқ этадиган мўъжизавий қудрати ҳақида ҳам сўз айтилади. Хатто Навоийдек буюк шоир ҳам “бу тузоқдан чиқа олмай куйгани”ни эслайди.

*Юрак торидан ишланган асбоб торми  
дейман,  
Сознинг энг нафис аълоси ўзбекда дорми  
дейман...*

Куйидаги икки байтда эса лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, куй сабаб қалбида туғилган туйғулар ғалаёни тасвири табиий ва таъсирли чиққан.

*Титратмай чал торингни, жоним  
“Тановар” гўзал,  
Йиғлатмоқ шоир жонини сенга  
даркорми дейман.  
Ошиқлик оғушида ўртама Ибройимни,  
Ҳой, сен, созанда дилбар, раҳминг  
борми дейман?*

Ғазалдаги поэтик образлар, рамзли маънолар, бошқада ифода воситалари бадиият қирраларидир. Ғазал ўзбек шоирларига ҳам илҳом берган кўринади. А.Ориповнинг “Муножот”ни тинглаб шеърини ўқиганда И.Юсуповнинг “Ўзбек сози” ғазалини эсладик. Чиндан ҳам, бу икки шеър ўртасида, мазмун талқинида яқинлик бор. Икки шеърда ҳам шоирларнинг куйдан “норозилиги” акс садо

бериб туради. “Созанда”, “Куй” поэтик образлари икки шеърда ҳам бир мақсад ва бир ғояга йўналтирилган. А.Орипов шеърида шундай сатрлар бор:

*Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг,  
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг...  
Бас, етар чолғучи, бас қил созингни.  
Бас, етар, қўксимга урмагил ханжар...<sup>1</sup>*

Мазкур шеърнинг И.Юсупов ғазалидан фарқи шундаки, ўзбек шоири куйнинг оғирлигини ўтмиш ҳаётига қиёслаб, одамзод бошига тушган ғам-аламлар тимсолида талқин этгани такрорланмас бадийят белгисидир. Икки шеърда ҳам Навоий тимсоли бор ва у бир мақсадда фойдаланилган. Агар И.Юсупов ғазалига Навоий образи “*Бу тузоқдин чиқмоқ истаб, йўл сўрадим Навоийдан, “Мен ҳам куйганман, деди”* мазмунида келтирилган бўлса, А.Орипов улуғ шоирнинг куйга муносабатини “*Қайлардан келмоқда бу оху фарёд, Ким у йиғлаётган, Навоий-микин?*” мисралари орқали ифода этган. Ҳар ҳолда, бу икки асарни бир-бирига боғлаб турадиган муштарак хусусиятлар анчагина бор. Лекин шеърларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам оз эмас. Аввало, уларнинг ифода шакли ҳар хил. И.Юсупов мавзуни ғазал жанрида ёритган бўлса, А.Орипов шеъри бармоқ усулида битилган. Поэтик образлар, мажозий талқин икки шоирда икки хил. Гарчи шеърларда куй тимсоли марказий ўринда турган бўлса-да, моҳиятан, эстетик таъсир кучи, сўз қўллашдаги бадий салохият ҳар бир шоирда ўзига хос. Айниқса, “Муножот”ни тинглаб”да интонация, талаб оҳанги кучлироқ. Аслида бу икки асар қанчалик ўхшаш бўлмасин, бири қорақалпоқ ғазалчилигининг, ик-

кинчиси, ўзбек шеърятининг юксак намуналаридан бири бўлиб қолаверади.

И.Юсупов ўзбек мумтоз адабиётини, айниқса, ғазалчилик анъаналарини яхши ўзлаштирган адиб. Бу тажриба шоирга аруз вазнида эмин-эркин қалам тебратиш имконини берган. Шоирнинг “Ўзбек сози” ғазали таҳлилида бу тажрибанинг самарасини кўрдик. И.Юсупов мумтоз шеърятга ижодий эргашиб ғазаллар туркумини яратди. Бу шоирнинг “Баҳор ва сен”<sup>1</sup> ғазаллар туркуми.

Туркумга ўн етти ғазал киритилган. Биринчи ғазалга Навоийнинг “Наводируш - шабоб” девонидаги:

*Жуп қуралай козлерингди ноз уйқысынан оят,  
Уйқысын ашсын, оларды гулзар ишинде оят. –*

байти эпиграф қилиб олинган. Ғазалларнинг ҳар бири етти байтдан иборат. Мазкур шакл Шарқ ғазалчилигида кенг қўлланилади. Шоир баъзи ғазаларида “Ибройим”, айримларида “Аёзий” тахаллусини келтирган. Муаллиф Шарқ, жумладан, ўзбек адабиётининг машҳур сўз санъаткорлари Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Фузулий, Машраб, Нодида, Фурқат каби шоирларнинг ҳар бирига ғазал бағишлаган, уларнинг жаҳон адабиётидаги ўрнига баҳо бериб, шеърят даҳолари сифатида характерлаган. Афсуски, ғазаллар ўзбек тилига ўгирилмаган. Шу боисдан биз ғазалларнинг асл нусхаларидан фойдаланишни маъқул билдик. Лутфийга бағишланган ғазалда шундай бир байт бор:

*Лутфыннан жарлықап, Лутфий болсам, ажеп емес,  
Йийип илҳамын йошы, ий болсам ажеп емес...*

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Шеърлар. Тошкент, 2016. 9-бет

<sup>1</sup> И.Юсупов. Ўш. Қосықлар. Нокис, 1977 ж. 182-190-бетлер.

Шоир Лутфий ижодини илҳом булоғи тарзида таърифлар экан, Навоийга бағишланган ғазалида улуғ шоир яратган қаҳрамонларнинг халқимиз орасида оммалашганига эътибор қаратади.

*Наўбаҳар келип, ашықларга даўайы болды  
Жер жаҳан жасыл кийип, аспан ҳаўайы болды.  
Ҳар жигит озинше Фарҳад, ҳар қыз озинше  
Шийрин,  
Ҳар кеўил шайырлықта қудды Наўайы болды.*

И.Юсупов ўзига замондош ғазалнавис шоирларга ҳам ғазал бағишлашни унутмади. Уларнинг ўзбек адабиётидаги мавқеи, шоирлик салоҳияти тўғрисида ҳам илҳом билан қалам тебратди. Туркумда С.Абдулла, Зулфия, Э.Воҳидов ҳақида ҳам гўзал ғазаллар бор. Айниқса, Э.Воҳидовга бағишланган ғазалнинг талқин усули ҳам, мазмуни ҳам ўқувчи хотирасига муҳрланса ажабмас.

*Шайырлық сан-сыпатына илинсем де елимде,  
Ышқы итибарына илинип, яр саналмадым.*

*Қосықта еркин қалем тартса да бул Аязий,  
Ғазел бабында лекин мен Еркин болалмадым.*

Шоирнинг камтарона эътирофида ўзбек адабиётига, қаламкаш дўсти талантига ҳурмат, тан бериш қорақалпоқ адабининг нақадар бағри кенг, талантнинг қадрига етадиган, самимий инсонлигидан дарак беради. Ғазалда яна бир ибратли нуқта бор. Шоир ғазалда туюқ жанридан ўринли фойдаланган. “Эркин” атамаси икки мисрада икки маънода келади. Биринчи мисрада “эркин” сўзи “қалам тебратишда эркин бўлолмадим” маъносини билдирса, иккинчи мисрада бу сўз шоир Эркин Воҳи-

дов деган маънони англатади. Бу, И.Юсуповнинг мумтоз шеърият жанри билимдони эканлигини далиллайди.

Юқорида И.Юсуповни ўзбек санъатининг том маънодаги мухлиси, тарғиботчиси тимсолида таърифлаган эдик. Ўзбек санъаткорларини улуғлаш анъанасини ғазалларида ҳам давом эттирди. Мукаррама Турғунбоева, Юнус Ражабий, Ҳалима Носирова, Ойимхон Шомуратова каби ўзбек ва қорақалпоқ санъати дарғалари ғазалларнинг қаҳрамонларига айланди, ҳар бирининг санъат оламидаги мавқеини шеърият тили билан шарафлади. Санъаткорлар репертуарларидан “Дем бермес”, “Тановар”, “Самарқанд ушшоқлари” сингари ашулалар мисолида икки халқ ва уларнинг санъатлари барҳаётлигига ишора қилинади.

И.Юсуповнинг Ўзбекистон ва ўзбек ҳаётидан ёзилган ҳамма асарларини ушбу тадқиқотга қамраб олдик деган хулосага келиш ўринсиз. Чунки, мавзунинг қамрови кенг ва серқирра. У алоҳида тадқиқотни тақозо этади.

## ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ БАХТИЁР НАЗАРОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

Академик Бахтиёр Назаров ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг йирик вакиллари-дан бири, ўзига хос мактаб яратган олим. Эълон қилган китоблари, мақолалари соҳанинг салмоқли ютуқлари тарзида баҳоланганини жамоатчилик яхши билади. У дунёқараши уфқи кенг, тафаккури чуқур, жаҳон ва қардош халқлар адабиётини ҳам пухта биладиган олимлар қаторида туради.

Б.Назаровнинг тадқиқотчилик фаолиятида Марказий Осиё адабиётлари ўрганилган илмий изланишлар бир туркум. Қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тожик ва бошқа миллий адабиётларнинг атоқли сўз усталари ижоди ҳамиша олим эътиборида бўлиб келган ва асарлари тўғрисида мунтазам ўз сўзини айтиб борган. Жумладан, муаллиф мумтоз ва замонавий қорақалпоқ адабиётига кўпроқ қизиққан, биринчи навбатда, Бердақ ва Ажиниёз, Тўлепберген Қайпбергенов ва Ибройим Юсупов каби шоир ва ёзувчилар ижодига бағишланган тадқиқотлари шу йўналишда бўлиб матбуотда, илмий-адабий тўпламларда босилган. Олим фаолиятининг қорақалпоқ адабиёти билан боғлиқ баъзи қирралари тўғрисида ўзбек адабиётшунослигида айрим фикрлар айтилган. Масалан, профессор К.Қурамбоевнинг “Етук адабиётшунос, моҳир танқидчи”, “Бахтиёр Назаровнинг назари” сингари мақолаларида мавзу қисман ёритилган. Мавзуни тўлдириш, кенгайтириш, имкон даражасида таҳлилий материаллар билан бойитиш, китобнинг умумий йўналишига мослаштириб, махсус тадқиқот шаклига келтиришни назарда тутдик. Ва шу мақсадда мавзуга қўл урдик. Бу ури-

нишимиз келажакда атоқли олим Б.Назаровнинг адабий-танқидий фаолияти кенг кўламда ўрганилгудек, портрети яратилгудек бўлса, ҳаракатимизнинг натижалари озми-кўпми фойдаланилса, умидимиз ушалганидир.

Буюк қорақалпоқ шоири Бердақ ижоди Б.Назаровни энг кўп қизиқтирган. Шу боисдан ҳам шоир ҳақида кўп мақолалар битган, назаримизда. Олимнинг “Замон лочини”, “Иқбол келармикин бизнинг элларга”, “Замонларга ҳамнафас сўз”, “Халқпарвар шоир”, “Қорақалпоқ халқининг улуғ шоири” номли мақолалари бевосита Бердақ ижоди таҳлиliga қаратилгани билан диққатга сазовор. “Яхши сўз яқинлатар эл орасини”, “Ажиниёзнинг адабий мероси”, “Қорақалпоқнинг улкан сўз устаси” мақолалари, олимнинг қорақалпоқ мумтоз адабиёти, буюк шоирлар ижодини яхши билиши, янгича талқинларда, ўзбек олими нуқтаи назаридан ўзига хос баҳолагани эътиборли.

Тилга олинган мақолалар орасида Бердаққа бағишланган “Қорақалпоқ халқининг улуғ шоири” мақоласи кўпроқ диққатимизни тортди. Мақола кенг кўламда ёзилган. Шоир ижодининг бирор қатлами таҳлилдан четда қолган эмас.

Бердақнинг Бердақ шоир бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар: ижтимоий тарихий шароит, адабий муҳит, маънавият ва маърифат жабҳаларидаги хилма-хил кўринишлар, ижтимоий-сиёсий тузумнинг қиёфасини белгилайдиган бошқада унсурлардан келиб чиқиб, муаллиф Бердақ ижодига ёндашади, лирикасига хос хусусиятларни аниқлайди. Яъни Бердақ ва халқ, халқ ва Бердақ тушунчалари шоир ижодининг мазмун-моҳиятини ташкил этиши, бу уйғунлик негизида халқчиллик ғоялари акс этгани, энг асосийси, бу концепциялар Бердақ реализмини чуқурлаштирган омил-

лар экани айтилади. Бердақ лирикаси ҳаёт билан оҳангдошлиги, қорақалпоқ адабиётида реалистик тенденцияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этгани ҳақидаги муаллиф фикрлари мантиқан асосли. Шоир ижодининг халқчиллиги бўйича қорақалпоқ адабиётшунослари ҳам, ўзбек адабиётшунослари томонидан ҳам кўп фикрлар айтилган, ёзилган. Лекин Б.Назаровнинг шоир ижодининг халқчиллиги ҳақидаги мана бу фикри ҳеч бир бердақшунос ишларида шундай мазмунда учрамайди: “Бердақ асарларида қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи, урф-одати, халқ характери, руҳияти, тарихи, тили, илмий тафаккури, анъаналари, орзу-умидлари, жўғрофияси, давлатчилигининг шаклланиш қирралари ва бошқа кўпдан-кўп хусусиятлар ўзининг ёрқин, теран ва ранг-баранг бадий ифодасини топадики, бундай мукамаллик ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг энг буюк санъаткоригагина насиб этган. Бердақ ўз ҳаётлик чоғидаёқ халқнинг тили ва дили даражасига кўтарила олган ана шундай буюк сиймо эди.”<sup>1</sup>

Агар эътибор берган бўлсангиз, Бердақ ижодининг бундай серкўлам ва сермаъно ижод олами, бадий-эстетик салоҳияти, комиллиги бу даражада таърифланмаган эди. Шоир меросини яхши билган, талант қирраларини теран идрок эта олган олимгина шу хилда фикрлашга, хулоса чиқаришга қодир бўлса керак. Мақоланинг бир жойида муаллиф *“Халқчиллик ғояси Бердақ асарларида кураш, ҳақиқатдан тоймаслик, ёвузлар олдида бўйин эгмаслик, керак бўлса, бу йўлда жонини фидо қилишдан ҳам қайтмаслик сингари конкрет мақсадлар билан тўйингандир”* деб ёзадики, бу, чиндан ҳам,

<sup>1</sup> Б.Назаров. Қорақалпоқ халқининг улуғ шоири. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 1999. 1-сон

шоир лирикасининг курашчанлик пафосига берилган илмий баҳодир.

Бердақ ўз халқи тарихини яхши билган, том маънода тарихчи-ижодкор эди. Тарихни бадий гавдалантириш шоир ижодининг етакчи мавзурларидан бирига айланиши бежиз эмас. Тарихий ҳақиқатдан бадий ҳақиқат яратиш анча мураккаб жараён. Лекин Бердақ бу масалада ишончли ва муваффақиятли қалам тебратишга эришди. “Омонгелди”, “Ойдўс бий”, “Ерназар бий” дostonлари тарихий мавзунини ҳаққоний ёритишдаги шоирнинг улкан ютуғи бўлди. Мақолада ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғоялари улуғланган мазкур дostonлар, Омонгелди, Ерназар бий, Ойдўс бий образларининг тарихий ҳақиқатга мослиги, шоирнинг тарихий асар яратишдаги маҳорати муносиб баҳоланади. “Шажара” Бердақнинг қорақалпоқ халқининг келиб чиқиши, тарихий йўли ва Марказий Осиё халқлари билан ҳамкорлиги алоқалари ёритилган қомусий асар. Муаллиф бу асарга кенгроқ тўхтади. Баёнийнинг худди шундай характердаги “Шажараи Хоразмшоҳий” асари билан Бердақнинг “Шажара”сини қиёслади. Гарчи, икки асар ҳам шаклан ўхшаса-да: бир давр, бир муҳит маҳсули саналса-да, ҳар бир асарда тарихий ҳақиқат ўзига хос. Бердақ ўз даври, ўз ҳаёт шароитидан келиб чиқиб мавзуга ёндашган бўлса, Баёний Хоразм хонлиги билан боғлиқ воқеалар, ўша замоннинг тарихий манзараси бадий ифодалангани асарларни ўзаро ажратиб турадиган жиҳатлар эканлиги мақолада яхши изоҳланган.

Тадқиқотда Бердақ ижодининг яна бир ўзига хос қиррасига диққат қаратилади. Яъни Бердақ билим, маърифат бобида ҳам кучли шахс бўлгани айтилади. Бу фикр шоирнинг жаҳон тафаккури олами, маданияти, адабиётини яхши билгани, асарла-



рида Арасту, Афлотун, Аттор, Бедил, Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Махтумқули, Хорун-ар-Рашид, Искандар Зулқарнайндек исмларнинг бот-бот учраши билан изоҳланади. Дарҳақиқат, булар Бердақнинг мушоҳада уфқи кенглигидан дарак беради. Шоир асарларида Едиге, Алпомиш, Баҳром, Гуландом каби бадий қаҳрамонларнинг учраши ҳам Бердақ дунёқараши ва фикр доирасининг ранг-баранглиги ифодасидир.

Бердақ анъаналари бугунги қорақалпоқ адабиётида ҳам давом этаётгани, ривожлантирилагани Ж.Оймирзаев, Т.Қайпбергенов, И.Юсуповларнинг асарлари мисолида кўрсатилади. Б.Назаров Бердақнинг буюклиги ҳақида гапириб, шоирни *“Ўз даврининг лочинларидан бири”* деб таърифлайди. Мақолада бундай ибратли фикрлар кўп, айримларигагина муносабат билдирдик. Умуман, ушбу мақола ўзбек адабиётшунослигида Бердақ ижоди тўғрисида ёзилган тадқиқотларнинг энг сараларидан бири. Фақат таҳлилга жалб қилинган ушбу мақолагина эмас, олимнинг Бердақ ижодига бағишланган юқорида номлари тилга олинган барча мақолалари ҳам Бердақ ижодига қизиқувчиларни шоирнинг ўлмас мероси билан тўлиқроқ таништиришда, ижодини Ўзбекистонда оммалаштиришда катта аҳамиятга эга.

Б.Назаров Бердақнинг Қорақалпоғистонда турли йилларда нишонланган юбилей тантаналарида қатнашган эди. Илмий-назарий анжуманларда “Бердақ буюк шоир”, “Халқ орзуларининг куйчиси” мавзуларида маърузалар қилгани маълум. Олимнинг Ўзбекистон радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувларида «Бердақ ўғитлари ёшларга ўрнак», “Бердақ ижодининг бугунги аҳамияти” деган мавзулардаги суҳбатларини мухлислар унутмаган бўлса керак. Шоирнинг ўзбек тилида нашр этилган

“Танланган асарлар”и Бахтиёр Назаров сўзбошиси билан чоп этилганига гувоҳмиз.

Қорақалпоқ ёзма адабиётининг атоқли шоирларидан яна бири Ажиниёз Қўсибой ўғли ижоди ҳам Б.Назаров томонидан катта ихлос ва ҳавас билан ўрганилган. Ажиниёз XIX аср қорақалпоқ адабиётида, аввало, Шарқ адабиёти анъаналарини давом эттирган, мумтоз шеърият намуналарини яратиб, адабиётда янги йўналишни бошлаб берган, ғазал, мухаммас каби шеърий шаклларда қалам тебратиб танилган шоирдир. Б.Назаровнинг “Яхши сўз яқинлатар эл орасин”, “Ажиниёзнинг адабий мероси” мақолаларида шоир лирикасининг етакчи ғоялари, бадий сўз санъатидан фойдаланиш маҳорати, аруз вазнида ижод қилиш салоҳияти, адабий меросининг жанр табиати, ҳар хил адабий шаклларда шеърлар ёза олиш таланти мисолларда яхши асосланган. Ажиниёз бошқа қорақалпоқ мумтоз шоирлардан фарқли ўлароқ, том маънода лирик шоир эканлиги, бадий бобида, мумтоз шеърий санъатлардан фойдаланишда, лирик қаҳрамон туйғуларини табиий чизишда бетакрор шоирлиги мақолаларида яхши ёритилган. Яхшиликни, эзгуликни сўз санъати орқали куйлаб ўтган сўз зарғари Ажиниёзнинг адабий мероси авлодларга хизмат қилиши ҳақидаги фикрлар ўзбек адабиётшуноси назаридан қаралса, янгича акс садо беради.

Умуман, Б.Назаровнинг Бердақ ва Ажиниёз ижодига бағишланган ҳамма мақолалари олимнинг бу икки улуғ шоир меросини ҳар томонлама мукамал билганидан, ижод сирларини теран идрок этиб, таҳлил юритганидан далолат беради. Муҳими, бу тадқиқотлар икки қардош халқ адабиётшунослигининг ўзаро тажриба алмашувида, Бердақ ва Ажиниёз адабий фаолияти билан ўзбек

китобхонларини таништиришда ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Муаллифнинг мумтоз қорақалпоқ адабиётига бағишланган яна бир мақоласи бор. Мақола “Қорақалпоқ мумтоз шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёт жараёнлари” деб номланади. Тадқиқотда қорақалпоқ мумтоз шеъриятининг ривожланиш босқичлари, ғоявий-бадий хусусиятлари мисолларда илмий асосланади. Ўзбек олими нуқтаи назаридан янги қарашлар илгари сурилади. Умуман, Б.Назаровнинг қорақалпоқ мумтоз адабиёти, мумтоз шоирлари ижодига бағишланган барча тадқиқотлари олимнинг қардош халқ адабиётини анча муфассал билганидан, профессионал даражада илмий фикр айта олиш салоҳиятидан далолат беради.

Б.Назаров замонавий қорақалпоқ адабиётининг ҳам билимдонларидан бири эди. Олимнинг Ўзбекистон Қаҳрамонлари Т.Қайпбергенов ва И.Юсуповлар ижоди тўғрисидаги мақолалари фикримизга далил. Қорақалпоқ адабиётшунослигида бу адиблар ижоди бўйича кўп илмий ишлар ёзилган, диссертациялар ҳимоя қилиниб, китоблар ҳам нашр этилди. Ўзбек олимларининг мавзуга яна мурожаат этишида қандай зарурат бор эди? деган савол туғилса ажабмас. Гап шундаки, адиблар, айниқса, Т.Қайпбергенов аллақачон ўз адабиёти доирасидан чиқиб, дунёга танилганига анча йиллар бўлди. Масалан, ёзувчи асарлари Ўзбекистонда жуда машҳур. Деярли ҳамма роман ва қиссалари ўзбек тилига ўгирилган. Бугун Т.Қайпбергенов номини эшитмаган, асарларидан беҳабар китобхон жуда кам топилса керак. Ҳатто, таниқли ўзбек олимларидан бири П.Шермуҳамедов Т.Қайпбергенов ижодига бағишланган “Ёзувчи дунёси” деган монография ҳам нашр эттирди. Шундай экан, ўзбек халқи, китобхонлари орасида машҳурлик

қозонган ёзувчи ижоди ҳақида ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқот яратишига табиий жараён деб қарамоқ керак. Б.Назаровнинг “Марказий Осиё халқлари ва адабиёти тараққиётида Тўлепберген Қайпбергенов ижодининг аҳамияти”<sup>1</sup> номли мақоласи айни ҳозирги куннинг тадқиқоти бўлди.

Мақоланинг номланишига эътибор беринг. Унинг долзарблиги, янгилиги ҳақидаги фикр дарров ҳаёлингиздан ўтади. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам, ҳатто қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам ҳозиргача Т.Қайпбергенов ижоди Марказий Осиё адабиётлари билан қиёсланиб ўрганилган эмас. Мавзу адабиётшуносликда очиқ турган “қўриқ” десак хато бўлмас.

Бундай мавзуда тадқиқот ёзиш учун фақат бир адабиётни билиш етарли эмас. Таҳлилга тортилган Марказий Осиёдаги барча адабиётларни ҳам ўрганиш талаб этиларди. Б.Назаровнинг билим даражаси, илмий салоҳияти, тажрибаси нафақат тилга олинган адабиётларни, балки қиёсланиши режалаштирилган алоҳида-алоҳида ижодкорлар асарларини ҳам мукаммал билгани тадқиқотнинг муваффақиятини таъминлагани ҳақиқат. Ч.Айтматов ва Т.Қайпбергенов мулоқотлари ҳақидаги фикрлар, Ч.Айтматовнинг сафдош, қаламкаш дўсти ижодига, “Қорақалпоқ достони” романига берган куйидаги баҳоси ғоят аҳамиятлидир: “*Бу трилогия улкан бадий асар бўлиб, у ҳақиқий санъаткор – қўли гул уста томонидан, ўз халқини айрича меҳр-муҳаббат билан яхши қўрадиган ёзувчининг қалб қўри билан яратилган... Тўлепберген, сен адо этган вазифа қорақалпоқлар учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир.*”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 2009. 4-сон

<sup>2</sup> Б.Назаров. Марказий Осиё халқлари адабиёти тараққиётида Тўлепберген Қайпбергенов ижодининг аҳамияти. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 2009. 4-сон

Дунё адабиётининг классиги Ч.Айтматов фикрларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Б.Назаров Т.Қайпбергенов асарларига назар ташлайди. Ёзувчининг илк яратган қиссалари, романлари, хусусан, “Қорақалпоқ қизи”, “Қорақалпоқ достони”, “Қорақалпоқнома”, “Қорақалпоқман, таваккалчи-ман”, “У дунёдаги бобомга мактублар”, “Қалбимнинг қомуси” номли асарлари ғояси, мавзу талқинининг умумбашарий ва умуминсоний манфаат касб этиши, Марказий Осиё халқлари учун ҳам бирдай долзарб ва қимматли эканлигини таъкидлаш баробарида, бу асарлар регион адабиётлари ривожига ҳам таъсир кўрсатиши табиийлиги тилга олинади.

Муаллиф “Қорақалпоқ достони” трилогияси тўғрисида муфассалроқ тўхтайди. Маман, Ойдўс, Ерназар образлари, уларнинг мураккаб зиддиятли ҳаёт ва кураш йўллари мисолларида *“халқнинг деярли уч аср давомидаги ўтмишини тарихий ҳақиқат сифатида тиклади. Тўзғиб ётган, турли-туман, гоҳ ўзаро зид, гоҳ афсонавор руҳда бўлган маълумотларни бир бадий тизимга сола олди, уларни бадий ҳақиқатга айлантирди”*, деб ёзадики, бу талқин олимнинг эпопеянинг туб моҳияти ва мақсадини, ёзувчининг тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантиришдаги услубий ўзига хослигини юқори баҳолагани белгисидир. Бу фикрлар маълум маънода Т.Қайпбергенов қаламига мансуб тарихий мавзудаги романларининг Марказий Осиё халқлари ва адабиётлари учун ҳам долзарблигига ишора эди.

Б.Назаровнинг Т.Қайпбергенов ижодини Марказий Осиё халқлари адабиёти билан қиёслаб, илгари сурган куйидаги яқуний фикри, қорақалпоқ адабиёти, унинг бетакрор ёзувчиси ижодига берилган юксак баҳодир: *“Қорақалпоқ адабиётини*

*наинки Марказий Осиё, наинки собиқ Иттифоқ, балки жаҳон миқёсига олиб чиққан адиблардан бири Тўлепберген Қайпбергеновдир. Ҳозирги дунёнинг қатор халқлари қорақалпоқни ва Қорақалпоғистонни, асосан, Тўлепберген Қайпбергенов асарлари орқали билади.”*<sup>1</sup>

Бу хулоса Т.Қайпбергеновдек атоқли сўз санъаткорини вояга етказган қорақалпоқ халқи ва адабиёти учун ҳам фахр ва ифтихордир.

Энди икки оғиз сўз И.Юсупов ижоди хусусидаги мақолалар ҳақида. Бу шоир ҳам ўзбек китобхоналарига яхши таниш. Кўплаб шеърий тўпламлари ўзбек тилида босилиб чиқди. Б.Назаров “Мунаввар шоир” мақоласида И.Юсуповнинг Бердақ анъаналарини давом эттиргани ҳақида сўз юритса, “Шоирнинг ойдин йўли”да шоирнинг ижодий фаолияти тадрижий асосда таҳлил қилинади, қатор назмий асарлари анъана ва ўзига хослик аспектида ўрганилади. Шоир шеъриятига хос қорақалпоқ колоритининг бадий талқини, халқона ифода усули, Шарқ адабиётига муносабати, умум шеъриятига хос образлилик, халқ тилига яқинлик сингари фазилатлар бадий унсурлари сифатида таҳлил этилади. И.Юсупов шеъриятини безаб турадиган фалсафий теранлик, ўта халқчиллик, мисралар бағрига яширинган халқона ҳикматлар, донишмандлик билан айтилган фикрлар шоир шеъриятининг халқ орасида жуда оммалашишига сабаб бўлган омиллар тарзида характерланади ва шу негизда шоирлик маҳорати таърифланади. Мақолалар ўзбек ўқувчиларини И.Юсупов ижоди билан яқиндан таништиришда амалий аҳамиятга эга.

Б.Назаров Қорақалпоғистондаги илм-фан тараққиётига ҳам ҳисса қўшган ўзбек олимларидан бири эди. У қатор қорақалпоқ адабиётшунослари-

<sup>1</sup> Ўша мақола.

нинг номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилди. Олимнинг илмий раҳбарлигида Қорақалпоғистонлик ёшлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Б.Назаровнинг масъул муҳаррирлигида ёки у берган тақризлар асосида қорақалпоқ адабиётшунослигига доир китоблар, монографиялар чоп этилди.

Серқирра ва сермахсул атоқли адабиётшунос-танқидчи Б.Назаров ҳаётининг сўнгги кунларига Қорақалпоғистон, қорақалпоқ адабиёти ва ижодкорлари билан алоқаларни, дўстона муносабатларни сақлаб келди. Олим қорақалпоқ адабиётига катта қизиқиш ва ҳурмат билан яшаб ўтди. Унинг Бердақ, Ажиниёз, И.Юсупов, Т.Қайпбергенов ижодлари тадқиқи мисолида бу эътироф ва ҳурматнинг ифодасини кўрдик. У қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослигининг том маънодаги дўсти, моҳир тадқиқотчиси эди.

## **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ИЖОДКОРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Маълумки, ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида ўзбеклар ва қорақалпоқлар азалдан ёнма-ён, аралаш яшаб келаётган елкадош ва тақдири туташ халқлардир. Уларнинг ижтимоий-тарихий шароити, географик жихатдан жойлашиши, тили ва адабиёти, тарихи, урф-одатлари бир-бирига жуда яқин ёки ўхшаш. Бу муштараклик қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий соҳадаги ҳамкорликларининг юзага келишига асос бўлиб хизмат этди. Натижада, икки халқ ижодкорлари мозийдан то шу кунгача имкониятдан фойдаланиб ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ривожини учун тенг даражада ғамхўрлик қилиб келмоқда. Улар бир адабий муҳитдан нафас олади, бир адабий жараёнда фаолият кўрсатиб устоз-шогирд сифатида ижод билан шуғулланмоқда.

Икки қардош адабиётнинг ўзаро яқинлашишида Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларнинг воситачилик роли ҳам муҳим бўлмоқда. Бу жараёнга сезиларли ҳисса қўшиб келаётган ўзбек тили қаламкашларни ҳозир бирма-бир санасак, каттагина рўйхат бўлади. Табиийки, Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида бадий асарлар ёзиб юрган шоир ва ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам бадиият бобида бир хил савияга эга эмас. Улар орасида қалами пишиб етилган, адабий тажрибаси бой ижодкорлар билан бирга, бадий маҳорат масаласида истеъдодини намоён этмаётган, шунчаки қалам тебратиб юрган муаллифлар ҳам бор. Бироқ биз ҳозир тилга олмоқчи бўлган ижодкорлар Қорақалпоғистонда истиқомат қилиб, ўзбек тилида ёзиб келаётган-

ларнинг олдинги қаторида туради, десак янглишмасак керак. Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги давлат мукофоти лауреати, серқирра ижодкор Гулистон Матёкубова, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулчеҳра Раҳимова, шунингдек, Янгибой Қўчқоров, Ғойиб Ёқубов, Назира Матёкубова, Аҳмад Оқназаров каби ижодкорларни бугун фақат Қорақалпоғистонда эмас, балки асарлари орқали Ўзбекистонда ҳам мухлислар, илмий-адабий жамоатчилик яхши билади. Қорақалпоғистонлик ўзбек тилли шоирлар лирикасининг ўзига хослиги ҳақидаги илмий кузатишларимиз ва хулосаларимизни, асосан, юқорида номлари зикр этилган адиблар ижоди мисолида умумлаштиришга ҳаракат қилармиз. Улар эълон қилган ҳамма асарлар, нашр қилдирган китоблари юқори бадиий савияда бўлмаслиги мумкин, албатта. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳар бирида Қорақалпоғистон воқелиги, қорақалпоқ ҳаётининг бетакрор томонлари акс этганки, мана шунинг ўзи ижобий ҳолат деб ҳисоблаймиз. Қорақалпоғистонлик ўзбек тилида ёзадиган шоир ва ёзувчиларнинг адабий фаолияти, асарлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги адибларнинг асарларидан, бизнингча, қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ёзадиган ҳар бир ижодкор, биринчи галда, мавзуни шу халқ ҳаётидан танлайди. Тарихий материалга мурожаат этадими ёки замонавий мавзуда ёзишни режалаштирадими, табиати тасвирини қаламга оладими, аксарият ҳолларда қорақалпоқ муҳити унинг диққат марказида бўлади.

2. Қорақалпоқ ҳаётдан ёзилган асарларда қорақалпоқ колорити, миллий ўзгачалиги, урф-одатларидаги ўзига хослик, инсонларнинг руҳий дунёси таҳлили, характер хислатлари, табиат оламига

хос бетакрор ранглар ифодаси Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги ўзбек ижодкорларининг ҳеч бирига ўхшамайдиган шакл ва мазмунда ёритилади.

3. Қорақалпоғистондаги ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари бир хил адабий муҳитдан озиқланади, бир-бирларининг адабий тажрибаларига суяниб қалам тебратади. Бу эса устоз-шогирдлик анъанасини вужудга келтириб, у ёки бу ижодкор истеъдодининг рўёбга чиқишига ижобий таъсир кўрсатади ва бадиий мукамал асарлар яратишга илҳомлантиради.

4. Қорақалпоғистонлик ўзбек тилли ижодкорлар қорақалпоқ тилини яхши билади. Бу эса уларга қорақалпоқ адабиёти намуналарини аслиятида ўқиш имконини беради. Демак, асл нусхада мутолаа қилинган асардан олинган таъсир ижодкорнинг бадиий-эстетик оламини бойитади ва бу ҳолат кейинчалик унинг адабий фаолиятида маълум даражада из қолдиради.

5. Ижодкорларнинг икки тилни - ўзбек ва қорақалпоқ тилларини пухта билиши ўзбек адабиётидан қорақалпоқ тилига, қорақалпоқ адабиётидан ўзбек тилига таржима билан шуғулланиши учун имкон яратади. Бадиий таржима, маълумки, ҳар бир ижодкор учун ўқиш, ўрганиш маъносида маҳорат мактаби эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳодиса ҳар икки томон учун ҳам фойдали адабий тажрибаки, унинг самаралари, айниқса, ўзбек тилли қаламкашлар фаолиятида ёрқин намоён бўлмоқда.

6. Ўзбек тилли шоир ва ёзувчиларнинг Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ ҳаётдан мавзу танлаб турли жанрларда ёзган асарлари, яратган образлари қорақалпоқ-ўзбек, ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари ривожига қўшилган ҳиссадир. Уларнинг бу соҳадаги интилишлари, изланишлари, қорақалпоқ ҳамкасблари билан елкадош, ҳам-



кору ҳамнафас қорақалпоқ адабиётининг тез суръатлар билан ривожланишига мазкур адабиётнинг бир тармоғи сифатида ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Қорақалпоғистондаги ўзбек тилли ижодкорлар асарларининг ўзига хос хусусиятлари хилма-хил. Биз юқорида уларнинг айримларинигина санаб ўтдик. Аслида бу жараённинг чегараси катта, доираси кенг. Ижодкорлар услубининг турли-туманлиги, асарларида қўлланилган бадиий компонентларнинг ранг-баранглиги, шакл ва мазмун талқинидаги ўзига хослик, буларнинг барчаси ҳар бир ижодкорда ҳар хил намоён бўладики, бу ҳолат ҳам Қорақалпоғистондаги ўзбек тилли қалам аҳлининг индивидуал қиёфасини белгилашда муҳим мезондир. Бу жараён Гулистон Матёкубова ижодида реал намоён бўлганини қуйидаги таҳлилда кўришимиз мумкин.

\* \* \*

Гулистон Матёкубова ҳозирга қадар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ўттиздан ортиқ китоб чоп эттирган бўлса, кўпчилигини шеърлари ва достонлари ташкил этади. “Ҳаяжоннинг етти ранги”, “Ойдин остона”, “Излаганларим”, “Севиб қолсин”, “Мен сен учун яшаяпман”, “Йўлларибга чиқдим”, “Дарёга ботаётган қуёш”, “Ойболдоқ”, “Қайтмоқ учун кетмоқдаман”, “Ватан руҳи”, “Сайланма”ларнинг уч жилдлиги каби ўзбек тилидаги китоблари шулар жумласидандир. Улар ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ шеъриятининг яхши намуналари эканлиги ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослари, атоқли шоир ва ёзувчилари томонидан яқдиллик билан маъқулланди ва ижобий баҳоланди. Зулфия, И.Юсупов, Т.Қайипберганов, О.Матжон. Н.Худойберганов, Қ.Мақсетов, Б.Назаров, Қ.Раҳимбоева, Г.Есемуратова.

К.Қурамбоев, С.Баҳодирова каби ўзбек ва қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари, олимларининг Гулистон Матёкубова ижодига бағишланган мақолаларини эслаш кифоя, деб ўйлаймиз.

Бундай эътирофнинг бош сабаби нимада? Бу, бизнингча, аввало Гулистон Матёкубованинг ҳеч бир шоирга ўхшамайдиган поэтик овозида, образли фикрлаш салоҳиятининг пухта ва ўзига хослигида, ҳаёт ҳақиқати билан қалб ҳақиқатини синтезлаштириб, ранг-баранг бадиий тимсоллар ва деталларда табиий ва ишонарли тасвирлай олишида. Унинг қайси бир шеърий китобини варақламайлик, ҳар бир шеър, унинг ҳар банди, ҳатто ҳар мисрасида ғоят чуқур маъноли рамзлар, унутилмайдиган бадиий деталлар уни жилолантириб, алоҳида кўркемлик бахш этиб турганига гувоҳ бўламиз.

Инсон табиати жуда мураккаб, руҳиятида қарама-қарши кечинмалар доимо туғён уриб туради. Мана шу зиддиятни таҳлил қилиш лирика зиммасида. Баландпарвоз чақириқларга йўналтирилган шеър мухлисларни қониқтирмаслиги аниқ. Гулистон Матёкубова лирикаси бу масалада кўпчилик шоирларга улги бўла олади. У лирик қаҳрамон характери очишда табиатга мурожаат этади, турли фасллардан образ танлайди, яъни табиатнинг ҳар хил кўринишларини қалбига кўчиради, шу орқали фалсафий фикр айтишга эришади. “Шамол”, “ёз”, “қор”, “ёмғир”, “тераклар”, “майса”, “тут”, “боғ”, “атиргул”, “булут”, “қоратол”, “гилос”, “қоратош”, “куз”, “жийда” ва ҳоказолар шоир шеърларида кўп учрайди. Улар шунчаки оддий табиат кўриниши эмас, балки лирик қаҳрамон психологиясини очиб беришга қаратилган бадиий воситадир. Мана, бир мисол:

*Йўлларнинг четида маънос тераклар,  
Сизни сўроқлайди тўрт томон боқиб.  
Пушти гулларини тўкиб ўриклар,  
Зор-гирён йиғлайди ичларим ёқиб.*

Ёки:

*Кўксимдаги боғда ўсар бир туп атиргул,  
Шохларида алвонланар бағри қон ғунча.  
На баҳорда барг ёзолди ва на ёзди гул,  
Азобларга ўралди тонглар отгунча.*

Одам ҳар хил кайфиятда юради, шодлигига ҳам қайғусига ҳам нималардир ёки кимлардир сабабчи бўлади: “Ўрикларнинг пушти гулларини тўкиб зору-гирён йиғлашига” ҳам ёки “бағри қон ғунчанинг на баҳорда на ёзда гул очолмай” хазон этилгани каби рамзларнинг негизида шахс, эзгуликдан бегона кимсалар тақдири туради. Танланган ҳар бир табиат ҳодисаси поэтик образ шаклига кўчиб, одамлараро муносабатни ойдинлаштиришга буйсундирилган ва муҳим фикрни ифодалашга хизмат қилади.

Яна бир мисол. Ҳаётда шундай инсонлар борки, қандай мураккаб, қийин шароит бўлмасин, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди, кўпроқ бошқаларнинг орзу-армонларига шерик бўлишни истайди, улар ҳақида қайғуради, муҳтожларга бирор нафи текканидан у мамнун. Бу ғоя шоирнинг шеърларидан бирида “тут” рамзи орқали жуда ҳаётий тасвирланган.

*Тут бардамдир шохларин кессалар ҳам,  
Меваларин пиширмай узсалар ҳам.  
Кўк либоссиз, ялонғоч қолса ҳамки,  
Баргин қуртга емиш деб солса ҳамки,  
Армони бир, орзуси - шу ҳавас:  
Қиз эғнида ҳилпираб юрса атлас!...*

Муаллиф учун осмон жисмлари ҳам кўпинча бирор муҳим фикрни бадиий ёритиш учун поэтик образ вазифасини ўтайди. “Ой”, “қуёш”, “юлдуз”, “момақалдироқ”, “чақмоқ”, “тонг” каби осмон табиатига хос хусусиятлар лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига мослаб чизилади.

*Кўзларимни бердим осмонга,  
Юлдуз бўлиб сенга термулсин.  
Ярқираган тўлин ой бўлиб,  
Деразангдан сенга интилсин.*

*Юрагимни бердим қуёшга,  
Ҳарорати сенга етсин, деб,  
Совуқ кунлар орамиздаги,  
Шу меҳрдан илиб кетсин деб... –*

Шоир ҳар хил вазиятдаги инсонлараро муносабатни шу тарзда поэтик умумлаштиради. Ой ҳам, қуёш ва юлдуз ҳам бадиий адабиётда эзгуликнинг поэтик рамзи сифатида асрлардан-асрларга ўтиб, ижодкорлар қўллаб келаётган идеал тимсоллардир. Инсонларга хос энг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларнинг ойга, қуёшга, юлдузга ўхшатилиши, шу усулда ҳаёт гўзаллиги улуғланиши адабиётдаги анъанаки, Гулистон Матёқубова бу тажрибани шеъриятида ўзига хос, янги шакл ва мазмунда талқин эта олди. Муаллиф шеърларида тез-тез учрайдиган: “Юлдузларнинг нури бор аммо, У ҳеч қачон иситмас ерни”, “Юлдузларим сўнса қолар осмоним”, “Ариқларга қуёш тўкилар”, “Тонгларнинг онаси бокира қуёш”, “Тонг тумани боғларга эмас, Юрагимга тўкилди бугун”, “Тонгларни севаман қуёши билан” ва ҳоказо сатрларда ҳам муаллиф поэтик маънони кучайтириш учун мавзуга мос рамзларни

танлаган ва шеър ғоясини очишда улардан фойдаланган.

Шоира лирикасидаги айрим поэтик образлар, деталлар инсон руҳиятидаги коллизияни бадий ифодалашга йўналтирилган. Ҳаёт жуда мураккаб. Инсон психологияси бунданда зиддиятли: яхшилик билан ёмонлик ҳамisha ёнма-ён юради, қувонч бор жойда қайғу ҳам бўлиб туради, вафонинг кушандаси хиёнат, маърифат билан жаҳолат доимо ўзаро курашиб келган. Бу ахлоқий қарашлар ўртасидаги зиддиятни таҳлил қилиш адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидандир. Адабиётнинг бошқа жанрлари сингари, бу мавзу талқини лирикада ҳам етакчилик қилади ва у лирик қаҳрамондаги туйғулар кураши шаклида намоён бўлади.

Гулистон Матёқубованинг кўп шеърларида қўлланилган поэтик образлар айнан лирик қаҳрамондаги ҳис-туйғулар қарама-қаршилигини ёритишга қаратилган. Муаллиф табиат ёки ҳайвонот дунёсидан образ танлайдими ёки осмон, коинот билан боғлиқ ҳодисаларга мурожаат этадими, маънони ўқувчига образли етказишга хизмат қилади-ганларини танлай олади ва уларни поэтик образ шаклида, бадий таҳлил қилишга эришади.

Маълумки, лирика мазмунини шоир шахсиятидан ажралган ҳолда таҳлил қилиш қийин. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари бу, энг аввало, шоир кечинмалари, ўй-хаёллари билан бевосита боғлиқ шеър, ўша туйғуларнинг бадий умумлашмаси тарзида юзага келади. Шундай экан, шоирнинг баъзи шеърларидаги эҳтиросли иқрор ва инкорнинг асл моҳиятида муаллифнинг ҳаётий тажрибаси, кўрган-кузатганлари асосида шаклланган таассуротлари ётади. Лекин бундан шеърларда шоир фақат интим кечинмаларини ёритган экан-да, деган фикр келиб чиқмайди. Шоир ўз қувончи ёки

қайғусини кўпчиликнинг шодлиги ёки қайғуси билан уйғунлаштириб талқин эта олсагина ҳақиқий шеър юзага келади. Гулистон Матёқубованинг коллизияга қурилган қайси бир шеърини ўқимайлик, лириканинг бу бадий-эстетик талабига тўла амал қилинганини кўрамиз. Қуйидаги мисол фикримизни тасдиқлаши мумкин.

*Бўшат менинг оёқларим, эй совуқ илон,  
Силлиқ пўстинг аврамасин қора кўзимни.  
Очқўз нафсинг тузоғига тушган эй инсон,  
Вужудимдан ололмайсан ёруғ сўзимни.*

Ёки:

*Шеърларимнинг ҳар қатори бир ўтқир тигдир,  
Тухмат қилган тилларингни бир-бир кесарлар...*

Мисралардаги “кўнгил”, “меҳр”, “умид”, “армон”, “имон”, “қора тош”, “совуқ илон”, “ўтқир тиг” сўзи ва сўз бирикмалари поэтик образлар вазифасини бажарган, лирик қаҳрамондаги руҳий драмани очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Покиза инсонларни таъқиб қилишга, уларнинг ззгу ишларига тўғоноқ бўлиб, оёқлари остида “совуқ илон”дек ўралашиб, таҳдид этишга уринадиган тубан шахслар шу тарзда фош этилади.

Гулистон Матёқубованинг шундай шеърлари ҳам борки, улардаги кечинмалар руҳида тушқунлик кайфияти ифодаланаётгандек туюлади. Айтайлик, лирик қаҳрамон адолат излагану ноҳақликка учраган, меҳр кутган одамларидан жафо кўрган, кимга садоқат кўрсатган бўлса, у тухмат ёғдирган, вафо кўрсатганлари хиёнати билан жавоб қайтарган ва ҳоказо. Шоиранинг бундай адолатсизликларга мурасасиз эканлиги шеърларида ошкора айтилган.

*Маккорлик, хиёнатга тўлмиш ўнгу сўлларим,  
Меҳру вафо изласам жафо топар йўлларим.  
Макру хийла сеҳридан оқармайди тунларим,  
Кулфатдан хабар келса, олдига чиқ, кунларим.*

Лирик қаҳрамоннинг дил изҳори, нидолари қуйидаги тўртликда янада таъсирли чиққан.

*Йўқолиб қувончининг ранглари,  
Шеърларим ҳасратга бойланган.  
Бошларим устида булутлар,  
Беаёв ёғмоққа шайланган.*

Банддаги бир неча рамзлар, хусусан, “булут” тимсоли шоир кайфиятига зид, унинг қувончини таъқиб қилувчи, илҳомини қайғу ҳасратга айлантирган ҳолат сифатида талқин этилгани шеърнинг ютуғидир.

Шеърият шоир қалбининг кўзгуси деган гап бор. Ҳар қандай шеър марказида, юқорида айтганимиздек, шоир шахси туради. Қандай туйғу бўлмасин, ижобий ёки салбийми, яхшими ёхуд ёмон, қайғулими ёки қувончли, бари дастлаб юракда акс садо беради, ҳис қилинади, идрок этилади. Шоирлар эса ундан (юракдан) муайян ғояни ифодалаш учун поэтик образ сифатида фойдаланади. Гулистон Матёкубова шеъриятини “юрак” рамзисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаса керак. Деярли ҳар бир шеърида “юрак”ка мурожаат бор. Бир шеърида “Юрагим ёрилар қувончларимдан” деб ёзса, бошқа бир шеърида “Юрак ойдин қувончларин йўқотгуси келмайди”, “Азиз тупроқ, азиз ерим, Ҳар қаричинг юракда” дейди. Шоира шеърларида учраб турадиган: “Менинг дардли юрагимга чўкаверар тош”, “Юрагингни эҳтиёт қил қора тошлардан”, “Тупроқда юрагим ҳароратлари”, “Кел, юрак, кеч энди,

бор жонингдан кеч”, “Юрагим сингади осмонларингга”, “Юракдаги ҳасрат - қадаҳ тўла май”, “Тўхтаб қолиб сукут сақлайди юрак...” ва ҳоказо мисралардаги “юрак” нафақат поэтик тимсол, шу билан бирга, у инсоннинг муайян шароитдаги психологик кайфиятини ўқувчига сездирувчи бадий восита ҳамдир. Муаллифнинг “Юрак синиқлари” шеърлар туркуми “юрак” бадий рамз сифатида шоира лирикасида қанчалик муҳим аҳамиятга эгалигидан дарак беради. Шодлик ҳам, қайғу ҳам юракнинг “мулки”, уни безовта қилиб, ҳаяжонга соладиган ҳам шу “мулк”. Яхшими, ёмонми уни куйлаш, қувончига ҳам, ҳасратига ҳам бирдек шерик бўлиш, бу туйғуларни ташқи муҳит билан боғлаб талқин этиш ҳар бир шоирнинг бурчидир. Юрак тимсоли Гулистон Матёкубова лирикасида айнан шу аспектда талқин этилади.

*Юракка санчилар,  
Занглаган бир ўқ.  
Ўтмас бир ханжар,  
Олдга йўл йўқ.  
Олдда бўшлиқ,  
Ортда чуқур жар  
Иккита йўл,  
Икки томонга  
Бўлиб ташлар  
Юрак санчиқларини  
Ширин хотиралар  
Нечун титкилар,  
Тирнайверар  
Юрак чандикларини...*

Шоира наздида “юрак” наинки дарду ҳасратларни, руҳий изтиробларни ёритишнинг бадий воситаси, шунингдек, у лирик қаҳрамонни аламли

кечинмалар гирдобидан олиб чиқадиган, маънавий куч бағишлайдиган таянч ҳамдир. Агар шоира “Шайдо юрак” шеърида:

*Шайдо юрак ёнмоғинг керак,  
Ёниб ором олмоғинг керак.  
Қалбнинг оташ нидоларида,  
Қуёш бўлиб қолмоғинг керак -*

деб ёзса, “Қалбимга” шеърида юракка ҳамдардлигини мана бундай ифодалайди:

*Менинг ишонувчан қалбим, титрама,  
Қанча ёлғонларга дош берган бошинг.  
Хиёнат, маломат ботқоқларини  
Оқизиб кетган ҳам кўзларинг ёши.*

Юрак табиати шундайки, у яхши хислатни ҳам, ёмон иллатни ҳам қабул қилишга маҳкум. Лекин бу туйғулар икки хил талқин этилади, бирида тасдиқланади, иккинчисида инкор қилинади ва шоир бирон бадий-эстетик ғояни ифодалаш учун “юрак”ни поэтик образга кўчиради. Гулистон Матёкубова реал ҳаёт, одамлар тақдири, психологиясидаги ҳар хил маънавий-ахлоқий қарашларни таҳлил қилишга эҳтиёж сезганида “юрак”ка мурожаат этади, ундан бадий рамз сифатида фойдаланади. Шу маънода, “юрак” тимсоли шоира учун ҳаётда қанот, ҳамкор ва ҳамнафас дўст, тўсиқларни енгиб ўтишда маънавий куч, ҳар хил бало-қазолардан ҳимоя қилишда қалқон.

Хуллас, Гулистон Матёкубова бадий тафаккур дунёси кенг, лирик жанрда образли фикрлаш салоҳияти бақувват, истеъдодли қалам соҳибларидан бири.

## **МИЛЛИЙ КОЛОРИТ, ОБРАЗЛИЛИК – БАДИИЯТ МЕЗОНИ**

Ижодкор учун бошқа бир миллат ҳаётидан мавзу танлаб бирор бадий асар яратиш масъулияти ўз халқи турмушидан асар ёзиш масъулиятига қараганда анча қийин ва мураккаб. Ўзга миллатнинг турмуш тарзини пухта билган, зарур бўлса, шу халқ билан барча соҳаларда ҳамкору ҳамнафас яшаб, “ўти билан кириб, кули билан чиққан”, ўша миллатнинг вакилидек фикрлай олиш салоҳиятига эга ижодкоргина чинакам миллий руҳда асар яратиши мумкин.

Дарҳақиқат, қандай ижодкор бўлмасин, бошқа бир халқ ҳаётидан ёзган асарида миллий маҳаллий шароит руҳи, урф-одатлар, ижтимоий-тарихий, адабий-маданий муҳит билан боғлиқ хусусиятлар, одамлари психологияси ва характериға хос миллий унсурлар яққол сезилиб туриши керак. Муайян асарнинг миллийлик мезони шунга қараб белгиланади. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётида бу йўналишда яхши тажриба бор. Ўзбек адабиётида қорақалпоқ мавзусида, қорақалпоқ адабиётида Ўзбекистон мавзусида ёзилган асарлар ғоявий-бадий савияси, миллийлиги билан ҳам ўқувчида яхши таассурот қолдиради, халқлар дўстлиги ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Гулистон Матёкубованинг қорақалпоқ ҳаётини бадий талқин қилишдаги адабий фаолияти фикримизни яна бир бор тасдиқлай олади.

Шоира қорақалпоқ ҳаётини яхши билади, бу ҳаёт нафасини бутун вужудига сингдириб, шахсий ҳаётининг бир қисмига айлантириб юборган десак муболаға эмас. Ўзбекистондаги нуфузли газеталардан бирининг мухбири билан бўлган му-



лоқотда шоира Қорақалпоғистонга муносабатини мана бундай баён этганди: Мухбир савол бераяпти: “Қорақалпоқнинг “ўзбеги” бўлиб фаолият кўрсата-япсиз, ижод қилаяпсиз. Бу халқ билан, менимча, дастурхонингиз, қозонингиз бир бўлиб кетган. Қорақалпоқ халқининг ўзига хос томонларини қандай изоҳлайсиз?”

– Бу халқни англаш учун бирга нафас олиш керак. Қорақалпоқлар ҳам туркий шажаранинг бир қисмида. Демак, биз жигардош, томирдошмиз. Биз ва қорақалпоқлар - икки тилда гаплашувчи бир халқмиз. Қорақалпоғистонни мен ўз юртим дейман. Менинг Қорақалпоғистонимда ҳамма нарса бор. Қорақуми, Қизилқуми, саҳролари, тоғи, дарёси, денгизи, тўқайлари... “Қизил китоб”га кирган нодир ҳайвонлари.... Бу ерлар олдин Хоразм хонлигига қарашли бўлган. Ҳунармандчилик, айниқса, ривожланган. Қорақалпоқ аёллари тиккан кашталар, миллий кийимлар ҳамма жойда ажралиб туради. Уларни дунёнинг нариги бетида кўрсангиз ҳам “булар қорақалпоқники” деган фикр кўнглингиздан ўтади. Одамларининг кўнгли очиқ, ниҳоятда меҳмондўст. Меҳмон оёғи остига ўзида бўлмаса, бировдан қарз олса-да, бир жонлик сўяди. Сизга боринигина эмас, йўғини ҳам топиб тутаяди».<sup>1</sup>

Ўз юртини яхши билган ва севган, миллий анъаналарини қадрлаган, барча бойликларидан фахрланиб, уни бошқаларга кўз-кўз қилишдан чарчамайдиган, шундай элнинг фарзанди бўлганидан қалбида ғурур туйғуларини ҳис қилган ижодкоргина бу хилда мулоҳаза юритиши, асарларида ўлка ҳаётини меҳр ва жўшқин илҳом билан куйлаши мумкин. Тан олиш керакки, Гулистон Матёкубова бу мавзу талқинида Қорақалпоғистонда яшаб ўз-

<sup>1</sup> Матёкубова Г. Қайтмоқ учун кетмоқдаман. Нукус., 2007 й. 283-бет.

бек тилида ижод қилаётган шоир ва ёзувчилардан анча илгарилаб кетди.

Ҳа, Гулистон Матёкубова Қорақалпоғистон фарзанди, шу маконда туғилиб вояга етган, шахс ва ижодкор сифатида шаклланган. Адабиётдаги илк қадамларини ҳам шу ердан бошлаган. Унинг етук ижодкор бўлиб етишиши, китобхонлар назарига тушиб, ҳурмат қозониши ҳам шу минтақа билан боғлиқ. Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий муҳити, адабиёти ва маданияти, санъати, одамларидан тортиб, табиатигача шоира қалбдан ҳис қилади, яхши ўзлаштирган, булар аслида унинг ҳаёти мазмунига айланган. Гулистон Матёкубова адабий фаолиятида эътиборга лойиқ яна бир фазилат бор. У ўз она тилини қанчалик яхши билса, қорақалпоқ тилини ҳам шу даражада мукаммал билади. Тилга олинган омиллар эса унинг ижодида “қорақалпоқ” мавзуси турли шакл ва мазмунда акс садо беришига замин ҳозирлади. Муаллиф бу имкониятдан фойдаланиб, қорақалпоқ маҳаллий-миллий шароити реал тасвирланган ўнлаб асарлар ёзди ва ҳар бирида она юртга садоқат, меҳр, қорақалпоқ халқининг ўзига хос анъаналари ва урф-одатларига, ўтмиши ва бугунги кунида ўчмас ном қолдирган сиймоларига, шунингдек, ҳозирда ҳам Ватан ободлиги йўлида фидоий меҳнат қилаётган замондошларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди, элдошларининг бадийий образларини яратди. Унинг туркум шеърлари, “Жиров қалби” (Қурбонбой жиров ўғлига бағишланган), “Ойболдоқ” (Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур шифокор Онесия Сейитовага бағишланган) дostonлари, таниқли олим ва шоир, давлат арбоби Наврўз Жапақов хотирасига бағишланган “Қаторда норинг бўлса...” шеърый драмаси, опера учун ёзган “Гулойим” либреттоси, атоқли ҳайкалтарош, академик Жўлдосбой Қут-

тимуротов фаолиятдан ҳикоя қилувчи “Қайтмоқ учун кетмоқдаман” насрий асари, “Жайхун ёқасида ўсган бойтерак” номли адабий бадиий публицистик мақолалар туркуми қорақалпоқ ҳаётидан олиб ёзилган. Агар бу саноққа унинг қорақалпоқ колорити озми-кўпми акс этган ҳикоялари ва новеллаларини, очерк ва қиссаларини ҳам киритсак, мавзу талқини нақадар ранг-баранг, жанр нуқтаи назаридан ҳам серқирралиги аён бўлади. Шоира бу мавзудан ҳеч қачон узоқлашмади, аксинча, ижодининг етакчи хусусиятларидан бири сифатида ҳар бир асарида унинг янги қирраларини очишга, қорақалпоқ миллий менталитетига хос ҳаёт материалини танлаб, янги-янги асарлар яратишга муваффақ бўлди.

Миллий колорит муайян асарнинг номи ёки ташқи формал белгилари билан ўлчанмайди, балки ички мазмунига сингдирилган миллий ранглар, сўз ва ифодалар, деталлар, агар конкрет образ ҳақида сўз юритилаётган бўлса, шахс, унинг ҳаракат фаолияти, фикрлаш тарзига қараб аниқланади. Бу жараёнда яна бир жиҳатни унутмаслик керак. Ҳар қандай миллийлик умумбашарий ва умуминсоний миқёс касб этиб, барча учун бирдек аҳамиятли мавзулар тасвирлансагина, асар абадийликка дахлдор бўлиши мумкин. Шундай экан, миллийлик билан умуминсонийликни уйғунлаштириб таҳлил ва талқин этиш муаммоси ҳамиша ижодкор зиммасидаги масъулиятли вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Гулистон Матёкубова бу масалада қалами чиниққан, қорақалпоқ миллий колоритини кўпчилик учун муштарак ижтимоий-маънавий муҳит билан синтезлаштириб тасвирлашга қодир шоирлар сирасига киради. Муаллифнинг шундай шеърлари борки, уларнинг бадиий компонентлари, ички мазмунидаги поэтик оҳанг қорақалпоқ ко-

лоритини эслатади, ўзингизни тасвир объектига дахлдордек, бирор жойда ўша фактга гувоҳ бўлган, эшитган ёки иштирок этгандек ҳис қиласиз. Мана, бир мисол:

*Айт, сен Ажиниёз қўшиқларин деб,  
Ибройим оғанинг шеърлари янграр,  
Менинг йигит, сенинг қиз вақтларинг деб,  
Оқариб, ярқираб отади тонглар.  
Тўмарис чиққандай кенгликлар аро,  
Қора сочларини елкага ёзиб,  
Бердақ нафасидан кўкарар саҳро,  
Минг йиллик қумларга бахтини ёзиб.<sup>1</sup>*

Бандларда қорақалпоқ адабиётининг атоқли сўз усталари (Ажиниёз, И.Юсупов)нинг номдор асарлари мисолида ҳақиқий ижоднинг асло эскирмаслиги, ҳамиша инсон қалбига зиё таратиб завқ бағишлаши мухлисларга ёд бўлиб кетган қўшиқнинг бир мисраси (“Менинг йигит, сенинг қиз вақтинг”) воситасида жуда гўзал ифодаланган. Тўмарис, Бердақ нафаси куйларга, қўшиқларга айланиб, чўлу биебонларга ҳаёт бағишлаши, куй ва қўшиқнинг қудрати саҳрони ҳам гуллайтиб юбориши мумкинлиги ҳақидаги ғоя банднинг негиз мазмунига сингдирилган. Шеърдаги қорақалпоқ муҳитига хос сўз ва ифодалар қорақалпоқ нафасини, ўтмиши ва бугунини эслатади.

Бошқа шеърдан олинган яна бир мисолда она замин мадҳи, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг маънавий-маърифий бирлиги, тақдирлари туташлиги, миллий руҳдаги поэтик образлар, рамзлар орқали берилгани муаллифнинг ижодий ютуғидир.

<sup>1</sup> Матёкубова Г. Ватан руҳи. Нукус., 2011.

*Дилда тоза ниятлар кўп, ўтганлар  
руҳин шод этиб,  
Сўфитўрғайни сайд этиб, орзуларни сайёд этиб,  
Бердақ бобом дилшод этиб, Навоийни устод этиб,  
Жайхун-Сайхун тўлқинлари ошган, Оролни ёд этиб,  
Дарёсига интиқу зор баҳри уммоним  
бор менинг.*

Яна бир шеърда ўқиймиз:

*Бахти тўқис Туркистонда Қўнғирот,  
Айра тушмас ашамайли ё қиёт,  
Уларни боғлаган меҳрли ҳаёт,  
Юрти учун жонин тикканлар озми,  
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.*

Мисолларда тилга олинган атамалар, исмлар ва уруғлар, географик жой номлари, миллий анъаналар, тарихий ҳақиқат, ижтимоий-маънавий шароитни ёдга соладиган бошқада белгилар қайси миллатга мансуб эканлигини ўқувчи дарров англаб етади. Муаллиф бир маконда истиқомат қилаётган қорақалпоқ ва ўзбек халқлари тақдири муштараклигини, ҳар бир миллатга хос ўзгачаликларни “қорақалпоқнинг ўзбек шоири” қалби билан сезиб, маромида бадий талқин эта олган. Ўзбекистоннинг бошқа бурчагида яшаб ижод қилаётган ўзбек шоири бу жараёни худди шундай миллий руҳда ифодалашни қийин бўлса керак. Қорақалпоқ ҳаётини чуқур билган, шу ҳаёт ичида чиниқиб шаклланган шоиргина ҳақиқий миллий шеър ёзиши мумкин. Гулистон Матёқубованинг мавзунини ёритишдаги бадий маҳоратига, бизнингча, бирор эътироз билдириш ўринсиз.

Шоир шеърларида тез-тез учрайдиган: “*Ҳар ўғлинг Ерناзар, ҳар қизинг Хумор*”, “*Бердақ, Ажиниёз айтган нидодир*”, “*Азиз қорақалпоқ бўлиб, Бердақнинг шашти кўринди*”, “*Гулойим қирқ қизи билан...*”

“*Мунгли дутор нидолари, Дембермес*”дан тушган куйдир”, “*Аббос шоир билан хўшлашган замон...*”, “*Дембермес*”нинг ноласидан тошиб кетар дарёлар...”, “*Қизкетган бўйлари шовуллаб турар...*”, “*Беморим Оролга қарай олмайман...*” каби мисралар қорақалпоқ колоритини: табиати, афсона ва ривоятларини, тарихий ва афсонавий қаҳрамонларини, адабиётини ва санъатини, миллий қадриятларини эслатганидек, айни пайтда, муаллиф заминнинг қувончу қайғусига ҳам шерик эканлигини ҳис қиласиз. Бу сатрларни шоиранинг баъзи шеърларидан териб олдик. Аслида, Гулистон Матёқубованинг ҳар бир шеърда, дostonларида Қорақалпоғистонга хос атамалар, сўз санъати, бадий деталлар, бетакрор табиати тасвири билан боғлиқ лавҳалар борки, улар қорақалпоқ ҳаётининг бадий кўзгусидир.

Гулистон Матёқубова Қорақалпоғистон ҳаётини, турмуш шароитини, ўлка халқининг урф-одатларини, маданиятини, тарихини яхши биладиган, улар ҳақида ишонч билан ёза оладиган бир қорақалпоқ ижодкоридек қалам тебратиб, асосли хулосалар чиқаришга қодир истеъдод эгасидир. Шоир Тўрткўл ҳақида ёзадими, Нукус ёки Чимбойни таърифлайдими, қадимий Қўнғирот ёки Мўйноқдан сўз очадими, Қорақалпоғистоннинг қайси минтақасига мурожаат этмасин, ўша маҳаллий шароитни эслатадиган характерли атамалар, халқ қалбига сингиб кетган миллий афсоналар ва ривоятлар, улардаги қаҳрамонлар, тарихий шахсларни асарига киритиб, миллий қиёфалари билан табиий ва ишонарли тасвирлайди.

Ўз миллатидан ташқари ўзга миллатларга ҳам эҳтиром кўрсатиб, қадриятларини эъзозлайдиган, асарларида улар ҳаётининг турли кўринишларини миллий руҳда, байналмилал ғоялар билан уйғунлаштириб талқин этган ижодкор борки, у, албатта,

мухлислар ҳурматиға эришади. Гулистон Матёкубова аллақачон бундай эътирофга сазовор бўлган, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари турмушидан ҳар хил бадий шаклларда икки қардош халқнинг миллий менталитетини, ўзига хослигини назарда тутиб, туркум асарлар яратиб танилган ва тан олинган сўз устасидир. Шоиранинг адабиётда қорақалпоқ миллий колоритини яратишдаги бу тажрибасини ижодкорларга намуна қилиб кўрсатган бўлардик.

\* \* \*

Бадий адабиётда, айтайлик, шеъриятда поэтик образ яратиш масаласи назарий жараён бўлиб, у ёки бу асарнинг ютуғини таъминлайдиган, ижодкорнинг бадий-эстетик салоҳиятини белгилайдиган, бир сўз билан айтганда, асар тақдирда муҳим аҳамиятга эга категориядир. Адабиётшуносликда “шоирнинг поэтик маҳорати” ёки “ёзувчининг поэтик маҳорати” атамаларининг қўлланилиши бежиз эмас. Мазкур атама бевосита шоир ва ёзувчининг истеъдоди, маҳорати билан боғлиқ экан, ҳар қандай бадий асар поэтик маҳорат нуқтаи назаридан, бадий ижоднинг назарий компонентлари (образ, сюжет, композиция, услуб, тил ва бошқа бадий-эстетик тамойиллар) бўйича талқин қилинмоғи лозим. Ушбу қоидага жавоб берадиган ҳар қандай асар, нафақат шоир ёки ёзувчи, умуман, адабиётнинг нодир намуналаридан бирига айланади. А.Қодирий ва А.Чўлпон, Ойбек ва Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор ва С.Аҳмад, Миртемир ва М.Шайхзода, Зулфия ва С.Зуннунова, О.Ёқубов ва П.Қодиров, Ш.Холмирозаев ва Ў.Ҳошимов, Э.Воҳидов ва А.Орипов, Р.Парфи ва М.Юсуф сингари ўзбек адабиёти намояндаларининг халқимиз, китобхонлар ўртасида машҳур бўлишининг бирдан бир сабаби ноёб

талантида, поэтик маҳоратининг мукамаллиги ва юксаклигидадир.

Поэтик образ яратиш лирика учун сув билан ҳаводек зарур. Шоир образли, мажозий фикрлай олсагина шеърнинг таъсирчанлиги таъминланади. Ўқувчи хотирасида узоқ яшайди. “Шеърни шеър қиладиган нарсаси образлилик” (А.Орипов) деган фикр ҳам бежизга айтилмаган. Адабиётни рамзийликдан холи тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу борада адабиётимизда етарли тажриба тўпланган. Кашфиёт даражасидаги образлиликка кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина А.Ориповнинг “Тилла балиқча” шеъридаги “тилла балиқча” образини эсланг. Ёки шоирнинг “Дарбоз” шеъридаги қуйидаги сатрлар, чиндан ҳам, муаллифнинг ноёб топилмаси, десак муболаға бўлмас:

*Қиличнинг дамидай арқон устида  
Кўзларини юмиб юрибди дарбоз.  
Одамлар, одамлар уни олқишланг,  
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам,  
Кўзларини юмиб юрибди дарбоз.  
Одамлар, одамлар уни олқишланг,  
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам,  
Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар  
Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.*

Шоирнинг “Муножот”ни тинглаб, “Темир одам”, “Қурашади икки тўлқин”, “Тулки фалсафаси” ва яна шундай шеърлари борки, уларда образлилик муаллифнинг жамият ва одамларга муносабати, тасдиқ ва инкор бетакрор рамзлар орқали ифодаланган.

М.Юсуфнинг халқимиз қалбидан чуқур жой олишининг, адабиёт мухлисларининг севимли шоирларидан бирига айланишининг бир сабаби шеърларининг халқона услубда ёзилгани, оддий-

лиги ва сермаънолигида, фикрларнинг образли шаклда, оҳори тўкилмаган рамзлар орқали берилганида бўлса керак. Шоирнинг “Қизғалдоқ”, “Капалаклар”, “Қушлар ҳам йиғлар”, “Турналар” шеърлари ва “Қора қуёш”, “Қўхна қудуқ” дostonлари фақат фикр салмоғи ёки ғоясининг аҳамияти билангина эмас, ифода шакли, муаллифнинг образли тафаккурининг оригиналлиги жиҳатдан ҳам ўзбек шеъриятида ёрқин из қолдирди. М.Юсуфнинг қуйидаги тўртлигидаги мажозий маъно қалбларни сеҳрлайди, ҳаёт ва одамларга теран нигоҳ билан қарашга чорлайди.

*Гулга қўнса, қанотлари ботмайди,  
Ожизларим бировга тош отмайди.  
Бир кун яшар, бир-бирларин сотмайди,  
Капалаклар одамлардан меҳрибон...*

Р.Парфи шеърияти ҳам рамзийлиги, фикрларнинг тиниқлиги, жилодорлиги билан аҳамиятли. Шоирнинг “Излар”, “Юрак”, “Адашган руҳ”, “Чағалай”, “Қора девор”, “Жайрон”, “Мен ғариб оғочман” каби шеърларининг ҳар бир сатридаги рамзийлик шеърнинг мазмун-моҳиятини ошириш билан бирга, ўқувчи хотирасига ҳам муҳрланади. “Тутқун қуш сингари қолурман ғариб, Руҳимга булутлар ташлайди соя...” ёки “Бир замон - фалакнинг кўзлари сўнди, Аста қора кийди мудраган жаҳон...” каби мисралардаги мажозийлик муаллифнинг фалсафий қарашларини ифодалашга қаратилгани билан ибратли. Шоир қалбини безовта қилган кечинмалар шу тарзда, поэтик шаклда китобхонга етказилади. Р.Парфининг лирик меросидан териб олинган қуйидаги мисралар ҳам оригиналлиги, чуқур маъно касб этиши нуқтаи назаридан чинакам бадий топилмадир: “Сўзнинг гулханида, руҳим исин-

ди...”, “Кўзгунинг кўзинда шамол ухлайдир...”, “Заҳарга айландим, оғочдек синдим...”, “Кўзимда тушимнинг кўрқинч сурати...”, “Тўлғонган сочларинг қора илондир”, “Узилган барг каби қалтирайдир жон” каби модерн йўналишдаги мажозийлик шеърга фалсафий мазмун бағишлайди, бетакрор шакл ҳам беради.

Гулистон Матёкубова лирикаси ҳам поэтик образларга, мажозий мушоҳадаларга бойлиги билан ўзига хос. Муаллифнинг шундай шеърлари борки, ҳар бир поэтик образ, лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмаларини, қайғуси ёки қувончини, зиддиятли туйғуларини ёритишга бўйсундирилган. Умуман, шоиранинг кўп шеърларида фикрни, туйғуларни образли шаклда бериш устувор. Масалан, “юрак” муаллифнинг севимли поэтик образларидан бири. Бу мавзуда шоира ўнлаб шеърлар ёзди. Ҳатто, “Юрак синиқлари” деган алоҳида туркум ҳам яратди. Лирик қаҳрамон юрак билан дардлашади. Юракни қувончига шерик, қайғуларига ҳамдард тимсолга айлантиради. Мана, кичкина мисол:

*Юрагим узилар йўлингда умр,  
Юрагим қон йиғлар, юрак қақшайди,  
Юракка чўкади бардош ва сабр,  
Юрак қоядаги тошга ўхшайди.*

Шеърият шоир қалбининг ойнаси деган гап бор. Ғам ҳам, шодлик ҳам юракдан ўтади, ҳис қилинади, идрок этилади. Ва у бирор ғояни ифодалаш учун поэтик образга кўчади. Шоира шеърларида тез-тез учраб турадиган: “Юрагим сингади осмонларингга”, “Дардларни тўкишга бетламас юрак”, “Шайдо юрак ёнмоғинг керак, Қуёш бўлиб қолмоғинг керак”, “Бу азоб юкини кўтарар юрак” в.х. мисралар шоиранинг юрак поэтик образидан лирик қаҳрамон қалб диалектикасини очишда усталик билан



фойдаланганига мисолдир. Муаллифнинг “Дарёга ботаётган қуёш”, “Зиёга ботаётган дарё” достонларидаги “дарё”, “қуёш”, “зиё” ва бошқа поэтик образлар асарларнинг ғоявий мазмунини очиш билан бирга, фалсафий асосини ҳам мустаҳкамлаган. Хуллас, ҳар қандай шоирнинг маҳорати шеърда образли фикрлаш тарзига қараб белгиланади. Зеро, лирикада поэтик образ кўп ва ранг-баранг бўлса, шеърнинг бадий-эстетик савияси ҳам ўқувчини қониқтиради, шоирнинг ўзини эса истеъдодли сўз устаси сифатида характерлайди.

## **ДОСТОНЛАР, САҲНА АСАРЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ҲАЁТИНИНГ БАДИЙ КЎЗГУСИ**

Гулистон Матёқубова адабиётнинг турли жанрларида қалам тебратиб, ўнлаб асарлар нашр эттирди. Ҳозирга қадар шоиранинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида туркум китоблари босилди. Адабиётдаги илк қадамларини шеърдан бошлаган шоира, кейинчалик, достон жанрида истеъдодини синаб кўрди ва бир қанча ютуқларга ҳам эришди. “Ҳаяжоннинг етти ранги”, “Севиб қолсин”, “Юрак билан юзма-юз”, “Жиров қалби”, “Мен нечун севаман боғларни кузда”, “Энг нафис гул”, “Ойбалдоқ”, “Ота”, “Қуёш қизи ёки само садолари”, “Дарёга ботаётган қуёш”, “Зиёга ботаётган дарё”, “Зулфия”, “Айтгин менга Тўрткўл ҳақида” кабилар шулар жумласидандир.

Тилга олинган достонларнинг мавзуси, бадий ифода усуллари, чиқарилган хулосалар ҳар хил. Образлар ҳам бири-бирига ўхшамайди. Ҳар бирида инсон тақдири билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўтарилади, шу асосда муаллифнинг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги қарашлари умумлаштирилган. Масалан, “Айтгин менга Тўрткўл ҳақида” поэмасида ҳаёт сўқмоқларида қоқилган, тухматга учраб, суднинг “қора курси”сида ўтиришга мажбур бўлган бир йигитнинг виждон азобидаги нолишлари, Ватани, элдошлари, яқинлари олдида юзи шувит бўлиб, чеккан изтироблари тасвирланса, “Ота” достонида инсон қисмати билан боғлиқ мавзунинг бошқа бир қирраси очилади. Яъни, отанинг фарзандга, фарзанднинг отага меҳри, дўстга садоқати, меҳнатга фидойилиги, бир сўз билан айтганда, ўзидан кўра ўзгалар дардию қувончи билан яшайдиган инсонлар ота образида мужассамлашади. “Мен нечун се-

ваман боғларни кузда” достони эса ёзилиш услуби, мавзу талқини жиҳатидан муаллифнинг бошқа дostonларидан тубдан фарқ қилади. Достон рамзларга қурилган. “Шарпа”, “товуш”, “шамол”, “қўшиқ” тимсоллари “мулоқоти”, уларга “шоир” муносабати фонида лирик қаҳрамоннинг кўнгил майдонидаги хотиржамлик ёки безовталик, хурсандчилик ёки хафагарчилик кечинмалари гоҳ пейзаж кўринишида, гоҳ “шамол” ёхуд “қўшиқ” оҳангида, баъзан эса шоир монологи орқали берилади.

Шамол:

*Не учун бунчалар юрагинг нотинч,  
Ҳисларинг безовта, кўзингда илинж,  
Бу не? Ҳасратингми, кулфат ё севинч,  
Мен сенинг қурбонинг бўлай шоирим...*

Шоир:

*Сен эсдинг қалбимга бир учқун ташлаб,  
Сўнгра олиб кеттинг ўйим, тинчимни,  
Мен қолдим меҳрдан кипригим ёшлаб,  
Изингдан учуриб орзу қушумни...<sup>1</sup>*

Г.Матёкубова образли фикрлашга моҳир шоира. Бадиий фикрни мажозий шаклда айтиш, лирик қаҳрамон туйғуларини кўчма маънода бериш шеърятнинг гўзал фазилятларидан бири. Бу анъана муаллиф дostonларида ҳам давом этди. Ҳаёт тўлқинлари туфайли қаҳрамонда туғилган ўй-хаёллар ифодаси поэтик образларга юкланган.

*Билдим, бугун боғларда қўрқинч,  
Кўрдим барглар йиғлайди зор*

Ёки

*Юракка боғланар,  
Ўйга боғланар,*

*Оғочга осилар нигоҳлар бир дам  
Хазонлар титраса, йиғлайди боғлар...*

Достон ноанъанавий усулда битилган. Талқин йўналиши ҳам бошқача. Муаллиф уни “руҳий дoston” деб атайди. Ҳар ҳолда, бу асар шоиранинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашларини оригинал поэтик образларда, рамзий маънода ифодалаш борасидаги янги қадами бўлди.

Г.Матёкубова ижодида қорақалпоқ мавзусига бағишланган асарлар кўп. “Жиров қалби” достони муаллифнинг шундай асарларидан биридир. У машҳур қорақалпоқ бахши жирови Қурбонбой Тажибоев ҳаёти ҳақида. Достон сюжети реал ҳаётдан олинган. Бахшининг ҳаёт йўли, машаққатли турмуш тарзи, бой билан тўқнашувлари фонида маърифат ва жаҳолат курашига ишора қилинади. Жировчилик санъатини эгаллаш борасида қаҳрамон бошидан ўтган қийинчиликлар тадрижини аниқ фактлар билан яхши далиллаган. Жиров тилидан берилган шеърӣ парчалар, термалар, қўшиқлар, халқона услубда ёзилган бошқада шеър намуналари жуда мароқли, ўқувчига завқ беради.

Г.Матёкубованинг қорақалпоқ мавзусига яқин яна бир достони бор. Муаллиф уни “Оқ сўқмоқлар” деб номлаган. Достон замонавий мавзуда. Асарда ватанпарварлик, Ватанга садоқат, юртга хиёнат қилмасликка даъват ғояси илгари сурилади. Муаллиф бу ғояни очишнинг яхши бир йўлини топган ва шу орқали дostonга замонавий тус ҳам берган. Гулдурсун ҳақидаги ривоят дoston сюжетида шу мақсадда киритилган. Мухтор ва Зулхумор образлари шу ғояга хизмат қилади. Гулдурсун ўз юртининг содиқ фарзанди, жасур қиз. Бироқ у душманининг ботир ўғлонини севиб қолади. Унинг таклифларини бажаришга розилик беради. Яъни,

<sup>1</sup> Г.Матёкубова. Йўллариингга чиқдим. Нукус., 1997. 265-бет

юртни босиб олиш сирларини айтади, ўз юртига сотқинлик қилади. Кўнгил қўйган йигити: она-Ватанини душманга сотган хиёнаткордан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди, деб, уни отга судратиб ўлдиртиради. Бу ривоят Зулхуморнинг тушига киради. Гулдурсуннинг хиёнатидан ғазабланган Зулхумор воқеанинг тафсилотини турмуш ўртоғи Мухторга гапириб беради. Ҳар икки қаҳрамон ҳам бундан тегишли хулосага келади. Ҳалол, соф виждонли, Ватанга садоқатли бўлиш, юрт тараққиёти учун фидойий меҳнат - булар чинакам оқ сўқмоқлар. Мана, достондан чиқадиган фалсафий маъно.

Г.Матёкубова достончиликдаги изланишларини давом эттирди. Достондан достонга маҳорати ошиб, тажрибаси бойиб борди. Достонларининг мавзу доираси ҳам кенгайди. Халқаро мавзуларга ҳам қўл урди. “Қуёш қизи ёки Само садолари” достони шундай асарлардан бири. У Франция озодлиги учун курашган миллий қаҳрамон Жанна Д’Аркнинг ҳаётига бағишланган. Муаллиф достон учун материал бўлган тарихий манбаларни яхши ўрганган. Воқеалар содир бўлган географик жой номлари, қаҳрамон ҳаракат қиладиган майдон, қироллик саройи аристократиясига хос бошқада атамалар давр колоритини беради. Ўз халқининг озодлик курашига раҳбарлик қилган метин иродали қаҳрамон Жанна образи достонда ҳар тамонлама пухта ишланган. Достоннинг ҳар сатрида миллат озодлиги учун курашнинг нақадар буюклиги ва шарафли бурч экани, баъзида изтиробли, гоҳида романтик пафосда, эмоционал руҳда талқин этилгани достоннинг жиддий ютуқларидан бири. Асар Г.Матёкубованинг достончиликдаги талантининг янги бир қиррасини кашф этди. Ижодида янги босқич, янги доvon бўлди, десак, муболаға эмас. Атоқли шоира Зулфия достонни

ўқиб ҳайратга тушгани, талантига юқори баҳо бергани бежиз эмас эди.<sup>1</sup>

Шоиранинг достончилик бисотида яна икки асари бор. Бири - “Дарёга ботаётган қуёш”, иккинчиси - “Зиёга ботаётган дарё”. Икки достон ҳам мавзуси, ғоявий-бадий хусусиятлари, ифода ва маъно талқини жиҳатидан олдинги достонларга мутлақо ўхшамайди. Муаллифнинг достончиликдаги ижодий имкониятлари ғоят кенг ва хилма-хил экани, образли фикрлаш салоҳияти, тажрибаси бойиб, лирик қаҳрамоннинг қалб дунёси, изтироблари ва қувончлари, кўнгил армонларию орзуларини реал ифодалашда анча илгарилаб кетганига гувоҳ бўлдик. “Дарё” ҳам, “қуёш” ҳам шоиранинг бетакрор рамзлари. Қуёш коинот мўъжизаси, дарё табиат тилсими, инъоми. Қуёш шоира талқинида эзгулик тимсоли, юракларга меҳр-муҳаббат нуруни улашадиган мажоз. Дарё ҳам инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалайдиган бир рамз. Икки тимсол ҳам фалсафий поэтик маънога хизмат қилади.

*Муҳаббатим ирмоқлари дарёга оқар,  
Қуёши келар ҳузуримга, нур кўз-ла боқар...*

Ёки:

*Дарё деди юракни,  
Оқиб бордим юрагингизга,  
Ойдин зиё дедим қуёшни,  
Зиё бўлдим тилагингизга...*<sup>2</sup>

Тўғри, адабиётда, айтайлик, шеърятда “дарё”, “қуёш” рамзлари қўлланилган ўнлаб, юзлаб шеърлар мавжуд. Бироқ ҳам “қуёш”ни, ҳам “дарё”ни бир асарда, хусусан, достонларда бир вақтнинг ўзида

<sup>1</sup> Зулфия. Гулистоннинг бўстони. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993. 30 апрель

<sup>2</sup> Г.Матёкубова. Излаганларим. Тошкент, 2000. 55-бет

бошдан охиригача етакчи поэтик образ сифатида фойдаланган ҳоллар кам учрайди.

Муаллифнинг “Зиёга ботаётган дарё” достони ижтимоий-фалсафий маъноси, маънавий-ахлоқий мавзулар талқини, ҳаёт ва воқеликни поэтик образларда ёритиш нуқтаи назаридан, “Дарёга ботаётган қуёш” достонига жуда яқин, мантикий давомидек таассурот қолдиради. “Дарё”, “қуёш”, “зиё” рамзлари бу достонда ҳам бор. “Дўст”, “Сиз” каби тимсоллар ҳам шоиранинг маънавий-интеллектуал дунёсини, бадиий-эстетик салоҳиятини белгилайди. Ҳар бир рамз поэтик маънони, лирик қаҳрамон кайфияти ва кечинмаларини ўқувчига етказа олади.

*Дўстим, азиз дўстим менинг,  
Кўрганмисиз дарёга ботаётган қуёшни!  
Кўрганмисиз  
Зиёга ботаётган дарёни!  
Мен бугун бу кўркам  
Икки оламда  
Ўқидим бир маъно  
Юракда ҳам қуёш ҳам дарё...*

Достонда яна бир йўналиш бор. Бу - ўтмишдаги буюк шоирлар, даҳо мутафаккирлар меросига мурожаат, қудратли ижтимоий-эстетик қарашларидан илҳом олиб, уларни замонанинг маънавий-ахлоқий масалаларига мослаштириб талқин этиш масаласи. Улуғ аждодларнинг “Нидо”лари, “Айтганлари”, “Култегин нидоси”, “Битикдош нидоси”, “Зардушт бобонинг айтганлари”, “Феруз қўшиғи” ва ҳоказо сарлавҳалар остида берилган муаллиф мушоҳадалари, инсон қалбини нурлантирадиган эзгу ғояларга йўғрилган фикрлари ибратлидир.

Шоира яхшилик ва ёмонлик, зиё ва зулмат, эзгулик ва жаҳолат ўртасидаги азалий қарама-қаршиликни, умуман, инсон шаънига номуносиб ҳаракатларни қоралаш ёки одамийлик фазилатларини улуғлашга эҳтиёж сезганда, даҳолар меросига маънавий таянч сифатида ёндашган. Шу маънода, муаллифнинг башарий қадриятлар, маънавий-ахлоқий тушунчаларни бугунги ҳаёт, реал воқелик, инсоний сифатларга мослаштириб талқин этгани ижодий ютуқдир. Ҳар икки достон ҳам ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослигида муносиб баҳоланди. Академик Ж.Бозорбоев ва профессор Н. Худойбергеновлар достонларга махсус мақолалар бағишлади. Уларни атрофлича таҳлил қилиб, муаллифнинг бадиий маҳоратини эътироф этишди. Икки асар ҳам шоиранинг достончиликдаги жиддий муваффақияти тарзида тан олинди.

Г.Матёкубованинг “Энг нафис гул”, “Ойбалдоқ”, “Зулфия” достонлари ҳам шоиранинг бадиий мукамал асарлари сирасига киради. Шоира ижодида ҳар бирининг алоҳида ўрни бор. Мавзу ва образ талқини, психологик таҳлилларнинг табиийлиги, рамзли фикрлаш тарзи, энг асосийси, достонларга сингдирилган бадиий-фалсафий маънонинг аҳамияти катта.

Хуллас, Гулистон Матёкубова шеъриятда қанчалик фаол бўлса, достончиликда ҳам шу даражада фаол ва изчил, шеърга сиғдира олмаган ўй-фикрлари ва туйғуларини достонларида ифодалашга муваффақ бўлмоқда. Шеърлари ижодининг бир қаноти десак, достонлари иккинчи қаноти. Зеро, икки қанот қанчалик бақувват бўлса, парвоз ҳам шунчалик юқори бўлади.

Шоиранинг аксарият асарларида Қорақалпоғистоннинг ўзига хос табиати, одамлари қиёфаси ва психологияси, урф-одатлари ва анъаналари,

адабиёти ва маданияти, санъати ва бошқа бетак-  
рор маънавий-ахлоқий сифатлари чинакам мил-  
лий колоритда бадий ифодаланмоқда. Бундай  
мавзуда асарлар ёзишни ижодининг бош мотивига  
айлантирган шоира, биринчи навбатда, қорақал-  
поқ халқи тарихига муҳрланган шахсларни ёки  
айни кунларда эзгуликка хизмат қилаётган, эл ар-  
доғидаги инсонларни асарлари қаҳрамонларига  
айлантираётгани, шу орқали қорақалпоқ ва ўзбек  
адабиётига ўзига хос қисса қўшаётганлигини қўл-  
лаб қувватласа арзийди.

Г.Матёкубова “достон” қилса арзигулик за-  
мондошлари образини яратишда ҳам жанр имко-  
ниятларини ишга солди. “Ойболдоқ” фикримиз  
тасдиғи. Достон қаҳрамони машҳур шифокор, Ўз-  
бекистон Қаҳрамони Онесия Сейтова. Унинг ҳаёти,  
меҳнат йўли тасвири орқали тиббиёт муаммолари  
кўтарилади. Орол ҳалокати туфайли юзага кел-  
ган қийинчиликлар “мушфиқ оналарни, мурғак  
болаларни” турли касалликларга гирифтор этган,  
*“табиатни сувсиз қолдирган, ўзбошимча авлод-  
лар - табиат жаллодлари”* ҳақида сўз юритилади.  
Достоннинг бир услубий ўзгачалигини айтиш ло-  
зим. Асар марказида шифокор образи турмайди,  
балки лирик қаҳрамонни безовта қилган, изтироб  
ва қувончларга сабабкор вазиятларни, замон ва  
инсон, табиат тўғрисидаги мулоҳазаларини ифо-  
далаш назарда тутилгандек таассурот қолдиради.  
Истиқлол берган буюк неъматлар миллий қадри-  
ятлар, меҳр-оқибат, она ва фарзанд садоқати каби  
ғоялар лирик монолог шаклида очилади.

*Йиғлаб бораётир,  
Кетиб бораётир  
Сарғайган Орол  
Туздай ачишди онанинг бағри...*

*Бу офатга, бу кулфатга  
Оғриққа ким жавоб берар  
Бу дардларга даво қани?<sup>1</sup>*

Орол ҳалокатига бағишлаб кўп асарлар ёзил-  
ган. Инқирознинг инсонлар ҳаётидаги салбий оқи-  
батлари, табиат ва ҳайвонот дунёсига етказилган  
зарар хусусида ҳар хил жанрларда туркум асарлар  
битилган. Бир қарашда, “Ойболдоқ” достони янги-  
лик эмасдек кўриниши мумкин. Лекин муаммога  
бошқа ракурсдан ёндашсак, асар Оролнинг қури-  
ши боис вужудга келган ҳар хил касалликларни  
даволаб, она-бола саломатлиги учун курашган,  
*“Оналарга дармон, азиз, меҳрибон она, фарзандга  
парвона”, “уч минг чақалоққа доя, янги тақдирларга  
қоя”* бўлган шифокор Онесия Сейтовага бағишлан-  
ганлигини ҳисобга олсак, достон шакл ва мазмун  
жиҳатидан бошқа асарларга ўхшамайди.

“Ойболдоқ”нинг яна бир ўзгачалиги бор. У  
жанри бўйича лиро-публицистик достон. Асарда  
образ биографияси тафсилоти берилмайди (дос-  
тоннинг охирида қаҳрамоннинг таржимаи ҳолига  
доир айрим маълумотларни истисно қилганда).  
Асосан, муаллифнинг диққати қаҳрамоннинг пси-  
хологияси, орзу-армонлари, қалби эзгуликларга  
бой, ҳаёти ва меҳнатини соғлом авлод, она-бола  
тақдири, саломатлигига туташтирган шифокор-  
нинг руҳий олами очиб берилади. Лирик кечин-  
малар, монологлар шу йўналишда. Агар муаллиф  
қаҳрамонни фақат психологик планда эмас, ташқи  
муҳитда, одамлараро муносабатда, ижтимоий фао-  
лиятда ҳам кўрсатганида эди, асарнинг бадий  
салмоғи янада ошган бўларди. Образнинг ижти-  
моий характериға хос қирралар тўлиқроқ очили-  
ши мумкин эди. Бунга қарамасдан, достоннинг

<sup>1</sup> Г.Матёкубова. “Йўлларингга чиқдим”. Нокис., 1997. 280-бет



аҳамияти катта. “Ойболдоқ” айна бугуннинг асари, жуда долзарб.

“Зулфия” достони услуби, ғоявий йўналиши бўйича шоиранинг бошқа дostonларидан сал ўзгачароқ. У ихчам сюжетга қурилган. Достон бир аёлнинг аччиқ қисмати ҳақида. Дунёдан эрта кўз юмган, орзулари армонга айланган Зулфиянинг ачинарли тақдири асарда психологик планда, изтиробли кечинмаларда берилади. Онаси дийдорига тўймай, жудалик гирдобидида қолган фарзандларнинг нолалари шундай драматик руҳда ёритилганки, аламли кечинмалар қалбларни жунбушга келтиради. Бир қарашда, ўқувчи ўзини қайғулар уммонига ғарқ бўлгандек, лирик қаҳрамон кулфатига шерикдек сезади. Лекин бундай талқин усули ўқувчини умидсизлантормайди. Достон охирида борган сари лирик қаҳрамонда ҳаётга муҳаббат, умид ва ишонч билан яшаш истаги кучайиб бораётганини ҳис қиласиз. Ҳаёт давом этади. Ҳар қандай қийинчиликни, ҳаётнинг шафқатсиз зарбаларини кучли ирода, сабр-тоқат, кураш билан енгиб ўтиш зарурлиги ҳақидаги фикр асарнинг иккинчи қисмида устуворлиги сезилади. Лирик қаҳрамоннинг: *“Умид қилгил ёрқин бахтни, Бахтга етакловчи қувонч-завқни”* каби даъвати *“тақдирнинг бу хатосининг”* асло такрорланмаслигига, *“ҳижрон қўлларини бахт пичоғи билан кесиб қўйишга”*, *“Қайғуни ўйдош қилмасликка, дарду ҳасратларга қўмилиб қолмасликка”* ваъда бергани, *“армон тахтини”* чўктирмасдан орзулар соҳилига олиб чиқишга аҳд қилгани ҳақидаги фикрлар ўқувчининг руҳини кўтаради. Лирик қаҳрамон тақдирининг келажаги умидбахш эканига муаллиф сизни ишонтиради. Бу ҳаётини ва яхши ечим.

“Зулфия” Г.Матёкубованинг дostonчиликдаги ютуқларидан бири. Эҳтирос тўлқинларининг

қудрати, коллизиядаги табиийлик ва ҳаётини, лирик қаҳрамон кечинмаларининг ранг-баранглигига замин ҳозирлаган. Шу маънода, бу ҳолат шоиранинг кўнгил дунёси туйғуларга бойлиги, сермаъно ва самимийлигини ҳам изоҳлайди. Айна пайтда, бундай хилма-хиллик, инсон тақдирида рўй бериши мумкин бўлган нохуш кайфиятни ҳам, қувонч онларини ҳам ўткир нигоҳ, нозик дид билан талқин қила олиш маҳорати белгисидир.

Г.Матёкубованинг тарихий шахслар образларига мурожаати наинки, таҳлилга тортилган асарларида, бошқа ижод намуналарида ҳам замондошлари бадиий қиёфасини адабиётга олиб кираётгани маълум. Масалан, муаллифнинг *“Қайтмоқ учун кетмоқдаман”* эссеси машҳур қорақалпоқ ҳайкалтароши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик Жолдасбек Қуттимура-товнинг ижодий фаолиятидан ҳикоя қилади. Асарда реал фактлар асосида санъаткорнинг бадиий образи гавдалантирилди. Назм ва насрда ёзилган бу асар муаллифнинг ҳар икки бадиий шаклни синтезлаштириб, муҳим бадиий-эстетик ғояларни ифода-лай олиши салоҳиятидан дарак беради.

Қисқаси, узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар ва уларнинг бетакрор кашфиётлари Гулистон Матёкубова учун долзарб, бадиий-эстетик ғояларни илгари суришда муҳим манба, илҳом чашмаси вази-фасини ўтади. Ва бу тажриба шоира ижодида мавзу ва услубий ранг-барангликни таъминлаганидек, бадиий маҳорат бобида, талантининг чиниқишида, тарихий воқелик билан бугуннинг миллий-маънавий қадриятларини уйғунлаштириб талқин этишда аҳамиятли восита бўлгани ҳам ҳақиқат.

\*\*\*

Бадий адабиёт тажрибасида шундай ижодкорлар учрайдики, сўз санъатининг бир неча жанрларида асар ярата олиш талантига эга. Қайси ижод турини танламасин, жанр имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчига манзур асар ёза олади. Бу бир жиҳатдан муаллиф ижодининг серқирралигини, жанрларга бойлигини кўрсатса, иккинчидан, ҳаёт материалини у ёки бу жанр табиатига мослаб талқин қилиш салоҳиятидан дарак беради. Гулистон Матёкубова, фикримизча, шу хилдаги кўп қиррали, ижоди ранг-баранг мавзуларга бой, бадий маҳорат бобида ҳам етарли тажриба тўплаган қалам соҳибасидир. У шоира сифатида ўнлаб шеърий тўпламлар нашр эттирди. Бир неча поэма ва достонлар муаллифи. Адабий-бадий публицистик мақолалар туркумини яратди, ҳикоя ва қиссалар ёзди. Драматургияда ҳам талантини синади. Саҳна учун бир неча шеърий драмалар ёзди, опера учун либретто яратди. “Меҳрли дунё” деган киноқисса ҳам унинг қаламидан чиққан.

Г.Матёкубова бу жанрларга тасодифан кириб қолган эмас. Ҳар бирининг қонуниятларини пухта ўрганган. Кўп йиллик ижодий изланишлардан сўнггина бу ижод турларига қўл урган. Жумладан, драматургия жанрига ҳам мана шундай ижодий тайёргарлик босқичидан кейин кириб келди. Бу ишда унинг шоирлик тажрибаси, биринчи навбатда, қўл келгани, шубҳасиз. “Қаторда норинг бўлса” (1997) номли тўрт пардали шеърий драмаси муаллифнинг саҳна асари яратиш йўлидаги дастлабки муваффақиятларидан бири. Асар таниқли қорақалпоқ олими, шоир ва давлат арбоби Наврўз Жапақов хотирасига бағишланган. Юрти ва халқи тарихида ўчмас из қолдирган бундай инсонлар ҳақида бадий асар ёзиш, образларини адабиётга муҳрлаш айти муддаодир.

Мазкур драма жанр нуқтаи назаридан автобиографик характерга эга. Бош қаҳрамон билан боғлиқ аксарият воқеалар реал фактларга асосланган. Асар муқаддима билан бошланади. Саҳна қуйидаги устоз монологи билан очилади:

*Юкинг ерда қолмагай, қаторда норинг бўлса,  
Қаторинг маҳкам бўлур, чин дўст-ёринг бўлса,  
Ҳеч кимдан кам бўлмассан, қўлингда коринг  
бўлса,  
Кўксинг тоғ, бошинг осмон ҳақ мададоринг  
бўлса,  
Ҳамфикр оға-ининг, мард биродаринг бўлса,  
Юкинг ерда қолмагай, қаторда норинг бўлса!*

Мисоллар асарнинг мақсади, ғояси, сюжетининг ривожланиш мантиқи, образ ҳаракатининг етакчи принципларига йўналиш беради. Биринчи пардада шоирнинг газета билан боғлиқ фаолияти, муаллифларни қабул қилиш, мулоқотлар, турмуш ўртоғи Гулзода билан танишув воқеалари берилади. Иккинчи пардада воқеалар биров мураккаблашади. Шоир ноҳақ туҳмат билан қамалади. Бироқ узоққа бормай ҳақиқат тикланади ва у озод бўлади. Бу пардадаги шоир, Гулзода ва журналист диалогларида образларнинг дунёқараши, руҳияти, умуман, характер хусусиятлари ўзаро мулоқотларда намоён бўлади. Ҳар бир персонаж нутқидаги индивидуаллик орқали унинг ким ва қандай шахс эканлиги билан танишасиз. Бу воқеаларнинг марказида ҳам шоир образи туради. Муҳаббатга, оилага, одамларга муносабати фонида характери очилиб боради. Учинчи парданинг сюжети иккинчи жаҳон уруши даври билан боғланади. Драмада уруш эпизоди йўқ. Бош қаҳрамоннинг ватанпарварлиги, фидоийлиги, ташкилотчилиги, раҳбар

лик қобилияти фронт орқаси ҳаёти майдонида кўрсатилади. Бу даврга келиб у ҳукумат раиси лавозимига кўтарилади. Ва халқ, адабиёт ва маданият манфаати йўлида бир талай ишларни бажаради. Бу ҳолатлар асарда турли тоифа кишилар билан мулоқотларда, ўзаро тортишув ва баҳсларда, зиддиятларда, баъзан кескин тўқнашувларда кўрсатилади. Шоирнинг ҳукумат аъзоси билан айрим масалалардаги келишмовчиликлари, қарама-қаршиликлари орқали образнинг ташқи ҳаракати ва ички дунёсидаги ҳақиқат, адолат кучига ишонч ҳаққоний ёритилган.

Драманинг охири, тўртинчи пардасидаги воқеалар руҳида драматизм кучаяди. Шоир тақдирида рўй берган ўзгаришлар, лавозимини тарк этгандан сўнг одамларнинг унга муносабати, камситишлар, иғволар, асоссиз айбловлар унга руҳий зарба бўлиб ёпирилади. Асарда образнинг бу ҳолати ички монолог шаклида берилади. Муаллиф ижод этган шеърий сатрлар нафақат қаҳрамоннинг руҳий драмасини очишда муҳим восита, айти пайтда, чинакам шеърият намунаси ҳамдир.

*Қушлар қанотига меҳримни ёздим,  
Кимлар менга қора чоҳларни қазди.  
Қора ният қора пичоғин чархлар,  
Бари бир ютолмас у қора чоҳлар...*

Муаллиф образнинг руҳиятидаги ғалаённи, ташқи ҳаракатидаги шиддатни шу тарзда очиб боради. Наврўз Жапақовнинг мураккаб ҳаёт ва меҳнат йўли замон руҳида, давр зиддиятлари билан омухталаниб, реал талқин этилгани асарнинг ютуқларидан бири.

Драма “Муқаддима” билан бошланган эди. “Хотима” билан ҳам якунланади. Саҳна устоз мо-

нологи билан очилган бўлса, шогирд монологи билан ёпилади. Бу ифода усулида рамзий маъно бор. Устозлар бошлаган хайрли ишлар шогирдлар фаолиятида давом этади. Драма финалидаги кўринишда давр руҳи, мустақиллик берган ҳаётдан шуक्रоналик ёш йигит, шоирнинг шогирди монологи орқали ифодалангани асарнинг умумий пафосига жуда мос.

*Устозларнинг руҳида биз яшаймиз таъзимда,  
Устозим орзу қилган гулдай шаҳри азимда.  
Қаторда нормиз бугун юklar бизнинг елкада  
Устозларнинг ҳар сўзи бошлар бизни эртага.  
Мустақиллик йўллари равон-равон йўл бўлди,  
Қорақалпоқ чўллари чаман-чаман гул бўлди.  
Бердақ, Ажиниёзлар руҳи бизни қўллагай  
Қосим, Наврўз оғалар яхшиликка йўллагай...*

Умуман, “Қаторда норинг бўлса” драмаси Қорақалпоғистоннинг яқин ўтмиш ҳаётини реал талқин этгани, халқ ҳурматини қозонган тарихий шахслар образини адабиётга олиб киргани ва бадий мукамал ёритгани учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Г.Матёкубованинг саҳнага мўлжаллаб ёзган яна бир асари бор. Бу “Гулойим” номли опера учун ёзган либреттоси. Асар матни муаллифнинг турли йилларда чоп этилган китобларида (“Йўлларингга чиқдим”, Нукус 1997, “Излаганларим”, Тошкент. 2000) эълон қилинди. Ҳатто у рус тилига ҳам кўчирилиб, шоиранинг рус тилидаги “Сайланмалар”ининг иккинчи жилдидан (2015) ўрин олди. Либреттони Г.Матёкубованинг саҳна асари яратиш йўлидаги жиддий ютуғи деб ишонч билан айта оламиз.

“Қирқ қиз” эпоси қорақалпоқ халқининг миллий дostonларидан бири, жаҳонга машҳур асар. Бундай номдор асарга қўл уриш, у ҳақда янги замон талабларига мос сахна асари яратиш масъулиятини камдан-кам ижодкор ўз зиммасига олади. Г. Матёкубованинг шоиралик таланти, драма ёзишда озми-кўпми тўплаган тажрибаси, муҳими, дostonга меҳри “Қирқ қиз” асосида опера учун либретто яратишга ундаган бўлса ажабмас. Ва муаллиф, фикримизча, қорақалпоқ миллий опера санъати ривожига ҳисса бўлиб қўшилгудек асар матнини ярата олди.

Муаллифнинг дастлабки ютуғи шундаки, эпос сюжетида операбоп материални, воқеалар, образларни топа олган. Образларни ҳаракатга келтирадиган сахнабоб зиддиятлар, қаҳрамонлар психологиясини очишга хизмат қиладиган чигал вазиятлар ўринли сараланган. Бош қаҳрамон ҳаракат қиладиган муҳит, майдон ҳам яхши танланган. Сахна муқаддима билан очилади. Томошабинни жалб қиладиган жироннинг узоқ-узоқлардан таралаётган куйи ва овози, ўтов ичидан бирин-кетин чиқиб келган Гулойимнинг сарвқомат, сулув қизларининг қувноқ кайфиятдаги ҳаракатлари шеърӣ сатрларда жуда жозибали акс этган. Бу романтик лавҳадан кейин парда очилади. Биринчи кўринишда Гулойимнинг отаси Оллаёр билан диалогда қизнинг муҳаббатга муносабати, отанинг қизга оқ фотиҳа бериши, уни Суюн чўпонга узатиб тўйини кўриш орзусида экани ҳақидаги масала ўртага қўйилади. Савол-жавоб гоҳ ялиниш оҳангида, баъзан жиддий норозилик руҳида кечгани кўринишнинг драматизмини бироз кучайтирган. Мана, ўша диалогдан кичкина бир лавҳа:

*Чин ошиғинг Суюнжонни биларсан,  
Турмуш қурсанг бир ўйнаб куларсан,  
Мададкоринг бўлар даврон сурарсан,  
Бахтинг кўрай сарсон айлама!*

Гулойим отасининг бу таклифини рад этади.

*Қиё чўлда гул лолалар термасман,  
Ўлдирсанг ҳам бу овсарга тегмасман,  
Керак бўлса асраб олиб ўғил қил,  
Қирқ қизимни олиб кетдим келмасман!<sup>1</sup>*

Асарнинг бу кўриниши Гулойимни нафақат ҳаётда мард, жасур, қатъиятли қиз тимсолида талқин этишга, балки муҳаббатда ҳам мустақил, қалби буюрганини қиладиган юксак ахлоқли шахс қиёфасида гавдалантиради. Суюн образи ҳам гарчи эпизодик характерда бўлса-да, ҳаракатлари, нутқи Гулойим билан диалогда шахсий хислатлари яхши очилган.

Кейинги пардада образлараро тўқнашув кескинлашади. Драматик коллизия яратишга кўпроқ эътибор берилади. Нодиршоҳ, унинг мулозими Қулимбек ва хийлагар-айғоқчи Мастон кампир томонидан Арслоннинг синглиси Олтинойнинг зўрлаб хон саройига келтирилиши билан вазият мураккаблашади, зиддият кучаяди. Мастон кампирнинг иғвоси билан Нодиршоҳ тузоғига илинган Олтинойнинг руҳий драмаси, хон билан юзма-юз тўқнашувлари томошабин учун анча ҳаяжонли чиққан. Қалмоқлар хони Суртайшо лашкарларининг Гулойим қизлари билан жангда енгилиши, душманининг қирқ минг аскарини ер тишлатган, юртини озод этган қизларнинг мардлиги куйланган сахналар ўқувчида яхши таассурот қолдиради.

<sup>1</sup> Г.Матёкубова. Ўлларингга чиқдим. Нукус., 1997. 384-431-бетлар

Асарнинг охирги кўринишларида Хоразмлик баҳодир йигит Арслон майдонга кириб келади. Унинг жанг майдонида Гулойим ва унинг қизлари билан учрашуви, мулоқотлари фонида муҳим бир ғоя кўтарилади.

Яъни дўст бошига оғир кунлар тушганида елкадош бўлиб, қўллаб-қуватлаш инсоний бурч эканлиги ҳақидаги фикр, душманни мағлуб этишда Гулойимга ёрдам қўлини чўзган Арслоннинг ҳаракатлари мисолида ғоя очилади. Душмандан қасос олиш учун қилич яланғочлаган Гулойим Арслонга қарата дейди:

*Ғанимга бу умр ғамхона бўлсин,  
Қадами юртимдан бегона бўлсин,  
Куни битиб умри вайрона бўлсин,  
Туркистон деб от солайлик Арслон!*

Туркистон ўлкасининг озод ва ободлиги учун халқларимиз қадимда ҳам бирга курашган, бири учун иккинчиси кўксини қалқон қилган. Асарда бу тарихий ҳақиқат илдизи бир, тақдири туташ турли миллат вакиллари образида реал кўрсатилган. Ушбу ибратли ғоянинг тарбиявий аҳамияти бугун ҳам муҳим.

Либреттонинг сўнгги пардаси кўтаринки, романтик пафосда. Арслон билан Гулойимнинг тўйи манзараси. Гулойим тушида бир “шоҳсувор йигит” - Арслонни кўриб севиб қолади. Арслон ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечиради. Гулойимга ошиқ. Мана, энди тушларида бир-бирларини севиб қолишган ошиқ-маъшуқлар кураш майдонида учрашади. Синов кўприкларидан ўтиб, тўй қилмоқда. Бу эпизод ўзбек ва қорақалпоқ колоритига хос миллий жилолар (Хоразм халқ ашулалари, қорақалпоқ жировлари, хор ижро этган куй-қўшиқлар в.х.) саҳнага алоҳида эстетик завқ, миллий руҳ бағишлайди. Бу эса муаллифнинг саҳнадаги

вазиятга, ҳаракатга мос қўшиқлар матнини ижод этганидан, саҳна санъатини нозик ҳис қилиб, томошабин дидига мос кўринишлар ярата олганидан далолат беради. Асар театр саҳнасига кўчирилгудек бўлса, бу байналмилал кўриниш, наинки, томошабинларнинг кайфиятини кўтаради, шу билан бирга, қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг куй-қўшиқлар ҳамоҳанг, бир-бирларини тўлдириб, бойитиб борадиган ўлмас санъат эканлиги ҳақидаги тасаввурингизни янада мустаҳкамлайди. Гарчи асарнинг умумий сюжети афсона, ривоятларга қурилган бўлса-да, Гулойим ва Арслон тимсолида, характер хусусиятларида, ҳаракатларида замонга оҳангдошлик пафосини англаймиз, қалбдан ҳис қиламиз. Асарнинг шу хусусиятининг ўзиёқ уни бугунги саҳна санъатимиз репертуаридан жой эгаллашга ҳақли, деб хулоса чиқарсак, хато бўлмас. Дарвоқе, ҳозирда қорақалпоқ миллий опера санъати муваффақиятли ривожланиб бораёпти. Опера учун либретто ёзадиган муаллифлар, унга мусиқа басталайдиган композиторлар, саҳналаштирадиган талантли режиссёрлар етарли. Уларнинг ижодий меҳнатлари туфайли ҳозирга қадар “Ажиниёз”, “Тўмарис” опералари саҳналаштирилиб мухлис-ларга намоиш этилди. Ҳатто “Қирқ қиз” балети яратилиб, томошабинларга кўрсатилди. Шулар қаторида Гулистон Матёкубованинг “Гулойим” операси учун ёзган либреттоси ҳам китоб саҳифаларида қолиб кетмади, саҳнага олиб чиқилди. Кенг томошабинлар иштирокида тақдимоти – премьераси бўлиб ўтди. (2020) Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг санъат арбоблари, мутахассислар операни ва ижрочиларини юқори баҳолади. Қорақалпоқ дostonчилигининг ўлмас намунаси “Қирқ қиз”нинг шон-шуҳрати янада ошди, қорақалпоқ опера санъати яна бир янги асар билан бойиди, эпос мухлисларининг орзулари ҳам ушалди.



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПУБЛИЦИСТ ЁЗУВЧИ НИГОҲИДА

Гулистон Матёкубова адабиётнинг қатор жанрларида қалам тебратиб келаётган таниқли шоира, талантли ёзувчи, моҳир публицист, яхшигина таржимон, бир неча сахна асарлари муаллифи ҳамдир.

У профессионал журналист. Соҳанинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини яхши билади. Шеъриятдаги қалами қанчалик етилиб, такомиллашган бўлса, бадиий публицистикаси ҳам хилма-хил қирралари, ижтимоий аҳамияти ва оммавийлиги билан ўқувчиларга шунчалик манзур бўлаяпти. Муаллифнинг ҳозирга қадар эълон қилган барча адабий публицистик мақолалари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг марказий нашрларида, газета-журналларида ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида эълон қилинди. Мутахассислар, мухлислар синовидан ўтган. “Муҳаббат юрти” (Тошкент, 2002), “Ватан руҳи” (2011), “Кўксимдаги нур” (2021) каби китобларининг катта қисмини адабий-бадиий публицистик асарлари ташкил этади. Китобларнинг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёзувчилари уюшмаларида тақдироти ўтказилгани, ижобий баҳолангани маънавий-маърифий ҳаётимиздаги аҳамиятидан дарак беради. Қолаверса, икки тўпلام юзасидан матбуотда ҳам ижобий фикрлар билдирилди, мақолалар ёзилди.

Муаллиф публицистикасининг мавзу доираси кенг, талқин йўналиши турлича. Уларда юрт тақдири, ижтимоий-сиёсий ҳаётда эришилаётган ютуқлар, истиқлол ғояларининг тарғибот-ташвиқоти, эртанги кун тараққиёти билан боғлиқ миллий ва умумбашарий қадриятларнинг аҳамия-

ти хусусида сўз юритилади. Бу масалаларга бағишланган икки туркум адабий-бадиий мақолалари алоҳида аҳамиятга эга. Бири “Буюклик келмоқда Ўзбекистонга”, иккинчиси, “Жайхун ёқасида ўсган бойтерак”. Туркумлар бир неча мустақил мақолалардан таркиб топган. “Муҳаббат юрти” китобига киритилиб нашр этилган. Мавзулари ҳам ҳар хил. Биринчи туркумга собиқ шўролар тузуми инсон ҳуқуқини чегаралаб, миллий қадриятларни таҳқирлагани, ўзликдан маҳрум қилишга уринишлар муаллифнинг ҳаётий тажрибаси, кўрган-кечирганлари асосида ёритилади. Истиқлол берган неъматга шукроналик кайфияти (“Узоқ ва яқин кунлар”, “Халқ ёди”), Ватанда яшаш, Ватанга хизмат, Ватанни қадрлаш, улуғлаш “Ватан меҳри она каби азиз”, “Энг азиз мерос”, “Озод юрт, гўзал ҳаёт” каби буюк ғоялар, қанотли сўзлар, ҳароратли ва эмоционал кечинмалар орқали юксак пафосда талқин этилади. Муаллифнинг Ватанга меҳри, садоқатини ҳар мисрада ҳис қиласиз: “Биз мустақиллик берган улуғ бахтга қувониб шукроналар қилар эканмиз, Ватан тушунчасининг нақадар ардоқли ва мўътабар эканлигидан бошларимиз осмонга етар экан, шу хокисор Ватанимиз учун нималар қилаямиз, қўлимиздан нималар келади-ю, биз уни қандай қилиб шу юртнинг ривожланишига сарф-лаяпмиз. Мен ўйлайманки, шу савол барча-барча-мизни қийнаб, хотиржам ва лоқайд бўлишимизга йўл қўймай туриши керак”.<sup>1</sup>

Бу фикрлар мустақилликнинг фуқароларимиз олдида қўяётган талаби ҳамда вазифаларига қанчалар вобаста, ҳозиржавоб. Бу, шунчаки, қуруқ, оддий чақириқ, даъват эмас. Мақолада бу гапларнинг амалий исботи ҳам бор. Фикрлар Қорақалпоғистон замини, Ватан равнақи йўлида фидойи меҳнат

<sup>1</sup> Г.Матёкубова. Муҳаббат юрти. Тошкент, 2002. 19-бет

қилаётган муаллиф замондошлари мисолида тасдиқланади ҳам.

Г.Матёқубова нафақат ижодкор, республикада танилган жамоат арбоби, кўп йиллардан бери масъул лавозимларда ишлаб келаётган раҳбар шахс. Ижодкор учун бу маълум даражада имконият. Республиканинг турли жойларида бўлиб, ҳар хил касб эгалари билан мулоқот қилиш, ёзилажак асарларига материал тўплаш, бир сўз билан айтганда, реал ҳаётга янада яқин бўлиши учун қулай шароит. Унинг бадиий публицистикаси фақат ҳозиржавоблиги билангина эмас, кўриб, ҳис қилиб ёзилгани, фактларнинг аниқлиги, кундалик турмушнинг долзарб масалалари қамраб олингани, энг муҳими, ижтимоий маънонинг салмоғи билан ҳам таҳсинга лойиқ. “Ватан руҳи”, “Халқим менга жондан яхшироқ”, “Ер ҳам эл биландир, эл ҳам эр билан”, “Обод бўлди, озод замон” ва яна ўнлаб мақолалар туркуми борки, ҳар бирида муаллифнинг ўткир публицист-ёзувчилик нигоҳи, шоирона қалби нечоғлик қайнаб, жўшиб турганини ҳис қиласиз. У ҳар бир мақоласида Ватани, халқи ҳақида меҳр билан ёзади. Охорли сўзлар танлаб мадҳ этади. Бу таърифдан қониқмаганида шоирлик қаламини ишга солади. “Ватан руҳи” мақоласида мавзуга доир шундай шеър битадики, у мақоланинг ички мазмунини янада ёритиб юборади. Алоҳидалигини мутлақо сезмайсиз.

Мана, кичкина бир мисол:

*Менинг азиз халқим, Азамат халқим,  
Аждодлардан мерос матонат халқим.  
Орзу мақсадларда жасорат халқим,  
Қалбимдаги Мурод-Шижоат Ватан.*

*Ота рози элдан, розидир раҳмон,  
Тонгларга бахш айла илоҳий забон.*

*Ҳар ҳикмат хазина, ҳар ақл уммон,  
Халқим дуосидан ҳидоят Ватан...<sup>1</sup>*

Наср билан назмни уйғунлаштириб бериш Г. Матёқубова публицистикасининг услубий ўзига хослиги, публицистик маҳоратининг бир қирраси. У қайси мавзуда адабий-бадиий публицистика намунасини яратмасин, аксарият ҳолларда, шоирлик қаламидан фойдаланади. Ҳатто муаллифнинг халқаро мавзудаги публицистик асарларида ҳам шу хусусият кўзга ташланиб туради. Унинг мазкур йўналишда икки мақоласи бор. Бири “Юрт бахтини айтгани бордим” (Пекинда бўлиб ўтган Бутунжаҳон хотин-қизларнинг IV конференцияси таассуротлари), иккинчиси, “Насл-насабли юрт фарзандларимиз” (Истамбулда бўлиб ўтган ХАБИТАТ II халқаро анжуман таассуротлари) деб номланади. Биринчи мақола ёзилиш услубига кўра ҳикояга ҳам ўхшаб кетади. Сафар таассуротлари шундай ҳикоя этилганки, мазмуни, воқеаларнинг бадиий ифодаси ўқувчини ўзига тортиб туради, зерикмай ўқийсиз. Пекинга қадар вагондаги саккиз кунлик йўл таассуротлари, бир неча давлатлардан анжуманда қатнашиш учун бораётган хотин-қизлар билан мулоқотлар, суҳбатлар, Ватан, юрт соғинчи, бошқада психологик кечинмалар тасвири жуда ўқимишли чиққан. Муаллиф йўлда давом этар экан, вагон деразаларидан атрофга разм солади. Россиянинг мафтункор табиати, қалин ўрмонзорлари, Байкал кўлининг “жўшиб мавж ураётган тўлқинлари”, табиатнинг бошқада мўъжизавий манзаралари шоиранинг илҳомини қўзғайди, шеър ёзиш истаги уйғонади.

*Байкал оқимида наввотранг тўлқин,  
Шишадай юзидан ўпгинг келади,*

<sup>1</sup> Г.Матёқубова. Ватан руҳи. Нукус., 2011. 13-бет

*Узун арчаларнинг келишган бўйин,  
Оҳиста эркалаб шамол елади.  
Инсонга, осмонга, тоғларга, тошга,  
Ёйилар тонгларнинг мовий рўмоли,  
Вагон дарчасини ёпган пардадан,  
Сирғалиб киради қуёш ҳаёли.<sup>1</sup>*

Шоира хорижий юрт табиати, одамларига ҳар қанча мафтун бўлиб, таърифласа-да, барибир она тупроғи афзалликларини, гўзаллигини улардан кам кўрмайди. “Поездимиз Россия ўрмонлари ора-лаб ўтар экан, -деб ёзади муаллиф,-мафтункор табиат манзаралари эмас, она юртнинг ҳар хил ме-валари, ғарқ пишган олтин боғлари кўз ўнгимда гавдаланди, айниқса, пахта далалари ой нурида тў-лишиб, оппоқ чаноқларга жон бағишлаётгандир...”.

Монгол табиатидан завқланган шоира бошқа бир ўринда: “...қайсидир жиҳатлари билан қорақал-поқ кенгликлари, Қоратоғ этаклари, Қизилқум чексизликларини эсимга солди”, - деб ёзади. Бун-дай қиёсдан мақсад она-Ватанига меҳр, садоқат ғояларини ифодалашдир.

Сўз юритилаётган мақолада конференция таф-силотларига доир бошқада маълумотлар, далил-лар ва рақамлар, инсон ҳуқуқи билан боғлиқ халқа-ро муаммолар, уларнинг ечимига тегишли ҳар хил таклиф ва тавсиялар тўғрисидаги кузатишлар, таҳ-лиллар ва хулосалар муаллифнинг ижтимоий-сиё-сий салоҳиятидан дарак беради. Мушоҳада уфқи кенг, ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари юза-сидан мустақил фикрига эга ижодкоргина шундай асар ёзиши мумкин. Муаллифнинг “Насл-насабли юрт фарзандларимиз” мақоласи халқаро мавзуда бўлиб, бадий публицистиканинг яхши намунаси. Истамбул таассуротлари асосида муаллиф хориж

минбарларидан Ватани ҳақида яна бир бор гапи-риш имконига эга бўлди. Насл-насабли юртининг азалий кадриятлари, асрлар давомида шаклланган бетакрор миллий анъаналар тараққиётимизга қанот бўлаётганини мароқ билан қоғозга туширади.

Бирор нарсанинг афзаллиги қиёсланганда на-моён бўлганидек, фазилатлари, жаҳоншумул ишла-ри ҳам ўзга мамлакатлар билан солиштирилганда яққолроқ кўринади. Шундай экан, Ватаннинг бар-ча соҳаларда эришаётган ютуқларини дунёга та-нитиш, нафақат сиёсатчилар ёки иқтисодчилар, айти пайтда, ижод аҳлининг ҳам зиммасидаги вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Шу маънода Г.Матёкубованинг хорижий мавзудаги икки асари долзарблиги, амалий аҳамиятига кўра ҳам жуда фойдалидир.

Г.Матёкубова публицистикасида Қорақалпоғис-тон мавзуси етакчи ўринда туради. “Жайхун ёқа-сида ўсган бойтерак” туркум мақолалари шундай характердаги асарлар сирасига киради. Сиёсий публицистика йўналишидаги яхши асар. Қорақал-поғистоннинг давлат мадҳияси “Жайхун ёқасида ўсган бойтерак” мисралари билан бошланади. Бу - мақолага колорит руҳини ҳам беради. Туркумда, асосан, Қорақалпоғистоннинг давлат рамзлари ҳақида сўз юритилади. “Халқим улуғ йўлга чиқди”, “Халқ иродасини ифода этиб”, “Эркинлик рамзла-ри”, “Халқ номи билан” каби мақолалар респуб-ликанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўл-ган тарихий воқеаларни ёритишга бағишланган. Мавзу муаллиф қалбига жуда яқин. Гап шундаки, Г.Матёкубова Қорақалпоғистонда турли масъул лавозимларда ишлади. Ижтимоий-сиёсий таш-килотларни бошқарди. Республиканинг бирор ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тармоғи йўқки, у қатнашиб, муносабат билдирмаган бўл-

<sup>1</sup> Г.Матёкубова. Муҳаббат юрти. Тошкент, 2002. 28-бет

син. «Жайхун ёқасида ўсган бойтерак» мана шу учрашувлар, мулоқотлар жараёнида шаклланган ижтимоий фикрларнинг умумлашма хулосалари, муаллифнинг эътироф этилган индивидуал қарашлари мазмунида юзага келган туркумдир.

“Халқим улуғ йўлга чиқди”, “Халқ иродасини ифода этиб” мақолаларида Қорақалпоғистон Республика Конституцияси қабул қилиниши жараёнлари, ҳаёт қомуси, эркинлик ва фаровонлик кафолати бўлган бу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти реал фактларда тасвирланади. Бу туркумда ҳам наср билан назмни қориштириб бериш услуби сақланган. Таассуротлар, эзгу туйғулар, қувончли кечинмалар насрий жумлаларга сиғмай қолганда, муаллиф шоирлик талантини ишга солади. Жўшқин, серқатлам ва пурмаъно, рамзли фикрларини шеър мисраларига жойлайди.

*Сен умид бўл, юракларимга  
Сочларимга қўшиб ўрайин,  
Менинг меҳрим керакми сенга,  
Қуёш қадар қилиб берайин.*

*Мен озодман, бир шоир қизинг,  
Сен қуёшсан, тунни енгган мард,  
Энди жафоларга қасдма-қасд,  
Қизилгулдай яшнайди юзум...<sup>1</sup>*

Г.Матёкубова Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг умуминсоний аҳамиятини бир дарё меҳр билан, образли шаклда шеърга айлантиради. Туркумнинг ютуғи шундаки, фактлар, далиллар ва рақамлар шунчаки келтирилмайди, бадий-эстетик идрок этилиб, талқин ва таҳлил-

дан ўтказилади, жило берилади. Шу усулда чинакам бадий публицистик асар юзага келади.

Ҳар бир ижодкор, айниқса, публицист-ёзувчи кундалик ҳаётдан нафас олмоғи, ҳаётнинг “томир уруши”ни ҳис қилиши зарур. Ўлкада бўлаётган янгиликлар, тарихий ўзгаришлар, эришилган ғалабалар ижодкор эътиборида бўлиши лозим. Г.Матёкубова бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиб келаяпти. Қорақалпоғистондаги бунёдкорлик ишлари, алоҳида таҳсинга сазовор тадбирларнинг ҳеч бири унинг назаридан четда қолган эмас. Шеърлари ёки публицистик чиқишлари билан қўллаб-қувватланади. Масалан, Устюрт кенгликларида барпо этилаётган буюк қурилишлар, Қўнғирот сода заводида амалга оширилган ибратли ишлар ҳамиша ёзувчи диққат марказида бўлиб келмоқда. Адабий-бадий асарларига мавзу бўлаяпти. “Устюрт - келажагимиз асоси”, “Янги кунга қанот берар юртдошларим куч-ғайрати”, “Осойишта юртнинг кўркем манзаралари”, “Ватанга муҳаббат - садоқат ва фидойилик рамзи” ва яна ўнлаб публицистик мақолалари борки, ҳар бирини Қорақалпоғистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритган ғалабаларнинг ўзига хос бадий соломаси, десак хато бўлмас. Ватан равнақи йўлида мардона меҳнат қилаётган юрт фарзандлари, Устюрт кенгликларидаги жўшқин ҳаёт ҳақидаги фикрлари гоҳ насрда, баъзан шеърий сатрларда, муаллифнинг қалб қўшиғидек янграйди.

*Салом, Устюрт, йўлларингда,  
Чўлларингда ҳаёт қайнар.  
Янги кунга қанот берар,  
Юртдошларим куч ғайрати.*

<sup>1</sup> Г.Матёкубова. Муҳаббат юрти. Тошкент, 2002. 83-бет

*Энди сенинг ҳар қаричинг,  
Денгиз каби тошиб турар,  
Бу шиддатли, янги ҳаёт,  
Мустақиллик шарофати.*

Тўғри, бу мисралар алоҳида олиб қаралганда, поэтик жиҳатдан шеърият талабига тўла-тўқис жавоб бера олмаслиги мумкин. Парча оддий сўзлар тизмасидек таассурот қолдиради. Агар у мақоланинг ички мазмунига мослаштириб тўқилганини ҳисобга олсак, муаллиф ғояларини ўқувчига эмоционал етказишда муҳим восита бўлгани ижобий ҳолат, фикримизча.

Г.Матёкубованинг публицист-ёзувчи сифатидаги фаолиятига бир сидра назар ташладик. Ва шундай хулосага келдикки, у давр нафасини ҳис қиладиган, масала ва муаммоларни ҳозиржавоблик билан, замонга мос публицистик мақолаларида ёритишга қодир талант соҳибаси. Унинг бу йўналишдаги ижодининг яна бир ўзгачилиги шундаки, публицистик асарларининг кўпчилигида, ўрни-ўрни билан фикрни шеърият тилида ифодалай олади. Бундай лирик чекинишлар мақоланинг мазмун-моҳиятига ҳалақит бермайди, аксинча, илгари сурилаётган ғояни, ижтимоий фикрни ўқувчи енгилроқ англаб олиши, ҳис қилиш учун муҳим восита. Бу ҳам, назаримизда, публицист-ёзувчи истеъдодининг ноёб бир қиррасидир.

## **ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ РУСТАМ МУСУРМОН ТАРЖИМАЛАРИДА**

Ўзбек китобхонларини қорақалпоқ адабиёти намуналари билан таништириш жараёнлари ҳеч қачон, ҳеч бир даврда ҳам таржимачилик кун тартибидан тушган эмас. Ҳамиша таржимонлар ва адибларнинг диққат марказида турган. Бир вақтлар Ўзбекистон халқ шоири, атоқли таржимон Миртемирдан бошланган қорақалпоқ адабиётидан таржима тадбирлари йиллар ўтган сари фаоллашиб борди, таржимонлар сафи янги-янги мутаржимлар билан кенгайди, профессионал таржимонлар авлоди шаклланди. Миртемирдан кейин бу ишга Н.Фозилов, Ж.Камол, Л.Тожиева, М.Али, Р.Отаев, М.Аҳмад, С.Раҳмон, Х.Даврон ва яна ўнлаб шоир-таржимонлар озми-кўпми ҳисса қўшди. Бу ҳаракат икки қардош халқ адабий алоқалари ривожига муҳим ҳалқа вазифасини ўтади.

Истиқлол йилларида бу тадбирлар янада фаоллашди, таржима адабиёти янги таржимонлар меҳнати туфайли юксалиб борди, кўплаб таржима асарлари юзага келди. Ўзбек китобхонларини қорақалпоқ адабиёти, қорақалпоқ китобхонларини ўзбек адабиёти билан таништиришнинг янги босқичи бошланди. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон Республикаси халқ шоири, таниқли таржимон ва шоир Рустам Мусурмон бу жараёнга ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган фаол мутаржимлардан бири.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топган Р.Мусурмон мана, қарийб ўттиз йилдан бери ўзбек адабиёти maidонида ижод билан шуғулланиб келади. У ҳам шоир, ҳам таржимон сифатида танилган адиблар қаторида туради. Ҳозирга қадар бир неча шеърий ва насрий асар



лар яратди. Шоирнинг “Руҳимнинг товуши”, “Хиргойи” шеърӣ тўпламлари, “Руҳ насибаси” достони шеърӣят ихлосмандларига яхши таниш. Муаллиф прозада ҳам қалам тебратиб, “Муқанна” қиссасини ёзди.

Мухлислар Р.Мусурмонни жаҳон ва қардош адабиётларнинг моҳир таржимони деб ҳам яхши билади. У дунё адабиётининг П.Неруда, Р.Ружевич, И.Вазов, Д.Методиев каби шоирлар асарларини ўзбек тилига ўғирди. Ўзбекистондаги русийзабон шоирлардан бири Александр Файнбергнинг “Чиғир” номли китоби Р.Мусурмон таржимасида ўзбек тилида нашр этилди.

Р.Мусурмон қорақалпоқ адабиётининг том маънодаги дўсти ва таржимонидир. Дарақиқат, унинг таржимонлик фаолиятида қорақалпоқ адабиёти алоҳида ўринни эгаллайди. У таржима учун қорақалпоқ мумтоз ва замонавий адабиётининг атоқли шоир ва ёзувчиларининг энг сара асарларини танлаган. Ажиниёз, Бердақ шеърӣятдан намуналар Р.Мусурмон таржимасида ўзбек матбуотида босилиб чиқди. Ўзбек ўқувчилари И.Юсуповнинг “Сайланма” шеърларини унинг таржимасида ўқиш имкониятига эга бўлди. К.Каримов, Ў.Абдурахмонов, М.Низонов, Ш.Уснатдинов, Ш.Аяпов, Б.Генжемуратов, А.Абдиев сингари бугунги қорақалпоқ адабиётида танилган ҳамда тан олинган шоир ва ёзувчилари асарларининг ўзбек китобхонларига етказилишида Р.Мусурмоннинг меҳнатлари самарали эканлигини таъкидлаган бўлардик.

Тилга олинган ёзувчи ва шоирлар ижоди бугунги қорақалпоқ адабиёти тараққиётида муҳим ўринга эга. Таржимон айнан шу адиблар асарларини танлагани, ўзбек китобхонларини бугунги қорақалпоқ адабиёти ютуқлари билан таништиргани ибратли факт. К.Каримовнинг “Оғабий” ро-

ман-дилогияси, Ў.Абдурахмоновнинг “Оролим дардим менинг” роман-эссеси, М.Низоновнинг “Ҳаво кемасидаги икковлон” қиссаси, Б.Генжемуратовнинг “Укуздарё битиклари” шеърлар ва достонлар тўплами, Ш.Аяповнинг туркум шеърлари ҳозирги замон қорақалпоқ адабиётининг салмоқли асарлари қорақалпоқ адабиётининг обрўсини, бадий салоҳиятини белгилайдиган ижод намуналари эканлиги адабиётшуносликда эътироф этилди. Шухрати баланд бундай асарларни бошқа бир тилда, айтайлик, ўзбек тилида худди аслидагидай бадий савияда таржима қилиш осон эмас. Бунинг учун таржимонда, асл нусха тилини билишнинг ўзи камлик қилади. Катта истеъдод, бадий маҳорат, энг асосийси, қорақалпоқ ҳаётини, миллий колоритини муфассал билиш, ҳис қилиш ҳам зарур. Р.Мусурмон бу масалада тажрибали, қалами чиниққан, қорақалпоқ муҳитини ҳар жиҳатдан ўрганиб, қалбига сингдириб олганини таржималарнинг бадий савиясидан билиб олиш мумкин. Қолаверса, Р.Мусурмон ижодкор, шоир, ёзувчи. Таржима жараёнида бу фазилатлар асқотгани, шубҳасиз. К.Каримовнинг “Оғабий” романи таржимасини ўқиб шу хулосага келдик.

К.Каримов халқимизга шоир сифатида танилган эди. Сўнгги йилларда у насрга қўл урди ва гўзал тарихий романлар муаллифига айланди. “Оғабий” ёзувчининг тарихий мавзуда роман яратишдаги дастлабки жиддий ютуқларидан бири бўлди. Роман қўлма-қўл ўқилди, адабий танқидчиликда муносиб баҳоланди. Қорақалпоқ адабиёти Т.Қайпбергеновдан кейин яна бир тарихий роман билан бойиди. Қорақалпоқ халқи тарихида ўчмас из қолдирган Ерназар бий, Маман бий, Ойдўс бий каби тарихий шахслар, уларнинг бадий образлари яратилган асарлар қаторига яна бир тарихий шахс

Ережеп-Оғабийнинг бадий қиёфаси гавдалантирилган роман-диалогия қўшилгани наинки ёзувчи, балки умумқорақалпоқ адабиётининг катта ютуғи бўлди. Р.Мусурмоннинг мана шундай номдор асар таржимасига киришиб, уни муваффақиятли бажаргани эътирофга лойиқ.

“Оғабий” тарихий роман. Бош қаҳрамон ҳам тарихий шахс. Қорақалпоқ халқининг яқин ўтмиш тарихи, аниқроғи, Оролбўйи халқларининг тинчлик, фаровон ҳаёт, бахтли турмуш учун кураш йўли, бу йўлда халқига раҳномалик қилган мард, жасур Оғабийдек юрт фарзандлари ҳаёт тарзи, тақдири мисолида бутун бошли халқнинг маънавий-ахлоқий сифатлари бадий гавдалантирилади. Ёзувчи романнинг “Кўч” номли биринчи, “Ота юрт” номли иккинчи китобида Оғабий тақдири билан боғлиқ воқеаларга мурожаат этади, қувончли, қайғули ҳаёт фактларини ёритади. Бухородан Чимбойга кўчиш воқеалари, қаҳрамонларнинг севги ва ҳижрон изтироблари, қизиқарли саргузаштлар, қорақалпоқ халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, сайислар ва чавандозларнинг ҳаракатлари тарихий фонда, даврга мослаштириб, бадий талқин этилгани романнинг катта ютуғи. Қисқаси, романнинг ҳар бир саҳифасида қорақалпоқ руҳи, табиатининг ўзига хос жилолари, урф-одатлари ва анъаналарининг бетакрор тасвири ўқувчига завқ беради. Қорақалпоқ ҳаётига хос бу ўзгачаликларни таржимада тўла бериш таржимондан катта истеъдод ва масъулият талаб қилиши табиий.

Р.Мусурмон бу вазифани имкони даражасида амалга оширган. Таржима жиддий эътироз туғдирмайди. Фикримизни баъзи мисоллар билан тасдиқлашга уриниб кўрамиз. “Оғабий”нинг биринчи китоби “Кўч”нинг дастлабки саҳифаларида қуйидаги жумлани ўқиймиз: “Алап-кенислик, майдан,

кен дала. Шет-шеберсиз алап”. Ёзувчи қорақалпоқ табиатига хос кўринишни юқоридаги шаклда тасвирлаган. Таржимон бу тасвирни анча ихчамлаштириб, қуйидаги мазмунда ўгирган: “*Четсиз-чегарасиз саҳро*”. “Саҳро” сўзи аслиятдаги тўрт сўзнинг: алап-кенислик, айдан кен дала” маъносини бера олади. Таржимоннинг бу ижодий таҳрири ўзини оқлаган, жумла анча ихчамлаштирилган. Таржимада асл нусхага сайқал берилганига яна бир мисол келтирамиз. Аслиятда: “Коплине жағып кететуғын, сырлы, журекке жақын... Ата макан Шымбай, Давқара созлери шаршағанға мадет бергендей боладыдағы бырақ ози жеткермейди.” Бу жумлалар таржимада сайқалланган, тиниқлаштирилган. Қиёсланг: “Барчанинг кўнглига ёқиб кетадиган, сирли юракка яқин ота макон “Чимбой”, “Давқора” сўзлари чарчаганда мадад бергандек бўладиган, бироқ ўз висолига етказмайдиган гўзалдек олисга қочаверади”. Эътибор берган бўлсангиз, асл нусхада “гўзал висоли” ҳақида сўз йўқ. Таржимада бу ўхшатишнинг қўлланилгани аслиятнинг поэтик таъсирини кучайтирган. Бу ўринда таржимоннинг шоирлик тажрибаси қўл келган, деб ўйлаймиз.

Романда шунга яқин яна бир таржима бор. Асл нусхадаги: “Ийинлериндеги табытты гезеклесип алмасып, тез қадем таслап, асығып барар еди” жумласининг қуйидаги мазмунда ўгирилгани яхши чиққан: “*Елкаларида қалқиб бораётган тобутни галма-гал кўтаришар, қадамларини тезлатиб олға интилар эдилар.*” Таржимага “қалқиб бораётган” сўз бирикмасининг қўшилгани ҳолатни анча жонлантирган, таъсир кучини оширган. Таржимон ўзбек тилининг бой имкониятидан ўринли фойдалангани сезилиб турибди. Бундай яхши таржималарга романдан яна мисоллар келтириш мумкин, албатта.

Романнинг ўзбек тилига таржимасида китобхонни қониқтирмайдиган таржималар ҳам борлигини қайд этгимиз келади. Таржимоннинг аслият тилини пухта билмаслиги, асл нусхадаги баъзи сўзларни нотўғри қўллаши, айрим сўз ва ибораларни ўринсиз таржимада тушириб қолдириш ҳоллари учрайдики, бу ҳаракат таржиманинг сифатига салбий таъсир кўрсатган. Мисоллар келтирамиз. Асл нусхада: “еле кокжиекке бас котермеген қуяштын алды...” деган жумладаги “кокжиек” атамаси таржимада ҳам худди шундай “*кўкжияк*” маъносида олинган. Ўзбек тили луғатида бу сўз учрамади. Ўзбек тилида бу сўз “уфқ”, рус тилида “горизонт” маъноларида келади. Ўзбек ўқувчиси “*кўкжияк*”нинг маъносини тушунармикан? Изоҳ зарур эди, назаримизда. Шунга яқин яна бир мисол: «Нурлар Бектемир жатырған уйдин тутининен қарайған шанарағына тусти де, сонынан қара кийиз жабылған қаддин айқынластыра берди.» Таржимада бироз мавҳумликлар бордек: “Ёғду Бектемир ётган жўлим уйнинг тутинидан қорайган чанғароғига тушди-да, сўнгра қора кийиз ёпилган уй ичини ёритди. Қадди, турпати, турқи, қадди- бўйи.”

Таржима анча бўш. Ўзбек тилида “жўлим уй” атамаси бормикан? Асл нусхада “шанарағына тусти” деган сўз бирикмасининг “чанғароғига тушди” мазмунида ўгирилиши тўғримикан? “Шанарақ” қорақалпоқ тилида оила деган маънони англатади. Таржимада ўқувчи тушунмайдиган бир сўз ўйлаб топилган шекилли. “Қора кийиз эмас”, таржимада “*қора кигиз*” деб ёзилиши керак. Таржиманинг охиридаги тўрт сўзни, умуман, тушунмадик. Асл нусхадаги ўн олти сўз, таржимада йигирма бирга етган. Ниманинг ҳисобига кўпайган? Ўқувчи шу саволни беришга ҳақли, бизнингча.

“Кўч” романининг саҳифаларидан бирида мана бундай жумла бор: “Балентирек тобенин устине тигилген Кулши бийдин қара уйи булдирип коринеди.” Жумлада “булдирип” деган сўз бор. Бу сўз ўзбек тилида “*элас-элас кўринади*” деган маънони англатади. Таржимада бу маъно чиқмаган. Қиёсланг: “*Кулчи бийнинг тепа устига тикилган қора уйи гезариб кўринди*”. “Гезариб” ўзбек тилида ранги ўчиб кетган, бўзармоқ маъноларини беради. Бу сўз кўпроқ инсонларга нисбатан ишлатилади, уйга нисбатан эмас. “Балентирек” деган сўз ҳам негадир таржимада тушириб қолдирилган.

Кўрсатилган камчиликлар романнинг дастлабки саҳифаларида учрайди. Шундай бўлса-да, биз романнинг ўзбек тилига таржимаси ҳам асл нусхасидек мукамал, ўзбек ўқувчисини ҳам қаноатлантирадиган даражада бўлишини истардик. Таржимон таржима устида анча меҳнат қилган. Ҳар қандай таржима асарда бундай камчиликлар бўлиши табиий. Дарвоқе, ҳеч бир таржимон таржима қилаётган асарини бошқа бир тилга юз фоиз аслидагидек ўгирдим, деб даъво қила олмаса керак. Р.Мусурмон ҳам бу жараёндан истисно эмас. Юқорида биз келтирган мисоллар таржимон меҳнатини инкор қилишга эмас, балки эътироф этишга қаратилганини ҳисобга олишингизни хоҳлардик.

Тарихий мавзудаги асарларни бошқа бир тилга кўчиришда таржимон олдида турадиган бир муаммо бор. Таржимон иш жараёнида фақат асл нусханинг мазмуни билан чегараланиб қолмаслиги керак. Романга асос бўлган тарихий даврни, сюжетга жалб қилинган манбаларни, яъни ҳаёт материалини ҳам ўрганган бўлиши лозим. Ёзувчи асарни ёзиш жараёнида бу масалага қанчалик масъулият билан ёндашган бўлса, таржимон ҳам ундан кам бўлмаган масъулият билан манбаларни ўрганган

бўлиши зарур. Бу таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган омиллардан бири. Р.Мусурмон таржимада бу мезонга амал қилган кўринади. Давр тарихий шароити, ҳаёт материалидан яхшигина хабардорлиги сезилиб туради. Ҳарҳолда, “Оғабий” романининг ўзбек тилидаги таржимаси ўқувчини қаноатлантиришига ишонамиз. Бу ишда Р.Мусурмоннинг ёзувчилик таланти кўл келганини айтиб ўтиш жоиз.

Замонавий қорақалпоқ шеърлятини ўзбек тилига ўгиришда мутаржим фаоллик кўрсатмоқда. Талантли ёш шоирларнинг туркум шеърлари Ўзбекистон матбуотида Р.Мусурмон таржимасида тез-тез босилиб келмоқда, шеърӣ китоблари алоҳида нашр этилаёпти.

Бир мисол. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” рубрикасида қорақалпоқ ёш ижодкорларидан А.Дарменовнинг “Ой дўст”, С.Мусаддинованинг “Карвон йўллари” тўпламлари Р.Мусурмон таржимасида ўзбек тилида босилиб чиқди. Шунингдек, таржимон қорақалпоқ адабиётининг янги, етук ижод намуналарини Ўзбекистоннинг бош газета-журналларида мунтазам ўз таржимасида бериб бораётганидан мухлислар хабардор.

Яна бир ёқимли хабар. Эшитишимизга қараганда, Р.Мусурмон яқин йилларда ўзбек тилида нашр қилиниши режалаштирилаётган “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” туркумидаги ўн олти жилдлик китобнинг таржимонларидан бири экан. Бу ҳам, бизнингча, таржимоннинг қорақалпоқ адабиётига ихлосининг намоиши, қорақалпоқ адабиётига хизмат қилишнинг бир белгисидир.

Ўз навбатида Р.Мусурмоннинг туркум шеърлари, публицистик мақолалари, бошқа жанрлардаги асарлари ҳам Қорақалпоғистоннинг “Амударё”

журнали, “Еркин Қарақалпақстан”, “Қорақалпоқ адабиёти” газеталарида мунтазам чоп этилаётгани шоир-таржимон ижодига қизиқиш ва ҳурматнинг ифодасидир.

Р.Мусурмон қорақалпоқ адабиёти ва ижодкорлари билан мустаҳкам алоқада бўлиб келаётган фаол ўзбек адибларидан бири. Қорақалпоғистонда бирор адабий-маданий тадбир ёки шоир ва ёзувчиларнинг юбилеи йўқки, унда Р.Мусурмон иштирок этмаган, сўзга чиқиб икки қардош адабиётнинг дўстлиги, алоқалари тўғрисида илҳом билан сўзламаган, шеър ўқимаган бўлсин. Унинг К.Каримов, Ў.Абдурахмонов, Ш.Аяпов, М.Низонов, А.Абдиев, Б.Генжемуратов, М.Аҳмад ва яна бир неча қорақалпоқ ёзувчилари ва шоирлари билан танишлиги, дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги халқларимиз ва адабиётларимиз дўстлигига хизмат қилаётгани таҳсинга сазовор. Р.Мусурмонга “Қорақалпоғистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвонининг берилгани бежиз эмас. Бу, шоирнинг Қорақалпоғистон халқи, қорақалпоқ адабиёти олдидаги, Ўзбекистонда қорақалпоқ адабиётини тарғиб қилишдаги хизматларининг тақдирлангани, эътирофи рамзидир.

Биз Р.Мусурмоннинг қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималари хусусида умумий йўналишда сўз юритдик. Таржималарининг номларини кўпроқ тилга олиш билан чекландик. Таржималарнинг савиясини мисолларда камроқ таҳлил қилдик. Мақсад, Р.Мусурмоннинг қорақалпоқ адабиётининг моҳир таржимонларидан бири эканлиги ҳақидаги қарашларимизни илмий муомалага киритишдан, мутахассисларни мавзуни ўрганишга даъват этишдан иборат эди. Аслида, бу катта кўламдаги махсус илмий-тадқиқотни тақозо этадиган мавзу. Шоирнинг қорақалпоқ адабиётидан юқорида тил-

га олинган таржималарини атрофлича ўрганиш, кенг кўламли қиёсий таҳлил орқали ютуқ ва камчиликларини умумлаштириш галдаги вазифаларимиздан бири бўлиб қолишини эслатиб ўтишни лозим топдик.

## ХУЛОСА

Адабий алоқалар ва ижодий таъсирлар масалалари қайси халқ, қандай миллат адабиёти доирасида бўлмасин, узоқ ва яқин ўтмиш тарихида ҳам, ҳозир ҳам адабиётлар тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири эканлиги тасдиқланган. Устоз-шогирдлик анъанаси нафақат яхлит бир адабиёт, балки алоҳида шоир ва ёзувчилар учун ҳам ўрганиш, тажриба тўплаш, ижодкорлик маҳоратни чиниқтириш мактаби вазифасини ўтаган. Фикримиз исботига адабиётлардан хоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин. Муайян миллий адабиётдаги номдор адибларнинг ижодий эволюциясини кузатсак, улар ўз адабиётларидаги анъаналардан фойдаланган ҳолда, бошқа адабиётларнинг машҳур асарларидан ҳам баҳраманд бўлиб, улар таъсирида ижод қилган. Ўзлари мансуб адабиётни яхши асарлари билан бойитишга ҳисса қўшган. Бу жараённинг аҳамиятини ўзлари ҳам матбуотда эътироф этишган.

Аслида истеъдоди тан олинган хоҳлаган бир адабиётнинг бирор вакили ижодини кузатсангиз, жаҳон адабиётини четлаб ўтиб, бадий маҳоратда муайян ютуққа эришгани сезилмайди. Оқибатда яратган асарлари ҳам ўз адабиёти доирасидан чиқа олмай шу адабиётнинг “мулкигина” бўлиб қолаверади. Демак, адабий алоқа ва таъсир шундай ҳодисаки, у фақат бирор миллий адабиёт тараққиётидагина эмас, ҳар бир ижодкор бадий-эстетик талантининг шаклланишида ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Тили, тарихи, адабиёти ва урф-одатлари ўхшаш Марказий Осиё халқлари ва адабиётлари, санъати ва маданияти ўртасида узоқ асрлардан бери давом



этиб келаётган адабий алоқалар ва ўзаро таъсирлар мисолида жараённинг ибратли натижаларини кўриш мумкин. Ўзбек адабиётининг қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, тожик адабиётлари билан алоқалари, тажриба алмашув ва ижодий таъсирларнинг бу миллий адабиёт тараққиётида роли бўлганидек, ҳар бир шоир ёки ёзувчи учун ҳам сабоқ мактаби бўлгани реал ҳақиқат. Тилга олинган адабиётларда бирор атоқли ижодкор йўқки, жаҳон ёки қардош адабиётлардан илҳомланиб, анъаналарини давом эттирмаган бўлсин. Ўзбек адабиётининг Ойбек ва Ғафур Ғулом, қозоқ адабиётининг Мухтор Авезов ва Собит Муқанов қорақалпоқ адабиётининг Тўлепберган Қайпберганов ва Ибройим Юсупов, қирғиз адабиётининг Али Тўқамбоев ва Чингиз Айтматов, туркман адабиётининг Берди Кербобоев ва Беки Сайтаков, тожик адабиётининг Мирзо Турсунзода ва Миршакар каби сўз санъаткорлари нафақат ўз адабиётларида, балки жаҳон адабиётида ҳам танилганини мухлислар яхши билса керак. Биз ҳар бир миллий адабиётдан икки ижодкорни тилга олдик холос. Аслида, мазкур адабиётларда бундай мавқега эга, ўз адабиётларидан ташқарида ҳам танилган шоир ва ёзувчилар кўп.

Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётлари тараққиётнинг бугунги босқичига етиб келишида улар ўртасидаги адабий ҳамкорликнинг роли бўлгани шубҳасиз. Икки халқ ҳаёти ва тақдиридаги умумийликлар жараёни янада фаоллаштирди. Қорақалпоқ ва ўзбек халқлари тарихий илдизларининг бирлиги, тили, тарихи, урф-одатларидаги ўхшашликлар, ёзма адабиёти ва фольклоридаги муштаракликлар минтақавий яқинликлар, бари-бари икки халқ адабий алоқаларининг муваффақиятли ривожланишини таъминлаган омиллардир. Қорақалпоқ ва ўзбек мумтоз адабиётлари

алоқалари, шўролар даври ва айниқса, мустақиллик йилларида изчил ривожланди, турли бадийий шаклларда, ранг-баранг мавзуларда жараён давом этди. Ўзаро адабий мавзу алмашиб, асарлар ёзиш ҳодисаси кенгайди. Ўзбек адабиётида қорақалпоқ мавзуси, қорақалпоқ адабиётида Ўзбекистон ҳақида турли жанрларда туркум асарлар пайдо бўлди. Бадий таржима жараёнлари ҳам кенгайиб борди. Ўзбек адабиётининг нодир асарлари қорақалпоқ тилига, қорақалпоқ адабиётидан яхши асарлар ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонларга етказилди. Адабиётшунослигимиз ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилди. Ўзбек адабиётшунос олимларининг қорақалпоқ мумтоз ва замонавий адабиёти ҳақидаги, қорақалпоқ адабиётшуносларининг ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти таҳлиliga бағишланган махсус тадқиқотлари юзага келди. Агар бу айтилганларга Ғафур Ғулом, Жўлмирза Оймирзаев, Миртемир, Асқад Мухтор, Зулфия, Тўлепберган Қайпберганов, Ибройим Юсупов, Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидов, Ўрозбой Абдурахмонов ва Гулистон Матёкубовадек таниқли шоир ва ёзувчиларнинг қорақалпоқ ва ўзбек адабиёти, ижод аҳли ҳақида матбуотда билдирган фикрлари, эътирофларини ҳам қўшсак, мавзунинг қамрови нақадар кенг ва ранг-баранг жараён эканлигини тасаввур қилиш мумкин.

Китобдаги илмий изланишларнинг мазмун моҳияти тилга олинган адабий алоқа шакллари имкон қадар тадқиқ қилишга қаратилди. Ҳар бир тадқиқотда таҳлил объекти бўлган асарнинг ички мазмунига сингдирилган дўстлик ғояларининг реалистик ифодаси, муаллифларнинг қардош халқ ҳаётини ёритишдаги тажрибаси, миллий колоритни беришдаги ўзига хослигига қараб хулоса чиқаришга ҳаракат қилдик. Ва ўйлашимизча, адабиёт-

ларда дўстлик мавзусида яратилган асарлар қайси жанрда бўлишидан қатъий назар, ўзбек ҳаёти қорақалпоқ ижодкорлари қаламида, қорақалпоқ мавзуси ўзбек шоир ва ёзувчилари нигоҳида реалистик чизилганига гувоҳ бўлдик. Мавзулар тасвирида жиддий камчиликлар учрамади.

Яна бир мулоҳазани айтиш жоиз кўринади. Китобдаги таҳлилга тортилган баъзи асарлар шўролар даврида ёзилган. Ғ.Ғулом ва Ж.Оймирзаевнинг баъзи шеърлари, айрим қиссалари, Миртемирнинг “Қорақалпоқ дафтари” туркуми ва “Сурат” достони, А.Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси”, И.Юсуповнинг баъзи асарлари шўролар даври маҳсули. Асарлар ўз даврида ҳар бир адабиётнинг салмоқли ютуғи тарзида баҳоланган. Ўқувчида савол туғилиши табиий. Шўро даври мафкураси ва сиёсати таъсирида битилган бу хилдаги асарларни ҳозирда ўрганиш, тарғиб қилиш қанчалик тўғри? Бу ишга қандай зарурат бор? Бу саволга китобнинг бир жойида академиклар М.Қўшжонов ва Б.Назаровнинг шўро даври адабиётига муносабати мисолида жавоб бердик. Биз ҳам таҳлил давомида шу тамойилга таяниб асарларга муносабат билдирдик.

Шўролар даврида ёзилган асарларга олимларимиз кўрсатган мезонлардан ёндашишга, таҳлил жараёнида шўро тузуми мафкурасига хос жиҳатларга эмас, у ёки бу асарнинг “туб моҳияти, инсоннинг абадий муаммолари, инсон билан боғлиқ ҳаёт завқини, яшамоқ сеҳрининг жозибаларини” куйлашга йўналтирилган саҳифаларига диққат қаратишга интилдик. Ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган умуминсоний манфаатлар, умуминсоний қадриятлар, ҳамма замонларга “хизмат” қилишга қодир, бадийяти олмосдек жилоланиб турадиган асарларни назардан ўтказиш эътиборимизда бўлди. Аслида ҳам тадқиқот учун танланган асарлар

шўро даври мафкурасидан кўра мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг бадий баркамол, қадри баланд ижод намуналари эди.

Кўлингиздаги китоб баҳонасида яна бир мақсадни айтмоқчимиз. Гап шундаки, ўзаро адабий мавзулар алмашув миллий адабиётлар мундарижасида етакчи ўринлардан бирида туради. Адабиётларда бу соҳада етарли тажриба тўпланган. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб қорақалпоқ ва ўзбек адабиётида дўстликка доир турли жанрларда туркум асарлар яратилганини мутахассислар яхши билади, ўқувчилар ҳам хабардор. Бироқ сўнгги йилларда бундай характердаги асарлар ўзбек адабиётида ҳам қорақалпоқ адабиётида ҳам деярли яратилмади. Бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳозирги адабий муҳит дўстлик, қардошлик куйланган асарларга эҳтиёж сезмоқда. Демокчимизки, унутилиб бораётган бу адабий ҳодиса адабиётларнинг кун тартибига қўйилиб, ижодкорларни соҳага қизиқтиришда, қалам аҳли қалбидаги қардош халқлар ҳаёти ва адабиётига нисбатан дўстлик туйғуларини кўзгаб, илҳомлантирса, мавзуга тегишли туркум-туркум асарлар яратишида китобимиздаги концепциялар, таклиф ва мулоҳазалар амалий аҳамият касб этишини истаган бўлардик.

Фикримизча, таржимашунослик ҳам энг оқсаетган соҳалардан бири. Лекин уларни таҳлил қилиб, таржимашуносликнинг долзарб муаммолари кўтарилган илмий ишлар йўқ ҳисоби. Таржималарнинг бадий савияси таржимашунослик илмининг ривожланиши билан боғлиқ экан, бу масалага жиддий эътибор бериш, таржимонларга амалий ёрдами тегадиган, бир вақтлардагидек таржимашунослик бўйича китоблар туркумини чоп эттириш эндиликда долзарб вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Рисолада ўзбек ва қорақалпоқ адабиётидан

амалга оширилган ўзаро таржималарга бағишланган бир неча мақолалар бор. Уларнинг таржимашуносликдаги бўшлиқни қисман бўлса-да тўлдириш, мутахассисларни соҳани ривожлантиришга чақириқ маъносида ёзилди.

Яна бир фикр. Ўзбек адабиётшуносларининг қорақалпоқ адабиёти, ўз навбатида, қорақалпоқ олимларининг ўзбек адабиёти ҳақида илмий тадқиқотлар юритиш жараёнлари янада фаоллаштирилса, наинки адабиётларимиз, балки адабиётшунослигимиз алоқалари ҳам юксалган, ўзаро тажриба алмашувларнинг натижалари икки адабиёт ва адабиётшунослик учун фақат наф келтирган бўларди.

Юқорида айтилганларнинг умумий хулосаси шундан иборатки, монографиядаги ҳар бир тадқиқот, адабий алоқанинг муайян шакли таҳлилига бағишланган илмий изланишлар ўзбек ва қорақалпоқ, қорақалпоқ ва ўзбек адабий алоқаларини ўрганишда давом этиб келаётган сусткашлиқни салгина бўлса-да фаоллаштиришга ундаса, мавзуни адабиётшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айлантиришга мутахассисларни даъват этса, китобдан кўзланган мақсадга эришган бўлардик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. “Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи”, 2017 йил, 14 сентябрь.

2. Ш.М.Мирзиёев. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияси иштирокчиларига табрик. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 7 август

3. Ш.М.Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 3 август

4. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. Халқаро конференция материаллари. Тошкент., 2020 й.

5. А.Мухтор. Қорақалпоқ қиссаси. Тошкент., 1971 й.

6. А.Бушмин. Преимущество в развитии литературы. Ленинград., 1978 г

7. Бердақ. Танламалы шығармалары. Нокис., 1987 ж.

8. Бердақ. Сайланды шығармалары. Нокис., 1997 ж.

9. Бердақ шеъриятдан. (Қорақалпоқ тилидан Миртемир таржимаси) Тошкент., 1983 й.

10. Бердақ. Халқ учун. (Қорақалпоқ тилидан Э.Очилов таржимаси) Тошкент., 2021 й.

11. Бердақ ҳаққында соз. Мақалалар топламы. Нокис., 1987 ж.

12. Б.Назаров. Марказий Осиё халқлари адабиёти тараққиётида Тўлепберган Қайпбергенов ижодининг аҳамияти. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2009 й. 4-сон.

13. Б.Назаров. Замон лочини. Бердақ. Танланган асарлар. Сўзбоши (Қорақалпоқ тилидан Музаффар Аҳмад таржимаси) Тошкент., 1998 й.

14. Б.Назаров. Қорақалпоқ халқининг улуғ шоири. (Бердақ) “Ўзбек тили ва адабиёти” журна-ли, 1999 й., 1-сон

15. Б.Назаров. Ажиниёзнинг адабий мероси. “Ўзбек тили ва адабиёти” журна-ли, 2000 й., 3-сон.

16. Б.Назаров. Қорақалпоқ мумтоз шеърининг шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2010 й., 6-сон.

17. Б.Қурбонбоев. Бердақ ва ўзбек адабиёти. Тошкент., 1982 й.

18. Б.Каримов. Абдулла Қодирий ва герменев-тик тафаккур. Тошкент, 2014 й.

19. Б.Каримов. Руҳият алифбоси. Тошкент., 2018 й.

20. В.Зоҳидов. Жаҳон бадияти зарварақлари. (Бердақ ижоди ҳақида) Тошкент., 1980 й.

21. Г.Гачечиладзе. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. Москва., 1980 г.

22. Г.Ломидзе. Буюк муштараклик туйғуси. Тошкент., 1980 й.

23. Г.Матёкубова. Йўллари-га чикдим. Нукус., 1997 й.

24. Г.Матёкубова. “Ота уйим”. Тошкент., 2014 й.

25. Г.Матёкубова. Кўксимдаги нур. Тошкент., 2021 й.

26. Г.Матёкубова. Ватан руҳи. Нукус., 2011 й.

27. Г.Матёкубова. Жаналанган қарақалпақ ди-ярым. Нокис., 2020 ж.

28. Д.Дюришин. Теория сравнительного изу-чения литературы. Москва., 1979 г.

29. Ж.Ойми-рзаев. Бахт бешиги. Тошкент., 1970 й.

30. Ж.Аймурзаев. Улым тынла. Нокис., 1996 ж.

31. З.Бекбергенова. Ҳазирги қарақалпақ по-эзиясында фольклорлық дастурлер. Нокис., 2011 ж.

32. И.Юсупов. “Тасқа когерген гул”. Қосықлар ҳам поэмалар. Нокис., 2017 ж.

33. И.Юсупов. “Сўфитўрғай саломи”. Тош-кент., 2015 й.

34. К.Мамбетов. Озбек хэм қарақалпақ эдебий байланыслары. Нокис., 1992 ж.

35. К.Қурамбоев. Таржима ва таржимон масъу-лияти. Тошкент., 2007 й

36. Махтумқули. Булбул нола-си. Махтумқули шеърлари. (Туркман тилидан Э.Очилов таржи-маси) Тошкент., 2014 й.

37. Миртемир. Дўстлар даврасида. Тошкент., 1980 й.

38. Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 3 жилд. Тошкент., 1982 й.

39. М.Б.Храпченко. Трoвческая индивидуаль-ность писателя и развитие литературы. Москва, 1972 г.

40. М.Қўшжо-нов. Жайхун жилolari. Тош-кент., 2008 й.

41. М.Аҳмад. Икки дўст достони. Тошкент., 1997 й.

42. Н.Каримов. Миртемир. Маърифий-биогра-фик роман. Тошкент., 2012 й.

43. Н.Каримов. Миртемир ҳақида. Тошкент., 2014 й.

44. Н.Рахимжонов. Истиқлол ва бугунги адабиёт. Тошкент., 2012 й.

45. Проблемы двуязычия и многоязычие. Сборник научных статей. Москва., 1972 г.

46. С.Акбарий. Шукрона. Сайланма. Тошкент., 1987 й.

47. Т.Ҳалилов. Миртемир маҳорати. Тошкент., 1980 й.

48. Таржима санъати. 4 китоб. Тошкент., 1978 й.

49. Таржима санъати. 5 китоб. Тошкент., 1980 й.

50. Қ.Мақсетов. Қарақалпақ адабиятынын туўысқан халықлар адабиятлары менен байланыслары. Нокис., 1987 ж.

51. Қарақалпақ фольклоры. Коп томлық. 9-том, Ташкент., 2009 ж.

52. Қ.Жаримбетов. XIX асир қарақалпақ лирикасынын жанрлық қасийетлери ҳам раўажланыў тарийхы. Нокис, 2004 ж.

53. Қ.Оразымбетов. Ҳазирги қарақалпақ лирикасында коркем излениўшилиқ. Еки томлық. 1 том. Нокис, 2018 ж.

54. Ғ.Ғулом. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 3 жилд. Тошкент., 1959 й.

55. Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш. Тошкент., 1978 й.

56. Ч.Айтматов. Жамила. Қисса. Тошкент., 1964 й.

## МУНДАРИЖА

|                                                                     |     |
|---------------------------------------------------------------------|-----|
| <i>Кириш</i> .....                                                  | 3   |
| Адабий алоқалар – адабий жараён тақозоси.....                       | 8   |
| Адабий алоқаларда алоҳида ижодкорларнинг воситачилиқ роли .....     | 17  |
| Қорақалпоқ шеъриятида Ғафур Ғулом анъаналари ва ўзига хослик .....  | 26  |
| Қорақалпоқ мавзуси Миртемир лирикасида .....                        | 36  |
| Мавзу яқинлиги – тасвир хилма-хиллиги.....                          | 55  |
| Ўхшаш сюжетлар, ўхшаш тақдирлар, янги талқинлар. 65                 |     |
| Шеърин туркум яратиш анъанаси ва ижодий индивидуаллик .....         | 76  |
| Бердақ асарлари ўзбекча таржималарда.....                           | 103 |
| Ўзбек тилида жаранглаган қорақалпоқ эпоси .....                     | 120 |
| Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги                                  |     |
| Бердақ ижоди ҳақида.....                                            | 127 |
| Ибройим Юсупов ва ўзбек адабиёти.....                               | 148 |
| Қорақалпоқ адабиёти Бахтиёр Назаров тадқиқотларида .....            | 160 |
| Қорақалпоғистондаги ўзбек тилли ижодкорларнинг ўзига хослиги.....   | 171 |
| Миллий колорит, образлиқ – бадиият мезони .....                     | 183 |
| Достонлар, сахна асарлари қорақалпоқ ҳаётининг бадиий кўзгуси ..... | 195 |
| Қорақалпоғистон публицист ёзувчи нигоҳида .....                     | 214 |
| Қорақалпоқ адабиёти Рустам Мусурмон таржималарида .....             | 223 |
| <i>Хулоса</i> .....                                                 | 233 |
| <i>Фойдаланилган адабиётлар</i> .....                               | 239 |



**ГУЛАНДОМ ҚУРАМБОЕВА**  
филология фанлари номзоди, доцент

# **ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ**

(адабий алоқа, ўзаро таъсир ва  
бадий таржима)

## **МОНОГРАФИЯ**

*Муҳаррир: О. Фозилова*  
*Саҳифаловчи-дизайнер: К. Рахматов*

**«EFFECT-D» нашриёти**  
**Нашр. лиц. № АА 0016. 19.08.2019 й.**

24.06.2022 да нашрга рухсат этилди. Формат 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Шартли б.т. 14,75. Ҳисоб. б.т. 15,25. Times гарнитураси.  
300 нусха. 49-бўйртма.

Манзил: Тошкент ш., Абай кўчаси 16-А уй  
Тел.: +998 97 755-99-07, +998 94 673-99-07.  
Электрон почта: [info@effectnashr.uz](mailto:info@effectnashr.uz)